

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Э.Т. Ҳожиев, Ғ.Т. Ҳакимов**

# **МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ**

**Тошкент – 2011**

Тошкент давлат юридик институти Ўқув-услубий кенгашининг 2010 йил 23 декабрдаги мажлисида 5-сонли баённома билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

**УДК: 342.92(075)**

**67.401**

**X-70**

**Э.Т.Хожиев, Ф.Т.Хакимов.**

Маъмурий хукук. Бакалавриатнинг 5А-380100 – юриспруденция йўналиши талабалари учун ўқув кўлланма. / Масъуль мухаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 407 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

**ББК 67.401я73**

**Тақризчилар:**

**А.Р.Рахманов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси “Давлат қурилиши ва хукук” кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор.

**А.А.Ли** – ТДЮИ “Маъмурий ва молия хукуки” кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди.

Ушбу ўқув қўлланмада маъмурий хукук фанининг асосини ташкил этувчи давлат бошқарувининг мазмуни-моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари, функциялари ва принциплари; маъмурий хукукнинг предмети, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш услуби, тизими ва манбалари; маъмурий-хукукий нормалар ва муносабатлар; давлат органдарни, давлат хизматчилари; нодавлат ташкилотлари ва жисмоний шахсларнинг маъмурий-хукукий мақоми; давлат бошқаруви фаолиятининг маъмурий-хукукий шакллари ва услублари; маъмурий хуқукбузарлик ва маъмурий жавобгарлик; давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш ва бошқа масалалар ўз ифодасини топган.

© Э.Т.Хожиев, Ф.Т.Хакимов.

© Тошкент давлат юридик институти, 2011 йил

## Сўзбоши

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг маъмурий-буйруқбозлиқ, режали-таксимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида таъкидлаганларидек, “Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга тадбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмуни – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан ҳоли этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлат бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир”<sup>1</sup>

Таъкидлаш керакки, мазкур ислоҳотлар жараённида фуқаро, жамият ва давлат ўргасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, давлат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш масаласи биринчи галдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги конуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан келиб чиққан ҳолда таълим соҳасида туб ислоҳотлар олиб борилиб, таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш асосий вазифа этиб белгиланди. Ўтган вақтлар мобайнинда ўрта, ўрта-махсус касб ҳунар ва олий таълимнинг янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иктисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш, табақалаштирилган таълимга ўтишни тўлиқ амалга ошириш, таълим муассасаларини маҳсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдиришни

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Халк сўзи, 2010 йил 13 ноябрь. - №220 (5135).

таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган мухитни вужудга келтириш белгиланди.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида давлат бошқарувини тўғри ташкил этиш ва уни амалга ошириш – ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, жамият ва давлат олдида турган асосий вазифаларни рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга. Давлат бошқарув тизимини янада такомиллаштириш олиб борилаётган маъмурий ислохотлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ўзгартириш, унинг самара-дорлигини ошириш, бошқарувда оптималь механизмни яратишдан иборат.

Маъмурий ҳукуқ Ўзбекистон Республикаси ҳукуқ тизимининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, жамият ва давлат ҳаётининг турли соҳаларида бошқарув фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳукукий тартибга солишининг асосини ташкил этади.

Тайёрланган “Маъмурий ҳукуқ” ўкув қўлланмаси амалдаги қонунчилик асосида давлат бошқарувининг назарий-ҳукукий масалаларини ёритиб беришни, бошқарувни ташкил этиш ва амалга ошириш амалиётига эътиборни кучайтиришни, уни қайта ташкил этишининг янги йўналишларини ишлаб чиқиши, давлат бошқарувини кадрлар билан таъминлашни самарали ташкил этишни такомиллаштиришни назарда тутади.

Мазкур қўлланмада, муаллифлар, давлат бошқаруви ва унинг асосий тамойиллари; маъмурий ҳукуқ предмети, усули, тизими ва манбалари; маъмурий-ҳукукий меъёрлар ва муносабатлар; маъмурий ҳукуқ субъектлари; маъмурий ҳукукий шакллар ва усулилар; маъмурий жавобгарлик; маъмурий жараён ва маъмурий ҳукуқбузарликлар бўйича иш юритиш, шунингдек давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш сингари асосий маъмурий-ҳукукий институт-ларга янгича ёндошган.

Ушбу ўкув қўлланма ҳукуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга, аспирантларга, таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчиларига, шунингдек маъмурий ҳукуқ масалалари билан қизикувчи кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган.

## ***Муаллифлардан***

# **МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ЎҚУВ КУРСИГА КИРИШ**

## **1 БОБ. БОШҚАРУВ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ. ИЖРО ҲОКИМИЯТИ.**

### **1. Бошқарув тушунчаси ва турлари**

<b>Бошқарув тушунчаси ва турлари</b>
<b>Тушунчаси</b>
<p><b>Бошқарув</b> – бу бошқарув субъектининг бошқарув обьектига нисбатан мақсадга мувофиқ ва доимий таъсир этиш жараёни хисобланади<sup>1</sup>.</p>
<b>Элементлари<sup>2</sup></b>
<ul style="list-style-type: none"><li>• бошқарувнинг мақсади ва вазифалари;</li><li>• бошқарув субъекти ва обьекти;</li><li>• бошқарув функциялари;</li><li>• бошқарувнинг ташкилий тузилмаси;</li><li>• тизим элементларининг ягоналиги, мустақиллиги ва ўзаро алоқаси;</li><li>• фаолиятнинг маълум бир шакл ва усуслари.</li></ul>
<b>Хусусиятлари<sup>3</sup></b>
<ul style="list-style-type: none"><li>• тизимни ташкил этиш зарурияти ва унинг функцияланиши;</li><li>• тизимга мақсадга мувофиқ таъсир этиш (бу орқали олдиндан белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминловчи муносабат ва алоқаларнинг тартибга солинишига эришилади);</li><li>• бошқарув субъекти ва обьектининг мавжудлиги;</li><li>• бошқарув иштирокчилари ўртасидаги алоқани боғловчи асосий восита сифатида – ахборотнинг мавжудлиги;</li><li>• бошқарув тузилишида иерархик тизимлар (элементлар, ички тизимлар, соҳалар, тармоқлар)нинг мавжудлиги;</li></ul>

<sup>1</sup> Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право: Учебник для вузов. М.: Норма, 2004. – С. 19.

<sup>2</sup> Кнорринг В.И. Искусство управления: Учебник. – М., 1997. – С. 6.

<sup>3</sup> Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право: Учебник для вузов. М.: Норма, 2004. – С. 21-22.

- бошқарув объектининг бошқарув субъектига бўйсимишининг турли шаклларидан, бошқарувнинг усуллари, услублари ва воситаларидан фойдаланиш.

### **Асосий турлари**

- механик, техник бошқарув (техника, машина, технологик жараёнларни бошқариш);
- биологик бошқарув (тирик организмлар ҳаёт фаолияти жараёнларини бошқариш);
- ижтимоий бошқарув (ижтимоий жараёнларни, инсонлар ва ташкилотларни бошқариш).

## **2. Ижтимоий бошқарув**

### **Ижтимоий бошқарув**

#### **Тушунчаси**

Бошқарувнинг асосий турларидан бири бўлиб, маълум бир инсонларнинг бошқаларига нисбатан ижтимоий аҳамиятли жараёнларни тартибга солиш ва ижтимоий тизимнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ахборот ёрдамида таъсир этишидир.

#### **Хусусиятлари**

<p><b>Ижтимоий бошқарув – инсонларнинг биргаликдаги фаолияти мавжуд бўлганида амалга оширилиши мумкин</b></p>	<p>Инсонларнинг биргаликдаги фаолияти, улар ўртасидаги ўзаро алоқалар, умумий вазифаларни бажариш, умумий мақсадга эришиш ўз-ўзидан мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бошқарув инсонларни айнан биргаликда фаолият юритиши учун уларни жамоаларга жипслаштиради.</p>
<p><b>Ижтимоий бошқарувнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб – инсонларнинг биргаликдаги фаолияти ва уларнинг ўзаро алоқасини</b></p>	<p>Бу орқали биргаликдаги фаолият иштирокчиларининг якка тартибдаги ҳаракатлари мувофиқлаштирилади, бундай фаолиятни тартибга солувчи ва унинг табиатидан келиб чиқувчи умумий функциялар бажарилади.</p>

<b>ташкиллаштириш хисобланади</b>	
<b>Ижтимоий бошқарув инсон хулқ-авторини тартибга солувчи асосий восита сифатида намоён бўлиб, бу мақсадга ижтимоий алоқалар орқали эришади</b>	Bу алоқалар биринчи навбатда ижтимоий бошқарув функцияларини амалга ошириш бўйича субъект ва объект ўртасида юзага келади.
<b>Ижтимоий бошқарув – инсонлар, яъни бошқарув муносабатлари иштирокчилари иродасининг бўйсимишига асосланади</b>	Чунки уларнинг муносабатлари онгли-иродали муносабатdir. Бошқарувчининг иродаси бошқарилувчининг иродасига қараганда устундир. Айнан мана шунда ижтимоий бошқарувнинг ҳокимият хусусиятига эга эканлиги намоён бўлади, яъни бошқарув субъекти – ҳокимият иродасини шакллантиради ва амалга оширади, бошқарув объекти эса унга бўйсинади.
<b>Ижтимоий бошқарув уни амалга oshirishning maxsus mechanizmiga mukhtojdir</b>	Бу бошқарув субъектлари, яъни бошқарув (давлат ёки жамоат) органлари тарикасида ташкил этилган маълум бир инсонлар гурухи томонидан амалга оширилади. Уларнинг фаолияти ўзига хос аҳамиятга ва маҳсус шаклга эга бўлиб, бошқарув фаолияти хисобланади.
<b>Турлари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат бошқаруви;</li> <li>• жамоавий бошқарув;</li> <li>• оила бошқаруви.</li> </ul>	

### **3. Давлат бошқаруви**

#### **Давлат бошқаруви**

##### **Тушунчаси**

**Давлат бошқаруви** ижро ҳокимиютини амалга ошириш мақсадида ташкил этилади. Ташкилий нұктай назардан, давлат бошқаруви – бошқарув субъекти (давлат, давлат органлари ёки мансабдор шахслар)нинг бошқарув объекти (жамият, фуқаролар)га нисбатан ҳокимият таъсири ҳисобланади.

**Давлат бошқаруви** – бу конун асосида ва уни амалга ошириш мақсадида турли соҳаларда (ижтимоий-маданий, хўжалик ва маъмурий-сиёсий қурилиш) давлат бошқаруви функцияларини амалга оширувчи ижро ҳокимияти органларининг мақсадга мувоғиқ ташкил этилган, конуности, ижрочилик-фармойиш бериш ва тартибга солишга қаратилган фаолиятидир<sup>1</sup>.

**Давлат бошқаруви** – ҳар қандай давлат фаолияти сингари карор кабул қилиш, уни ижро этиш ва унинг ижроси устидан контролни амалга оширишдан иборатдир<sup>2</sup>.

**Давлат бошқаруви** – бу давлат номидан ва давлат кўрсатмасига биноан амалга ошириладиган бошқарув, яъни фуқаролик жамиятини иктисолий ва ижтимоий ривожлантириш, инсон ва фуқароларнинг хуқуклари ва эркинликларини муҳофаза қилиш, хуқукий ва демократик давлатни мустаҳкамлаш соҳаларида амалга ошириладиган ижрочилик ва фармойиш бериш фаолиятидир<sup>3</sup>.

##### **Кенг маънода**

**Давлат бошқаруви** – давлатнинг тартибга солиш фаолияти ҳисобланиб, маҳсус субъектларнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этишидир.

##### **Тор маънода**

**Давлат бошқаруви** – бу маъмурий, яъни давлат ҳокимияти ижро органларининг республика ва маъмурий-худудий бўлинмалар доирасидаги фаолиятидир.

<sup>1</sup> Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2004. – С. 26-29.

<sup>2</sup> Алексин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации. Учебник. – М.: ЗЕРЦАЛО, 1998. – С. 7.

<sup>3</sup> Габричидзе Б.Н., Черняевский А.Г., Ким-Кимэн А.Н. Административное право: Учебник. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – С. 12.

## Хусусиятлари

<p><b>Ижро ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган ҳамда қонун чиқариш ва одил судлов фаолиятидан шакли, усуллари ва мазмунига кўра ажралиб турадиган алоҳида фаолият тури хисобланади</b></p>	<p>Давлат бошқаруви – бу қонунлар ва бошқа меъёрий (конуности) хужжатларни қўллаш бўйича олиб бориладиган ижрочилик ва фармойиш бериш фаолиятидир.</p>
<p><b>Хукукни қўллаш билан бир вақтда маъмурий хукук ижодкорлиги (хукук ўрнатиш) фаолиятини амалга оширади</b></p>	<p>Давлат бошқаруви органлари хукук ижодкорлиги шунда намоён бўладики, улар ваколат доирасида бошқа хукук субъектлари (бошқарув объекти) учун мажбурий бўлган хулқ-автор қоидаларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар, маъмурий юрисдикциявий (хукукни ҳимоя қилиш) фаолиятни юритадилар.</p>
<p><b>Қонунларни ижро этиш, шунингдек, фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш зарурати юзага келган ҳамма жойда амалга оширилади</b></p>	<p>Давлат бошқаруви давлат ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларида – хўжалик-иктисодий курилиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳаларда амалга оширилади. Давлат бошқаруви нафақат давлатга қарашли бўлган объектларни, балки нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларни ҳам қамраб олади (бунда давлат бошқаруви тартибга солиш ва контрол-назорат фаолияти сифатида намоён бўлади).</p>
<p><b>Давлат томонидан тузиладиган ва ягона давлат бошқаруви органлари тизимини</b></p>	<p>Давлат номидан ва давлат кўрсатмасига биноан ҳаракат қиласидиган ушбу органлар давлат-ҳокимият хусусиятига эга бўлган</p>

<b>ташкил этадиган ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади</b>	ваколатларга эга бўладилар ва компетенция доирасида фаолият юритадилар.
<b>Вертикал (субординациявий, иерархик) ва горизонтал алокалар ва муносабатлар асосида ташкил этилади</b>	Бошқарув жараёнида энг кўп тарқалган муносабатлар вертикал бўлиб, бошқарув субъектларининг маъмурий ва интизомий бўйсинуви асосида юзага келади. Охириги вактларда бошқарув жараёнида бошқарув субъектларининг тенглигига асосланган янги шаклдаги горизонтал муносабатларнинг юзага келишини ҳам кузатиш мумкин (масалан, ижро ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларни қайта тақсимлаш, оммавий ёки маъмурий-хукукий шартномаларни тузиш ва ҳ.к.лар).
<b>Ташкил этиш принципига асосланади</b>	Яъни, унга бутун бошқарув механизмининг мақсадга мувофиқ ва доимий функцияланишини таъминловчи хилма-хил шакллар хосdir. Давлат бошқаруви органларининг ташкиллаштириш фаолияти ҳам ташқи, ҳам ички маъмурий функцияларни ижро этишни ўз ичига олади.
<b>Юрисдикциявий хусусиятга эга бўлган ваколатларни ҳам ўз ичига олади</b>	Яъни, ижро ҳокимияти органлари томонидан “мажбурловчи” бошқарувни амалга оширишнинг маъмурий тартибини (суддан ташқари) таъминлайди (масалан, маъмурий жазо ёки маъмурий огоҳлантирув ёхуд маъмурий чеклов чораларини кўллаш).

<b>Конунийлик принципига амал қилади</b>	Яъни, ижро ҳокимияти органларининг фаолияти конунларга ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланади. Бошқарув фаолияти давлат органлари томонидан факатгина уларга берилган ваколат доирасидагина амалга оширилади.
<b>Функциялари</b>	
<b>Тушунчаси</b>	
<p><b>Давлат ва уни органларининг функциялари</b> – бу давлат фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб, унинг ижтимоий ҳолатини белгилайди, инсон ва фуқаролар ҳуқуqlари ва эркинликларининг амалга оширилишини, давлат ва жамиятни самарали ҳамда бир меъёрда бошқаришни таъминлайди.</p> <p>Давлат бошқаруви функциялари объектив конуниятлар билан изоҳланади. Ҳар бир функцияning мазмуни давлат ва давлат бошқаруви олдида турган мақсад, бошқарув обьекти хусусиятлари билан белгиланади ҳамда давлат бошқаруви органларининг обьектларга ташкилий-ҳуқукий таъсир кўрсатишининг йўналишларини ўз ичига олади.</p>	
<b>Турлари</b>	
<b>Давлат бошқаруви органлари фаолиятини ахборот билан таъминлаш функцияси</b>	Яъни, давлат бошқаруви фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни йигиш, олиш, қайта ишлаш ва баҳолаш.
<b>Давлат бошқаруви ривожланишининг истиқболини белгилаш функцияси</b>	Истиқболни белгилаш – бу профессионал тажриба ва амалиёт ҳамда илмий-назарий ютукларга асосланган маълумотларга таяниб, давлат бошқаруви ва бошқарув органлари фаолияти ривожланишидаги ўзгаришларни, шунингдек, маълум бир ҳодисалар ва жараёнларнинг натижаларини олдиндан кўра билишдир. Истиқболни белгилаш бошқарув қарорларини қабул килишда жуда муҳимdir. Бошқарувнинг бу

	функциясиз ижтимоий жараёнларнинг натижаларини, истиқболдаги жамият ҳолатини, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш мумкин эмас.
Режалаштириш функцияси	Бу давлат бошқаруви тизимидағи уёки бу жараёнларнинг йұналишларини, ривожланишнинг сифат ва микдор күрсаткічларини, давлат функцияларининг амалга оширилишини белгилаш хисобланади. Бундан ташкари, режалаштириш функцияси орқали давлат фаолияти ва бошқарувини такомиллаштириш ва ислох қилишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда йұналишлари белгиланади. Мазкур функцияни амалга ошириш жараёнда давлат бошқаруви турли соҳаларидаги алоқаларнинг ривожаланиш дастурлари, шунингдек, давлат бошқаруви органлари фаолияти ва тузилишини ўзgartириш ҳамда яхшилаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилади.
Ташкил этиш функцияси	Бу ўрнатилган тартиб ва принципларга асосланиб давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, бошқарув тизимида бошқарувчи ва бошқарилувчининг тузилишини белгилашдир. Тор маънода, ташкил этиш – давлат органлари, давлат персонали, давлат бошқаруви жараёнлари тузилишини белгилаш хисобланади. Ташкил этиш фаолияти – давлат бошқаруви органларининг функцияланишини таъминловчи ҳаракатлар ва қарорларни ўз ичига олади.

<b>Фармойиш бериш функцияси</b>	Яъни, давлат органлари ваколатларини ва мансаб мажбуриятларини амалга ошириш, давлат фаолиятининг белгиланган тартибини таъминлаш бўйича юзага келадиган бошқарув муносабатларини кундалик тартибга солишидир. Фармойиш бериш – бу раҳбар давлат хизматчилари (mansabdor шахслар) томонидан тегишли кўрсатмаларни беришидир.
<b>Раҳбарлик қилиш функцияси</b>	Давлат органлари (давлат хизматчилари), бошқарилувчи обьектлар фаолиятининг ва айrim ҳаракатларининг қоидаларини ва меъёrlарини ўрнатиш ҳисобланади. Раҳбарлик қилиш билан бир қаторда “умумий раҳбарлик” термини ҳам мавжуд. Умумий раҳбарлик – бу давлат фаолияти мазмунини белгилаштириш.
<b>Мувофиқлаштириш функцияси</b>	Бу турли давлат бошқарувчи органлари (давлат хизматчилари) фаолиятини давлат бошқарувининг умумий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун йўналтириштириш. Мувофиқлаштириш орқали бошқарув фаолиятининг тизими ташкил этилади ва унинг функцияланиши таъминланади. Масалан, бир неча мустақил давлат органлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг ташкилий тузилмасига, мақсад ва вазифаларига эга бўлса ҳамда маълум бир муаммони уларнинг биргаликдаги фаолияти орқали ҳал этиш лозим бўлганда, мувофиқлаштириш ваколатига эга бўлган давлат органини ташкил этиш эҳтиёжи юзага келади.

<b>Контрол қилиш функцияси</b>	<p>Давлат бошқаруви тизими ва унинг тузилишининг ўрнатилган стандарт ва меъёрларга мос келиши ёки мос келмаслигини, давлат органлари фаолиятини ва айрим бошқарув субъектлари ҳаракатининг натижаларини, давлат бошқаруvida белгиланган ва амалга оширилган ҳолатларни ўрганиш ва баҳолашдир. Контрол қилиш – бу бошқарув фаолиятининг сифати устидан кузатиш, камчилик ва хатоларни ҳамда бошқарув ҳаракатларининг ва қабул қилинган актларнинг қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик принципларига мос келишини аниқлашдан иборат. Давлат фаолиятининг маълум бир соҳаларида у ёки бу ҳаракатларни амалга ошириш устидан давлат ҳокимияти органлари контролни ўрнатадилар. Контролни амалга ошириш вактида кетма-кетлик, асослантирилганлик, ошкоралик, объективлик, қонунийлик ва оперативликка амал қилиш керак. <u>Контролнинг</u> кенг тарқалган кўринишларидан бири – назорат ҳисобланади. Назорат одатда, маълум бир ҳаракатларнинг (қарорларнинг) қонунийлигини текшириш мақсадидагина амалга оширилади.</p>
<b>Тартибга солиш функцияси</b>	<p>Бу давлат бошқаруви тизимини ва унинг функцияланишини ташкил этиш жараёнида бошқарув усуллари ва услубларидан фойдаланишдир. Тартибга солиш – жамоат тартибини ва хавфсизлигини, иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини, демократик рақобат асосларини, фуқаролар ҳуқуқ ва</p>

	эркинликларини таъминлаш мақсадида бошқарув обьектлари ҳамда турли ҳуқук субъектлари учун умуммажбурий бўлган кўрсатмаларни ўрнатиш хисобланади. Тартиба солиш функцияси бир неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Масалан, меъёрий ҳуқукий акт орқали маълум бир соҳадаги хулк-автор коидаларини белгилаш ёки бошқарувнинг аниқ жараёнларини (сертификатлаш, лицензиялаш, солиққа тортиш, рўйхатга олиш ва ҳ.к.лар) ўрнатиш.
Хисобга олиш функцияси	Миқдор шаклида ифодаланган ахборотларни, моддий ресурслар ҳаракатини, бошқарув фаолиятини амалга ошириш натижаларини, давлат органлари ваколатларини, давлат бошқарув карорларини, бошқарув учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини инобатга олишдир. Хисобга олиш функцияси қандайдир предметларнинг, ҳужжатларнинг, фактларнинг мавжудлигини аниқлаш учун кўлланилади.
<b>Асосий принциплари</b>	
<b>Тушунчаси</b>	
Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятларини унинг принципларида кўришимиз мумкин. Бизга маълумки, принцип – бу маълум бир фаолиятнинг бошланғич ғояси (асоси) хисобланади. Ҳар қандай давлат фаолияти сингари давлат бошқаруви ҳам маълум бир бошланғич ғояларга (принципларга) таянган ҳолда амалга оширилади.	
Принципларга бўйсимишлик хосдир. Бошқарув принциплари объектив қонунийликни аниқлашнинг ва ундан акл-идрок билан фойдаланиш шаклларидан бири бўлиб хисобланади.	

Принципларга сўзсиз риоя килиш лозимдир. Агар бошқарув принциплари бузилса, у бевосита амалий вазифаларни хал этишга тўсқинлик қиласди.

Бошқарувнинг ҳар бир принципи уни тўлалигича акс эттирамай, балки маълум бир жиҳатларини намоён қиласди. Шунинг учун ҳам бошқарув принциплари турли-тумандир. Шу билан бирга, улар чамбарчас боғлиқдир. Принципларнинг баъзи бирларига риоя килиш бошқаларининг амалга оширилишига кўмаклашади ва аксинча, маълум бир принципга риоя этмаслик бошқаларининг бузилишига олиб келади.

### Турлари

<b>Қонуннинг устунилиги ва ҳамма учун мажбурийлиги</b>	Бу принципга асосан Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари ва бошқа хуқуқий меъёрлари мукаддас бўлиб, уларга барчанинг амал қилиши лозим. Бу принцип асосий қонунимиз бўлган – Конституциянинг 15-моддасида ўз ифодасини топган. Унга биноан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунилиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўрадилар.
<b>Қонунийликнинг ягоналиги</b>	Бу принцип Ўзбекистон Республикаси худудида қонунлар бир хилда қўлланилишини, барча

	<p>фуқароларнинг қонун олдида тенглигини англатади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.</p> <p>Ўзбекистон мустақилликка эришгац, ижтимоий-сиёсий ҳайётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш йўлига ўтди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан ва уни амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас.</p>
<p><b>Давлат бошқарувининг ҳалқ манфаатлари йўлида амалга оширилиши</b></p>	<p>Конституциянинг 7-моддасига биноан ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ҳалқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.</p> <p>Ҳуқукий демократик давлатларнинг олиб борадиган сиёсатини ҳалқнинг хоҳиш-иродаси белгилаб бериши лозим. Мазкур сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Жумладан, Конституциянинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият</p>

	фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади, деб кўрсатилган.
<b>Давлат бошқарувида халқнинг иштироки</b>	<p>Ўзбекистон Республикасида қонунийликни таъминлашда ва хуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда кенг омма иштирок этади. Бу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддаларида кўришимиз мумкин. Жумладан, Конституциянинг 9-моддасига биноан жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан эса, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш хуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини ташкил этиш орқали амалга оширилади.</p>
<b>Давлат бошқаруви ва мақсадга мувофиқлик принципи</b>	<p>Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги қонунларни ва бошқа меъёрий хужжатларни аник бажариш ҳар бир давлат органи, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахс ва фуқаролар учун шартдир. Аммо ҳаётда шундай кишилар ва раҳбарлар борки, улар ўзларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини, гўё қонуннинг эскириб колганлиги билан ва бугунги кун талабларига жавоб берга олмаслиги билан ёхуд қонунда маҳаллий шароит</p>

	<p>хисобга олинмаган, деган баҳоналар билан окладилар.</p> <p>Башарти, амалдаги қонунлар эскириб колган бўлса, у белгиланган тартибда давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Мамлакатимизда қонунларнинг ишлаб чикилиши ва қабул қилиниши халқнинг кенг иштирокида демократик асосда ўтади.</p>
<p><b>Давлат бошқарувининг аҳоли хуқуқий-маданий даражаси билан боғлиқлиги</b></p>	<p>Қонунийлик аҳоли маданий даражаси билан, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фукароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади.</p> <p>Инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти канча юкори бўлса, қонунийлик ва ҳуқук тартибот таъминланади, конун бузилиши шунчалик кам бўлади.</p>
<p><b>Давлат бошқарувининг демократик жараёнлар билан боғланганлиги</b></p>	<p>Давлат бошқаруви демократия билан узвий боғлиқdir. Халқ давлат ҳокимиятини ўзи ишонч билдириб сайлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳокимият органлари орқали амалга оширади.</p> <p>Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилмачиллиги асосида ривожланади.</p> <p>Давлат бошқаруви – демократик тартибларга бўйсенишни талаб қиласи, демократик тартиблар, ўз навбатида,</p>

#### 4. Ижро ҳокимияти ва давлат бошқаруви

• **Ижро ҳокимияти** – Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги муҳим категориялардан биридир.

• **Ижро ҳокимияти** – абстрак сиёсий-хуқуқий категория бўлиб, давлат ҳокимияти мавжудлигини кўрсатади, қонунларни ва унинг меъёрларини ҳётга татбиқ қилиш мақсадида амалга оширилади, давлат органларининг доимий функцияланишини, инсонларнинг хуқуқ ва эркинликларини химоя қилишни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлайди. Ижро ҳокимиятининг мазкур функцияларини бажариш орқали бошқарув ҳаракатлари амалга оширилади ва бошқарув қарорлари қабул қилинади.

• “Давлат бошқаруви” термини эса, амалий ташкилий-хуқуқий маънога эга. Давлат бошқаруви – бу ижро ҳокимиятини амалга ошириш шаклидир.

• **Давлат бошқаруви** – бу давлат механизмининг самарали ва мақсадга мувофиқ ишлашини таъминловчи давлат фаолиятидир. Хуқук ижодкорлиги, ҳокимият ваколатларини ва давлат мажбурловини амалга ошириш ҳамда тартибга солиш давлат бошқарувининг ажралмас элементлари ҳисобланади.

• Кўпгина юридик адабиётларда ижро ҳокимияти – сиёсий-хуқуқий, давлат бошқаруви эса – ташкилий-хуқуқий категория сифатида кўрсатиб ўтилади. Бу иккала давлат-хуқуқий категория ҳам мавжуд бўлишга ҳақлидир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат бошқарувисиз давлат ҳокимияти механизмининг ишлашини тасаввур қилиб бўлмайди.

• **“Ижро ҳокимияти”** тушунчаси “**давлат бошқаруви**” тушунчасига қараганда торроқ бўлиб, унинг самарали функцияланиши давлат бошқаруви тизимини ташкил этиш даражасига боғлиқдир. Шу билан бирга, ижро ҳокимияти – давлат бошқаруви жараёнида амалга ошириладиган ҳокимият ваколатларининг ҳажми ва хусусиятларини белгилаб беради.

• **Ижро ҳокимияти** органлари давлат бошқаруви ташкилий тузилмасининг асосини ташкил этиб, турли ижтимоий жараёнларга, инсонларнинг ҳаракатлари ва фаолиятига бевосита бошқарув таъсирини кўрсатади. Ижро ҳокимияти бошқарув шаклида ва бошқарув жараёнлари воситасида амалга оширилади.

• **Ижро ҳокимияти** – бу маълум бир муносабатлар тизими бўлиб, унинг асосий элементларидан бирини – бошқарув ташкил этади. Ижро ҳокимияти – давлат аппарати маҳсус тузилмалари (давлат бошқарув органлари)нинг фаолияти орқали ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатади.

Демак, **давлат бошқаруви** – давлат фаолиятининг шундай турики, унинг доирасида давлат ҳокимиятининг бир бўлаги бўлган ижро ҳокимияти амалга оширилади.

**Ю.М.Козловнинг** кўрсатишича, **маъмурий хукуқ фанини ўрганиш – ижро ҳокимияти тушунчасини ва унинг ижтимоий ақамиятини аниклаб олишдан бошланади.** Ижро ҳокимияти – алоҳида турдаги категория ҳисобланади. Ижро ҳокимияти – давлат ҳокимиятининг бир кўриниши бўлиб, у ёки бу масала бўйича қабул қилинган қарорларни ижро этишдан иборатdir. Ижро ҳокимияти фаолияти жараёнида ижрочилик билан бир вақтда унинг иккинчи асосий элементи – фармойиш бериш ҳам юзага келади. Бошқача айтганда, ижрочиликни фармойиш беришсиз тасаввур қилиш мумкин эмас<sup>1</sup>.

Ижро ҳокимияти моҳиятига кўра, **А.П.Алексин** фикрича, давлат бошқаруви фаолиятининг мазмунини ташкил этади ҳамда биринчи навбатда унинг функционал йўналтирилганлигини (ижрочиликни) ифода этади<sup>2</sup>.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб ижро ҳокимиятининг қўйидаги асосий хусусиятларини кўрсатиш мумкин:**

• ижро ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида у ёки бу масала бўйича қабул қилинган қарор ижро этилади. Ижро ҳокимияти шундай давлат фаолияти, унда конун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ифодаланган хукуқ меъёрлари қўлланилади (ижро этилади). Бу орқали – амалдаги конунчилик талабларини бевосита ва тўғридан-тўғри ижро этиш; ижро ҳокимияти таъсири остида

<sup>1</sup> Козлов Ю.М. Административное право: Учебник. – 2-е изд., прераб. и доп. – М.: Юристъ, 2003 С. 7-8.

<sup>2</sup> Алексин А.П., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации. М., 1994. – С. 13.

бўлган объектларнинг нормал ва самарали ишини таъминлаш; фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилишини, давлатнинг жамият олдидаги мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш мақсадига эришилади;

- ижро ҳокимияти – ўзини намоён этишнинг алоҳида ҳуқукий шаклларига: мөъёрий ва якка тартибдаги актларни қабул қилиш ваколатига эга. Мазкур шакллар орқали ижро ҳокимиятини амалга ошириш жараёнидаги барча асосий вазифалар ҳал этилади. Юридик адабиётларда бу актлар бошқарувнинг ҳуқукий актлари сифатида ҳам кўрсатиб ўтилади;

- ижро ҳокимияти – аник субъект ифодаланишига эга, яъни ижро ҳокимиятини амалга ошириш маҳсус субъектлар зиммасига юкландган. Шу сабабли, давлат-ҳокимият механизмида алоҳида бўғинни ташкил этувчи ижро ҳокимияти органлари мавжуд.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан ижро ҳокимияти органларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳокимлар бошчилик қиласидаган ижроия аппарати ва бошقا давлат ва хўжалик бошқаруви органлари киради.

# **УМУМИЙ ҚИСМ**

## **МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ИНСТИТУЛари**

### **2 БОБ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ – ҲУҚУҚ ТАРМОГИ, ФАН ВА ЎҚУВ КУРСИ СИФАТИДА**

#### **1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси, мазмуни ва предмети**

<b>Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси, мазмуни ва предмети</b>
<b>Тушунчаси</b>
<p><b>Маъмурий ҳуқуқ</b> – бу Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг мустақил тармоғи бўлиб, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йигиндисидан иборат.</p>
<b>Мазмуни</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>• <b>Маъмурий ҳуқуқ</b> – оммавий (давлат) ҳуқуқининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, ижро ҳокимияти органлари тизимини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши соҳасидаги муносабатларни, самарали давлат хизматини ташкил этишни, ижро ҳокимияти функцияланишида қонунийликни таъминлашни тартибга солади. Маъмурий ҳуқуқ – ҳуқуқ тизимининг йирик, мураккаб ва ривожланган тармоқларидан бири хисобланади. Бу, унинг тартибга солинувчи предметининг ўзига хос хусусиятларидан, муносабатларнинг кенғ камровлилигидан келиб чиқади. Ижро ҳокимияти, бошқарув фаолияти ва бошқарувнинг ўзи давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олганлиги сабабли, маъмурий ҳуқуқ – ҳуқуқ тизимида марказий ўринни эгаллайди ҳамда бошқа ҳуқуқ тармоқларига таъсир кўрсатади ёки, аксинча, уларнинг таъсирига учрайди<sup>1</sup></li><li>• <b>Маъмурий ҳуқуқ</b> меъёрлари давлат ҳукуки меъёрларидан келиб чиқкан холда, аввало давлат бошқарувига хос бўлган</li></ul>

<sup>1</sup> Каранг: Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право: Учебник для вузов. – М.: „Норма”, 2004. С. 57-63.

хусусиятларни ва унинг бошқа давлат фаолияти турлари билан (конунчилик, суд, прокурор назорати) ўзаро муносабатини, шунингдек, давлат бошқаруви принципларини мустаҳкамлайди.

• Маъмурий хукуқ – давлат органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, унинг вазифа ва мақсадларини, ваколатлари ҳамда хукуқий мақомининг бошқа томонларини, тузилиши ва фаолият жараёнини белгилаб беради.

• Маъмурий хукуқ – давлат ва бошқа ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан ўрнатиладиган ҳамда давлат ва давлат тузилмалари, нодавлат тузилмалари, фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда қўлланиладиган хукуқий меъёрларни ўзида ифода этади.

### **Маъмурий хукуқнинг предмети**

Маъмурий хукукнинг предметига давлат бошқаруви жараёнида юзага келадиган қуйидаги ижтимоий муносабатлар турухини киритиш мумкин:

- ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсинарадиган давлат органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, вазирлик ва давлат кўмиталарининг уларга бўйсинган бошқарма ва бўлимлари ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар);
- бир-бирига бўйсинмайдиган давлат органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, икки вазирлик, вазирлик ва давлат кўмитаси ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар);
- давлат органлари ва уларга бўйсинарадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;
- давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар;
- давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каранг: Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право. – Зертало, 1998.; Административное право Республики Узбекистан // Авт. коллектив: Х.Р.Алимов, Л.И.Соловьева и др./ Т.. “Адолат”, 1999., Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право. М.. Норма, 2004., Козлов Ю.М. Административное право. – М.. Юристъ, 2003., Габричидзе Б.Н., Чернявский А.Г., Ким-Кимэн А.Н. Административное право. М.. ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.

## 2. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усуллари

Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усуллари	
Тушунчаси	
<b>Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усули</b> – бу бошқарув муносабатлари иштирокчиларининг хулқ-авторини тартибга солувчи ҳуқукий воситалар ёки усулларнинг муайян мажмудидир.	
Асосий турлари	
<b>Ёзма буйруқ, кўрсатма</b>	
Тушунчаси	Ёзма буйруқ, кўрсатма – ҳуқуқ меъёрида назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш, яъни бошқача эмас, балки айнан шундай ҳаракат қилиш учун тўғридан-тўғри юридик мажбуриятни зиммага юклашда ифодаланади.
Мазмуни	Маъмурий ҳукукий тартибга солиш учун давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган кўрсатмалар хосдир. Маъмурий муносабатларнинг бошқа томони ушбу кўрсатмага бўйсинишга мажбур. Бу шуни англатадики, давлат органининг ҳокимиёт кўрсатмалари ёрдамида давлат амалда ўзининг бошқарув фаолияти соҳасидаги ваколатларини амалга оширади.
<b>Таъқиқлаш, ман этиш</b>	
Тушунчаси	Таъқиқлаш, ман этиш – амалда бу ҳам кўрсатма, аммо у тескари, яъни ҳуқуқ меъёрида назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатларни амалга оширмаслик бўйича юридик мажбуриятни зиммага юклашдир.
Масалан:	<ul style="list-style-type: none"><li>• Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш асосий тирикчилик манбай овчилик бўлган шахсларга нисбатан кўлланилиши мумкин эмас.</li><li>• Маъмурий қамоқقا олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гурух ногиронларига нисбатан кўлланилиши мумкин эмас ва х.к.</li></ul>

Рұхсат беріш	
Түшунчаси	Рұхсат беріш – ҳуқуқ меъёрида назарда тутилған шароитларда у ёки бу қаралтларни үз хохиши бўйича амалга ошириш учун юридик рұхсат берилишидир.
Масалан:	<ul style="list-style-type: none"> <li>Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (mansabdor shahs) sodir etilgan maъmuriy hukukbuzarlikning xususiyatiiga qaraab hukukbuzarlikning mast holda sodir etiliishi xolatini aibni oғirlashтирувчи ҳолат deb topmasligi mumkin.</li> <li>Sodir etilgan maъmuriy hukukbuzarlik kam ahamiyatli bolgan takdirda, shu ishni kuriб чиқишga vakolati bolgan organ (mansabdor shahs) hukukbuzarli maъmuriy javobgarlikdan ozod etib, uni ogoхlaniriш bilan kifояланиши mumkin va x.k..</li> </ul>

### 3. Маъмурий ҳуқуқнинг функция ва принциплари

Маъмурий ҳуқуқнинг функция ва принциплари	
Түшунчаси	
<p><b>Функция</b> – субъектларнинг мақсади, вазифалари ва ваколатлари билан белгиланадиган фаолиятнинг асосий йўналишларидир.</p> <p><b>Маъмурий ҳуқуқнинг функцияси</b> – маъмурий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимидағи ташқи ифодасини, ташқи мазмунини аниқлаш имконини берадиган категориядир.</p>	
Турлари	
Тартибга солиш функцияси	Жамоат тартибини ва хавфсизлигини, иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини, демократик ракобат асосларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида бошқарув обьектлари

	Ҳамда турли ҳуқук субъектлари учун умуммажбурий бўлган кўрсатмаларни ўрнатиш ҳисобланади. Тартибга солиши функцияси бир неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Масалан, мезёрий ҳуқукий акт орқали маълум бир соҳадаги хулкатвор қоидаларини белгилаш ёки бошқарувнинг аниқ жараёнларини (сертификатлаш, лицензиялаш, солиқса тортиш, рўйхатга олиш ва ҳ.к.лар) ўрнатиш.
<b>Ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси</b>	Бошқарув муносабатларида ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этиши, шунингдек, бошқарув муносабатлари иштирокчиларининг қонуний ҳуқук ва манбаатларини химоя қилишини таъминлайди.
<b>Ҳуқуқни ижро этиш функцияси</b>	Ижро ҳокимиятини амалга оширилиши маъмурий-ҳуқукий нормалар орқали таъминланади. Бошқача айтганда, маъмурий ҳуқук ижро ҳокимиятини амалга оширилишининг ҳуқукий шакли, ифодасидир.
<b>Ҳуқуқ ижодкорлиги функцияси</b>	Давлат бошқарувида маъмурий-ҳуқукий нормаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали ижро ҳокимияти субъектларининг ваколатларини аниқлаш ва тақсимлаш фаолияти билан белгиланади.
<b>Ташкил этиш функцияси</b>	Ўрнатилган тартиб ва принципларга асосланиб давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, бошқарув тизимида бошқарувчи ва бошқарилувчининг тузилишини белгилашдир. Тор маънода, ташкил этиш – давлат органлари, давлат

	персонали, давлат бошқаруви жараёнлари тузилишини белгилаш ҳисобланади. Ташкил этиш фаолияти – давлат бошқаруви органларининг функцияланишини таъминловчи ҳаракатлар ва қарорларни ўз ичига олади.
<b>Мувофиқлаштириш функцияси</b>	Турли давлат бошқаруви органлари (давлат хизматчилари) фаолиятини давлат бошқарувининг умумий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун йўналтиришдир. Мувофиқлаштириш орқали бошқарув фаолиятининг тизими ташкил этилади ва унинг функцияланиши таъминланади.
<b>Принциплари</b>	
<b>Қонунийлик принципи</b>	Ўзбекистон Республикасининг барча конунлари ва бошка ҳукукий меъёрлари муқаддас бўлиб, уларга барчанинг амал қилиши лозим. Бу принцип асосий қонунимиз бўлган – Конституциянинг 15-моддасида ўз ифодасини топган. Унга биноан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва конунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўрадилар.
<b>Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи</b>	Давлат бошқарувининг самарали амалга оширилиши учун, албатта, давлат органларининг ҳокимият-ваколатлари қонуний тартибда аник кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим. Мазкур принцип – хар бир давлат

	органининг қандай фаолият билан шугулланишини, қандай ваколатларга эга эканлигини, яъни давлат органлари фаолиятининг доирасини белгилаб беради.
<b>Шахснинг эркинлиги, унинг хуқуқ ва манфаатлари устуворлиги принципи</b>	Бошқарув давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий восита сифатида, биринчи навбатда шахс ва унинг манфаатлари устунлигини инобатга олиши лозим. Айнан давлат бошқарувини амалга ошириш орқали шахсларнинг хуқуклари ва эркинликлари амалга оширилади, уларнинг муҳофазаси таъминланади.
<b>Ошкоралик принципи</b>	<p>Давлат бошқаруви соҳасида инсонларнинг хуқуклари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қонун ҳужжати, оммага эълон қилинмасдан туриб татбиқ этилиши мумкин эмас.</p> <p>Давлат бошқарувининг самарали амалга оширилишида – давлат органларининг фаолияти, кабул қилинаётган қонун ҳужжатларига нисбатан фуқаролар (жамоат бирлашмалари) билдирган фикрларни инобатга олиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.</p>
<b>Функция ва ваколатларни тақсимлаш принципи</b>	Мазкур принцип орқали давлат бошқарув органлари ўртасида ваколатлар ҳамда функциялар тақсимланади. Ҳар бир давлат органи, шу жумладан давлат бошқаруви органлари ўзларининг олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун, ўзининг қуий тузилмаси ўртасида ваколатларни тақсимлаши лозим.

<b>Жавобгарлик принципи</b>	Амалдаги қонунчиликда давлат органларининг, унинг мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, мажбурлов чоралари ҳам ўрнатилади. Бу нафақат давлатнинг, балки жамиятнинг ҳам, алоҳида шахсларнинг ҳам ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласи.
-----------------------------	---

#### **4. Маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари тушунчаси ва тизими**

<b>Маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари тушунчаси ва тизими</b>	
<b>Тушунчаси</b>	
<p><b>Маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари</b> – маъмурий қонунчилик меъёрлари билан ўрнатилган асосларда, давлат бошқарувини амалга оширишда иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахслар (ташкилотлар)дир.</p> <p>Маъмурий ҳуқук субъектлари – оммавий бошқарув фаолияти томонларининг бири бўлиб, қонунчилик билан маълум бир ҳуқуқларга, мажбуриятларга, ваколатларга, жавобгарликка, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киришиш қобилиятига эга бўлган бошқарув муносабатларининг иштирокчиларидир. Маъмурий ҳуқук субъектлари томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бажариш аниқ бир ҳуқуқий муносабат доирасида амалга оширилади<sup>1</sup>.</p>	
<b>Турлари</b>	
<b>Якка (индивидуал)</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• фуқаролар;</li> <li>хорижий фуқаролар;</li> <li>фуқаролиги бўлмаган шахслар;</li> <li>• мансабдор шахслар.</li> </ul>	

<sup>1</sup> Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право. М.: Норма, 2004. С.121-124.

## **Жамоавий субъектлар**

<b>Давлат ташкилотлари</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>ијкро ҳокимияти органлари (давлат бошқарув органлари);</li><li>давлат корхона, муассаса ва ташкилотлари (корпорациялар, концернлар ва бошк.);</li><li>ҳокимият ваколатларига эга бўлган ијкро ҳокимияти органларининг таркибий бўлинмалари.</li></ul>
<b>Нодавлат ташкилотлари</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>жамоат бирлашмалари;</li><li>меҳнат жамоалари;</li><li>ўзини ўзи бошқариш органлари;</li><li>тижорат тузилмалари.</li></ul>



*I-схема. Маъмурий ҳуқуқ субъектларининг турлари.*

Маъмурий ҳуқуқ субъектларининг маъмурий-ҳуқуқий мақоми	
	Ҳуқуқ субъекти умумий ҳуқуқ лаёқатининг бир тури бўлиб, конунчилик билан ўрнатилган ва давлат томонидан кафолатланган ҳамда аниқ бир субъектнинг (фуқаро, давлат органи, давлат хизматчиси, мансабдор шахс, нодавлат тузилмалари ва ҳ.к.лар) турли ҳуқукий муносабатларда иштирок этиш қобилиятидир.

<b>Маъмурий хукукий лаёқат</b>	<p>Маъмурий хукукий лаёқат – бу маълум бир хукуқларга эга бўлиш ва мажбуриятларни бажариш, ҳаракатларни амалга ошириш ва қарорлар қабул қилиш, маъмурий иш кўзгатиш ва маъмурий хукукбузарлик ишларини кўриб чиқиш, хукукий меъёрларни бузиш ва қонун билан ўрнатилган талабларга риоя этмаганлик учун жавобгарликка тортилиш қобилиятига эга бўлишdir.</p> <p>Маъмурий хукукий лаёқат аниқ бир маъмурий-хукукий муносабатларнинг юзага келишида, мазкур хукукий муносабатлар иштирокчиларининг аниқ хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлишида хизмат килади. Маъмурий хукуқ субъектлари томонидан хукуқ ва мажбуриятларнинг амалга оширилиши – хукукий муносабатларни юзага келтируvчи юридик фактлар билан таъминланади. Маъмурий хукуқ субъектининг хукукий лаёқати – унга нисбатан юридик жавобгарликни кўллаш қобилиятини ҳам юзага келтиради.</p>
<b>Маъмурий муомала лаёқати</b>	<p>Жисмоний шахс ёки давлат маъмурияти вакилининг маълум бир хукукий аҳамиятга эга бўлган ўз хатти-ҳаракатларини англаши ва тўгри баҳолаши, уларга амал қилиши ҳамда уларни кўллашнинг қонуний эканлигини кафолатлаш қобилиятидир. Муомала лаёқати шахснинг маълум бир қобилияти сифатида қуйидаги элементлардан ташкил топган бўлиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ўзларига тегишли бўлган хукуқларни мустакил амалга ошириш;</li> <li>• ўрнатилган ваколатларни амалга ошириш ва бошқарувнинг хукукий актларини қабул қилиш;</li> <li>• маъмурий-хукукий мажбурлов чораларини кўллаш;</li> <li>• фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини тан олиш, кафолатлаш ва ҳимоя қилиш;</li> <li>• фуқароларга, давлат органига ёки юридик шахсга келтирилган зарар учун хукукий жавобгарликка тортилиш;</li> </ul>

- маъмурий ёки интизомий хукуқбузарлик (ножӯя хатти-ҳаракат) содир этганда, тегишлича маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилиш.

Маъмурий хукуқ субъектларида маъмурий муомала лаёқати турлича юзага келади. Муомала лаёқати юзага келишининг асосий шарти бўлиб, субъектлар хукуклари, мажбуриятлари ва ваколатларининг хусусиятлари ҳисобланади.

Маъмурий қонунчилик маъмурий хукуқ субъектларининг муомала лаёқатини турли асосларга кўра белгилайди:

а) ёшга қараб (масалан, фуқароларнинг умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилиши 16 ёшдан бошланади ёки фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташи 18 ёшдан бошланади);

б) мансабни эгаллаганлик ҳолатига қараб (масалан, давлат-хокимият ваколатларини фақатгина маҳсус хукуқий меъёрлар билан ваколат берилган шахслар томонидан амалга оширилади);

в) хукуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажаришнинг хукуқий тартибига қараб (масалан, фавқулодда ҳолатларда шахсларнинг хукуклари чеклаб қўйилган бўлиши мумкин);

г) рўйхатга олиш ёки бошқа маъмурий жараёнларни олиб бориш натижасига қараб (масалан, маъмурий хукуқ субъекти ҳисобланган айrim ташкилотлар ўз фаoliyatiniни фақатгина тегишли тартибда уларнинг устави рўйхатга олингандан ёки рухсатнома (лицензия) берилгандан сўнг амалга ошириш имкониятига эга бўлади).

Маъмурий муомала лаёқатига эга бўлишнинг хукуқий асослари меъёрий хукуқий актларда ўрнатилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг маъмурий хукуқ субъекти сифатида намоён бўлиши, маъмурий-хукуқий муносабатларда иштирок этиши кўп жиҳатдан хукуқ субъекти эканлигига, яъни маъмурий хукуқ лаёқати ва маъмурий муомала лаёқатининг мавжудлигига боғлиқдир.

## **5. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида маъмурий ҳуқуқнинг тутган ўрни**

### **Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида маъмурий ҳуқуқнинг тутган ўрни**

#### **Конституциявий ҳуқуқ билан ўзаро муносабати**

Конституциявий ҳуқуқ давлатнинг ижтимоий тузилиши ва давлат сиёсатининг асослари, давлат билан шахс ўргасидаги ўзаро муносабатлар, миллый-давлат ва маъмурий-худудий тузилиш, давлат органлари тизимининг асослари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилаб беради.

Мазкур ҳуқуқ соҳаси барча давлат органлари учун умумий бўлган ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш принципларини белгилаб беради. Маъмурий ҳуқуқ меъёрлари эса, юқоридагиларга асослануб, давлат бошқарувида уларни қўллашни тартибга солади.

Конституциявий ҳуқуқ фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилаб беради. Маъмурий ҳуқуқ эса уларни амалга ошириш тартибини белгилаб беради, янада аниқлаштиради; фуқароларнинг ҳуқукий мақомини бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан тўлдиради; фуқаролар томонидан ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар бажарилишининг бошқарув механизмини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан фуқаролар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноконуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят килиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу жараён конституциявий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган. Маъмурий ҳуқуқ эса, мана шу шикоятларнинг қайси органга тегишлилигини, шикоятни кўриб чиқиши муддати ва тартибини белгилаб беради.

#### **Молия ҳуқуқи билан ўзаро муносабати**

Молия ҳуқуки давлатнинг молиявий фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни, яъни давлат ва маҳаллий органлар олдида турган вазифа ва функцияларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, таксимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Давлатнинг молиявий фаолияти ўз мазмунига кўра давлат бошқарувининг бир кўриниши хисобланади. Шу нуктаи назардан олганда, молия ҳуқуқининг тартибга солиш предмети маъмурий ҳуқуқка қараганда торроқдир.

Молия хуқуқида ижтимоий муносабатларни тартибга солищаң түгридан-түгри буйруқ бериш усули (маъмурий хуқук сингари) кўлланилади.

Давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг молия соҳасидаги ваколатларининг мазмунини молия хуқуки меъёрлари, уларни амалга ошириш жараёнини эса, маъмурий хуқук меъёрлари тартибга солади.

Маъмурий хуқук молия соҳасидаги бошқарув муносабатларини тартибга солса, молия хуқуки молиявий муносабатларнинг ўзини тартибга солади.

### **Мехнат хуқуқи билан ўзаро муносабати**

Маъмурий хуқук меъёрлари меҳнат муносабатларини тартибга солувчи давлат бошқарув органларининг (масалан, меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш органлари) ваколатини белгилаб беради. Меҳнат муносабатлари соҳасидаги бошқарув актларининг мазмунини меҳнат хуқуки, ушбу актларни чиқариш тартибини маъмурий хуқук белгилайди. Масалан, фуқаро корхона билан меҳнат шартномасини тузганида меҳнат хуқуки меъёрлари билан тартибга солинадиган муносабатларга киришади. Корхона раҳбарининг ходимни ишга қабул килиш тўғрисида чиқарган буйруги маъмурий хуқук томонидан тартибга солинади. Давлат аппаратидаги хизмат маъмурий хуқук томонидан ҳам, меҳнат хуқуки томонидан ҳам тартибга солинади.

### **Жиноят хуқуқи билан ўзаро муносабати**

Маъмурий хуқук ўзида кўпгина умуммажбурий бўлган коидаларни (масалан, йул ҳаракати, паспорт тизими, санигарија ва х.к.лар) мужассамлаштиради. Маъмурий хуқук фани қандай хуқуқбузарликлар маъмурий хуқуқбузарлик хисобланишини, уларни кўриб чиқиш тартибини, маъмурий жавобгарлик ва жазони белгилаб беради.

Жиноят хуқуки эса, қандай хатти-ҳаракатлар жиноят хисобланиши ва булар учун қандай жиноий жавобгарлик чоралари кўлланилишини белгилаб беради. Бу икки хуқук тармоғи бир-бирининг меъёрларини ҳаракатга келтириши мумкин. Масалан, такроран маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш жиноий жавобгарлик меъёрларини, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган қўймишлар эса маъмурий жавобгарлик меъёрларини ҳаракатга келтиради.

## **Фуқаролик ҳуқуқи билан ўзаро муносабати**

Маъмурий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу икки ҳуқуқ тармоғи айрим ҳолатларда бир хилдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади, лекин турли усуллар ёрдамида. Масалан, ваколатли давлат органининг буйруғига биноан бир хўжалик ташкилоти бошқасига бино ёки иншоотни беради. Бунда давлат бошқарув органи ҳокимият усулидан фойдаланади, яъни маъмурий ҳуқуқ ёрдамида икки хўжалик юритувчи ташкилотининг мулкий муносабати тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқи эса, мазкур ташкилотлар ўртасида юзага келадиган шартнома муносабатларининг мазмунини белгилаб беради.

## **6. Маъмурий ҳуқуқ тизими**

### **Маъмурий ҳуқуқ тизими**

#### **Тушунчаси**

**Маъмурий ҳуқуқ тизими** – унинг давлат бошқаруви жараёнида юзага келадиган муносабатлар билан объектив белгиланган ички тузилиши, маъмурий-ҳуқуқий меъёрларнинг муайян изчилликда бирлашиши ва жойлашишидир.

Маъмурий ҳуқуқ тизими маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар ва институтларни бирлаштиради.

#### **Таркиби**

<b>Умумий қисм</b>	Бунда давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнининг умумий томонларини белгилаб берувчи маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар (давлат бошқарувининг мазмуни ва принципларини, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг механизмларини, субъектларнинг ҳуқуқий макомини мустаҳкамловчи ва бошқа нормалар) назарда тутилган.
<b>Махсус қисм</b>	Бунда жамиятнинг алоҳида соҳаларида (иктисодиёт, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий) амалга ошириладиган давлат бошқарувининг хусусиятларини белгилаб берувчи маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар ўз ифодасини топган.

## Институтлари

**Маъмурий хуқуқнинг институтлари ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади.** Одатда, маъмурий-хуқуқий институтлар – маъмурий-хуқуқий меъёрларнинг унча катта бўлмаган барқарор гурухи бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солишга қаратилади.

Маъмурий хуқуқ тармоги ўз ичига қатор институтларни олади ва улар тармоқнинг таркибий қисми, бўллаги сифатида намоён бўлади. Айни пайтда улар муайян мустақиллик хусусиятига эга. Зеро, маъмурий-хуқуқий институтлар маълум даражада мустақил ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

### Турлари

- давлат бошқаруви принциплари;
- фуқароларнинг (жисмоний шахсларнинг) маъмурий-хуқуқий мақоми;
- ижро ҳокимияти органларининг маъмурий-хуқуқий мақоми;
- давлат хизмати;
- нодавлат (жамоат бирлашмалари) ташкилотларнинг маъмурий-хуқуқий мақоми;
- ташкилот ва муассасаларнинг маъмурий-хуқуқий мақоми;
- давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий шакллари;
- давлат бошқарувининг маъмурий-хуқуқий усуллари;
- маъмурий жавобгарлик;
- маъмурий процесс;
- давлат бошқаруvida қонунийликни таъминлаш;
- иқтисодий соҳани бошқаришнинг маъмурий-хуқуқий асослари;
- ижтимоий-маданий соҳани бошқаришнинг маъмурий-хуқуқий асослари;
- маъмурий-сиёсий соҳани бошқаришнинг маъмурий-хуқуқий асослари.

## **7. Маъмурий ҳуқуқ фан сифатида: тушунчаси, предмети, вазифалари и методологияси**

### **Маъмурий ҳуқуқ фан сифатида: тушунчаси, предмети, вазифалари и методологияси**

#### **Тушунчаси**

**Маъмурий ҳуқуқ фани** – бу Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий фанининг таркибий қисми бўлиб, мазкур ҳуқуқ соҳаси тўғрисидаги ҳуқуқий қарашлар, фикрлар, назарий мулоҳалар, маъмурий ҳуқуқни ва у томонидан тартибига солинадиган ижтимоий муносабатларни ривожлантириш масалаларига оид турли концепция ва нуқтаи назарларнинг умумий тизимиdir.

#### **Предмети**

**Маъмурий ҳуқуқ фанининг тадқиқот предмети** бўлиб маъмурий қонунчиликнинг таҳлили, давлат бошқаруви ривожланишининг умумий қонуниятлари ҳисобланади.

#### **Вазифалари**

- маъмурий ҳуқуқдаги мавжуд муаммоларни аниклаш, шунингдек, мазкур муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш;

маъмурий ҳуқуқка оид нормаларнинг самарадорлигини текшириб бориш, уларни қўллаш амалиётини ўрганиш, номувофик нормаларни аниклаш, маъмурий ҳуқуқни ривожлантириш бўйича тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

#### **Предметни тадқиқ килиш методлари**

##### **Умумий методлар**

<b>Анализ</b>	Объектни у таркиб топган элементларга ажратиш.
---------------	--

<b>Синтез</b>	Элементларни яхлит ҳолга келтириш.
---------------	------------------------------------

<b>Аналогия</b>	Икки ёки ундан ортиқ предметнинг ўхашлигини уларнинг бошқа сифатларини солиштирган ҳолда аниклаш.
-----------------	---

##### **Махсус, илмий методлар**

<b>Тизимли</b>	Объектни бир тизим сифатида ўрганиш, унинг ички ва ташки алоқаларини аниклаш.
----------------	---

<b>Киёсий-ҳуқуқий</b>	Маъмурий ҳуқуқ тизимини хорижий
-----------------------	---------------------------------

	мамлакатларнинг ўхшаш тизимлари билан солиширган ҳолда ўрганиш.
Формал-юридик	Бунда маъмурий хукуқ бошқа ижтимоий-хукукий соҳалар (иқтисодиёт, сиёsat, экология ва бошк.)дан ажратилиб, “соф” холатда ўрганилади.

## 8. Маъмурий хукуқ ўқув курси сифатида

Маъмурий хукуқ ўқув курси сифатида
Тушунчаси

**Ўқув курси сифатида маъмурий хукуқ** – бу олий ва ўрта махсус юридик ўқув юртларида давлат бошқаруви тўғрисидаги хукукий билимларни беришга мўлжалланган, таълим бериш методикаси талабларига жавоб берадиган мажбурий предмет хисобланади.

Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари
<p>“Маъмурий хукуқ” ўқув курсини ўқитишидан мақсад – мазкур хукуқ соҳаси тўғрисида талабаларда ўзларининг профессионал функцияларини самараали амалга оширишлари учун юкори малакали хукуқшунос кадрларни тайёрлашда зарур бўлган тасаввур, билим, малака ва қўнималарни шакллантиришдан иборат.</p>

**Вазифаси** – маъмурий хукуқнинг назарий асослари ва асосий институтларининг мазмуни, шунингдек иқтисодиёт, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий ва тармоқлараро соҳаларни маъмурий-хукукий тартибига солишининг хукукий механизми ҳақида изчил назарий билим беришдан иборат.

Ўқув курсини ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар
<p>Курсни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар Давлат таълим стандартидаги малакавий тавсифга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, талаба фанни ўзлаштиргандан кейин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• маъмурий хукуқнинг хозирги ҳолати ва унинг Ўзбекистон Республикаси хукуқ тизимида туттган ўрни;</li> <li>• мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш</li> </ul>

шароитида маъмурий ҳуқуқ ривожланишининг асосий йўналишлари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши**;

- маъмурий ҳуқуқ моҳияти ва асосий институтлари;
- давлат бошқарувининг турли соҳаларини маъмурий-ҳуқукий тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида **назарий билимларга эга бўлиши**;
- маъмурий ҳуқуқ нормаларини излаш ва тўғри тадбиқ этиш;
- бошқарув ҳуқукий актлари лойиҳаларини тайёрлаш;
- маъмурий-ҳуқукий муаммолар бўйича ўз қарашларини тўғри ифодалаш ва асослаб бериш сингари **амалий кўникмаларга эга бўлиши**;
- бошқарув ҳуқукий актлари лойиҳаларини тайёрлашда;
- маъмурий-ҳуқукий муносабатларда юзага келадиган аниқ ҳолатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда;
- маъмурий-ҳуқукий муаммолар бўйича ўз қарашларини асослаб бериш вақтида маъмурий ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш каби **малакаларни эгаллаши**;
- маъмурий ҳуқуқ нормаларини излаш ва тўғри қўллашда;
- бошқарув ҳуқукий актлари лойиҳаларини тайёрлашда;
- маъмурий-ҳуқукий муносабатларда ҳуқукий низоларни таҳлил қилиш ва ҳал этишда;
- маъмурий-ҳуқукий ҳужжатларнинг Конституция ва ҳалқаро-ҳуқукий стандартларга мувофиқлиги устидан мониторинг олиб бориша;
- маъмурий-ҳуқукий соҳада ҳуқукий қарорларни қабул қилиш ва бошқа ҳуқукий ҳаракатларни амалга оширишда **компетентли бўлиши лозим**.

### **Маъмурий ҳуқуқ фанининг ўқув курсидан фарқи**

Ўқув курси тегишли фанга асосланган бўлади. Курснинг мазмун-моҳияти асосан фаннинг эришган ютуқларига, маъмурий-ҳуқукий муносабатлар ёки нормалар нечоғли олимлар, тадқиқотчилар томонидан ўрганилганлик даражасига боғлик бўлади. Соҳага оид илмий тадқиқотлар бир тизимга солинмаган бўлиши, фанда муайян бўшликлар, унинг очилмаган кирралари кўп учраши мумкин. Лекин ўқув курси тўлиқ ва узлуксиз бўлиши лозим.

Илмий тадқиқотларнинг натижа ва холосалари диссертациялар, монографиялар, илмий мақола ва маъruzаларда ўзининг ифодасини

топса, маъмурий ҳуқук ўкув курсининг мазмуни дарсликлар, ўкув кўлланмалари, дастурлар, маъруза матнларида акс эттирилади. Тадқиқотлар барчасининг хulosалари ёки натижалари ўкув курсида ифодаланиши шарт эмас. Ўкув курсида фаннинг талабалар учун энг зарур бўлган устувор жиҳатлари кўрсатилиши керак. Масалан, ижтимоий таъминот соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганига қарамай, ўкув курсида мазкур соҳани бошқаришнинг мазмуни уч ёки тўрт саҳифада очиб берилиши мумкин.

## **9. Маъмурий ҳуқуқнинг манбалари: тушунчаси, турлари ва шакллари**

<b>Маъмурий ҳуқуқнинг манбалари: тушунчаси, турлари ва шакллари</b>	
<b>Тушунчаси</b>	
<b>Маъмурий ҳуқуқнинг манбалари</b> – маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ташки ифодаланиш шаклидир.	
<b>Маъмурий ҳуқук манбаларининг турлари</b>	
<b>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси</b>	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаси сифатида, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга оширишнинг бошланғич ҳуқуқий асосларини белгилаб берган.
<b>Қонунлар</b>	Бир неча давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мақоми жорий қонунларда ўз ифодасини топган (масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни – Ўзбекистон Республикасида давлат солиқ хизмати органларини ташкил этиш тартибини, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради).
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	Давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг асосий

<b>Президентининг Фармонлари</b>	вазифа ва функциялари белгилаб берилади (масалан, 2003 йил 9 декабрда қабул қилинган “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3358-сонли Фармон).
<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари</b>	Давлат-бошқарув соҳасида ёки бу фаолиятни амалга ошириш тартиб-коидалари тасдиқланади (масалан вазирликлар, давлат кўмиталарининг Низоми).
<b>Маҳаллий давлат хокимияти органлари меъёрий ҳужжатлари</b>	Давлат-хокимий ваколатларидан фойдаланиб, турли ижтимоий муносабатлар тартибга солинади.
<b>Коидалар</b>	Бошқарув процессининг барча томонлари учун мажбурий ҳисобланади, Президент фармони ёки Ҳукумат қарори билан тасдиқланади (масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 2007 йил 16 марта тасдиқланган “Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш коидалари”).
<b>Низом</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <i>предметли</i> – конкрет тартибга солиш предметига эга бўлади, муайян фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди (масалан, 2007 йил 28 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-куватлаш тартиби тўғрисида”ги Низом; 2007 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини</li> </ul>

	<p>лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом);</p> <p><i>органик</i> – давлат органларининг мақомини, вазифаларини, функцияларини, ваколатларини ва унинг фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради (масалан, 1999 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдикланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низом).</p>
Йўриқнома, Тартиб, Кўрсатма, Услубий кўрсатмалар	<p>Ижро хокимияти органлари томонидан бўйсинув остидаги субъектлар фаолиятини аниқлаштириш, тартибини белгилаш максадида қабул қилинади (масалан, 2007 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдикланган “Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлаш бўйича Йўриқнома”; 2000 йил 29 майда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдикланган “Автотранспорт воситаларини тасарруф этиш ва уларни бошқариш хукукини берувчи ишончномаларни расмийлаштириш бўйича Кўрсатма”; 2001 йил 22 майдаги Архитектура ва қурилиш Давлат кўмитасининг “Қурилиш бюджет ва марказлаштирилган кредитларнинг маблаглари хисобга амалга оширилаётган обьектлар бўйича тендер савдоларга Ҳужжатлар тайёрланганида иш хақини тўлаш учун маблаглар миқдорини аниқлаш бўйича Услубий кўрсатмалар”и).</p>

<b>Уставлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат органларининг интизомий уставлари (масалан, 1998 йил 27 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг Интизомий Устави );</li> <li>• муайян соҳада фаолиятни ташкил этишга оид уставлар (масалан, 1997 йил 21 июляда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг Устави).</li> </ul>
<b>Кодекслар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• маъмурий жавобгарликни белгиловчи нормаларни акс эттиради (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси);</li> <li>у ёки бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар гурӯҳини акс эттиради (масалан, 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган Божхона кодекси; 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган Шаҳарсозлик кодекси ва бошк.).</li> </ul>

### **3 Боб. МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ НОРМАЛАР**

#### **1. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг тушунчаси ва хусусиятлари**

##### **Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг тушунчаси ва хусусиятлари**

###### **Тушунчаси**

**Маъмурий-хуқуқий нормалар** – бу давлат томонидан ўрнатилган, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ушбу муносабатлар субъектларининг юридик хуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайдиган, шунингдек, хуқуқлар бузилганда ёки мажбуриятлар бажарилмаганда уларнинг жавобгарлигини ўрнатадиган ва мажбурий чоралар билан таъминланадиган хулқ-атвор қоидаларирид.

Маъмурий-хуқуқий нормалар – муайян хатти-ҳаракат қоидаларидан иборат бўлиб, давлат томонидан белгиланади, бошқа ижтимоий меъёрлардан, масалан, ахлоқ меъёрлариридан фарқланади. Шу сабабли, уларга риоя этиш мажбурий бўлиб, улар бузилган холларда, давлатнинг мажбурлов чоралари кўлланилади.

###### **Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг функциялари**

- давлат бошқарувининг бутун бир тизимини ташкил этиш ва унинг функцияланишини тартибга солишни таъминлаш;
- давлат бошқаруви соҳасида фуқароларнинг ва уларнинг нодавлат тузилмаларининг конституциявий хуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини самарали амалга оширилишини таъминлаш;
- давлат бошқарувида иштирок этувчи шахсларнинг хулқ-атвор (юриш-туриш) доирасини белгилаш;
- давлат бошқаруви соҳасида оммавий-хуқуқий манфаатларнинг бевосита ифодаланишини таъминлаш;
- тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доирасида қонунийлик ва давлат интизомини таъминлаш<sup>1</sup>.

###### **Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг хусусиятлари**

- давлат томонидан ўрнатилади ва уларнинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

<sup>1</sup> Административное право: учебник / Под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. – Москва: Юристъ, 2000. – С. 52-53.

- давлат бошқаруви соҳасида юриш-туриш қоидаларини белгилайди;
- маъмурый хукук томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг юридик хукуклари ва мажбуриятларини аниклаб беради;
- хукуклар бузилганда ёки мажбуриятлар бажарилмаганида давлатнинг мажбуровлор чоралари оркали ижтимоий муносабатларни химоя қиласи ва бошк.

## **2. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг тузилиши**

<b>Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг тузилиши</b>
<b>Гипотеза</b>
Хуқуқий меъёрнинг ҳаракатга келишини ва унинг диспозицияси қандай шароитларда амалга оширилишини, шунингдек, хаётий шароит ва мавжуд холатларни белгилаб беради.
<b>Диспозиция</b>
Хуқуқий меъёрнинг бир қисми бўлиб, унда хукук тармоги тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг хукуклари, мажбуриятлари, хатти-ҳаракатлари доираси кўрсатиб ўтилади.
<b>Санкция</b>
Хуқуқий меъёрнинг таркибий қисми бўлиб, унда диспозицияси қисмida белгиланган талабнинг бажарилиши ёки бажарилмаганлиги учун қўлланиладиган таъсир этиш чоралари назарда тутилади.

## **3. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг турлари**

<b>Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг турлари</b>	
<b>Тартибга солиш предметига кўра</b>	
<b>Моддий</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• бошқарув муносабатлари иштирокчиларининг хукук ва мажбуриятларини, шунингдек жавобгарлигини белгилайди;</li> <li>• ижро ҳокимияти амалга оширилиши лозим бўлган хуқуқий режимни белгилайди.</li> </ul>

<b>Процессуал</b>	Моддий нормаларни амалга оширилиш тартибини белгилайди.
<b>Юридик мазмунига кўра</b>	
<b>Мажбурият юкловчи</b>	Муайян ҳаракатларни албатта амалга ошириш лозим бўлган юридик ҳокимият кўрсатмаларини ўз ичига олади.
<b>Таъқиқловчи</b>	У ёки бу ҳаракатларни амалга оширишнинг тақиқланишини назарда тутади.
<b>Ваколат берувчи</b>	Давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатлар иштирокчиларига юридик ҳокимият кўрсатмалари доирасида ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиш имкониятини назарда тутади.
<b>Ифодаланиш шаклига кўра</b>	
<b>Ёзма</b>	Масалан, 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекси.
<b>Оғзаки</b>	Масалан, ЙПХ ходимининг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш лозимлиги тўғрисидаги огохлантируви.
<b>Конклюдент</b>	Ҳаракатлар, имо-ишоралар, белгиларда ифодаланади, масалан, ЙПХ ходимининг автотранспортни тўхтатиш тўғрисидаги ишораси.
<b>Амал қилиш вақтига кўра</b>	
<b>Муддатли</b>	Амал қилиш муддати кўрсатилган бўлади (масалан, амалда бўлиш вақти кўрсатилган йўл ҳаракати белгиси).
<b>Муддатсиз</b>	Номуайян муддатда, бекор қилингунга қадар амалда бўлади (масалан, конунлар).

## **4. Маъмурий-хуқуқий нормаларни амалга ошириш ва уларнинг ҳаракати**

<b>Маъмурий-хуқуқий нормаларни амалга ошириш ва уларнинг ҳаракати</b>	
<b>Тушунчаси</b>	
<b>Маъмурий-хуқуқий нормаларни амалга ошириш –</b> бу маъмурий-хуқуқий нормалардаги қоидаларни ҳаётга тадбик этишdir.	
<b>Маъмурий-хуқуқий нормаларни амалга оширишнинг шакллари</b>	
<b>Ижро этиш (амал қилиш)</b>	Тартибга солинаётган муносабат ишрокчиларининг юридик кўрсатма, таъкиқлаш ёки рухсат бериш каби қоидаларга аниқ ва бир хилда амало қилишларини билдиради. Ижро этиш (амал қилиш) – маъмурий-хуқуқий нормаларни амалга оширишнинг асосий шаклларидан биридир.
<b>Қўллаш (тадбик этиш)</b>	Ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан индивидуал хуқуқий актларни чиқариш (масалан, жамоат бирлашмасини рўйхатдан ўtkазиш тўғрисида карор қабул қилиш).
<b>Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг ҳудуд бўйича ҳаракати</b>	
<b>Мамлакат миқёсида</b>	Республика даражасида қабул қилинган нормалар.
<b>Муайян ҳудуд доирасида</b>	Маҳаллий миқёсда қабул қилинган нормалар.
<b>Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг шахслар доираси бўйича ҳаракати</b>	
<b>Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан</b>	Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, қонунларида ва бошқа норматив ҳужжатларида белгиланган нормалар.

<b>Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан</b>	Айрим нормалар мазкур шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, масалан, сайлов хукувидан фойдаланиш, ҳарбий хизматни ўташга оид ва бошк.
<b>Давлат органларига нисбатан</b>	Давлат бошқарув органларининг фаолиятини тартибга солувчи Низом ёки Уставлар факат шу органларнинг ўзигагина тааллуқли бўлади.
<b>Маъмурий-хукуқий нормаларнинг вакт бўйича ҳаракати</b>	
<b>Номуайян муддатда амалда бўлувчи нормалар</b>	Расман уларга ўзгартишлар киритилгунга ёки бекор қилингунга кадар амалда бўлади. Маъмурий-хукуқий нормалар имзоланган кундан ёки унда кўрсатилган муддатдан эътиборан кучга киради.
<b>Муддатли</b>	Муайян вакт мобайнида назарда тутилган ҳолатлар якунига етгунига кадар амалда бўладиган нормалар.

## **4 БОБ. МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

### **1. Маъмурӣ-хуқуқий муносабатларнинг тушунчаси ва хусусиятлари**

<b>Маъмурӣ-хуқуқий муносабатларнинг тушунчаси ва хусусиятлари</b>
<b>Тушунчаси</b>
<p><b>Маъмурӣ-хуқуқий муносабатлар</b> – бу давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ва маъмурӣ-хуқуқий меъёрлар билан тартибга солинган ижтимоий-хуқуқий муносабатларнинг бир туридир.</p>
<b>Маъмурӣ-хуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>• бу муносабатлар давлат бошқаруви жараёнида (ёки соҳасида) юзага келади;</li><li>• бу муносабатларнинг мажбурий субъекти бўлиб давлат номидан оммавий-хуқуқий манфаатларни кўзлаб ҳаракат қилувчи давлат бошқаруви (ижро ҳокимияти) органлари ҳисобланади;</li><li>• бу муносабатлар ҳокимият-бўйисинув ва томонларнинг юридик тенг эмаслиги билан тавсифланади;</li><li>• бу муносабатлар оммавий ёки индивидуал манфаатларни қондириш мақсадида бошқарув вазифалари ва функцияларини амалга ошириш бўйича юзага келади;</li><li>• бу муносабатлар ташкиллаштириш хусусиятига эга, яъни улар давлат бошқарувининг бошқарув объектига ташкиллотчилик таъсири доирасида юзага келади;</li><li>• бу муносабатлар қонунийликни таъминлашнинг алоҳида хуқуқий тартиби ва ўзининг хуқуқий ҳимояси билан ажралиб туради<sup>1</sup>.</li></ul>

<sup>1</sup> Баҳраҳ Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право. М.: Норма, 2004. – С. 105-116.

## 2. Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг таркиби

Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг таркиби	
Субъект	Тушунчаси
<p>Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг <b>субъекти</b> бўлиб, унда иштирок этувчи томонлар, яъни бошқарув жараёнида маълум бир ваколатга эга бўлган (давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар) ёки бошқача маъмурий-хуқуқий мақомга эга бўлган шахслар (фуқаролар, жамоат бирлашмалари) ҳисобланади.</p>	
<p>Муносабат субъектлари маъмурий-хуқуқий лаёқат талабларига жавоб бериши, яъни маъмурий-хуқуий муносабатларда иштирок эта олиш имкониятига бўлиши, маъмурий-хуқуқий нормалар билан белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши лозим.</p>	
Турлари	
<b>Якка (индивидуал)</b>	Улар қаторига маъмурий-хуқуқий мақомга эга бўлган барча жисмоний шахслар (фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижий фуқаролар, давлат хизматчилари, мансабдор шахслар ва х.к.), шунингдек, ижро ҳокимиятининг мансабдор шахслари киради.
<b>Жамоавий</b>	Юридик шахслар, шунингдек, турли давлат органлари киради.
Объект	
Тушунчаси	
<p>“Объект” сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, “мавзу” деган маънони англатади. Ҳар қандай хуқуқий муносабат маълум бир жараёнларни тартибга солишга қаратилган муайян бир вазифани бажаради. Шу сабабли объектсиз хуқуқий муносабат бўлиши мумкин эмас.</p>	
<p>Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг <b>объекти</b> бўлиб эса, маъмурий хукуқ субъектларининг ҳаракатлари (қарорлари), уларнинг ижобий ёки салбий хулқ-атвори ҳисобланади.</p>	

## Мазмуни

### Тушунчаси

Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг мазмунини – маъмурий хуқуқ субъектларининг хуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, тақиклар, чекловлар ташкил этади.

Хуқуқшунос олим Д.Н.Бахрах, маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг мазмунига юкоридагилардан ташкари, уларни амалга ошириш, ижро этиш, уларга риоя этиш ва химоя килишнинг процессуал-хуқуқий тартибини ҳам киритади<sup>1</sup>

Маъмурий-хуқуқий муносабатлар мазмунининг асосий элементи бўлиб оммавий хуқуқлар ва мажбуриятлар ташкил этади. Субъектлар мазкур хуқуқлар ва мажбуриятларни амалга ошириш орқали оммавий-хуқуқий муносабатлар иштирокчиларига айланади.

### 3. Маъмурий хуқуқда юридик фактлар

#### Маъмурий хуқуқда юридик фактлар

##### Тушунчаси

**Юридик фактлар** – меъёр талабидан келиб чиқсан ҳолда томонлар ўртасида маълум бир хуқукий муносабатни юзага келтирувчи ҳолатлардир. Юридик фактлар маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг зарурый шарти, аниқ талаби сифатида майдонга чиқади.

Жамиятда турли-туман ҳолатлар ва шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам юридик факт бўлиб ҳисобланмайди. Муайян ҳодиса ва ҳолатларни юридик факт деб эътироф этиш, давлатнинг хоҳиш-иродасига боғлиқдир. Юридик фактлар нафақат маъмурий-хуқуқий муносабатларни юзага келтириш, балки ўзгартириши ёки бекор килиши ҳам мумкин.

Юридик фактлар ижтимоий муносабатларни хуқукий тартибга солишда катта аҳамиятга эгадир.

<sup>1</sup> Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старицов Ю.Н. Административное право. М.: Норма, 2004. – С. 108.

Турлари	
Хатти-ҳаракатлар	
Қонуний	Ҳамма вакт маъмурий-хукукий меъёрлар талабига мос келади. Бунда юридик факт сифатида муносабат иштирокчиларининг қонунга мувофиқ ҳаракати намоён бўлади (масалан, шахс 16 ёшга тўлганида унинг фуқаролик паспортини олиш хукуки пайдо бўлади. Паспортни олар экан, фуқаро билан тегишли давлат органи ўртасида маъмурий-хукукий муносабат юзага келади).
Ноқонуний	Маъмурий-хукукий меъёрлар талабларига мос келмайдиган, уларни бузадиган ҳаракатлардир. Бу – давлат бошқаруви соҳасига хос бўлган интизомий ва маъмурий ножӯя ҳаракатлардир.
Ҳаракатсизлик	
Қонун билан белгиланган хатти-ҳаркатларни қасдан бажармаслик (масалан, ички ишлар ҳодими томонидан жамоат тартибини саклашга қаратилган чораларнинг қўрилмаслиги, шахсларнинг тегишли худуддан рўйхатдан ўтмасликлари).	
Воқеа-ҳодисалар	
Ҳодисалар одамларнинг хоҳиш-иродасига боғлик бўлмаган ҳолда содир бўладиган фактлардир (инсоннинг туғилиши, маълум бир ёшга етиши, ўлими, табиий оғат ва бошқалар).	
Хусусиятлари	
<ul style="list-style-type: none"> <li>юридик фактлар натижасида – конкрет маъмурий-хукукий муносабатлар юзага келади, ўзгаради ёки бекор бўлади, яъни улар маъмурий-хукукий муносабатларнинг юзага келиши учун мос шарт-шароит ҳисобланади;</li> <li>хукукий муносабат иштирокчиси иродасининг натижасини ўзида ифода этади;</li> </ul> <p>қонуний хатти-ҳаракатларнинг асосий тури сифатида ижро ҳокимияти субъектларининг хукукий актлари хизмат қилади.</p>	

#### 4. Маъмурий-хукуқий муносабатларнинг турлари

Маъмурий-хукуқий муносабатларнинг турлари	
Маъмурий-хукуқий муносабатларнинг вазифаси ва функционал белгиланишига кўра	
Тартибга солувчи	Хукуқ субъектларининг мўътадил хулкавори, хукуққа мувофиқ хатти-харакатларининг натижасида юзага келадиган муносабатлар. Мазкур муносабатлар ёрдамида жисмоний шахслар ва ташкилотларнинг мақсадга мувофиқ фаолиятига эришилади.
Муҳофаза килувчи	Хукуқбузарликни содир этиш ва бу учун давлатнинг мажбуров чораларини қўллаш зарурияти асосида юзага келадиган муносабатлар.
Маъмурий-хукуқий муносабат субъектларининг ўртасидаги муносабатларнинг мазмунига кўра	
Вертикал	<p>Вертикал маъмурий-хукуқий муносабатлар айнан ҳокимият муносабатларидир. Мазкур муносабатлар бўйсинув мавжуд бўлган томонлар ўртасида юзага келади ҳамда фуқаролик-хукуқий муносабатлардан фарқ қилган ҳолда, уларда томонларнинг тенглиги мавжуд эмас. Вертикаллик деганда – бир томонда юридик-ҳокимият ваколатлари мавжудлигини, иккинчи томонда эса бундай ваколатларнинг мавжуд эмаслигини (масалан, фуқаролар) ёки ваколат доираси торроқ эканлиги (масалан, куйи турувчи орган) тушуниш лозим. Айнан вертикал маъмурий-хукуқий муносабатларда бошқарув субъектининг у ёки бу обьектга бевосита бошқарув таъсири амалга оширилади.</p> <p>Давлат бошқаруви соҳасидаги маъмурий-хукуқий муносабатларнинг вертикалигини англатувчи қуидаги хусусиятларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:</p>

- вертикал муносабатларнинг асосий (бош) кўрсаткичи ҳисобланган – “*томонлар тенгсизлиги*”нинг мавжудлиги; бошқарув субъектида юридик-ҳокимият ваколатларининг мавжудлиги;
- томонларнинг тенгсизлиги бир томонинг (бошқарув обьекти) иккинчи томонга (бошқарув субъекти) бўйсаниши, яъни “ҳокимият - бўйсинув”га асосланиши;
- маъмурий-хуқуқий муносабатларда бўйсинув ҳамма вақт ҳам аниқ намоён бўлмайди. Масалан, фуқаро ёки нодавлат ташкилоти бошқарув субъектига (ижро ҳикимиятига) ташкилий жиҳатдан бўйсинган ёхуд ижро ҳокимияти органларининг ҳаммаси ҳам тўғридан-тўғри бўйсинувга эга эмас. Лекин мазкур ҳолларда ҳам томонларнинг тенгсизлиги яққол намоён бўлади;
- давлат бошқаруви соҳасида бўйсинув тўғрисида гапиргандা, биринчи навбатда ташкилий жиҳатдан бўйсинувни назарда тутиш лозим;
- вертикал хусусиятдаги аксарият маъмурий-хуқуқий муносабатлар бўйсинув мавжуд бўлмаган томонлар ўртасида ҳам юзага келиши мумкин. Лекин бу ҳолда ҳам, бир томон ўз ваколати доирасида ўзига бўйсинган иккинчи томон учун мажбурий бўлган ҳуқукий актни қабул қилиши мумкин;
- давлат бошқаруви соҳасида контрол-назорат фаолияти кенг доирада амалга оширилиб, унинг субъектлари сифатида ижро ҳокимияти органлари (мансадбор шахслар)нинг ўзи намоён бўлади. Масалан, маҳсус ташкил этиладиган давлат органлари томонидан амалга ошириладиган маъмурий назорат юридик-ҳокимият хусусиятига эга

	<p>бўлиб, ташкилий жиҳатдан бўйсингмаган бошқарув объектларига нисбатан амалга оширилади;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• маъмурий-хуқуқий меъёрларда кўрсатиб ўтилган талаблар доирасида бошқарув субъектлари уларга бўйсингмаган шахсларга (фуқароларга, нодавлат тузилмаларига) ўзларининг юридик-ҳокимият иродасини ифода этиши мумкин ва ҳ.к.лар.</li> </ul>
Горизонтал	<p>Горизонтал маъмурий-хуқуқий муносабатларда бир томоннинг иккинчи томонга нисбатан юридик-ҳокимият иродасининг устунлиги мавжуд эмас. Маълум бир маънода, горизонтал маъмурий-хуқуқий муносабатларда томонлар teng хисобланади. Горизонтал маъмурий-хуқуқий муносабатлар вертикал маъмурий-хуқуқий муносабатлар сингари кўп тарқалган эмас. Чунки улар кайсиdir маънода маъмурий-хуқуқий тартибга солиш доирасидан четга қолган. Лекин давлат бошқаруви соҳасида бундай муносабатларнинг юзага келиши мумкин.</p> <p>Давлат бошқаруви соҳасидаги маъмурий-хуқуқий муносабатлар ўртасида горизонтал муносабатларни ажратиб олиш мушкулдири. Чунки улар вертикал муносабатлар сингари яққол намоён бўлмайди. Лекин бошқарув асосланиб, горизонтал маъмурий-хуқуқий муносабатларга куйидагиларни киритиш мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• бевосита бошқарув таъсирига кўмаклашувчи муносабатлар.</li> </ul> <p>Бу муносабатлар вертикал муносабатларга хизмат киласи, яъни бир томонлама юридик-ҳокимият қарорини қабул қилиш учун шартшароитлар яратиб беришга каратилади. Горизонтал муносабатлар бир даражада</p>

бўлган бошқарув субъектлари ўртасида юзага келади. Масалан, биргаликда меъёрий хужжатни қабул қилиш учун тайёргарлик кўриш; ҳамкорликда бошқарув ҳаракатларини амалга ошириш; биргаликда кўшма тадбирларни (мажлисларни) олиб бориш; идоралараро, маслаҳат ёки мувофиқлаштирувчи кенгашларни ташкил этиш бўйича муносабатлар;

- бевосита бошқарув таъсири амалга оширилгандан кейин юзага келадиган муносабатлар, яъни бир томонлама тартибда қабул килинган қарорнинг самарали ижро этилишига шароитлар яратиб бериш бўйича юзага келадиган муносабатлар;

- маъмурий-процессуал хусусиятдаги муносабатлар. Бундай муносабатларда ҳам томонлар тенг хукукли даражага эга бўлади. Масалан, фуқароларнинг шикоятларини, маъмурий хукукбузарлик ишларини кўриб чиқиш жараённида юзага келадиган муносабатлар. Бу муносабатларнинг мазмунини маъмурий-хукукий низоларни кўриб чиқиш ташкил этади;

- турли хилдаги шартнома шаклига эга бўлган маъмурий-келишиув хусусиятига эга бўлган муносабатлар. Масалан, у ёки бу лавозимдаги ишга қабул қилиш тўғрисида олдиндан келишув.

### **Фаолиятнинг йўналишига қўра<sup>1</sup>**

#### **Ички**

Давлат бошқаруви органлари ички фаолиятининг доирасида юзага келадиган муносабатларга (масалан, тузилмавий ва кадрлар масаласини ҳал этиш, бошқарув аппарати ходимларининг мажбуриятларини, уларнинг жавобгарлигини белгилаш)

<sup>1</sup> Административное право: учебник Под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. Москва, Юристъ, 2000. – С. 77-84.

<b>Ташқи</b>	Бошқарувнинг ташқи соҳаси доирасида, яъни бошқарув обьектларига нисбатан бевосита бошқарув функцияларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар.
--------------	--

# **5 Боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**

## **1. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги**

### **Тушунчаси**

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунга биноан *Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги* – шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-хуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро хукуклари ва бурчларида ифодаланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш хукуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш хукуқидан маҳрум килиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролар олдида, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эса, давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси – Ўзбекистон Республикаси худудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги – фуқароликни олиш асосларидан қатъи назар, барча учун тенг ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг хукуқлилиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида таъминланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни бир вактда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқаросидир.

### **Куйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:**

- келиб чикиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий карашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва сажиғасидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;
- давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992. - №3. – 159-м.

шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг худудида тугилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар;

- қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахслар.

### **Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш асослари**

#### **Тугилиш**

- Тугилган пайтида ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бола, Ўзбекистон Республикаси худудида ёхуд Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тугилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.
- Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола тугилган пайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган қўйидаги ҳолларда бола Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади:
  - 1) Ўзбекистон Республикаси худудида тугилган бўлса;
  - 2) Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида тугилган бўлсаю, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вактда Ўзбекистон Республикасида доимий истикомат жойига эга бўлса.
- Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола тугилган пайтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган бўлса, агар бу вактда ота-она Ўзбекистондан ташқарида доимий истикомат жойига эга бўлган бўлсалар, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тугилган боланинг фуқаролиги ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланади.
- Ота-онасидан бири бола тугилган пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда тугилган

	<p>бўлишидан қатъи назар у Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Онасининг фуқаролиги бўлмаган боланинг отаси белгиланиб, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса, 14 ёшга етмаган бола, каерда туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.</li> <li>Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.</li> <li>Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон худудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.</li> <li>Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра, келиб чиқишидан, ирки ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.</li> </ul>
Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниш	<p><b>Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш қуидаги шартлар бажарилганда амалга оширилади:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>чет эл фуқаролигидан воз кечиш;</li> <li>сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшаганлик. Ушбу коида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, буваси ёки бувиси Ўзбекистон Республикаси худудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллукли бўлмайди;</li> <li>қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;</li> <li>Ўзбекистон Республикасининг</li> </ul>

Конституциясини тан олиш ва бажариш.

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича;
- қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

### **Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тўхтатилиш асослари**

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиши;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;
- қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан.

### **Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиши асослари**

- шахснинг чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, аддия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганилиги натижасида;
- агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;
- агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шакшубҳасиз маълумотлар ёки сохта хужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқсан кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилади.

## **2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маъмурий-хуқуқий мақомининг асослари. Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари.**

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маъмурий-хуқуқий  
мақомининг асослари. Фуқароларнинг давлат бошқаруви  
соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари.**

### **Фуқароларнинг маъмурий-хуқуқий мақоми тушунчаси**

Фуқароларнинг маъмурий-хуқуқий мақоми – фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги (маъмурий-хуқуқий муносабатлардаги) хуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятлари, жавобгарлигининг йигиндиси. Бу муносабатлар фуқароларнинг

маъмурий ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан, масалан, давлат ҳокимияти органлари билан, давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхона, муассаса ва жамоат бирлашмалари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари билан ўзаро алоқасида натижасида юзага келади.

## **Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва эркинликлари**

<b>Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• яшаш ҳуқуки;</li><li>• ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуки;</li><li>• ҳар кимнинг ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралashiшдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуки;</li><li>• Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуки;</li><li>• ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуки;</li><li>• ҳар кимнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуки.</li></ul>
<b>Сиёсий ҳуқуқлар</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ӯзи бошқариш референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади;</li><li>• фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонулларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар;</li><li>• Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар;</li><li>• ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат</li></ul>

	органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларирига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хукукига эга.
Иқтисодий ва ижтимоий хукуқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш хукуки;</li> <li>• ҳар кимнинг кариганда, меҳнат лаёкатини йўқотганда, шунингдек, бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа холларда ижтимоий таъминот олиш хукуки;</li> <li>• ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш хукуки;</li> <li>• ҳар кимнинг билим олиш хукуки;</li> <li>• ҳар кимнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютукларидан фойдаланиш хукуки.</li> </ul>
<b>Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги асосий мажбуриятлари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг хукуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар;</li> <li>• фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрарашга мажбурдирлар;</li> <li>• фуқаролар атроф табиий муҳигга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар;</li> <li>• фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий ийғимларни тўлашга мажбурдирлар;</li> </ul> <p>Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросинининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.</p>	

### **3. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий-хукуқий мақоми**

<b>Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий-хукуқий мақоми</b>	
<b>Тушунчаси</b>	
<b>Хорижий фуқаро</b>	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси хисобланмаган ва хорижий давлат фуқаролиги мавжуд бўлган жисмоний шахсdir.
<b>Фуқаролиги бўлмаган шахс</b>	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани холда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар
<b>Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар маъмурий-хукуқий мақомининг хукуқий асослари</b>	
<ul style="list-style-type: none"><li>• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;</li><li>• 1992 йил 7 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни<sup>1</sup>;</li><li>• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги №408-сонли Қарори;</li><li>• 1996 йил 21 ноябрда тасдиқланган “Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари Тартиби”;</li><li>• 1996 йил 21 ноябрда тасдиқланган “Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари Коидалари”;</li><li>• 1996 йил 21 ноябрда тасдиқланган “Хорижий фуқаролар ва</li></ul>	

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992. - № 9. – 338-модда.

фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси худуди орқали транзит ўтишлари Қоидалари”;

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-2240-сонли Фармони;

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 февралдаги “Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида”ги №92-сонли Қарори;

• 1999 йил 26 февралда тасдиқланган “Хорижий шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисида”ги Низом.

### **Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳукуклари**

- яшаш ҳукуки;
- эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳукуки;
- ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашибдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳукуки;
- фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳукуки;
- ҳоҳлаган динга эътиқод килиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод килмаслик ҳукуки;
- бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳукуқига эга;
- мулкдор бўлиш;
- малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳукуки;
- билим олиш ҳукуки;
- илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳукуки.

### **Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мажбуриятлари**

- Конституция ва конунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳукуклари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш;
- атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- конун билан белгиланган соликларни тўлаш;

- Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улар учун ўрнатилган яшаш, рўйхатдан ўтиш ва ҳаракатланиш қоидаларига қатъий риоя этиш.

#### **4. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг маъмурий-ҳуқуқий кафолатлари**

##### **Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг маъмурий-ҳуқуқий кафолатлари**

###### **Иқтисодий**

Саноатнинг самарали ишлашини; мустаҳкам молиявий ва пул тизимини; иш ҳакининг, пенсия ва нафақаларнинг ўз вактида берилишини; аҳоли яшаш даражасининг минимуми ҳамда улар манбаати яхшилашини таъминлашга хизмат қиласди.

###### **Сиёсий**

Шахснинг жамият ва давлатда тутган ўрни; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг олий қадрият эканлиги; кўп партияйийлик; фикрларнинг хилма хиллиги; мустаҳкам давлат ҳокимияти таъминланади.

###### **Мағкуравий**

Жамиятнинг маънавий-маърифий аҳволи, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги даражаси ва бошқалар билан белгиланади.

###### **Ташкилий**

Ҳуқукни муҳофаза қилувчи, назоратни амалга оширувчи органлар тизимининг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, амалдаги қонунлар асосида ҳамда қонун ҳужжатларини ижро этиш мақсадида ҳамда фуқароларга берилган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг хаётга татбиқ этилишини таъминлашга қаратилади.

###### **Юридик (ҳуқуқий)**

###### **Қонунлар**

Ю.М.Козловнинг фикрича, қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг чинакам кафолати бўлиши учун куйидагилар талаб қилинади:

- давлатда фуқаролар хуқуқлари ва эркинликларини бекор килувчи ёки чеклаб қўядиган қонунлар ва қонуности хужжатларининг қабул қилиниши мумкин эмас;
- фуқаролар хуқуқлари ва эркинликлари айрим ҳолатларда ва асосий қонунда белгиланган тартибда чекланиши мумкин. Масалан, конституциявий ёки давлат тузумини ҳимоя қилиш, шахсларнинг соғлиғи, хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлатнинг мудофаасини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида фуқаролар хуқуқлари ва эркинликлари чекланиши мумкин;
- қонунчиликда фуқароларнинг чекланиши мумкин бўлмаган хуқуқлари ва эркинликлари кўрсатиб ўтилиши мумкин. Масалан, инсонларнинг яшаш хукуки, шахсларнинг қадр-киммати, шаъни, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, виждан эркинлиги ва бошқалар;
- фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларига дахлдор бўлган норматив хужжатларнинг расмий ҳолда оммага эълон қилинмаган бўлса, қабул қилиниши мумкин эмас<sup>1</sup>.

### **Носудлов (маъмурий) кафолатлар**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига биноан давлат, ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижро ҳокимииятининг барча органлари тизими инсон ва фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини муҳофаза этиш, уларни амалда тўлақонли амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, қонунларни оғишмай ижро этиш учун ташкил этилгандир.

### **Судлов кафолатлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига биноан: “Ҳар бир шахсга ўз хуқук ва эркинликларини, суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриконуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят қилиш хукуки кафолатланади”.

<sup>1</sup> Административное право: учебник / Под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. – Москва, Юристъ, 2000. – С. 130.

## **Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуидаги муддатлар белгиланади:**

- фуқаро ўз хуқуклари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб уч ой;
- фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой;
- агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой.

Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

### **Судда шикоятни кўриб чиқиш тартиби**

Фуқаронинг давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар хатти-харакатлари (карорлари) устидан шикояти суд томонидан фуқаровий судлов ишларини юритиши қоидалари асосида кўриб чиқилади.

Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд карор чиқаради. Суд шикоятнинг асослиигини аниклагач, устидан шикоят берилган хатти-харакатни (карорни) қонунсиз деб топади, фуқаронинг талабларини қаноатлантириш мажбуриятини юклайди ёки унинг бузилган хуқуклари ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклади.

Агар устидан шикоят берилган хатти-харакатни (карорни) суд фуқаронинг хуқуклари ва эркинликларини бузмайдиган қонуний хатти-харакат (карор) деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади.

Суднинг карори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори судга шикоят берилиши мумкин.

Суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий ва уни бажариш шарт.

## **5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)**

### **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)**

#### **Макоми**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишининг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Вакил Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиласи, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

#### **Фаолиятининг асосий принциплари**

- конунийлик;
- адолатпарварлик;
- демократизм;
- инсонпарварлик;
- ошкоралик;
- ҳар бир инсон учун очиқлик.

#### **Вакилнинг ҳуқуқлари**

- шикоятни кўриб чиқиш;
- арз қилувчи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шаклларни кўрсатиш;
- шикоятни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юбориш;
- арз қилувчини унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништириш;

- сабабини албатта күрсатган ҳолда шикоятни күриб чиқишини рад этиш;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошка чора-тадбирларни кўриш.

### **Вакилнинг шикоятларни кўриб чиқиши чоғидаги ҳуқуқлари**

Вакил шикоятларни кўриб чиқиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш;
- аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларни таклиф этиш. Текширишни харакатлари ёки харакатсизлиги устидан шикоят берилган ташкилотга ёхуд мансабдор шахсга топшириш мумкин эмас;
- ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш;
- ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш;
- мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш;
- аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар ва мутахассисларга хулосалар тайёрлашни топшириш;
- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳлдор масалалар юзасидан ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан ўтказилаётган текширишларда иштирок этиш;
- ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахс билан учрашув ва сухбатлар ўтказиш;
- харакатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини текшираётганда маълум бўлиб қолган, арз қилувчининг ва бошқа шахсларнинг шахсий хаётига тааллукли маълумотлар уларнинг розилигисиз ошкор килиниши мумкин эмас.

## **6. Фуқароларнинг мурожаатлари**

### **Фуқароларнинг мурожаатлари**

#### **Турлари**

#### **Ариза**

Фуқароларнинг ўз хуқуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидағи илтимоси баён этилган мурожаатидир.

#### **Таклиф**

Фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир.

#### **Шикоят**

Фуқароларнинг бузилган хуқуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир.

#### **Шакллари**

- оғзаки;
- ёзма.

#### **Аризалар, таклифлар ва шикоятларни бериш муддатлари**

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар бериши учун муддат белгиланмайди. Айрим ҳолларда муайян давлат органининг ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш имкониятига, фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини ўз вактида рўёбга чиқариш, уларнинг конуний манфаатлари химоя этилишини таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра, бундай давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятларни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибida юкори турувчи органга ариза ёки шикоят фуқарога унинг хуқуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоги билан бир йил ичida берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи томонидан тикланади.

## **Мурожаатларни кўриб чиқиши тартиби**

Фуқароларнинг давлат органига келиб тушган мурожаатлари ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар кўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоги билан беш кунлик муддат ичидаги тегишли органларга жўнатилиди ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равища бериш ёки қарори ёхуд харакати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар худди шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

Фуқароларнинг мурожаатларини ҳар тарафлама муфассал ва холисона кўриб чиқиши учун қўшимча ахборотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатини кўриб чиқаётган давлат органи зарур ҳолларда мурожаат жойнинг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши керак.

Алоҳида ҳолларда, мурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқишининг имкони бўлмаса, улар давлат органининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича кабул қилинган қарорларни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди.

Агар ариза, таклиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзага келса, бу иш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **Мурожаатни давлат органи томонидан кўриб чиқишида фуқароларнинг хукуклари**

- мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш;

- важларини шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш;
- ариза, таклиф ва шикоятни шахсан беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёки мурожаатини алоқа воситалари орқали юбориш;
- мурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;
- қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш;
- адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш.

### **Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари**

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичida кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичida маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳияттан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичida, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоги билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

### **Мурожаатларни кўриб чиқиша давлат органи (мансабдор шахси)нинг мажбуриятлари**

- фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаш;
- қонунга хилоф ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўриш;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитларни аниқлаш;
- мурожаат қилганликлари муносабати билан фуқаролар таъқиб килинишининг белгиланган тартибда олдини олиш;

- мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиш;
- мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиш;
- агар фуқарога унинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда заарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилишга доир чоратадбирлар кўриш;
- фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун хужжатлари ижроси устидан назорат таъминлаш.

#### **Фуқаролар жавобгарликка тортиладилар:**

- мазмуни тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик учун;
- била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан суднинг қарорига биноан ундириб олиниши мумкин.

#### **Мансабдор шахслар жавобгарликка тортилишининг асослари**

- фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равища рад этиш;
- уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш;
- қонунга зид қарор қабул қилиш;
- фуқаронинг бузилган хукуклари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик;
- фуқарога унинг хукук ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган хужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равища рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш;
- фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиб қилиш;
- фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун хужжатларини бошқача тарзда бузиш.

## **6 БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**

### **1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчаси ва функциялари**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчаси ва функциялари	
Тушунчаси	
<p>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналярдан келиб чиқсан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал килиш борасидаги мустақил фаолиятидир.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига биноан шаҳарча, кишлек ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари – ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оксоколни) ва унинг маслаҳатчilarини сайлайди.</p> <p>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун<sup>1</sup> билан тартибга солинади.</p> <p>Қонунга биноан фуқаролар шаҳарчалар, қишлеклар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий хукукини фуқароларнинг сайлов хукуклари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йигинлари (вакиллар йигилиши) орқали амалга оширадилар.</p> <p>Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари</p>	

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. - № 5. – 110-м.

орқали ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг хукуқларга эгадир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир хукукларини чеклаш тақиқланади.

### **Фаолиятининг хуқуқий асослари**

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришига оид конунлар;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари;
- Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари;
- фаолиятининг низомлари;
- бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар.

### **Фаолиятининг принциплари**

- демократизм;
- ошкоралик;
- ижтимоий адолат;
- инсонпарварлик;
- маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик;
- жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

### **Функциялари**

- фуқаролар йигини раисини (оксоколини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайдайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг хисботларини эшигади;
- фуқаролар йигинининг тафтиш комиссиясини ҳамда қонун хужжатларида назарда тутилган холларда маъмурий комиссияни сайдайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиклади;
- белгиланган тартибда раиснинг (оксоқолнинг) маслаҳатчилари ва фуқаролар йигини кенгаши девонининг миқдор таркибини белгилайди, раиснинг (оксоколнинг) тақдимномасига кўра фуқаролар йигинининг масъул котибини тайинлади;
- кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг хисботларини эшигади;
- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, худудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг

санитария ҳолатини яхшилашга қаратилған тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

- қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халк депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тавсия этади;

- халк депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, халк депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритади;

- тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради;

- йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига киравчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшигади. Фуқаролар йигинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритадилар, фуқароларнинг мурожаатлари бажарилишини назорат киладилар;

- атроф мұхитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшигади;

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларини шакллантиради, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкига эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;

- ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек, кам таъминланган оиласаларнинг уйлари ва квартиralарини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун ахолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қиласди;

- ободонлаштириш, кўқаламзорлаштириш ва санитария-тозалаш ишлари ўтказиш учун тегишли худудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул килади;
- ўз худудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул килади;
  - пул маблағлари сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;
  - атроф муҳитни муҳофаза килишга кўмаклашади;
  - гузарлар барпо этишга доир масалаларни кўриб чиқади;
  - маъмурий-худудий бирликлар ва маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;
  - ер участкаларини бериш (реализация килиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига ўз вакилини юборади;
  - уй-жой мулкдорларининг ширкатларига мажбурий тўловларни йиғиш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совук сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан тадбирлар ўтказишида, тегишли худудни ободонлаштириш ва кўқаламзорлаштириш, уй-жойлар ва ҳовлиларни намунали сақлаш юзасидан ихтиёрий ишларни ташкил этишида кўмаклашади;
  - конун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **Фуқаролар йиғинининг раиси (оксоқоли)**

- фуқаролар йиғинини чакиради;
- раис маслаҳатчиларининг, масъул котибнинг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодларини сайлаш учун фуқаролар йиғинига тақдим этади;
- конунлар ва бошқа конун хужжатларининг, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ишларни ташкил этади;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ифодалайди;

- фуқаролар йигини маблағларини қонун хужжатларига мувофик тасарруф этади;
- эгасиз мол-мулкни, шунингдек, мерос тариқасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтган мол-мулкни сақлаш чора-тадбирларини кўради;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номидан шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади;
- кам таъминланган оиласларнинг, шунингдек, табиий оғатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади;
- ўз худуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боришни, шунингдек, тегишли худудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ишида ҳукуқни муҳофаза килувчи органларга кўмаклашишга доир ишларни ташкил этади;
- вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этади, ота-онасининг каровисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади;
- ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмасининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- яраштирув комиссиясида раислик қиласи;
- тегишли худудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил киласи;
- рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг, диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларининг олдини олишга доир ишларни уюштиради, виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошка масалаларни ҳал этади;
- фуқароларни қабул қиласи, уларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқади;
  - фуқароларга уларнинг оиласиий ва мулкий ахволи тўғрисида маълумотномалар ҳамда хужжатлар, қонун хужжатларида назарда тутилган бошка хужжатлар берилишини таъминлайди;
  - фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ваколатлари

доирасида қабул қилған қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тұғрисида конунда белгиланған тартибда тегишли органларга тақдимномалар киритади;

- конун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **Раиснинг (оқсоколнинг) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асослари**

- ўз ваколатларини зиммасидан сөкіт қилиши;
- фуқаролар йигинининг қарорига биноан;
- у белгиланған тартибда мұомалага лаёқатсиз деб топилғанда;
- унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний күчга кирганды.

### **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари мажбурийлиги**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилған қарорлари тегишли худудда яшовчи фуқаролар, шунингдек шаҳарча, кишлоқ, овул ва маҳалла худудида жойлашған юридик шахслар (уларнинг мансабдор шахслари) томонидан ижро этилиши шарт.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик конунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари уларни қабул қилған органлар ва мансабдор шахслар томонидан бекор килиниши ёки суд қарорига кўра хақиқий эмас деб топилиши мумкин.


# **7 БОБ. ТАШКИЛОТ, КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**

## **1. Ташкилотлар**

<b>Ташкилотлар</b>	
<b>Тушунчаси</b>	
Ташкилот – ўзининг бошқарув органларига ҳамда хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган маълум бир ходимлар жамоасидир.	
Ташкилот мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.	
<b>Фаолиятининг асослари</b>	
<ul style="list-style-type: none"><li>• устав;</li><li>• таъсис шартномаси.</li></ul>	
<b>Маъмурий-ҳуқуқий мақоми</b>	
Ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, уларга тегишли бўлган мол-мулкка эгалик қилиш бўйича ваколатларининг ҳажми ва хусусиятлари, фаолиятининг мақсади, шунингдек, ижро ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабати орқали белгиланади.	
<b>Бошқарувни ташкил этиш</b>	
<ul style="list-style-type: none"><li>• якка тартибда (рахбар, директор, ректор);</li><li>• коллегиал (директорлар кенгаши, раёсат);</li><li>• мувакқат (вактинча бошқарувчи).</li></ul>	
<b>Турлари</b>	
<b>Фаолиятининг мақсадига кўра турлари</b>	
<b>Тижорат ташкилоти</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• асосий мақсади фойда олишга қаратилган бўлади;</li><li>• хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин;</li><li>• ўзининг тижоратчилик фаолиятини мувофиқлаштириш ва мулкий манфаатларини</li></ul>

	химоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар билан шартнома асосида ассоциациялар тузишлари мүмкін.
Нотижорат ташкилоти	<ul style="list-style-type: none"> <li>асосий мақсади фойда олишга қаратылмаган бўлади;</li> <li>жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мүмкін;</li> <li>ўзининг уставида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиши мүмкін.</li> </ul>
<b>Фаолиятининг турига кўра турлари</b>	
Корхона	<ul style="list-style-type: none"> <li>жамият эктиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш учун ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектdir. Мазкур фаолиятининг асосини – унинг мол-мулки ташкил этади;</li> <li>давлат ёки маҳаллий органлар, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан, муассислар (иштирокчилар), мулк эгалари томонидан ёки мулкка эгалик қилиш ваколатига эга бўлган орган томонидан ташкил этилиши мүмкін;</li> <li>мустакил равишда ўз фаолиятини амалга оширади, шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлагандан сўнг унинг ихтиёрида қоладиган даромадга эгалик қиласи;</li> <li>тўлиқ ширкат, командит ширкат, масъулияти чекланган жамият, кўшимча масъулиятили жамият, акциядорлар жамияти, очик акциядорлар жамияти, ёпик акциядорлар жамияти, шўъба хўжалик жамияти, қарам хўжалик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативлари, хўжалик юритиш хукуқига асосланган унитар корхона, оператив бошқарув хукуқига асосланган давлат унитар корхонаси</li> </ul>

	шаклида тузилиши мумкин; хонаси шаклида тузилиши мумкин. • соҳага тааллуклилигига қараб, масалан: саноат соҳасида – заводлар, фабрикалар, шахта, конларларга; кишлек хўжалик соҳасида – кооперативлар, ширкатларга; транспорт соҳасида – темир йўллар, аэропортларга; алока соҳасида – почта, телефон станциялари; уй-жой ва коммунал соҳада – ширкатларга; курилиш, савдо ва бошқа корхоналарга бўлинади.
<b>Муассаса</b>	бу мулк эгаси томонидан бошқарув, ижтимоий-маданий ёки маъмурий-сиёсий функцияларни амалга ошириш учун ташкил этилган ташкилотдир.
<b>Мулкчиликнинг шаклига кўра турлари</b>	
<b>Давлат ташкилотлари</b>	ташкилотнинг таъсис хужжати бўлиб ташкилотнинг муассиси томонидан тасдиқланган устав хисобланади.
<b>Нодавлат ташкилотлари</b>	устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фактат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради.



**2-схема. Ташкилотларнинг турлари.**

## **2. Корхона ва муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми**

### **Корхона ва муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми**

Корхона ва муассасалар давлат бошқаруви (ижро ҳокимияти) органлари билан ўзаро муносабатга киришиб, маъмурй-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари сифатида, маълум бир маъмурй-ҳуқуқий мақомга эга бўладилар.

#### **2.1. ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ**

##### **Давлат органларининг давлат корхоналари фаолиятини ташкил этишдаги роли**

- давлат корхоналарини ташкил этадилар;
- улар фаолиятининг максадини белгилайдилар;
- корхона уставини тасдиқлайдилар;
- корхоналарни бошқарадилар;
- корхона раҳбарларини лавозимга тайинлайдилар ва лавозимдан озод этадилар;
- маҳсулотларга бўлган давлат буюртмаларини етказадилар;
- корхоналарни тугатиш, бирлаштириш ва қайта ташкил этиш фаолиятини амалга оширадилар.

#### **Турлари**

<b>хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ташкил этилган корхоналар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ўзларининг фаолиятларини ва ривожланиш истиқболларини мустақил равишда режалаштирадилар;</li> <li>• мазкур режалар асосини корхоналар томонидан тузиладиган хўжалик шартномалари ёки жорий ва истиқboldаги вазифаларни ҳал этишин назарда тутувчи режалар ташкил этади;</li> <li>• ўзларининг маҳсулотлар ишлаб чиқариши, хизматлар кўрсатиши ва ишларни бажаришида, уларга тегишли мулқдан фойдаланишида ва унга эгалик қилишида, маълум бир маънода мустақилликка эга бўладилар.</li> </ul>
<b>оператив бошқарув асосида ташкил этиладиган корхоналар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• мазкур корхоналарнинг ҳуқуқий мақоми – биринчи гурухга кирувчи корхоналарга караганда, хўжалик мустақиллигининг чегараланганилиги билан тавсифланади;</li> <li>• одатда, оператив бошқарув асосида ташкил</li> </ul>

етиладиган корхоналар юқори турувчи орган томонидан ташкил этилади;

• Ю.М.Козловнинг фикрича, оператив бошқарувга асосланган корхоналарни ташкил этишга асосий сабаб – бу давлат маблағларидан мақсадга номувофик фойдаланиш, даромаднинг мавжуд бўлмаганлиги, амалдаги қонунчилик талабларини бузган ҳолда кўчмас мулқдан фойдаланиш ҳисобланади. Масалан, оператив бошқарувга асосланган завод тегишли ижро ҳокимияти органи, яъни мазкур соҳада тартибга солиш ва мувофиқлаштириш вазифасини бажарувчи орган бўйсинуvida бўлади. Ушбу ижро ҳокимияти органи оператив бошқарувга асосланган завод уставини тасдиқлайди, унинг раҳбарини лавозимга тайинлайди, завод томонидан мустақил хўжалик фаолиятининг амалга ошириши бўйича қарорларни қабул қиласи, яъни ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизмат турларини белгилайди<sup>1</sup>;

• оператив бошқарув асосида ташкил этиладиган корхоналар ўзларига тегишли бўлган мол-мулқдан, ижро ҳокимияти органи назорати ва рухсати асосида фойдаланиши ва эгалик килиши мумкин.

## 2.2. ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР<sup>2</sup>

### Тушунчаси

Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот.

Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-хукуқий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукуқларга эга бўлиши

<sup>1</sup> Административное право: учебник / Под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. – М.. Юристъ, 2000. – С. 236.

<sup>2</sup> Каранг. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Хусусий корхона гўрисида”ги конуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004. - №1-2. – 8-м.

ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун хужжатларига мувофик субсидиар жавобгар бўлади.

### Тузиш тартиби

Хусусий корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди.

Хусусий корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

### Хусусий корхонани якка бошқариш

Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобвараклар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган бўйруклар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

## 2.3. МУАССАСАЛАР

### Турлари

давлат муассасаси	ўз навбатида бошқарув функцияларини амалга оширувчи муассасаларга (масалан, қонунчилик, суд, прокуратура органлари) ёки ижтимоий-маданий функцияларни амалга оширувчи муассасаларга (масалан, таълим, фан, маданият, соглиқни саклаш) бўлинishi мумкин.
нодавлат муассасаси	Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунига биноан, муассаса – бу ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилотидир.

## **Ижро ҳокимиюти органлари корхона ва муассасалар билан ўзаро муносабатларга киришгандаги уларга нисбатан:**

- корхоналарни юридик шахс сифатида давлат рўйхатига олади ва тегишли муассасаларни аккредитациядан ўтказади;
- маълум бир фаолият турлари билан шуғулланиш учун корхоналар ва муассасаларга рухсатномалар (лицензиялар) беради;
- корхоналарнинг фаолиятига аралашмайди;
- бухгалтерлик ва статистик ҳисоботлар олиб борилишини талаб қилади;
- давлат органларига тегишли маълумотларни тақдим этишни талаб этади;
- корхона ва муассасалар томонидан қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

## **8 БОБ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ**

### **1. Нодавлат нотижорат ташкилотлари**

#### **Нодавлат нотижорат ташкилотлари<sup>1</sup>**

##### **Тушунчаси**

*Нодавлат нотижорат ташкилоти* – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

##### **Хуқуқий мақоми**

- нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс бўлади;
- нодавлат нотижорат ташкилоти, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

##### **Асосий белгилари**

- жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрий ташкил этилади;
- ўзини ўзи бошқаради;
- даромад (фойда) олиш фаолиятининг асосий мақсади хисобланмайди;
- устав асосида фаолият кўрсатади.

##### **Куйидаги мақсадларда ташкил этилиши мумкин:**

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- демократик кадриятларни ҳимоя қилиш;
- ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш;
- маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш;
- хайрия фаолиятини амалга ошириш.

<sup>1</sup> Қаранг! Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда кабул килинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Конуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 - №5. - 115-м.

## Асосий ташкилий-хуқукий шакллари

<b>Жамоат бирлашмаси</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси;</li> <li>• жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан аъзолик бадалларига бўлган хуқуқларини сақлаб қолмайдилар;</li> <li>• улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.</li> </ul>
<b>Ижтимоий фонд</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар кўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти;</li> <li>• жамоат фондига унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк фонднинг мулкидир;</li> <li>• фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.</li> </ul>
<b>Муассаса</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти.</li> </ul>

## **Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари**

- давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг хукуклари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг хукукий имкониятлар яратиб беради;
- нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўумак кўрсатиши мумкин;
- давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашишига, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл кўйилмайди.

### **Хукуклари**

- ўз аъзолари ва қатнашчиларининг хукуклари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;
- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташабbusлар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг карорларини ишлаб чиқишида қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;
- ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;
- оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
- уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;
- ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;
- ўз фаолиятига тааллукли масалалар юзасидан йигилишлар, конференциялар ўtkазиш;
- қонун хужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

### **Мажбуриятлари**

- қонун хужжатларига риоя этиши;
- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;
- нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи

органга ўзи ўтказаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;

• рўйхатдан ўтказувчи солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

### **Нодавлат нотижорат ташкилотининг муассисларига, қатнашчиларига (аъзоларига) қўйиладиган умумий талаблар**

• агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ўн саккиз ёшга тўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахслар нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин;

• ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига ўн тўрт ёшга тўлган шахслар, болаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига эса ўн ёшга тўлган шахслар аъзо бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотига аъзо бўлиш, аъзоликдан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби, шу жумладан ёшига кўра аъзоликдан чикиш шартлари тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставлари билан белгиланади;

• расмий ҳужжатларда у ёки бу нодавлат нотижорат ташкилотига аъзолик ёки унинг фаолиятидаги иштирокнинг кўрсатилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш учун асос бўла олмайди;

• чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равища нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

## **2. Жамоат бирлашмалари**

### **Жамоат бирлашмалари<sup>1</sup>**

#### **Тушунчаси**

Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёsat, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва хаётнинг

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда кабул килинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991. - №4. - 76-модда.

бошқа соҳаларидағи қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий хукуқ ва эркинликларига карши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, иркий ва диний адоватни тарғиб килувчи, ҳалқнинг соглиги ва маънавиятига тажовуз килувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

### **Қуйидаги мақсадларда ташкил этилиши мумкин**

- фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, хукуклар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш;
- фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш;
- қасб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишлигини қондириш;
- илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш;
- ахолининг сиҳат-саломатлигини саклаш, хайрия фаолиятида қатнашиш;
- маданий-маърифий, физкультура-согломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш;
- табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш;
- ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси;
- республикалараро ва ҳалқаро алоқаларни кенгайтириш, ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш;
- қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

## **Фаолият принциплари**

- ўз аъзолари (қатнашчилари)нинг ихтиёрийлиги;
- тенг ҳуқуқлилиги;
- ўзини ўзи бошқариш;
- қонунийлик;
- ошкоралик.

## **Давлат ва жамоат бирлашмалари**

• давлат жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди хамда Конституцияга мувоғиқ улар ўз уставларидаги вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароит яратилишига кафолат беради.

• давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва мънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларидан, спорт иншоотлари ва бошқа иншоотлардан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқукини беради.

• қонунда кўзда тутилган холлардан ташқари давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралashiшига, худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмайди.

• жамоат бирлашмалари ташкилотларининг тадбирлари улар аъзоларининг (қатнашчиларнинг) асосан ишдан бўш вақтида ва мазкур бирлашмалар маблаги ҳисобидан амалга оширилади.

• жамоат бирлашмалари манфаатларига дахлдор масалалар қонунларда кўзда тутилган холларда тегишли жамоат бирлашмалари иштироқида ёки улар билан келишилган ҳолда давлат идоралари ва хўжалик ташкилотлари томонидан хал қилинади.

## **Ҳуқуқлари**

• жамоат бирлашмалари уставларда, дастурий, бошқа ҳужжатларда белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатади;

## **қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда эса:**

- давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузища қатнашади;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;
- давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қиласди;
- Ўзбекистон Республикаси қонун хужожатларида кўзда тутилган ваколатларни амалга оширади.

### **Жамоат бирлашмаларининг фаолияти устидан давлат органларининг назорати**

<b>Солик идоралари</b>	Жамоат бирлашмаларини маблағ билан таъминлаш ва улар даромадларининг манбаларини, улар олган маблағ миқдорини ва солиқлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ солик тўланишини назорат қиласди.
<b>Прокуратура идоралари</b>	Жамоат бирлашмаларининг қонунларни бажаришини назорат қиласди.
<b>Адлия органлари</b>	Жамоат бирлашмаси фаолиятининг мақсадларига тааллукли устав қоидаларига риоя этилишини назорат қиласди. Рўйхатга олувчи идора жамоат бирлашмасининг раҳбар организдан қабул килинган қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари ўтказадиган тадбирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга, жамоат бирлашмаси уставига риоя қилиш билан боғлик масалалар юзасидан жамоат бирлашмаси аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан тушунтириш олишга ҳақлидир.

### **Пул маблағларининг манбалари**

- агар уставда кўзда тутилган бўлса, бирлашмага кириш ва аъзолик бадаллари;
- ихтиёрий равишда ўтказилган пул ва хайриялар;
- уставга мувофиқ ўтказилган лекциялар, кўргазмалар, спорт тадбирлари ҳамда бошқа тадбирлар, лотереялар тушумларидан, ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик фаолиятидан олинадиган

даромадлар;

- қонун билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Жамоат бирлашмаларининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

### 3. Жамоат фондлари

#### Жамоат фондлари<sup>1</sup>

##### Тушунчаси

Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар кўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади.

##### Турлари

###### Республика фондлари

Фаолиятини ўз уставига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудида ёки икки ёхуд ундан ортиқ вилоят (Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри) худудида амалга оширадиган фондлар.

###### Маҳаллий фондлар

Фаолиятини ўз уставига мувофиқ туман(лар), шаҳар(лар), вилоят ёки Қорақалпогистон Республикаси худудида амалга оширадиган фондлар маҳаллий фондлар.

##### Фондларнинг фаолияти кафолатлари

Ўзбекистон Республикасида фондларнинг фаолият эркинлиги, мулки дахлизлиги ҳамда ишчанлик нуфузи ҳимояси кафолатланади.

Фондларнинг мол-мулки национализация, реквизиция қилинмайди ва мусодара этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

##### Фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари

Фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари ижтимоий шериклик, юридик ва жисмоний шахсларнинг

<sup>1</sup> Каранг ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августанда қабул килинган "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003. №9-10. 141-м.

хуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосида курилади.

Давлат органлари фондларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайдилар, фондларнинг ижтимоий аҳамиятга молик дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-куvvatлашлари мумкин.

Давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фондлар фаолиятига аралашишига, худди шунингдек фондларнинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

### **Фонднинг хуқуқлари**

**Фонд:**

- мулк хуқуқи ва бошқа ашёвий хуқуқлар асосида мол-мулкли бўлишга;
- фуқаролик-хуқуқий битимлар тузишга;
- хайриялар, бадаллар, грантлар ва бошқа маблаглар олишга;
- судда, бошқа органлар ва ташкилотларда ўз манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилишга;
- оммавий аҳборот воситалари таъсис этиш ва ноширлик фаолиятини амалга оширишга;
- ўз фаолияти тўғрисида маълумотлар тарқатишга;
- ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этишга;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига белгиланган тартибда таклифлар киритишга;
- халқаро алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш ҳамда халқаро дастурлар ва лойиҳаларда иштирок этишга ҳақли.

Фонд қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **Фонднинг мажбуриятлари**

**Фонд:**

- ўз фаолиятини қонун хужжатларига ва фонднинг уставига мувофиқ амалга ошириши;
- фонд фаолиятининг ошкоралигини таъминлаши ва фонднинг мол-мулкидан фойдаланилиши тўғрисида ҳар йили хисоботлар эълон қилиши;

- рўйхатдан ўтказувчи орган вакилларига фонд ўтказадиган тадбирларга эркин кириш имкониятини бериши;
  - ўз фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларига ҳисботлар тақдим этиши шарт.
- Фонд зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **4. Сиёсий партиялар**

##### **Сиёсий партиялар<sup>1</sup>**

###### **Тушунчаси**

Ўзбекистон Республикаси фукароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интигувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

###### **Фаолият қўрсатиши принциплари**

- фукароларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш;
- партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чикиш;
- аъзоларининг тенг хукуқлилиги;
- ўзини ўзи бошқариш;
- қонунийлик;
- ошкоралик.

###### **Давлат ва сиёсий партиялар**

- давлат сиёсий партиялар хукуқлари ва конуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлади, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг хукукий имкониятлар яратиб беради.

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралашишлари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга

<sup>1</sup> Каранг Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул килинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Конуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. №2. – 36-м.

оширилаётган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

• сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

• сиёсий партиялар ташкилотларининг тадбирлари асосан улар аъзоларининг ишдан ташқари вақтида ва ана шу партиялар маблағи хисобидан амалга оширилади. Хусусий иш берувчиларнинг ўз ходимларидан улар меҳнат вазифаларини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шугуланишини талаб қилиши ман этилади.

• сиёсий партиялар аппарати ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта ҳакидаги қонун хужжатлари татбиқ этилади.

### **Куйидаги сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади**

• конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;

• Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларининг конституциявий хукуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;

• урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб килувчи;

• халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи; миллий ва диний руҳдаги партиялар.

### **Куйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар**

• судьялар;

• прокурорлар ва прокуратура терговчилари;

• ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари;

• ҳарбий хизматчилар;

• хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

### **Хукуклари**

• ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз гоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;

• сайлаб қўйиладиган давлат органларидағи ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

- қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;
- партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатларини ўрнатиш.

### **Фаолиятини назорат қилиш**

<b>Адлия вазирлиги</b>	Сиёсий партияларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонун хужжатларига ва ўз уставларига мувофиқлигини назорат қиласди.
<b>Хисоб палатаси</b>	Молиявий ва бошқа маблагларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни амалга оширади.
<b>Қонунчилик палатаси</b>	Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камидан ўндан бир қисмидан иборат депутатлар гурӯҳининг мурожаатига биноан молиявий ва бошқа маблагларнинг келиб тушишини ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланишини текшириш Қонунчилик палатаси томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

### **5. Касаба уюшмалари**

#### **Касаба уюшмалари<sup>1</sup>**

#### **Тушунчаси**

Кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз

<sup>1</sup> Каранг Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда кабул килинган "Касаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Конуни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992. - №9. - 344-м.

аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иктисодий хуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасига биноан, касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иктисодий хуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя киладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийdir.

### **Касаба уюшмаларининг мустақиллиги**

- Касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақиллар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Касаба уюшмаларининг хуқуқларини чеклайдиган ёки шу хуқуқларнинг амалга оширилишига тўскинлик қиласиган тарздаги ҳар қандай аралашув ман этилади.

- Касаба уюшмалари мустақил равишда ўз уставларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уюшма тузилишини белгилайдилар, раҳбар идораларини сайлайдилар, ўз фаолиятларини ташкил этадилар, йиғилишлар, конференциялар, пленумлар, қурултойлар ўтказадилар.

- Касаба уюшмалари ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ равишда бошқа мамлакатларнинг караба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўз хоҳишига кўра ҳалкаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш хуқуқига эгадирлар.

### **Касаба уюшмалари фаолиятини тўхтатиш ёки таъкиқлаш**

- Касаба уюшмалари фаолиятини тўхтатиш унинг аъзолари қарори асосида уставда белгиланган тартибда амалга оширилади.

- Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган ҳолларда бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тақиқланиши мумкин. Касаба уюшмалари фаолиятини бошқа бирон бир идоранинг қарори билан тақиқлашга йўл қўйилмайди.

### **Асосий хуқуқлари**

**Ўзбекистон**

• Ўзбекистон касаба уюшмалари

<p><b>касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг қонунлар ва мөъёрий хужжатлар ишлиб чиқиша қатнашиш хукуклари</b></p>	<p>Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иктисодий масалаларга оид қонун хужжатлари ишлиб чиқиша қатнашиш хукуқига эгадир;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иктисодий масалаларга оид мөъёрий хужжатлар қабул килиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этишга ҳаклидир;</li> <li>• давлат бошқаруви ва хўжалик идоралари меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иктисодий хукуклари ҳамда манфаатларига дахлдор мөъёрий хужжатларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини камидা бир ҳафта олдин хабардор этган ҳолда қабул қиласидилар.</li> </ul>
<p><b>меҳнат қилиш хукукини ҳимоя этиш соҳасидаги хукуклари</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш хукукини ҳимоя этадилар, аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсати ишилаб чиқилишида қатнашадилар. Корхоналарда ишдан холи этиб олинадиган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қонунлар асосида жамоа шартномасида белгилаб қўйиладиган чораларини таклиф этадилар;</li> <li>• маъмурият, мулқдор ёки улар вакил қилган бошқарув идорасининг ташаббуси билан иш жойларининг қисқартирилиши ёки иш шароитининг ёмонлашувига олиб келадиган корхонани ва ундаги таркибий бўлинмаларни тугатиш, ишилаб чиқаришни тўлик ёки кисман тўхтатиб қўйиш тегишли касаба уюшмалари камидা уч ой олдин хабардор килиб қўйилган ва улар билан меҳнаткашларнинг хукуклари ҳамда манфаатларига риоя этиш юзасидан музокара ўтказилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин;</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• касаба уюшмалари аҳолини иш билан таъминлашнинг ахволини ва бу соҳадаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиб боради;</li> <li>• меҳнат шартномаси маъмуриятининг ташабуси билан бекор қилинишига Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тегишли касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишилган тақдирдагина йўл қўйилади.</li> </ul>
<b>музокаралар олиб бориш ва жамоат шартномалари, битимлари тузиш хукуқлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• касаба уюшмалари маъмурият, мулқдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси билан жамоа музокаралари олиб бориша ва жамоа шартномалари, битимлари тузишда устувор хуқуқка эгадирлар, уларнинг бажарилишини назорат қиласидилар;</li> <li>• агар касаба уюшмалари жамоа шартномаси, битими, тузишини таклиф қилса, маъмурият, мулқдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси бу ҳақда музокаралар олиб бориши шарт.</li> </ul>
<b>меҳнаткашларни ижтимоий жихатдан ҳимоя қилиш хукуқлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• касаба уюшмаларининг меҳнат шароити ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга, меҳнаткашларнинг уй-жой шароитига, уларни ижтимоий суғуртага, уларни соғлиқни сақлаш ва маданиятга тааллукли манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти соҳасидаги хукуқлари Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари билан тартибга солинади;</li> <li>• касаба уюшмаларининг республика ва худудий бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жихатдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишида, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига караб товон тўлаш микдорини аниқлашадилар, қонунда</li> </ul>

	<p>белгилаб қўйилган кун кечиришнинг энг паст даражасига хамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорига риоя этилишини назорат қиласидар;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• касаба уюшмаларининг бирлашмалари шу масалалар юзасидан тегишли давлат ва хўжалик идоралари билан битим тузиши мумкин.</li> </ul>
<p><b>мехнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш хукуқлари</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этишларини назорат қилиб боради, аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақлидир. Маъмурият меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунлар бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари тўғрисида бир ой муддат ичida касаба уюшмасига хабар қилиши шарт;</li> <li>• касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат хукуқларини ҳимоя қилиб, даъво ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Шу мақсадда касаба уюшмалари хукуқий ёрдам хизматлари ва бошқа зарур идораларга эга бўлиши мумкин.</li> </ul>
<p><b>мехнат низоларини кўриб чиқищдаги хукуқлари</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• касаба уюшмалари касаба уюшмаси аъзоси билан маъмурият ўртасида пайдо бўлган якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқади ва улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли қарорлар қабул қиласди.</li> <li>• касаба уюшмалари меҳнатга доир амалдаги қонунларнинг жамоа шартномаси, битими шартларининг бузилиши, меҳнат ва турмушнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжуд шарт-шароитларини ўзгартириш билан bogлиқ масалаларга доир жамоа меҳнат низоларини кўриб чиқища қатнашади.</li> </ul>

<b>меңнат ва ижтимоий иктисодий ривожланиш масалаларига доир маълумотлар олиш хуқуқлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• касаба уюшмалари маъмуриятдан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви идораларидан меңнат ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгилаб қўйилган статистика хисоботи доирасида бепул маълумотлар олишга ҳақлидир.</li> </ul>
<b>маъмурият томонидан жамоа шартномаси бажарилишини назорат қилиш хуқуқи</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• маъмурият жамоа шартномаси шартларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда касаба уюшмалари ана шу қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга тақдимнома киритишга ҳақлидир, бу тақдимнома бир ҳафта муддатда кўриб чиқиласди. Маъмурият касаба уюшмаларининг бу талабини бажаришдан бош тортган ёки юқорида айтилган муддатда ўзаро битимга келишилмаган тақдирда, келишмовчиликлар жамоа меҳнат низоларини ҳал қилиш тўғрисидаги қонунларга мувофик кўриб чиқиласди.</li> </ul>
<b>Давлат ва касаба уюшмалари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг хуқуқларига риоя этишлари, уларнинг фаолият кўрсатишларига кўмаклашишлари шарт;</li> <li>• бу идоралар ва шахслар, касаба уюшмалари хуқуқларини бузганликлари ёки уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганликлари учун қонунларда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар;</li> <li>• давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг вакиллари шу касаба уюшмаси аъзолари ишлаётган корхоналарга уставда белгиланган вазифаларни ва қонунларда белгилаб қўйилган хуқуқларни амалга ошириш учун киришларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.</li> </ul>	

муносабатларни юзага келтириш мумкин эмас. Бундан ташкари, маъмурий хукуқ бошқа субъектларининг маъмурий хукукий ҳолати, айнан мана шу давлат органларининг фаолиятида намоён бўлади<sup>1</sup>

- **Ижро ҳокимияти органи** – ижро ҳокимияти механизми (тизими)нинг таркибий қисми бўлиб, ижро ҳокимияти соҳасида давлат кўрсатмасига кўра ва давлат номидан ҳаракат қиласди; ижро этиш ва фармойиш бериш хусусиятидаги фаолиятни амалга оширади; ўзининг компетенциясига эга; ўзининг тузилишига эга; фаолиятнинг ўзига хос бўлган шакллари ва усувларини қўллади<sup>2</sup>.

### **Белгилари<sup>3</sup>**

<p><b>Ижро ҳокимияти органи – қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари сингари давлат аппаратининг алоҳида бўғини ҳисобланади</b></p>	<p>Ижро ҳокимияти органлари давлат номидан унинг сиёсатини турли соҳаларда – хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳаларда амалга оширадилар; маълум бир ҳажмдаги давлат-ҳокимият ваколатларига эга бўладилар.</p>
<p><b>Ижро ҳокимияти органларига бериладиган давлат-ҳокимият ваколатлари уларнинг хукуқларида ўз ифодасини топади ҳамда қуидагиларда намоён бўлади:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат номидан мажбурий бўлган хукукий актларни қабул қилиш. Бундай актлар – бевосита уларга бўйсунувчи корхона ва муассасаларга ёки қуий турувчи ижро ҳокимияти органларига ёки кимга бўйсениши ва қандай мулк шаклида бўлишидан қатъи назар, барча корхона ва муассасаларга ёки жамоат (нодавлат) ташкилотларига ёхуд кенг шахслар доирасига (шу жумладан, фуқароларга) мажбурийлик хусусиятига эга;</li> <li>• хукукий актлар билан ўрнатилган талаблар ва қоидаларга риоя этилиши</li> </ul>

<sup>1</sup> Козлов Ю.М. Административное право: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.. Юристъ, 2003. – С. 75-80.

<sup>2</sup> Габричидзе Б.Н., Чернявский А.Г., Ким-Кимэн А.Н. Административное право. – М.. ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – С. 68.

<sup>3</sup> Козлов Ю.М. Административное право: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.. Юристъ, 2003. – С.75-80.

	<p>устидан кузатув (назорат)ни амалга ошириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ҳуқукий актлар талабларининг бажарилишини таъминлаш ва уларни турли хилдаги бузилишлардан давлатнинг таъсир чораларини, масалан, ишонтириш, тушунтириш, рағбатлантириш ёки мажбуров чораларини қўллаш орқали ҳимоя қилиш.</li> </ul>
<b>Ижро ҳокимияти органлари ўз фаолиятларини қонун асосида ва қонунларни ижро этиш мақсадида амалга оширади</b>	<p>Яъни уларнинг фаолияти қонуности хусусиятига эгадир. Ўзларининг фаолиятларини амалга ошириш жараённида мазкур органлар қонун талабларини, шунингдек, давлат бошқаруви соҳасида ўзлари томонидан ўрнатилган талаблар ва қоидаларнинг бевосита амалга оширилишини ташкил этадилар.</p>
<b>Республика ва маҳаллий миқёсда ҳаракат қилувчи ижро ҳокимияти органлари ягона давлат маъмурияти тизимини ташкил этади</b>	<p>Мазкур тизим доирасида ҳар бир бўғин, яъни аниқ бир ижро ҳокимияти органи оператив мустақилликка эга бўлади. Бу, унга тегишли бўлган ваколатлар ҳажми ва жавобгарлик доираси сингари, мазкур органларнинг компетенциясида ифодаланган. Ижро ҳокимияти органларининг компетенцияси Конституцияда, жорий қонунларда ҳамда бошқа меъёрий хужжатларда ўз ифодасини топади.</p>
<b>Ижро ҳокимияти органлари корхона ва муассаса сингари, фуқароларнинг маълум бир жамоаси бўлиб, маъмурий-бошқарув персонали (ходимлари)дан ёки давлат</b>	<p>Лекин бундай жамоанинг мақсади корхона ва муассасанинг мақсадларидан фарқ қиласи; иккинчидан эса, ижро ҳокимияти органини ташкил этувчи мазкур жамоа доирасида маълум бир ташкилий-ҳуқукий алоқалар юзага келади, функционал мажбурият ва ҳуқуқлар тақсимланади, шунингдек, юклатилган иш бўйича жавобгарлик белгиланади. Бу –</p>

<b>хизматчиларидан иборат бўлади</b>	давлат-хизмат муносабатлари бўлиб, мазкур органнинг ходимлари – давлат хизматчилари хисобланади
<b>Ҳар бир ижро хокимияти органи – давлат бошқаруви фаолиятининг маълум бир худудий ёки предметли доирасига эга бўлади</b>	Ижро ҳокимияти органларининг фаолияти маълум бир худудларда, масалан, бутун давлат ёки маълум бир маъмурий-худудий бирликлар доирасида амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, ижро ҳокимияти органлари умумий ёки максус аҳамиятга эга бўлган (предметли) бошқарув функцияларини, масалан, тартибга солиш, рухсат бериш, назорат ва фармойиш бериш каби функцияларни амалга оширишлари мумкин.
<b>Асосий вазифа ва функциялари<sup>1</sup></b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда бошқа норматив-хуқукий хужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;</li> <li>• ташқи ва ички сиёsatни амалга ошириш, давлатнинг ташки ва ички хавфсизлигини таъминлаш;</li> <li>• мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш борасидаги чоратадбирларни амалга ошириш;</li> <li>• инсоннинг конституциявий хуқуqlари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган хуқуqlарини таъминлаш ва химоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;</li> <li>• тегишли хуқукий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;</li> </ul>	

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрда кабул килинган “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан республика давлат бошқарув органларининг асосий вазифа ва функциялари белгилаб берилган.

- солиқлар, божхона тўловларини йигиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш.

### **3. Ижро ҳокимияти органлари тизимини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари**

#### **Ижро ҳокимияти органлари тизимини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари**

##### **Тушунчаси**

Ижро ҳокимияти органлари тизими деганда – ижро ҳокимияти органларининг йиғиндиси ва улар ўртасида компетенцияни тақсимлаш асосида ўзаро муносабатларининг тизими тушунилади.

Тизимлилик – ижро ҳокимиятини ташкил этувчи ҳамда уни амалга оширувчи субъектлар ўртасида – фаолият олиб бориши предмети ва ваколатларининг тақсимланишини белгилаб беради.

#### **Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари**

<p><b>Ижро ҳокимияти органлари тизимини ташкил этилишининг Ўзбекистон Республикаси давлат тузилишига мос келиши принципи</b></p>	<p>Мазкур принцип – конституциявий, кенг қамровли коида бўлиб, нафакат ижро ҳокимиятининг, балки Ўзбекистон давлати ташкилий-хукуқий тузилишининг хусусиятини белгилаб беради.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикаси – суверен демократик республикадир.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, кишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпогистон Республикасидан иборат.</p> <p>Демак, Ўзбекистон Республикаси давлат тузилишига унитарлик хусусияти хос бўлиб, айнан шу асосда ижро ҳокимияти органлари тизими ташкил этилади. (Лекин унитарлик сўзини асл маъносида тушуниш керак эмас. Чунки, Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпогистон Республикаси ҳам</p>
--	--

	мавжуд. Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши аралаш шаклга эга, яъни унитарлик ва федератив давлат тузилишларининг хусусиятларини ўз ичига олгандир.);
<b>Ижро ҳокимияти органларининг фуқаролар олдида масъуллиги принципи</b>	<p>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига биноан, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.</p> <p>Конституциянинг 14-моддасига биноан эса, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.</p>
<b>Ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишда ва амалга оширишда қонунийлик принципи</b>	<p>Мазкур принцип нафақат ижро ҳокимияти органларига, балки барча шахсларга тааллуклидир. Қонунийлик принципи – конституциявий асосга эга бўлиб, унга амал қилиш шартdir.</p> <p>Ижро ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуллари асосида ташкил этилиши, шунингдек, ўз фаолиятларини амалга оширишлари мумкин.</p>
<b>Ижро ҳокимияти органлари фаолиятида марказлашганлик ва марказлашмаганлиниң мавжуд бўлиши принципи</b>	<p><i>Марказлашганлик</i> ижро ҳокимияти органлари тизимининг ягоналигидан келиб чиқади. <i>Марказлаштирганлик</i> куйи турувчи органларнинг юқори турувчи органларга бўйсениши, юқори турувчи органлар меъёрий ҳужжатларининг куйи органлар учун мажбурийлигига, айrim ҳолларда ягона предмет ва ваколатлар доирасида биргаликда фаолиятни амалга оширишда яққол намоён бўлади.</p> <p><i>Марказлашмаганлик</i> эса, қонунчилик актлари билан маълум бир ижро ҳокимияти</p>

	органи зиммасига фаолият предмети ва ваколатларнинг юқлатилиши бўлиб, ташқаридан (юқори турувчи органнинг) аралашувисиз мустақил амалга оширишдир. Бунда вертикаллик бўйича фаолият предмети ва ваколатларнинг тақсимланishi, мавжуд бўлмайди.
<b>Ижро ҳокимияти соҳасида функциялар ва ваколатларнинг тақсимланганлиги принципи</b>	Ушбу принцип ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг предмети ва ваколатлар доирасининг тизимга кирувчи органлар ўртасида тақсимланishiни белгилаб беради. Ҳар бир ижро ҳокимияти органи аниқ фаолият ва ваколатлар доирасига эга бўлади, ундан ташқарига чиқишига йўл кўйилмайди.
<b>Ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг коллегиаллик ва яккабошчилик асосида ташкил этилиши принципи</b>	<p>Мазкур принцип ижро ҳокимияти органларини ташкил этишда ва улар фаолиятини амалга оширишда, давлат бошқарув фаолиятининг муҳим масалаларини ҳал этишда жамоа фикрининг хисобга олинишини таъминлайди. Шу мақсадда, ижро ҳокимияти органлари тизимида турли хилдаги маслаҳат, мувофиқлаштирувчи кенгаш ва ҳайъатлар ташкил этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида деярли барча вазирликлар ва давлат қўмиталари тизимида Кенгаш ва Ҳайъатлар фаолият кўрсатади.</p> <p>Шу билан бирга ижро ҳокимияти органлари фаолиятида яккабошчилик ҳам мавжуддир. Яккабошчилик – ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширишда, шунингдек, тегишли бошқарув тартибини ўрнатишида зарур бўлган интизомни таъминлашга хизмат қиласади.</p> <p>Коллегиаллик – бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдалидир, яккабошчилик</p>

	эса – давлат-бошқарув фаолиятининг ажралмас белгисидир.
Ошкоралик принципи	Мазкур принципга биноан, ижро ҳокимияти органларининг фаолиятининг бориши ва натижалари оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказилиб турилади.
Ваколатлар доирасида жавобгарлик принципи	Ҳар бир ижро ҳокимияти органи ўзнинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши учун ана шу вазифа ва функциялар доирасида жавоб беради.

#### 4. Ижро ҳокимияти органларининг турлари

Ижро ҳокимияти органларининг турлари	
Фаолиятининг худудий доирасига кўра:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• олий ижро ҳокимияти органи (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси);</li> <li>• марказий ижро ҳокимияти органлари (бунга республика миқёсида фаолият кўрсатувчи вазирликлар, давлат юмиталари, корпорация, ассоциация, компания ва бошқалар);</li> <li>• маҳаллий ижро ҳокимияти органлари (марказий ижро ҳокимияти органларининг бошқарма ва бўлимларини, ҳоким бошчилик қиласидаги ижроия аппаратни киритиш мумкин).</li> </ul>
Ташкил этиш асосларига кўра:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ташкил этиладиган органлар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси);</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари асосида ташкил этиладиган органлар (масалан, вазирликлар, давлат юмиталари).</li> </ul>

## **Ваколатларининг ҳажми ва хусусиятига кўра:**

• умумий ваколатли давлат органлари. Бу гурух давлат органларига – Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимларни киритиш мумкин. Бу давлат органлари, ваколат доирасида, барча соҳаларга тааллукли бўлган қарорларни қабул қилишлари мумкин. Масалан, амалдаги қонунчиликда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқариши кўрсатиб ўтилган бўлиб, унинг ваколати мана шу соҳалар доирасида амалга оширилади;

• соҳавий ваколатга эга бўлган давлат органлари. Бу давлат органларини икки гурухга бўлиш мумкин:

биринчидан, бир соҳа бўйича ваколатли давлат органлари – бу органлар ўз фаолиятини аниқ бир соҳа бўйича амалга оширади;

иккинчидан, соҳалараро ваколатли давлат органлари – бу органлар бир неча соҳалар бўйича ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлади.

Кўпгина юридик адабиётларда, бир соҳа бўйича ҳаракат қилувчи давлат органларига – вазирликлар, соҳалараро ваколатли давлат органларига – давлат қўмиталари киритилган.


Лекин ҳозирги шароитда вазирликларнинг соҳалараро ҳаракатини, давлат қўмиталарининг эса бир соҳа бўйича ҳаракатланишини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда маҳсус ваколатга эга бўлган давлат органлари ҳам, кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан келиб чиқадиган бўлсак,

	ижро ҳокимияти органлари ваколатининг хусусиятига кўра, уларни маҳсус ваколатли органларга бўлиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги кўпгина давлат органлари (инспекциялар ва бошқа давлат идорлари) маҳсус ваколатларга эгадир.
<b>Ташкилий-хукуқий шаклига кўра:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• вазирликлар;</li> <li>• давлат қўмиталари;</li> <li>• агентликлар;</li> <li>• қўмиталар;</li> <li>• инспекциялар ва бошқалар;</li> </ul>
<b>Раҳбарликни ташкил этилишига кўра:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• яккабошчиликка асосланган органлар;</li> <li>• коллегиал органлар;</li> <li>• яккабошчилик ва коллегиал раҳбарлик уйғунлашган (яъни аралаш шаклдаги) органлар.</li> </ul>
<b>Маблағ билан таъминланишига кўра:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат ва маҳаллий бюджет маблағларидан молиялаштириладиган органлар. Мазкур давлат органлари ишлаб чиқариш ёки моддий бойликларнинг муомаласи билан бевосита боғлиқ бўлмай, мулкий мустақилликка эга эмас; уларнинг мажбуриятлари учун давлат жавобгардир;</li> <li>• хўжалик ҳисобидаги органлар. Ушбу давлат органлари мулкий мустақилликка эга бўлиб, асосий ва муомала воситаларига эга; ўз мажбуриятлари бўйича ўзларининг мулки билан бевосита жавобгар бўладилар; уларнинг фаолияти моддий бойликларни ишлаб чиқариш, пулли хизматлар кўрсатиш билан боғлиқдир.</li> </ul>

## Ижро ҳокимияти органларининг турлари



**З-схема.** Ижро ҳокимияти органларининг турлари.

## **5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

#### **Тушунчаси**

**Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси** – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг карорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизимига бошчилик килади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқукига эга.

#### **Фаолиятининг принциплари**

- коллегиаллик;
- демократия ва қонунийлик;
- Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини хисобга олиш.

#### **Фаолиятини куйидагилар орқали амалга оширади**

<b>Қарорлар</b>	Норматив тусдаги ёки ўта муҳим ахамиятга эга бўлган хужжатлари.
<b>Фармойишлар</b>	Тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари.

#### **Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:**

- иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқукий механизмини ишга солисида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади;
- хўжалик юритишнинг янги шакллари – концернлар,

консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга ёрдамлашади, иқтисодиётни ривожлантириш ва ахоли талаб-эҳтиёжларини қондириш заруриятидан келиб чиккан холда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

• Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ҳамда ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

• Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чикишни ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади;

• бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, кайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

• фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

• фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини, уларнинг меҳнат қилишга, ижтимоий ва хуқуқий химояланишга бўлган хуқуқларини таъминлаш ҳамда химоя қилиш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;

• соғлиқни сақлаш, ҳалқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади;

• Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва мудофаа кобилиятини, давлат чегаралари қўрикланишини таъминлаш, давлат манбаатларини химоя қилиш, жамоат тартибини саклаш чора-тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади;

• давлат бошқаруви органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва ҳалқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради, йирик авариялар ва

фалокатларнинг, шунингдек, табиий оғатларнинг оқибатларини тутгатиш чора-тадбирларини кўради;

• Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва ҳалкаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради;

• ташки иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади;

• Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишини мувофиқлаштириб ҳамда йўналтириб боради;

• вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳақидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

• Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети хисобидан таъминланадиган давлат бошқаруви бошқа органларининг марказий девони ходимлари сонини ва улар таъминотига ажратиладиган маблағлар микдорини белгилайди;

• худудларнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантирилишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

• вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилиши талаб қилинадиган масалаларга доир таклифларини кўриб чиқади, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг бажарилиш жараёнини назорат қиласи, уларнинг амалга оширилиши юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини таклиф қилиш ҳамда уларнинг ахборотларини эшлишга ҳақли;

• вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди, бунда чиқиб қоладиган баҳсли масалаларни ҳал этади;

• худудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлади, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият девонининг сони ва намунавий тузилмасини белгилайди;

• вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қонун

хужжатларига зид бўлган қарорлари ва фармойишлари ижросини тўхтатиб кўйиш ҳамда уларни бекор қилишга ҳақли.

### **Кўйидагилар фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқилади:**

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хукумати тасарруфидаги аниқ мақсадли давлат фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;
- бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурлари лойихалари;
- давлат қимматли қофозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзи кўламини ошириш тўғрисидаги таклифлар;
- соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;
- давлат мулки обьектларини хусусийлаштириш дастурларининг лойихалари ҳамда хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифлар;
- белгилаб кўйилган давлат нархлари қўлланиладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати;
- қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиладиган қонунлар лойихалари;
- давлатлараро шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисидаги таклифлар.

## **6. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари**

### **Ўзбекистон Республикаси вазирликлари**

#### **Тушунчаси**

- вазирлик – ижро ҳокимияти тизимининг асосий органларидан бири ҳисобланади. Вазирликлар белгиланган соҳада давлат сиёсатини ва бошқарувини амалга ошириш, шунингдек, мазкур соҳадаги ижро этувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади;

• вазирлик ўз ишини давлат бошқарувининг бошқа органлари, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари хамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади;

• вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари – вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасалар, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади.

• вазирлик юридик шахс хисобланади, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб ракамларига ва бошқа ҳисоб ракамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек, тегишли муҳрлар ва штампларга эга бўлади;

• вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган вазир бошчилик қиласи. Вазир Вазирликка юклangan вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

### **Хукуқий мақоми**

• соҳавий орган сифатида фаолият кўрсатади;

• мувофиқлаштирувчи давлат органи сифатида харакат қиласи;

• Вазирлик ўз фаолиятида – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси конунларига, Олий Мажлиснинг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, ўзининг Низомига амал қиласи.

### **Вазирлик низоми**

• Низом – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинади.

• Низомда – уларнинг хукуқий мақоми, фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, функциялари, ташкилий асослари ва бошқа умумий масалалар белгилаб берилади.

## Тизими

- бош бошқарма;
- бошқарма;
- департамент;
- бўлим;
- бошқа хилдаги худудий бўлинмалардан (тузилмалардан) ташкил топган бўлиши мумкин.

## Вазир

- вазирлик, унинг тасарруфидаги муассасалар, ташкилотлар ва ўкув юртлари фаолиятига раҳбарлик қиласди;
- ўз ваколатлари доирасида тасарруфидаги барча ташкилотлар ва муассасалар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруклар ва фармойишлар чиқаради, кўрсатмалар ва топшириклар беради;
- вазирлик ваколатига тегишли масалалар бўйича норматив хужжатлар лойихаларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади;
- вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради;
- вазир ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг, шунингдек, тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг улар зиммасига юкланган вазифалар бажарилиши учун масъулияти даражасини белгилайди;
- Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида вазирлик марказий аппаратининг штат жадвалини, худудий бўлинмалар тўғрисидаги низомларни, тасарруфидаги муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг низомлари ва уставларини тасдиқлайди;
- вазирлик марказий аппарати ходимларини ва вазирликка бевосита бўйсинувчи муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарларини, худудий бўлинмалар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
- вазирлик марказий аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш шарт-шароитларини белгилайди;
- алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни белгиланган тартибда давлат фаҳрий унвонлари, ёрликлар ва мукофотлар беришга тақим этади;

- қонун хужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлади.

### Турлари<sup>1</sup>

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги.

## 7. Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари

### Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари

#### Тушунчаси

- **Давлат қўмитаси** – ижро ҳокимиютининг марказий органларидан бири бўлиб, коллегиаллик асосида тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади, шунингдек, фаолиятнинг маълум бир соҳасида тартибга солиш вазифасини бажаради.
- Давлат қўмиталарининг вазирликлардан фарқи шундаки, биринчидан, улар коллегиал органлар тоифасига киради; иккинчидан, улар тармоқлараро мувофиқлаштириш вазифасини бажаради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрда кабул килинган “Республика давлат бошқаруви оргаплари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига кўра.

• Давлат қўмиталари вазирликлар сингари уларга юклатилган соҳаларда мувофиқлаштириш ва умумий раҳбарликни амалга оширади. Шу жиҳатидан бу иккала давлат органи бир-бирига ўхшаб кетади, яъни уларни яқинлаштиради. Амалиётда вазирликнинг давлат қўмитасига, ва аксинча, давлат қўмитасининг вазирликка айлантириш ҳолатлари учраб туради. Лекин уларнинг фарқини маъмурий-хуқуқий мақомини аниқлаш орқали белгилаш мумкин.

### **Хуқуқий мақоми**

• Давлат қўмиталари, вазирликлар сингари, ўз фаолиятларида – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлиснинг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига, шунингдек, ўзининг Низомига амал қиласди.

• Давлат қўмиталарининг низомлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинади.

• Давлат қўмиталари низомида – уларнинг хуқуқий мақоми, фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, функциялари, ташкилий асослари ва бошқа умумий масалалар белгилаб берилади.

• Давлат қўмиталари ўз ишини давлат бошқарувининг бошқа органлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

• Давлат қўмиталарининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари – вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасалар, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

• Давлат қўмиталари – юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банк муассасаларида хисоб рақамларига ва бошқа ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек, тегишли

муҳрлар ва штампларга эга бўлади.

• Давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдикланадиган Раис томонидан бошқарилади.

• Давлат қўмитасида Раис (раис) ва лавозими бўйича раис ўринbosарларидан, шунингдек, давлат қўмитасининг бошка аъзоларидан иборат таркибда ҳайъат (кенгаш) ташкил этилади. Қўмита ҳайъати (кенгashi) таркиби Раиснинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси томонидан тасдикланади. Ҳайъат (кенгаш) мажлисларида давлат қўмитаси фаолиятининг асосий масалалари кўриб чиқилади ҳамда тегишли баённомалар ва карорлар қабул қилинади.

• Давлат қўмитасида турли мутахассислардан иборат илмий-техник кенгашлар, давлат экспертизаси кенгашлари ва турли хилдаги маслаҳат кенгашлари ташкил қилиниши мумкин.

### Турлари<sup>1</sup>

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.
- Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва ракоботни ривожлантириш давлат қўмитаси.
  - Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси.
  - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси.
  - Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
    - Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси.
    - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси.
    - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрда қабул қилинган “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини токомиллаштириш тўғрисида”ти Фармонига кўра.

## **8. Ўзбекистон Республикаси агентликлари**

### **Ўзбекистон Республикаси агентликлари**

#### **Хукуқий мақоми**

- давлат бошқарув органи ҳисобланади.
- ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига ёки Ўзбекистон Республикаси Президентига хисоб беради.
- ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси карорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорлари ва фармойишларига, шунингдек ўзининг Низомига амал қиласди.
- ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.
- юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

#### **Асосий вазифа ва функциялари**

- тегишли соҳани тараккий эттиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;
- фаолият соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;
- соҳасида фаолият кўрсатаётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва муассасаларни қўллаб-кувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя килиш, тадбиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва х.к.

#### **Асосий хуқуқлари**

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат бошқаруви ва бошқа органлар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш;
- фаолиятни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини белгилангандан тартибда назорат килиш;
- соҳасига доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
- агентлик ўз ваколатлари доирасида барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари,

ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар учун бажариш лозим бўлган норматив-хукукий хужжатларни қабул қилишга ҳақлидир;

• агентлик зарур ҳолларда бошқа вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа хужжатларни қабул қилишга ҳақлидир;

• агентлик ўзига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир;

• агентлик Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **Фаолиятини ташкил этиш**

• Агентликни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошқаради.

• Бош директор ўз мақомига кўра вазирга, бош директорнинг биринчи ўринbosари ва ўринbosари тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринbosари ва ўринbosарига тенглаштирилиши мумкин.

#### **Бош директор:**

• агентлик фаолиятига якка тартиб асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ва агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

• бош директор ўринbosарларининг ваколатларини белгилайди ва улар ўргасида вазифаларни тақсимлади, агентлик тизимидағи бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини ва масъуллик даражасини белгилайди;

• агентлик тизими ходимлари томонидан бажарилиши лозим бўлган буйруқлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини назорат қиласди;

• белгиланган ходимлар чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида агентлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартишлар киритади, штатлар жадвалини, агентлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлимлари харажатлари сметасини тасдиқлади;

• белгиланган тартибда агентликнинг таркибий ва ҳудудий бўлимлари низомларини тасдиқлади;

• белгиланган тартибда агентлик марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бўлим раҳбарларини лавозимига тайинлади ва вазифасидан озод қиласди.

• бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## **Турлари**

- Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги.
- Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги.
- Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.
- Ўзбекистон “Ўзкоммунхизмат” агентлиги.
- Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги.
- Ўзбекистон муваллифлик ҳуҳуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги.
- “Ўзархив” агентлиги.

## **9. Ўзбекистон Республикаси давлат инспекциялари**

### **Ўзбекистон Республикаси давлат инспекциялари**

#### **Хукукий мақоми**

- соҳасида нормалар ва қоидаларга риоя этилишини назорат қилувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади;
- тизимиға худудий бўлимлар кириши мумкин;
- худудий бўлимлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита инспекцияга ҳисобот беради;
- ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ўзининг Низомга амал қиласди;
- ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади;
- юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## **Асосий хукуқлари**

- юридик шахслар ва фукаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига, соҳадаги норматив-хукукий хужжатларга риоя этилишини назорат қилиш;
- корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда тегишли кўрсатмалар ва йўриқнома хужжатларга риоя этилишини назорат қилиш;
- тармокларда техникадан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;
- лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш;
- вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва корхоналардан ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича зарур маълумотлар ва материалларни, шунингдек жорий назорат жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- назорат остидаги корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларига қонун хужжатлари, қоидалар ва нормаларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;
- ваколатига кирадиган масалалар бўйича белгиланган тартибда норматив-хукукий хужжатлар қабул қилиш;
- хавфсизлик қоидалари ва нормалари бузилган ҳолда олиб борилаётган ишларни тўхтатиб қўйиш;
- қоидалар, нормалар ва йўриқномалар бузилганлиги учун мансабдор шахслар ва фукароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳамда тегишли қоидалар бузилганлиги учун жазолар қўллаш;
- қоидаларни бузганлиги учун айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун материалларни хукуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;
- текшириш натижалари бўйича инспекция ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ва ҳ.к.
- Инспекциянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари, шунингдек норматив-хукукий хужжатлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари, мулкчилик шаклларидан қатыи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади.

• Инспекция зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа хужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

• инспекция Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

• Инспекция ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

#### **Фаолиятини ташкил этиш**

• ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хисобот беради.

• инспекцияси конун хужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ бошчилик қиласди.

• бошлиқ мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринbosарига, бошликтининг ўринbosарлари вазирининг ўринbosарига тенглаштирилиши мумкин.

#### **Инспекция бошлиғи:**

• инспекция, унинг худудий бўлимлари фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қиласди ҳамда инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

• зарурат бўлганда тузилмага ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида инспекция марказий аппаратининг штат жадвалини, шунингдек инспекциянинг марказий аппарати ва худудий бўлимлари харажатлари сметасини тасдиқлайди;

• инспекциянинг таркибий бўлимлари тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

• инспекция марказий аппарати ходимларини, худудий бўлимларнинг бош инспекторларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

• бошлиқ конун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

• инспекциянинг давлат назорати функциясини амалга оширувчи мансабдор шахсларига белгиланган намунаидаги


гувоҳномалар берилади;


- худудий бўлимлар ўз фаолиятини инспекция бошлиги томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширади;
- инспекция худудий бўлимларининг бош инспекторлари белгиланган тартибда инспекция бошлиги томонидан тайинланадилар.

### Турлари

- Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
  - Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
  - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси
  - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси
  - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси
  - Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси
  - Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси.

## 4-схема. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органлари





## **10. Ўзбекистон Республикаси хўжалик бошқарув органлари**

### **Ўзбекистон Республикаси хўжалик бошқарув органлари Тушунчаси**

#### **Хўжалик бошқаруви органлари бўлиб:**

• таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;

• муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш хукуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар хисобланади.

**Давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифалари, шунингдек, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув – хўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмайди<sup>1</sup>.**

#### **Асосий вазифа ва функциялари**

• тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини баркарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

• маркетинг тадқикотларини ташкил этиш, ички ва ташки бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш;

• корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш;

• улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

• кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрда кабул килинган “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. - №11-12. – 185-модда.

# **10 БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ПРЕЗИДЕНТИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**

## **Тушунчаси**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланадиган давлатнинг олий мансабдор шахсидир.

### **Президентлик лавозимига белгиланган талаблар**

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;
- бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши;
- ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган;
- давлат тилини яхши билиши;
- айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас;
- Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас;
- Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

### **Ваколатлари**

- фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;
- Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;
- мамлакат ичкарисида ва ҳалқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;
- музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган

мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

- ўз хузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чакирув ёрликларини қабул қиласди;

- Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига хар йили мамлакат ижтиоий-иктисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалар юзасидан маърузалар тақдим этади;

- республика олий ҳокимиият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

- Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади;

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини, Ҳисоб палатаси раисини тайинлади ва уларни лавозимидан озод қиласди, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

- вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлади ва лавозимларидан озод этади;

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга

мувофиқ ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонуларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

- республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул килган хужжатларини тўхтатади, бекор қиласиди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қиласиди; қонунга ўз эътиrozларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли;

- Ўзбекистон Республикасига хужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти түғилганда уруш холати эълон қиласиди ва қабул килган қарорини уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади;

- фавқулодда вазиятлар (реал ташки хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий оғат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул килган қарорини уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлади ва вазифасидан озод қиласиди, олий ҳарбий унвонлар беради;

- Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиги билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

- амнистия тўғрисидаги хужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни авф этади;

• Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдигига киритади;

• Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

# **11 БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**

## **Тушунчаси**

**Маҳаллий ҳокимият органлари** деганда – вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бошчилик қиладиган ижроия аппарати ва вакиллик органлари (вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари) тушунилади.

## **Ҳуқуқий мақоми**

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юкори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иктисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юкори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, ахолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишини таъминлайди.

## **Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти бошлигини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш**

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидағи партия гурӯҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар

**ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади.**

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур лавозимларга номзодларни партия гурухлари билан кўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичida яна икки марта тақдим этиш ҳукуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш, тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳукуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичida ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофик ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қиласди.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокими тегишли шаҳар, туман ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда шаҳар ҳокимини туман (шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органлари тузиш ваколатига эга. Бу хусусдаги қарор кейинчалик халқ депутатлари вилояти Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари Кенгашларининг ва ҳокимларнинг ваколат муддати – беш йил.

### **Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қиласиган ҳужжатлар**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қиласди.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қиласди ва фармошилар чиқаради.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қиласиган ҳамда чиқарган ҳужжатлар имзоланган вақтдан бошлаб кучга чиқаради,

башарти ана шу ҳужжатларда ўзга тартиб белгиланмаган бўлса.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

### **Халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари**

- ҳокимнинг тақдимиға биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир хисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш коидаларини тасдиқлаш;
- амалдаги қонунларга мувоғик маҳаллий солиқлар, йигимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджеттага тушадиган маҳаллий солиқлар, йигимлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;
- ҳокимни ва унинг ўринbosарларини лавозимга тасдиқлаш, ҳокимни ва унинг ўринbosарларини лавозимдан озод этиш, уларнинг фаолиятига доир хисоботларини тинглаш;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳоким қарорларини тасдиқлаш;
- халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибини, халқ депутатлари Кенгаши доимий ва бошқа комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссияларини, бошқа органларини тузиш, сайлаш ва тутатиш, уларнинг таркибини ўзгартириш, улар ишига доир хисоботларни тинглаш;
- қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда халқ депутатларининг ваколатларини эътироф этиш ва муддатидан олдин тўхтатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш;
- ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа структуравий бўлинмаларининг ҳисоботларини тинглаш;
- халқ депутатларининг сўровларини қараб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- ҳокимнинг ва қуий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш;

- ҳокимнинг тақдимиға биноан ҳокимлик структурасини, унинг ходимлари штатлари ва иш ҳақи фондини тасдиқлаш киради.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқароларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига, ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ўз ваколатларига берилган масалаларни, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ назорат этишга доир бошқа масалаларни ҳал этади.

### **Ҳокимнинг ваколатлари**

#### **Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими:**

- қонунларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси хужжатларининг, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;
- жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий оғатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади;
- вилоят, туман ва шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир хисоботларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдигига тақдим этади;
- ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгаши тасдигига тақдим этади;
- ҳокимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлади ва лавозимдан озод қиласи;
- куйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси хужжатларига, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса, бекор қиласи ва халқ депутатлари Кенгашига куйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг хужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

- раҳбарлари тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг ишини назорат қилади;
- ҳалқ депутатлари Кенгаси ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарлика тортиш тўғрисида конунда белгилантан тартибда тақдимнома киритади;
- давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни қараб чиқади ва таклифлар киритади;
- республика ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўради;
- аҳолини қабул килишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқади.

Уй-жой мулқдорлари ва уй-жойдан фойдаланувчилар коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлашга доир талабларни кўпол равишда бузган ҳолларда туманларнинг, шаҳарларнинг (шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг) ҳокимлари коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ даъволар билан судга мурожаат қиласи.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкини бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, кишлоқ ҳўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, курилиш, транспорт, йўл ҳўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида конун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

### **Ҳалқ депутатлари Кенгаси ва ҳоким фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш**

Ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонулларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлар Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланган тартибда бекор килинади.

Ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишларига, Ҳукумат хужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид келадиган хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатилади ва бекор килинади.

### **Ҳокимнинг прокурор протест билдирган карорлари қайта қўриб чиқилиши мажбурийлиги**

Ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг хужжатларига зид, прокурор протест билдирган карорлари шу ҳокимнинг ўзи томонидан ёки юқори турувчи ҳоким ёнинки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратига қараб эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайта қўриб чиқилади.

# **12 БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ**

## **1. Давлат хизматининг ҳуқуқий асослари**

<b>Давлат хизматининг ҳуқуқий асослари</b>
• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
• Ўзбекистон Республикаси қонунлари
• Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари
• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорлари
• Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти бошқа органларининг меъёрий ҳужжатлари
• Давлат органларининг Низом ва Уставлари.

## **2. Давлат хизматининг тушунчаси ва мазмуни**

<b>Давлат хизматининг тушунчаси ва мазмуни</b>
<b>Тушунчаси</b>
<p><b>Давлат хизмати</b> – давлат органлари томонидан бошқарувнинг кадрлар функциясини амалга ошириш, давлат органлари аппаратида доимий ёки вақтинча мансабни эгаллаб турган ҳамда давлат бюджетидан маблаг билан таъминланадиган барча шахсларнинг фаолиятидир<sup>1</sup></p> <p>Давлат хизмати – давлатга хизмат қилиш, яъни унинг талаби билан маълум бир пул мукофоти эвазига давлат органида давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўладиган фаолиятдир<sup>2</sup>.</p>
<b>Хусусиятлари</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>• давлат хизмати – профессионал фаолият, яъни давлат хизматчисининг давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган фаолиятидир;</li><li>• мазкур фаолиятни олиб бориш жараёнида давлат органларининг компетенцияси амалга оширилади;</li></ul>

<sup>1</sup> Хожиев Э.Т. Давлат хизмати. Ўкув қўлланма. – Т. ТДЮИ нашриёти. 2004. – Б. 14.

<sup>2</sup> Лазарев Б.М. Государственная служба. Москва, 1993. – С. 5-6.

- бу фаолият давлат органларининг функцияланишини таъминлашга қаратилгандир;
- бундай фаолият мансаб мажбуриятларининг ижро этилишини таъминлайди.

### **3. Давлат хизматининг принциплари**

<b>Давлат хизматининг принциплари</b>	
<b>Тушунчаси</b>	
<b>Давлат хизматининг принциплари</b> – давлат хизматини ташкил этиш ва амалда бўлишининг устувор гоя ва қоидаларидир.	
<b>Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллигин</b>	<p>Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласи. Бу холат ҳуқукий демократик давлат куришнинг асосий белгисидир. Давлат, унинг органлари инсонлар учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беради.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикасида Конституциянинг ва конунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат хизматчилари амалдаги конунчилик хужжатларига таяниб, фақатгина давлат органининг ваколат доирасида ўз фаолиятларини амалга оширишлари, конунчилик билан уларга юкланган вазифаларни ўз вактида бажаришлари, берилган ҳуқуклардан тўгри фойдаланишлари, белгиланган тартибга риоя қилишлари лозим.</p>
<b>Конунийлик</b>	Давлат хизматини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши ҳуқуқ меъёрларига асосланиши ҳамда жамият ва фуқароларнинг манфаатларини таъминлаган ҳолда амалга оширилиши лозим.
<b>Давлат хизматининг ҳокимиятнинг</b>	Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг

<p><b>конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятига бўлиниши асосида ташкил қилиниши</b></p>	<p>асосида қабул қилинган конунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Ҳокимият органлари бир-биридан мустақил бўлиб, уларнинг хар бири давлат олдида турган маълум бир вазифа ва функцияларни амалга оширадилар. Ҳукукий демократик давлат куришнинг муҳим белгиларидан бири – бу давлат ваколатларини ҳокимият органлари ўргасида тақсимлашдир.</p>
<p><b>Фуқароларнинг давлат хизматида иштирок этишлари принципи</b></p>	<p>Бундай иштирок давлат хизматида маълум бир фаолиятни амалга ошириш ёки давлат органларига мурожаат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Конституциянинг 35-моддасига биноан эса ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф, шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шу ҳолатни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат хизматида бевосита иштирок этишга факатгина Ўзбекистон Республикаси фуқароларигина эга бўлиб хисобланадилар.</p>
<p><b>Давлат хизматида иштирок этувчи барча фуқароларнинг бир хил ҳуқукларга эгалиги</b></p>	<p>Фуқаролар миллати, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа белгиларидан катъи назар конун олдида тенгдирлар. Давлат хизматида фуқароларнинг фаолият кўрсатишида, мансаб ёки лавозим бўйича ҳаракатланишида давлат томонидан тенг шарт-шароитлар яратиб берилади.</p>

<p><b>Юқори давлат органи (mansabдор шахс) томонидан чиқарилган қарорларнинг қуий турувчи органлар (давлат хизматчилари) учун мажбурийлиги</b></p>	<p>Бу принцип орқали давлат хизматидаги күйидаги асосий ҳолатлар белгилаб берилади: биринчидан, юқори давлат органи ёки раҳбар томонидан чиқарилган қарорлар қуий турувчи органлар ва давлат хизматчилари томонидан бажарилиши мажбурийдир; иккинчидан, чиқариладиган қарорлар конуний бўлиши, яъни қарорлар уни чиқариш ваколатига эга бўлган давлат органи (mansabдор шахс) томонидан ваколат доирасида чиқарилиши лозим; учинчидан, бу қарорлар конун талабларига зид келмаслиги лозим.</p> <p>Бу принцип орқали давлат органларининг нормал функцияланиши таъминланади.</p>
<p><b>Давлат хизматида ўрнатиладиган асосий талабларнинг ягоналиги</b></p>	<p>Мазкур принципга биноан давлат хизмати ва давлат хизматчиларига ўрнатиладиган барча талаблар, яъни давлат хизматини ташкил этиш, давлат хизматига кириш, хизматчиларга қўйиладиган малакавий талаблар, мансаб мажбариятларини бажаришга қўйилган талаблар, давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш, хизматчиларга нисбатан интизомий жавобгарликни кўллаш, малакасини ошириш ва бошқа талаблар конунчиликда бир хил белгиланади.</p>
<p><b>Давлат хизматини амалга оширишда ошкоралик</b></p>	<p>Давлат хизматини амалга оширишда ошкоралик принципи ёрдамида давлат органлари ва давлат хизматчиларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш таъминланади. Ҳар қандай давлат хизмати ошкоралик принципи асосида ташкил этилиши ва амалга оширилиши лозим. Ошкоралик принципи орқали бир томондан фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этиши, иккинчи</p>

	<p>томондан эса, давлат олдида турган вазифаларни ҳал этишда фуқароларнинг фикрини эътиборга олиш таъминланади.</p> <p><b>Давлат хизматида ошкораликни таъминлаш учун қуйидагилар зарурдир:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• фуқаролар фикрини инобатга олиш механизмини ташкил этиш;</li> <li>• давлат органлари, давлат хизматчилари фаолиятига нисбатан фуқаролар билдирган фикрлар муҳофазасининг хуқукий шароитини яратиш;</li> <li>• ахборот воситалари орқали давлат органлари ва давлат хизматчиларининг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ошкораликни таъминлаш.</li> </ul>
<p><b>Қабул қилинадиган қарорлар, ўз вазифасини бажармаганилик ёки лозим даражада бажармаганилик учун давлат хизматчиларининг жавобгарлиги</b></p>	<p>Мазкур принцип давлат хизматчилари томонидан ўзларининг мансаб мажбуриятларини вижданан ва тўғри бажаришларини таъминлади.</p> <p>Давлат хизматчилари томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай қарор қонуний, мақсадга мувофик ва бошқарув актларига қўйиладиган талабларга мос бўлиши лозим.</p> <p>Давлат хизматчисининг ўзига юклатилган вазифаларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаганилиги ёхуд мансаб ваколатларидан четга чиқиши, уларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўллашга олиб келади.</p>
<p><b>Давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш принципи</b></p>	<p>Амалдаги қонунчиликда давлат хизматчилари учун қуйидаги ижтимоий ҳимоя воситалари ўрнатилгандир: ҳақи тўланадиган меҳнат таътили; давлат хисобидан тиббий хизматдан фойдаланиш; давлат хизматчилари томонидан ўз вазифаларини бажариш жараёнида уларнинг ва оила аъзоларининг шаъни, қадр-қимматини</p>

хамда бошқа ноқонуний ҳаракатлардан химоя қилиш; транспорт ва бошқа алоқа воситалари билан таъминлаш ва бошқалар.

## 4. Давлат хизматининг мақсади, вазифа ва функциялари

### Давлат хизматининг мақсади, вазифа ва функциялари

#### Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий мақсади

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан белгиланган принциплар ва бошқа ҳолатларга асосланиб, давлат функцияларини амалга ошириш, унинг вазифаларини бажариш, жамият ва фуқаролар эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлаш.

#### Давлат хизматининг вазифалари

**Давлат хизматининг вазифалари** – давлат органининг ҳуқуқий мақомига, давлат хизматчисининг қандай мансаб ва лавозимни эгаллаб турганига боғлиқ бўлади.

Юридик адабиётларда давлат хизматининг вазифаларига деярли барча ҳуқуқшунос олимлари бир хилда ёндошган. Уларнинг фикрича, давлат хизматининг асосий вазифаларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- конституциявий тузумини химоя қилиш, фуқаролик жамияти куриш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, ишлаб чиқариш, шахснинг эркин ҳаёт кечиришини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, экринликлари ва конуний манфаатларини химоя қилиш;
- давлат органлари олдида турган функцияларнинг амалга оширилиши учун ижтимоий-сиёсий ва давлат-ҳуқуқий шароитларни ташкил этиш;
- давлат органларига берилган компетенциядан келиб чиқсан ҳолда уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;
- давлат хизмати ва давлат хизматчиларининг профессионал фаолияти шароитларини такомиллаштириш;
- давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятида ошкоралик принципининг амалда бўлишини таъминлаш, конунийликка риоя этиш, давлат хизматида маъмурий-буйруқбозлик, коррупция ва бошқа негатив ҳолатларга барҳам бериш;
- давлат органларида хизматчиларнинг қобилиятини, муомала-

сини яхшилаш, бошқарув ишининг самарадорлигини ошириш;

• давлат хизматчилари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

• давлат органларини давлат хизматига яроқли бўлган ҳамда ўзининг мансаб мажбуриятларини бажара оладиган юқори малакали хизматчилар билан тўлдириш;

• давлат органлари хизматчилари фаолият юритиши учун зарур бўлган ижтиомий, ахборот, моддий-мoliajий, хукукий ва бошка шарт-шароитларни ташкил этиш;

• кадрларни танлаш, хизмат бўйича ҳаракатланиш тартибини, малакали синовларни, аттестацияларни ўтказиш, малака даражаларини бериш, мувозанат ва жавобгарлик чораларини белгилаш ва ҳ.к.лар<sup>1</sup>.

**Ўзбекистон Республикасида, Алимов Х.Р.нинг кўrsatiшича, давлат хизматининг асосий вазифаларига қуидагилар киради:**

• Ўзбекистон Республикаси халқи манфаатларини кўзлаб давлат функцияларини амалга ошириш;

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг қарорларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларининг бошқа меъёрий хужжатларини ижро этиш;

• фаолиятнинг ўрнатилган мақсадлари ва ваколатларига қатъий риоя этган ҳолда, республика ва маҳаллий органларнинг самарали иш фаолиятини таъминлаш;

• фуқаролар ва юридик шахсларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишини ва ҳимоя қилинишини таъминлаш;

• бошқарув фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ва илмий-техник жараённинг энг илғор воситаларидан фойдаланиш, профессионал даражани ошириб бориш ва бошқалар<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Алексин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право. Зерцало, 1998., Баҳраҳ Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право. – М.: Норма, 2004., Козлов Ю.М. Административное право. – М.: Юристъ, 2003., Габричидзе Б.Н., Чернявский А.Г Ким-Кимэн А.Н. Административное право. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.

<sup>2</sup> Административное право Республики Узбекистан // Авт. коллектив: Х.Р.Алимов, Л.И.Соловьева и др./ - Т "Адолат", 1999.

**Б.Ш.Мирбобоев, О.Т.Хусановларнинг кўрсатишича, давлат хизматининг асосий мақсади – давлатнинг Конституция ва қонунларини амалга ошириш хисобланади.**

**Шу мақсадда улар қўйидаги вазифаларни бажаради:**

- давлатни аҳоли билан алоқасини, давлат хизматининг обрў-эътиборини таъминловчи ижтимоий-сиёсий ва давлат-хукукий асосларини шакллантириш;
- марказий ва маҳаллий давлат органлари аппаратини самарали ишлаши ва ривожланишини таъминлаш;
- меҳнатни имлый ташкил этиш, фан янгиликларидан, техника ютуқларидан фойдаланиш, жаҳон тажрибасини қўллаш орқали давлат аппарати фаолиятини доимий такомиллаштириб бориш;
- давлат бошқарувини демократлаштириш, унинг фаолиятида ошкоралик ва очиқлик учун шароит яратиш, қонунийликни таъминлаш, бюрократизм ва коррупция кўринишларига барҳам бериш;
- давлат органлари жамоасида соглом мухит, ишчанлик сифатларини, ташаббускорлик, ижодкорликни вужудга келтирувчи шароитларни таъминлаш;
- давлат бошқарувини ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини вужудга келтириш ва фаолият қўрсатишини таъминлаш, ходимларни хизмат пиллапоясидаги адолатли силжишига имконият яратиш;
- давлат бошқарувига хизматга қабул килиш, хизматни ўзгариши, юкори кўтарилиш, ходимлар фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш, жавобгарлик тартибларини аниқлаш<sup>1</sup>.

**Давлат хизматининг функциялари**

**Тушунчаси**

**Давлат хизматининг функциялари** – бу давлат хизмати институти хукукий меъёrlарини амалга оширишнинг асосий йўналишлари бўлиб, давлат-хизмат муносабатларини хукукий тартибга солиш максадига эришиш ҳамда давлат хизматининг ижтимоий ва давлат-хукукий ролини бажаришидир.

Функциялар давлат хизматини ташкил этиш ва бу фаолиятни бевосита амалга ошириш жараёнида юзага келадиган давлат-хизмат муносабатларига таъсир этишнинг аник йўналишлари хисобланади.

<sup>1</sup> Б.Мирбобоев, О.Хусанов, А.Бегматов. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-хукукий масалалари. – Тошкент: “Akademiya”, 2005. – Б. 25-26.

Давлат хизмати функцияларининг юзага келиши – унинг мақсади ва вазифалари, давлат-хизмат муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади.

<b>Тартибга солиш функцияси</b>	Аниқ дастурларни (масалан, хусусий-лаштириш, инвестициявий фаолият, мудофаа ва хавфсизлик ва бошқаларни) тайёрлашга каратилган сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; давлатнинг хўжалик фаолиятини тартибга солиш (масалан, хўжалик муносабатларини, тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, турли мулк шаклларининг тенглигини таъминлаш, мулкдорларнинг, истеъмолчиларнинг хукукларини ҳимоя қилиш ва бошқалар); давлатга қарашли корхоналар ва муассасаларни бошқариш; нодавлат (тижорат) корхоналарининг фаолиятини тартибга солиш.
<b>Мажбурлов функцияси</b>	Аниқ бир ҳолатларда қонунчиликда ўрнатилган давлатнинг мажбурлов чораларини кўллаш. Бу функция демократик хукукий тартибни ўрнатишнинг асосий воситаларидан биридир.
<b>Таъминлов-тиклов функцияси</b>	Фуқаролар ва инсонларнинг хукуклари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва шахсларнинг ҳимоясини кучайтириш.
<b>Ташкилий функция</b>	Давлат хизмати тизимини ташкил этиш ва унда қонунийлик ва интизомни таъминлаш, кадрлар сиёсатини амалга ошириш.
<b>Хукуқ ижодкорлиги функцияси</b>	Яъни, хукукий актларни тайёрлаш ва қабул қилиш.
<b>Назорат функцияси</b>	Давлат органлари фаолиятида давлат контроли ва назоратини таъминлаш.

## 5. Давлат хизматчилари

### Давлат хизматчилари

#### Тушунчаси

• **Давлат хизматчи** – бу давлат маъмурияти аппаратида бевосита ёки билвосита маълум бир ҳақ эвазига доимий ёки вақтингча хизмат мажбуриятларини амалга оширувчи шахсдир<sup>1</sup>

• **Давлат хизматчи** – бу давлат-ҳокимият ваколати доирасида маълум бир ҳақ эвазига давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширувчи шахсдир. Давлат хизматига фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кириши мумкин<sup>2</sup>

• **Давлат хизматчи** – қонун билан ўрнатилган тартибда маълум бир пул мукофоти эвазига давлат хизматидаги давлат лавозими бўйича мажбуриятларни амалга оширувчи фуқаро ҳисобланади. Давлат хизматчилари орқали бутун жамият соҳаларига тааллуқли бўлган давлат органларининг ваколатлари амалга оширилади<sup>3</sup>.

**Давлат хизматчи тушунчасини уч маънода кўриб чиқиши мумкин:**

• **биринчидан.** давлат-хукуқий нуқтаи назаридан давлат хизматчи – бу турли хусусиятдаги ва аҳамиятдаги ваколатларга эга бўлган давлатнинг (давлат органларининг) “хизматкори” ҳисобланади. Хизматчилар давлатни давлат маъмуриятининг ичидаги турли ижтимоий муносабатларда ёки ташқи алоқаларда давлат номидан ҳаракат қиласи. Давлат хизматчи – давлат ва жамият тараққиётининг маҳсули бўлиб, давлат функцияларини амалга оширади;

• **иккинчидан,** маъмурий-хукуқий нуқтаи назаридан давлат хизматчи – маҳсус ҳокимият, ташкиллаштирувчи-фармойиш берувчи ваколатларга эга. Давлат хизматчи юрисдикциявий (хукуқни муҳофаза қилувчи) чоралар ва ваколатларни амалга

<sup>1</sup> Старилов Ю.Н. Служебное право. Москва, БЕК, 1996., Алеҳин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право. – Зерцало, 1998., Баҳраҳ Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право. – М.: Норма, 2004., Козлов Ю.М. Административное право. – М.: Юристъ, 2003., Габричидзе Б.Н., Чернявский А.Г., Ким-Кимэн А.Н Административное право. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.

<sup>2</sup> Административное право Республики Узбекистан // Авт. коллектив: Х.Р.Алимов, Л.И.Соловьев и др./ - Т “Адолат” 1999.

<sup>3</sup> Административное право: учебник Под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. Москва, Юристъ, 2000. – С. 211.

ошириш ва маъмурий-хуқуқий санкцияларни қўллаш хуқуқига эга бўлган ҳокимият вакилидир;

• учинчидан, жиноят-хуқуқий нуқтаи назаридан давлат хизматчиси – жиноий жавобгарликнинг маҳсус субъекти ҳисобланади (давлат хизматчиси – мансабдор шахс – мансаб жинояtlари учун жавобгарликка тортиладилар).

### **Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиси тушунчасини кўйидагича белгилаш мумкин:**

• давлат хизматчиси – бу 18 ёшга тўлган, давлат тилини билган, маълум бир билимга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаросидир. Давлат хизматчиси давлат-хизмат муносабатларининг бир томонини ташкил этади. Давлат органи ҳамда хизматчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилиб, унга кўра хизматчи давлат органининг ваколатларини, давлат функцияларини бажаради, давлат курилишининг маълум бир мақсадларига эришиш учун маҳсус вазифаларни ҳал этади, давлат (давлат органи) эса ўз навбатида хизматчи олдида: унинг хуқуклари ва манфаатларини ўрнатади ва таъминлайди, ижтимоий-хуқуқий кафолатлар, жавобгарлик, пул маблағи билан таъминлаш каби мажбуриятларга эга бўлади. Давлат хизматчиси маъмуриятнинг вакили, давлат бюрократининг бир қисми ҳисобланади. Давлат хизматчиларининг барча ҳаракатлари давлат номидан ва унинг қўрсатмаси асосида амалга оширилади, давлат эса давлат хизматчиси фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва тегишли ҳолатларда уларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллайди. Давлат хизматчиси фақатгина давлат органида давлат мансабини эгаллаши мумкин.

• Давлат хизматчиси фаолияти давлат хизматини тартиба соловчи қонунчилик ҳужжатлари талабларига мос келиши керак.

• Давлат хизматчиси қонунчилик билан ўрнатилган тартибда давлат хизматининг пул билан таъминланадиган давлат лавозимини эгаллайди. Қонунчилик давлат хизматчиси фаолиятининг мазмунини, унинг хуқуқий ҳолатини, фаолиятнинг мақсади, вазифаси ва асосий йўналишларини, хуқуқларни, мажбуриятларни, жавобгарликни, чекловларни, кафолатларни белгилаб беради. Давлат лавозимларини фақатгина давлат хизматчилари эгаллашлари мумкин.

• Давлат хизматчисига қонунчиликда белгиланган тартибда

малака даражалари берилади.

• Давлат хизматчиси давлат функцияларини, давлат органларининг ваколатларини бажарадилар, иқтисодий, ижтимоий, маъмурий-сиёсий соҳаларда (давлатнинг молиявий фаолияти, маданиятни ривожлантириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, божхона, банк иши, соликка тортиш, хукуқбузарликларга карши курашиш, ички ишлар, ташки сиёсий фаолият ва ҳ.к.ларда) давлат вазифаларини амалга оширадилар.

• Давлат хизматчиси аксарият ҳолларда юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи харакатларни амалга оширадилар (масалан, бошқарув қарорларини қабул қиласидилар, жазога тортадилар). Бундай харакатлар юридик фактлар сифатида намоён бўлиши мумкин. Давлат хизматчиларининг бундай харакатлари давлат ва жамият хаётида турили ижтимоий муносабатларни юзага келтириши, ўзгартариши ёки бекор килиши мумкин.

• Давлат хизматчиларининг фаолияти, коида бўйича ишлаб чиқариш хусусиятига эга эмас. Лекин уларнинг фаолияти умуман ишлаб чиқариш билан боғлиқ эмас, деган холосага келмаслик лозим. Чунки, давлат хизматчилари ишлаб чиқариш жараёнига уни йўналтириш, бошқариш, лойиҳаларни тайёрлаш ва бошка функциялар орқали таъсир кўрсатади.

## **6. Давлат хизматчиларининг хукуқий мақоми ва улар учун ўрнатилган кафолатлар**

**Давлат хизматчиларининг хукуқий мақоми ва улар учун ўрнатилган кафолатлар**

**Давлат хизматчиларининг хукуқий мақоми**

**Тушунчаси**

• Давлат хизматчиларининг хукуқий мақоми – бу давлат-хизмат муносабатларининг мазмуни (моҳияти)дир. Хизматчиларнинг хукуқий мақоми уларнинг хукуқларини, мажбуриятларини, жавобгарлигини ўрнатиш орқали белгиланади. Давлат-хизмат муносабатларининг ўзгариши билан давлат хизматчиларининг хукуқий мақоми ҳам ўзгаради, масалан, ишдан бўшатиш, фуқароликни йўкотиш, пенсияга чикиш ва ҳ.к.лар.

• Давлат хизматчиларининг мақоми – бу дифференцияланган комплекс тизим бўлиб, вертикал ва горизонтал тузилишга эга.

• Ҳар бир давлат хизматчиси меъёрий ҳуқуқий актлар билан белгиланган ҳамда давлат хизмати ҳуқуқий институтининг марказий элементи ҳисобланган ҳуқуқий ҳолатга эгадир. Давлат хизматининг бошқа элементлари эса давлат хизмати ва хизматчиларига хизмат қилиш мақсадида ўрнатилади, яъни улар давлат хизматчилари ҳуқуқий мақомини аниклаширади ва уларнинг тўла амалга оширилишига кўмаклашади.

• Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми қонунчилик билан ўрнатилган ва давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқ, эркинлик, мажбурият, чекловлар, жавобгарликларнинг йигиндисидир.

• Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси меъёрий ҳужжатлари, давлат органларининг Низом ва Уставлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасида фаолият кўрсатувчи хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

• Давлат хизматчилари ҳуқуқий мақомининг мазмuni – давлат хизматчиларининг категориясига, давлат хизмати олиб бориладиган шароитларга боғлиқ бўлиши мумкин.

• Давлат хизматчиси мақомига эга бўлиш масаласи жуда муҳимдир. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиқадиган бўлсак, фуқаро давлат хизматчиси мақомига эга бўлиши – давлат органи билан меҳнат шартномаси тузиши ва уни маълум бир давлат лавозимига қабул қилиш тўғрисидаги қарор чиқиши вақтидан юзага келади.

• Давлат хизматчиси мақомига эга бўлиш билан фуқаро ва давлат органи ўртасида давлат-хизмат муносабатлари юзага келади.

• Давлат хизматчиси ўз мақомини давлат-хизмат муносабатларининг тугаши билан йўқотади. Давлат-хизмат муносабатлари: ишдан бўшатиш, пенсияга чиқиш ва бошқа ҳолатларда бекор бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда меъёрий актларда давлат хизмати бекор бўлишининг аниқ муддатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

## Давлат хизматчиларининг хукуқлари

<b>Хизматчиларнинг хукукий мақомини ва унинг хукукий кафолатини ифода этувчи хукуқлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат хизматчиси эгаллайдиган давлат лавозими бўйича хукуқ ва мажбуриятларни белгиловчи хужжатлар билан, масалан, иш сифатини белгиловчи омиллар, давлат хизмати бўйича ҳаракатланиш, мансаб мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган ташкилий-техник шароитлар билан танишиб чиқиш;</li> <li>• шахсий хужжатидаги барча маълумотлар билан танишиб чиқиш;</li> <li>• унинг талабига кўра хизмат текширувларини, масалан, хизматчининг шаъни, қадр-кимматига етказилиши мумкин бўлган маълумотларни рад этиш мақсадида ўтказиш;</li> <li>• давлат хизматчисининг давлат хизмати билан боғлик бўлган низоларни ҳал этиш мақсадида тегишли давлат органларига ёки судга мурожаат қилиш хукуки ва бошқалар.</li> </ul>
<b>Хизмат мажбуриятларини бевосита бажариш билан боғлик бўлган хукуқлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• белгиланган тартибда, мансаб мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган ахборотларни ва материалларни олиш;</li> <li>• белгиланган тартибда, мансаб мажбуриятларини бажариш учун корхона, муассаса ва ташкилотларда бўлиш;</li> <li>• мансаб мажбуриятлари билан боғлик бўлган карорларни қабул қилиш ва тайёрлашда иштирок этиш;</li> <li>• тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан малакасини ошириш, қайта тайёрланиш;</li> <li>• давлат хизматини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш.</li> </ul>
<b>Давлат хизматчисининг лавозим фаоллигини</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• вакант (вақтинча бўш) лавозимни эгаллаш бўйича танловда ўз ҳоҳишига кўра иштирок этиш;</li> </ul>

**оширишга,  
конституциявий  
хуқук ва  
эркинликларни  
амалга оширишга  
ва ижтимоий  
кафолатларни  
таъминлашга  
қаратилган  
хуқуқлари**

- иш фаолиятининг натижалари ва иш стажи, малакасининг даражасига кўра лавозим бўйича юкорига қараб харакатланиш, маблағ билан таъминланишини ошириш;
- давлат хизматидаги иш стажига қараб пенсия таъминоти олиш;
- ўзининг хуқуқларини, ижтимоий-иктисодий ва профессионал манфаатларини химоя қилиш мақсадида касаба уюшмаларига бирлашиш;
- мансаб окладидан келиб чиқкан ҳолда пул билан таъминланиш, малака даражасидан келиб чиқкан ҳолда эса кўшимча маблаглар олиш, иш фаолиятининг натижаларига кўра мукофотлар олиш;
- ҳар йили ҳақ тўланадиган меҳнат таътилига чикиш (меҳнат таътилининг муддати давлат ташкилотининг хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади);
- давлат хизмати стажига давлат хизматчисининг бошқа даврдаги меҳнат фаолиятини қўшилишини талаб этиш (масалан бу ҳолат хизматчининг пенсияга чиқишига таъсир кўрсатиши мумкин);
- давлат хизматчисининг ва унинг оила аъзоларининг тиббий хизматдан фойдаланиши;
- давлат лавозимларини бажариш билан бөглиқ ҳолда соғлиқка ёки мулкка етказилиши мумкин бўлган зарар бўйича мажбурий давлат сугуртаси;
- давлат хизматини ўташ вақтида соғлиғи ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши сабабли, давлат томонидан мажбурий ижтимоий сугурталаниш ва бошқа хуқуқларга эгадир.

**Давлат хизматчиларининг мажбуриятлари**

**Давлат хизматчиларининг мажбуриятлари уларнинг хизмат фаолиятларининг моҳиятини характерлайди, чунки давлат (давлат**

органи) фуқарони унга маълум бир мансаб мажбуриятларини юклаш максадида ишга қабул қиласди.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг мажбуриятлари турли конун хужжатлари билан белгиланади. Мажбуриятларнинг мазмуни ва турлари давлат ташкилотининг ўз олдига қўйган максади, вазифаси ва функцияларига қараб белгиланади.

Амалдаги конунчиликни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, давлат хизматчиларига умумий бўлган мажбуриятларга – конституциявий тузумни кўллаб-куватлаш ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларга, шунингдек, уларнинг ваколатларини тартибга солувчи бошқа меъёрий хужжатларга риоя этилишини таъминлаш.

Давлат хизматчилари мажбуриятларининг асосий хусусияти шундаки, улар нафакат давлат хизмати шаънига доғ туширувчи ёки давлат органига зарар етказувчи ҳаракатлардан, балки “давлат хизматчиларининг давлат ва жамият манбаатларига зид ҳаракатларни содир этмоқда”, деган фикрларнинг пайдо бўлишидан сақланиши лозим.

Давлат хизматчиси хизмат мажбуриятларидан давлат хизмати шаънига доғ тушириш, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг фаолиятини қоралашда фойдаланиши мумкин эмас.

<b>Вижданан мансаб мажбуриятларини бажариш</b>	<p>Қонунчилик ва бошқа меъёрий хужжатлар билан давлат хизматчиларининг функциялари ва ваколатлари аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар хизматчилар томонидан тўғри ва аниқ бажарилиши лозим. Мансаб мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик – ножўя ҳаракат, хукуқбузарлик, баъзи холларда эса жиноят ҳисобланиши мумкин.</p> <p>Давлат хизматчилари уларнинг эгаллаб турган лавозимларидан келиб чиқкан ҳолда ўрнатилгач хукуқларни ва юклангандай мажбуриятларни бажаришга мажбурдир. Бу талаблар давлат хизматчисига лавозим бўйича ваколатлар ҳажми ва доираси тўғрисида аниқ тасаввур хосил қилишига мажбур қиласди.</p>
--	---

	<p>Давлат хизматчиларининг ўз ваколатларини амалга ошириш мажбурияти давлат органида ўрнатилган хизмат тартибига риоя қилиш билан бевосита боғлиқдир.</p> <p>Давлат хизматчилари фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини, оммавий манфаатларни таъминлаш мақсадида мансаб мажбуриятларини амалга ошириш ваколатига эга бўладилар.</p> <p>Агар давлат хизматчилари ўз ваколатларидан бошқа мақсадларда фойдалансалар ёки ваколат доирасидан четга чиқадиган бўлсалар, уларнинг ҳаракати хизмат ножӯя ҳаракати, маъмурий хукуқбузарлик ёки жиноят сифатида таснифланиши мумкин.</p>
<p><b>Фуқароларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши ва муҳофаза етилишини таъминлаш</b></p>	<p>Давлат хизматчилари фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини тан олишга, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлашга мажбуурдирлар. Фуқароларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари давлат хизматчилари учун муҳим категориялардир. Давлат хизматчилари томонидан мазкур мажбуриятнинг бажарилиши ижтимоий муносабатларнинг мувозанатини, қонунийлик тартибига риоя қилинишини таъминлайди, умумий хукук тартиботни кафолатлайди. Фуқароларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинган экан, давлатнинг асосий вазифаларидан бири бажарилган бўлиб ҳисобланади.</p>
<p><b>Юқори турувчи давлат органининг (давлат хизматчисининг) фармойишлари, буйруқларини ва бошқа хилдаги</b></p>	<p>Давлат хизмати бўйсунувлик иерархияси принципига асосланар экан, давлат хизматчилари ўзларидан юқори турган, бўйсунув асосида, раҳбарларнинг ваколат доирасида берилган буйруқларини, фармойишларини, кўрсатмаларини ва бошқа қонуний қарорларини ижро этишга</p>

<p><b>кўрсатмаларини, қонунга зид бўлганидан ташқари, ижро этиш</b></p>	<p>мажбурдирлар.</p> <p>Давлат хизматчилари барча фармо-йишларни шахсий жавобгарлик асосида амалга оширадилар. Шунинг учун ҳам ижро этиш учун олинган фармойиш давлат хизматчиси томонидан қонунийлик ва давлат манфаатларига мос келиш нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.</p>
<p><b>Малака даражасини сақлаш ва ошириб бориш</b></p>	<p>Давлат хизматчиси давлат хизматига кирад экан, хизмат функцияларини ва мансаб мажбуриятларини сифатли бажаришга тайёр бўлиши керак. У ўзининг ишчанлик хусусиятларига кўра эгалланадиган давлат лавозими талабларига мос келиши керак.</p> <p>Назарий ва амалий таълим олиш барча давлат хизматчиларининг хизмат мажбурияти ҳисобланади. Қоида бўйича, профессионал тайёргарлик – малака даражасини беришда, маҳсус унвон олишда талаб килинади.</p> <p>Давлат хизматчилари ўзларининг хизмат фаолиятларини олиб бориш жараёнида бир давлат органи доирасида турли аҳамиятдаги функцияларни амалга оширадилар. Давлат хизматчиси лавозими бўйича юқори кўтарилганида, янада мураккаб бўлган мажбуриятларни бажаришига тўғри келади. Бошқа томондан, касбларнинг эволюцияси содир бўлиши мумкин, массалан, баъзи бирлари тугаши, пайдо бўлиши ёки унинг мазмуни ўзгариши мумкин.</p>
<p><b>Хизмат этикаси меъёрларига риоя қилиш</b></p>	<p>Давлат хизматчиси ўзининг профессионал бурчини бажариши шарт. У ўзининг хизмат мажбуриятларини вижданан, адолатли, жамият манфаатларини зътиборга олган ҳолда бажариши лозим.</p>
<p><b>Давлат сирини ҳамда қонун</b></p>	<p>Амалдаги қонунчиликка биноан давлат хизматчиси мансаб ваколатларини ижро</p>

**хужжатларн билан  
ҳимоя қилинадиган  
бошқа сирларни  
саклаш**

этиш орқали маълум бўлган маълумотларни сир саклаши лозим. Лекин шу билан бирга, қонунчиликда, қайси ҳолатларда давлат, хизмат ва бошқа қонун билан қўриқланадиган сирни ошкора этиш мумкинлиги ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, давлат хизматчиси жиноят ишининг кўзғатилиши муносабати билан ёки қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган холларда давлат, хизмат сири хисобланган маълумотни ошкор қилиши мумкин.

**Алимов Х.Р. кўрсатишича, давлат хизматчилари ўзларининг мансаб мажбуриятларини ва функцияларини амалга оширишда:**

- давлат хизматининг мақсадларига ва вазифаларига қатъий риоя қилиш;
- қонунларга, давлат манфаатларига, мансаб кўрсатмаларига асосланиб фаолият кўрсатиш, ваколат доирасига кирувчи давлат органларининг ва юқори турувчи мансабдор шахсларнинг қарорларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- ўз фаолиятини доимо такомиллаштириш ва профессионал малакасини ошириб бориш;
- давлат ва хизмат сирларини саклаш;
- фуқароларнинг кадр-қимматини ва шахсини ҳурмат қилиш, уларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва ҳимоя қилиш;
- мътмурий ҳокимият соҳасида қонунийликни таъминлаш;
- хизмат этикасига риоя қилиш;
- бошқарув маданияти даражасини ошириб бориш, бошқарув ишига янги замонавий усул ва шаклларни татбиқ қилиш;
- қонунчилик билан ўрнатилган иш куни вақтида хизматда бўлиш;
- қонун ҳужжатларга таянган ҳолда мурожаатларни (ариза, шикоят ва таклифларни) ўз вақтида ва объектив кўриб чиқиш;
- давлат хизматчилари мақоми ва тегишли давлат мансаби билан ўрнатилган бошқа мажбуриятларни бажаришлари лозим<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Административное право Республики Узбекистан // Авт. коллектив: Х.Р.Алимов, Л.И.Соловьева и др./ - Т “Адолат”, 1999. – С. 123.

## **Давлат хизматчилари учун ўрнатилган кафолатлар**

### **Тушунчаси**

**Давлат хизматчилари учун кафолат** – бу конунчиликда ўрнатилган давлат хизматчилари мақомининг ижтимоий-хуқуқий томонини характерловчи асосий ҳолатлардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасига биноан давлат фуқароларнинг Конституция ва конунларда мустахкамланган хуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Мазкур конституциявий меъёрдан келиб чикқан холда, давлат хизматини амалга оширувчи фуқароларнинг ҳам конунчилик хужжатлари билан ўрнатилган хуқуклари ва конуний манфаатлари давлат томонидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига биноан эса ҳар бир шахсга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали химоя килиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриконуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят килиш хуқуқи кафолатланади.

Демак. давлат хизматчилари хуқуклари ва конуний манфаатларининг кафолати конституциявий асосга эгадир.

Давлат хизматчилари ўзларининг хуқуклари ва конуний манфаатларини химоя килишда конунчиликда ўрнатилган барча воситалардан фойдаланадилар.

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ташқари, амалдаги конунчилик хужжатларида ҳам ўз ифодасини топгандир.

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган кафолатлар уларнинг бажарадиган хизмат мажбуриятлари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Давлат хизматчилари томонидан мансаб мажбуриятларининг сифатли бажарилишини, қонунчилик билан ўрнатилган хуқуқларни амалга оширилишини таъминлаш учун қонун чиқарувчи хизмат фаолиятининг асосий кафолатларини ўрнатади.

**Амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш орқали давлат хизматчиларига нисбатан ўрнатилган қуидаги кафолатларни кўрсатиб ўтиш мумкин:**

- мансаб мажбуриятларининг бажарилишини таъминловчи иш шароитларининг жорий этилиши;
- қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатлар билан назарда тутилган

пул таъминоти ва бошқа хилдаги тўловлар (масалан, ижтимоий, компенсацион тўловлар ва ҳ.к.лар);

- пул билан таъминланадиган ҳар йилги меҳнат таътили;
- давлат хизматчиси ва унинг оила аъзоларининг тиббий хизматдан фойдаланиши;
- қайта тайёрланиш ва малакасини ошириш (пул таъминоти сақланган ҳолда);
- хизматчиларнинг мажбурий ижтимоий давлат суғуртаси ва ҳ.к.лар.

Қонунчилик хужжатларида давлат хизматчилари учун бошқа кафолатлар ҳам ўрнатилган бўлиши мумкин.

## **7. Давлат хизматчиларига қўйиладиган этик талаблар, чекловлар ва тақиқлар**

### **Давлат хизматчилариға қўйиладиган этик талаблар, чекловлар ва тақиқлар**

#### **Этик талаблар**

- юкори маънавий принципларга асосланиш, давлатга содиклик; давлат хизматчилари давлат манфаатларини ўзининг индивидуал (шахсий) манфаатларидан устун қўйиши лозим;
- давлат хизмати принципларига риоя этиши;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларини ҳимоя қилишда ҳамма вақт тайёр туриши; давлатга содиклик бўйича берган касамёдини бузмаслиги, давлат лавозими бўйича берилган қонуний талабларни бажариши;
- давлат вазифалари ва функцияларини бажариш жараёнида самарали ва кам харажатли усуулларни излаши ва қўллаши;
- давлат хизмати фаолиятида бир субъектга қараганда иккинчи субъектга алоҳида имтиёзлар берилмаслиги;
- ўз манфаати ёки оила аъзолари манфаатлари учун давлат хизмат мансабидан фойдаланмасликлари;
- давлат хизмат мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган ваъдаларни бермасликлари;
- мансаб мажбуриятларини бажариш жараёнида олган маҳфий маълумотларни шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;
- тижорат фаолияти билан шуғулланмасликлари;

- давлат органларидаги коррупцияга қарши доимий кураш олиб бориш;
- меҳнат фаолиятининг режими (тартиби)га риоя қилиш ва фуқаролар ва ҳамкаслари билан яхши муомалада бўлиш;
- давлат хизмат мансабидан қасддан ёки бошқа манфаатлар йўлида фойдаланмасликлари ва ҳ.к.лар.

### **Давлат хизматчилари учун ўрнатилган чекловлар ва тақиқлар**

• давлат хизматчиси бошқа ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас (педагогик, илмий фаолият бундан мустасно). Давлат хизматчиси ўзини давлат хизматига бағишкаши лозим. Агар давлат хизматчиси бундай чекловни бузган ҳолда бошқа фаолият билан ҳам шуғулланса, у давлат хизматини ёки бошқа фаолиятни танлаши лозим бўлади;

• давлат хизматчилари учун тадбиркорлик фаолияти билан шахсан ёки бошқалар орқали шуғулланиш тақиқланган. Давлат хизматчилари шахсан ёки бошқалар орқали ишлаб чиқариш билан, товарлар ва бошқа маҳсулотларни сотиш билан, фойда олиш мақсадида ишларни бажариш ёки пулли хизматлар кўрсатиш билан шуғулланиши мумкин эмас;

• давлат хизматчиси учинчи шахсларнинг вакили бўлиши мумкин эмас, яъни давлат хизматчиси давлат хизматида бўлган ҳамда унга маълум бир жиҳатдан бўйсинган учинчи шахсларга вакиллик қилиши тақиқланади.

• Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигидан келиб чиқадиган бўлсак, шахс вакил сифатида ишончнома асосида ҳаракат қиласди. Ишончномада бир шахс номидан иккинчи шахснинг битимларни тузиши ёки бошқа ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириши кўрсатиб ўтилади. Агар бундай ишончнома давлат органига йўналтирилган бўлса ҳамда вакил давлат хизматчиси бўлиб ҳисобланса, ишончнома ҳақиқий ҳисобланмаслиги лозим;

• давлат хизматчиси хизматдан ташқари вактда моддий-техник, молиявий ва ахборт воситаларидан, давлатнинг бошқа мулкидан ва хизмат маълумотларидан фойдаланиши тақиқланади;

• давлат хизматчилари жисмоний ва юридик шахслардан мансаб мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мукофот ва совғаларни олиши тақиқланади. Амалдаги қонунчиликдан келиб чиқадиган бўлсак, бундай тақиқланган

совгаларага: пул мукофоти, ссудалар, хизматлар, дам олиш ва транспорт харажатларни қоплаш ва бошқалар киради;

• жисмоний ва нодавлат юридик шахслар хисобидан хизмат сафарига ёки хорижий сафарга бориш тақиқланади;

• давлат хизматчисининг хизмат ваколатидан фойдаланиб давлат органларида жамоат бирлашмаларини (касаба уюшмасидан ташқари) ташкил этиши ёки унинг манфаатларини кўзлаб харакат қилиши мумкин эмас ва бошқалар.

Амалдаги конунчиликда давлат хизматининг хусусиятларидан келиб чиқувчи бошқа хилдаги чекловлар ва тақиқлар ҳам ўрнатилиши мумкин.

## 8. Давлат хизматчиларининг таснифи

### Давлат хизматчиларининг таснифи<sup>1</sup>

#### Рахбарлар

Рахбарлар мазкур давлат органининг, корхона, муассаса ва ташкилотнинг функцияларини амалга ошириб, унга бўйсндирилган давлат хизматчилари аппаратининг иш фаолиятини йўналтиради; ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, интизомий жавобгарликка тортиш, молияга ҳамда товар-моддий бойликларга эгалик қилиш, рағбатлантириш, мазкур орган номидан имзо чекиш ва бошқа юридик аҳамиятли харакатларни содир этиш хукуқига эга бўлади.

Демак, раҳбарлар давлат-ҳокимият ваколатларини амалга ошириб, раҳбарлик қилаётган орган фаолияти учун шахсий жавобгар хисобланади.

Рахбарлар ўзларига бўйсинган органлар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг оператив (яъни кундалик) ва хўжалик фаолиятига аралашиш, уларнинг ишини йўналтириш, назорат қилиш, мажбурий

<sup>1</sup> Административное право Республики Узбекистан Авт. коллектив: Х.Р.Алимов, Л.И.Соловьева и др./ - Т “Адолат”, 1999. – С. 113-116.

кўрсатмаларни бериш хуқуқига эгадир. Раҳбарлар таркибига вазирларни, давлат қўмиталарининг раисларини, бошликларни, бошқарувчиларни, директорларни, ректорлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мазкур тоифадаги давлат хизматчилари юридик адабиётларда кўпинча мансабдор шахслар сифатида ифода этилади. Лекин давлат хизматчиларининг аксарияти давлат ташкилотида маълум бир давлат мансабини эгаллагани сабабли, уларни мансабдор шахслар жумласига киритиш мумкин. Шу сабабли хар қандай давлат хизматчисини (mansabдор шахсни) раҳбарлар таркибига киритиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Мъамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-модда иккинчи кисмига биноан мулк шаклидан катъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар харакати билан боғлиқ бўлган вазифалар юқлатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, мансабдор шахс бўлиб раҳбарлар ҳам, назорат функциясини амалга ошириш хуқуқига эга бўлган бошқа хизматчилар ҳам (масалан, ички ишлар органларининг ходимлари, санитария назорати органларининг ходимлари ва ҳ.к.лар) ҳисобланади.

### Асосий таркиб

Давлат хизматчилари таснифининг иккинчи асосий ва муҳим аҳамиятли гурухи бўлиб, мазкур органга юқлатилган функцияларнинг деярли барчасини бажаради. Асосий таркибга кирувчи давлат хизматчилари раҳбарлар томонидан амалга ошириладиган юридик аҳамиятли

	<p>харакатларни содир этмайдилар (масалан, ишга олиш, ишдан бўшатиш, фаолиятни йўналтириш ва х.к. лар).</p> <p>Бу гуруҳ давлат хизматчиларига – мухандисларни, иқтисодчиларни, агрономларни, архитекторларни, врачларни, ўқитувчиларни, илмий ходимларни ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, айрим ҳолларда раҳбарлар томонидан юридик аҳамиятли харакатларнинг амалга оширилиши мутахассисларга боғлиқ бўлади. Масалан, раҳбар ходимни меҳнатдан вактинча бўшатиш тўғрисидаги бўйрукни, врачнинг маълумотномасиз чиқариши мумкин эмас.</p> <p>Давлат хизматчилари асосий таркибининг харакатлари, охир оқибат давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилот фаолиятининг сифатини ҳам белгилаб беради. Асосий таркибининг ишига қараб давлат органинг фаолиятига баҳо берилади. Шу сабабли ҳам, давлат органида хизматчиларнинг асосий таркибини шакллантиришда кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига кўйиш масаласига катта эътибор берилади.</p>
Ёрдамчи таркиб	<p>Давлат хизматчиларининг мазкур гурухини давлат органининг нормал функцияланиши учун зарур бўлган ёрдамчи функцияларни амалга оширувчи хизматчилар ташкил этади.</p> <p>Ёрдамчи хизматчилар давлат органининг нормал функцияланиши учун шароит яратиб беради. Ёрдамчи хизматчилар таркибига иш юритувчилар, курьерлар, машинисткалар, лаборантлар, экспедиторлар ва бошқаларни киритиш мумкин.</p> <p>Ёрдамчи хизматчиларнинг фаолият доирасига: хизмат хужжатларини, статистик маълумотларни тайёрлаш; хужжатларни</p>

	<p>юбориш ва бошқа ёрдамчи-техник харакатларни амалга ошириш киради.</p> <p>Ёрдамчи хизматчиларнинг фаолияти юридик аҳамиятга эга эмас. Масалан, кўлда ёзилган хизмат хужжатининг машинистка томонидан терилиши, тегишли раҳбар томонидан имзо кўйилмагунча ёки муҳрланмагунча юридик аҳамиятга эга бўлмайди.</p>
Маъмурий хокимият вакиллари	<p>Давлат хизматчиларининг алоҳида гуруҳи хисобланади. Маъмурий ҳокимият вакиллари – давлат хизматчиларининг шундай гуруҳики, улар ўз ваколатлари доирасида бошқа шахсларга, хизмат бўйсинувидан қатъий назар, бажарилиши мажбур бўлган кўрсатмаларни бериши мумкин.</p> <p>Ҳокимият вакилларига судьяларни, прокурорларни, депутатларни, Куролли кучлар, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати органларининг бошликлар таркибига кирувчиларни ва бошқаларни киритишимиз мумкин.</p> <p>Ҳокимият вакиллари умумий хусусиятдаги ваколатларни амалга оширадилар, масалан, хизмат юзасидан уларга бўйсинмаган шахсларга мажбурий фармойишлар бериш, маъмурий таъсир этиш чораларини кўллаш ва ҳ.к.лар.</p> <p>Маъмурий ҳокимият вакиллари давлат-ҳокимият ваколатига эга бўлиб, конкрет давлат органи номидан ва унинг кўрсатмасига биноан ҳаракат қиласидилар.</p>

## 9. Давлат хизматини ўташ

Давлат хизматини ўташ

Тушунчаси

**Давлат хизматини ўташ институти** – бошқарув аппаратига ходимларни танлашдан, хизмат бўйича ҳаракатланишни амалга

оширишдан, давлат хизматидан бўшатиш усулларини ўрнатиш ва амалга оширишдан бошланади<sup>1</sup>

Давлат хизматини ўташ давлат хизмати институтининг асосий элементи бўлиб, унда давлат хизматчиларининг ҳукукий мақоми амалга оширилади. Давлат хизматини ўташ – сиёсий ва мъмурый давлат лавозимларини тўлдириш фаолияти бўлиб, давлат мъмурятияда мансабларнинг давлат хизматчилари ўртасида кетма-кетликда алмашинувини, давлат-хизмат ҳукукий муносабатлари ўзгаришини ўз ичига олади. Ҳар бир давлат хизматчиси якка тартибдаги лавозим (хизмат) йўналишига эгадир. Шунинг учун ҳам амалда давлат хизматини ўташ ҳам индивидуалдир.

**Давлат хизматини ўташ давлат хизмати ҳукукий институтининг ички институти бўлиб, қуидагиларни тартибга солувчи ҳукукий меъёрлар йигиндисидан иборатdir:**

- давлат лавозимини эгаллаш;
- турли давлат органлари ходимларининг маҳсус профессионал тайёргарлиги;
- ўриндошлик;
- хизматчилар томонидан ўзларининг мансаб мажбуриятларини бажариши ва ҳуқукларини амалга ошириши;
- малака даражаларнинг, маҳсус увонларнинг бериш тартиби;
- хизматчиларни раббатлантириш ва уларни жавобгарликка тортиш;
- давлат хизматчиларининг аттестацияси;
- хизмат бўйича характеристлиш;
- хизматнинг шароитлари;
- давлат хизматчиларининг ижтимоий-ҳукукий ҳимояси (кафолатлар, имтиёзлар, компенсациялар);
- давлат хизматининг тугаши асослари ва усуллари.

**Давлат хизматига кириш**

Амалдаги қонунчиликка биноан давлат хизматига кириш ҳукуқига, коида бўйича, давлат тилини биладиган, профессионал таълимга эга бўлган, давлат хизматига қўйилган талабларга жавоб бера оладиган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари эгадир. Далат хизматига ишга киришда, шунингдек,

<sup>1</sup> Аппарат управления государства. Ч.2. – Москва, 1977. – С. 205.

уни ўташ жараёнида маълум бир, масалан, миллати, тили, жинси, келиб чиқиши, мулкий аҳволи, эътиқоди ва бошқа белгиларга караб чекловларнинг қўйилиши мумкин эмас.

Давлат хизматини ўташнинг асосий белгиси – бу давлат лавозимини эгаллашдир. Давлат лавозимини эгаллаш фуқаронинг мансаб ҳукуқлари, мажбуриятлари, чекловлар ва ҳукукий жавобгарликнинг субъектига айланганидан далолат беради. Давлат лавозимларини эгаллашда қонунчиликда ўрнатилган ҳолларда баъзи бир чекловлар ўрнатилиши мумкин.

### **Фуқаролар қўйидаги ҳолларда давлат хизматида бўлиши ёки давлат лавозимини эгаллаши мумкин эмас:**

- фуқаро суд ҳукми билан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёкати чекланган деб топилган бўлса;
- суд томонидан фуқаронинг белгиланган муддатда давлат лавозимини эгаллаши тақиқланган бўлса;
- тиббий муассасанинг ҳulosасига кўра, давлат мажбуриятларини бажаришга нолойиқ бўлса;
- ўзаро яқин кариндошларнинг бўйсинув асосида давлат хизматини битта давлат органида ўташи ва бошқа ҳолатлар.

### **Фуқаролар давлат хизматига киришда қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат;
- меҳнат дафтарчаси (биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно). Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотнома;
- ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билет ёки ҳарбий хисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома;
- тегишли кўринишдаги тиббий маълумотнома;
- конун ҳужжатларига мувофиқ маҳсус маълумотга ёки маҳсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта маҳсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом ёхуд мазкур ишни бажариш ҳукуқини берадиган гувоҳнома ва бошқа тегишли ҳужжат.

Маҳсус қонун ҳужжатлари билан давлат хизматига киришда бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун

хужжатларида кўрсатилмаган хужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Давлат хизматига кириш мақсадида тақдим этилган хужжатлар, қонун хужжатларида белгиланган тартибда текширишдан ўтказилиши мумкин.

### **Давлат хизматини ўташ шароитлари**

- хизмат вақтининг, ҳар йилги меҳнат таътилиниң давомийлиги; кўшимча меҳнат таътиллари;
- хизматчиларнинг пул таъминоти;
- имтиёзлар, кафолатлар ва компенсациялар;
- давлат ижтимоий суғуртаси;
- хизмат уйи, хизмат автотранспорти билан таъминлаш тартиби;
- хизмат сафарида бўлганда ижтимоий-маиший ва техникик сусисиятдаги хизматлар билан белгиланади.

### **Меҳнат шартномаси**

#### **Тушунчаси**

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсинган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ звазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

### **Турлари**

- номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси;
- беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилган меҳнат шартномаси;
- муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси.

### **Давлат хизматчиларининг хизмат бўйича ҳаракатланиши**

Давлат хизматчиларининг хизмат бўйича ҳаракатланиши қўйидагича бўлиши мумкин:

- ходимнинг хизмат бўйича ҳаракатланиши мақсадида юқори лавозимни эгаллаши;
- бир хил аҳамиятдаги лавозимни эгаллаши;
- қуий лавозимга ўтказилиши;

- ўқишига кириши муносабати билан лавозимидан озод қилиш, шунингдек, ўқиши тамомлаганидан сўнг лавозимга тайинланиши.

Давлат хизматчисининг хизмат (лавозим ёки мансаб) бўйича ҳаракатланиши тегишли раҳбарнинг бўйруғи билан расмийлаштирилиши лозим.

## 10. Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш

### Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш

#### Тушунчаси

**Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш хукукий институти** – давлат хизматини ташкил этиш, турли давлат органлари ваколатларини амалга ошириш ва таъминлаш бўйича вазифа ва мажбуриятларни бажариш жараённида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи хукукий меъёрлар ийғиндисидан иборатdir.

**Аттестация**, тор маънода, хизматчиларнинг профессионал, ишчанлик ва шахсий хислатларига баҳо бериш, унинг хизмат-лавозим талабларига мос келишини текшириш мақсадида ўтказилади.

Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш – кадрлар сиёсати ва давлат хизматини бошқаришда демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг хукукий воситаси ҳисоблануб, давлат органларида мақсадга мувофиқ йўналтирилган кадрлар сиёсатини ташкил этиш ва амалга оширишни таъминлайди.

Назарий-хукукий пуктаи пазардан давлат хизматчиларининг аттестацияси хукукий институт сифатида давлат хизматини ўташ институти таркибидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар ийғиндисидан иборат бўлади. Аттестация хукукий институти таркибига кирувчи меъёрлар хизматчиларни баҳолашни ташкил этиш ва амалга оширишга қаратилган фаолиятнинг белгиланган тартибини ўрнатади.

Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш қўйидаги функцияларни бажаради: баҳолаш, назорат, хизматчилар билан ишлашни яхшилаш ҳамда сиёсий, иктиносий, ташкилий, коммуникатив, ахборот, мувозанатни сақлаш ва бошқалар.

## **Асосий вазифалари**

- амалиётда давлат хизмати принципларига риоя этилишини аниклаш ва таъминлаш;
- давлат хизмати тизимида конунийликни таъминлаш;
- давлат органларининг профессионал кадрлар мажмуасини ташкил этиш;
- давлат хизматчисининг хизмат бўйича ҳаракатланиши мақсадида уларнинг потенциал имкониятларини аниклаш;
- давлат хизматчисига жавобгарлик чораларини кўллаш; интизомни ва жавобгарликни ошириш;
- хизматчиларнинг хизмат зинапояси бўйича ҳаракатланишини таъминлаш;
- давлат хизмати мувозанатини таъминлаш;
- давлат хизматчиларининг малакасини оширишни тартибга солиш;
- давлат хизмати тизимида хукуқбузарликларга ва коррупцияга карши кураш ва огоҳлантириш ва бошқалар.

## **Принциплари**

- аттестациянинг мафкурадан холилиги;
- аттестациянинг умумийлиги;
- ошкоралик;
- коллектив баҳолаш;
- аттестациянинг даврийлиги (тизимга эга эканлиги);
- баҳолашнинг комплекс равишда амалга оширилиши;
- баҳолашнинг объективлиги;
- баҳолашнинг ва тавсияларнинг асосланганлиги.

## **Аттестацияни ўтказиш**

- Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказишни ташкил этиш органларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади. Аттестацияни ўтказиш мақсадида аттестация комиссияси тузилади, аттестация ўтказиш жадвали тасдиқланади, аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган шахслар доираси белгиланади ҳамда аттестация комиссияси учун зарур бўлган хужжатлар тайёрланади.
- Аттестация аттестациядан ўтказилаётган шахс иштирокида амалга оширилади. Агар хизматчи узрсиз сабабларга кўра келмаган бўлса, унинг иштирокисиз ҳам ўтказилиши мумкин.

• Аттестация комиссияси тақдим этилган хужжатлар билан танишиб чиқади, аттестациядан ўтказилаётган хизматчи ҳамда зарурат туғилган ҳолларда унинг раҳбари эшитилади. Аттестациядан ўтказилаётган хизматчиларнинг профессионал ва шахсий хислатларини муҳокама килиш объектив ва белгиланган талаблар асосида амалга оширилиши лозим.

• Хизматчининг хизмат фаолиятига баҳо бериш – эгаллаган лавозими бўйича қўйилган талабларга лойик келиши, тегишли давлат органи олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишида унинг иштирокини аниглаш, у томонидан амалга ошириладиган ишнинг кийинлиги, иш фаолиятининг натижалари ва бошқаларга асосланади. Бундан ташқари, аттестация вақтида хизматчиларнинг профессионал билими, иш тажрибаси, малакасини ошириши ва қайта тайёрланиши, шунингдек, ташкилотчилик хислатлари (тегишли мансаб гурухлари учун) инобатга олиниши лозим.

#### **Аттестация жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- аттестациянинг мақсад ва вазифаларини белгилаш;
- тайёрлов тадбирларини ишлаб чиқиш;
- аттестацияланадиган хизматчи тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, ўрганиш, анализ қилиш ва умумлаштириш;
- хизматчиларни баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;
- хизматчиларни аттестацион баҳолаш, давлат хизматидаги давлат лавозимига лойиклигини аниглаш;
  - аттестация комиссияси томонидан тавсияларни тайёрлаш;
  - аттестация натижаларига кўра юкори давлат органи ёки раҳбар томонидан давлат хизматчисига малака даражасини бериш, моддий ёки маънавий рағбатлантириш, юкори лавозимга тайинлаш учун заҳирага киритиш каби карорларнинг қабул қилиш тартибини ўрнатиш;
  - аттестация натижаларини – аттестация комиссияси баҳоларини ва тавсияларини амалга ошириш тартибини шакллантириш.

## **11. Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги**

### **Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги**

#### **Тушунчаси**

**Давлат хизматчиларининг юридик жавобгарлиги** деганда – хизматчиларининг қонунга хилоф килмишига нисбатан қонун

хужжатларида назарда тутилган у ёки бу турдаги жазо чораларини кўллаш тушунилади.

Давлат хизматчиларининг юридик жавобгарлиги хизматчилар томонидан қонун талабларининг бажарилмаганлиги, мансаб мажбуриятларига бефарқ қарashi, давлатга, жамоат бирлашмаларига моддий зарар етказиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиши оқибатида юзага келиши мумкин.

### Турлари

- интизомий;
- маъмурий;
- жиноий.

### Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги

#### Тушунчаси

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги – улар томонидан юклатилган мажбуриятларнинг бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида юзага келадиган юридик жавобгарликнинг бир туридир.

Интизомий жавобгарлик – лавозим ножӯя килмишини содир этган давлат хизматчиларига маъмурият вакили (рахбар, бошлиқ) томонидан интизомий жазо чораларини кўллашни англатади.

#### Қўйидагилар асосида кўлланилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- интизом уставлари ва маҳсус низомлар;
- ички меҳнат тартиби қоидалари.

### Интизомий чораларнинг турлари

• хайфсан;  
• ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин;

- меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Юқорида назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини кўллаш тақиқланади.

## **Интизомий чораларни кўллаш тартиби ва муддатлари**

- Интизомий жазолар ишга қабул қилиш хукуки берилган шахслар (органлар) томонидан кўлланилади.
- Интизомий жазо кўлланилишидан аввал хизматчидан ёзма равиша тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Хизматчининг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо кўллашга тўсик бўла олмайди.
  - Интизомий жазони кўллашда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, хизматчининг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.
  - Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо кўлланиши мумкин.
  - Интизомий жазо – бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, хизматчининг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоги билан бир ой ичida кўлланилади.
  - Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқлангандан эса, - содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони кўллаб бўлмайди. Жиной иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.
  - Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор хизматчига маълум қилиниб, тилхат олинади.
  - Интизомий жазонинг амал қилиш мулдати жазо кўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар хизматчи шу муддат ичida яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.
  - Интизомий жазони қўллаган орган ёки раҳбар ўз ташаббуси билан, хизматчининг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки хизматчининг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.
  - Интизомий жазо устидан якка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

# **13 БОБ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИННИНГ МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ: ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ, ТАСНИФИ**

## **1. Бошқарувнинг маъмурӣ-хуқуқий шакллари**

Бошқарувнинг маъмурӣ-хуқуқий шакллари	
Тушунчаси	
<p>Ҳар қандай фаолият сингари давлат бошқарувни фаолияти ҳам, маълум бир шаклларда ифодаланади. Давлат бошқарувни шундай жараёнки, унда қўпгина шахслар, ташкилот ва органлар иштирок этади. Бу жараёнда ижро ҳокимияти органларининг (бошқарув фаолияти асосий субъектининг) вазифалари, функциялари ва ваколатлари амалга оширилганлиги сабабли, биринчи навбатда мазкур ҳокимият субъектлари фаолияти шакллари муаммоси юзага келади. Ушбу фаолиятининг шаклларини аниқлаш орқали давлат-бошқарув фаолиятининг мазмунини чукурроқ англаш мумкин.</p> <p>Ижро ҳокимияти органлари ўзининг функцияларини бевосита давлат номидан амалга оширап экан, улар фаолиятининг ташки кўриниши (шакли) хукуқ меъёрлари билан тартибга солинган бўлиши керак. У ёки бу давлат органининг хукукий мақомини белгилаб берувчи маъмурӣ-хукукий меъёрлар, улар фаолиятининг ташки кўриниши (шакллари)ни ҳам белгилаб беради.</p>	
Бошқарувнинг маъмурӣ-хуқуқий шаклларига оид қарашлар	
<p>Бошқарув шакли, <b>Ю.Н.Стариловнинг</b> фикрича, давлат органи, унинг таркибий бўлинмалари ва мансабдор шахслар фаолиятининг маълум бир қисми ҳисобланади. Бошқарувнинг шакли – аниқ субъектлар томонидан амалга ошириладиган маълум бир ҳаракатларда ифодаланиб, бошқарув фаолиятининг, бошқарув таъсирининг мазмунини ёритиб беради. Бошқарув шакллари хукукий мазмунга эга, яъни норматив хукукий акт орқали ўрнатилади. Баъзи ҳолларда бошқарув шакллари норматив ўрнатилмаган бўлиши ҳам мумкин ва буларни бошқарувнинг хукукий шакллари жумласига киритиш мумкин эмас<sup>1</sup>.</p>	
Хукуқшунос олим <b>Х.Р.Алимовнинг</b> фикрича, давлат бошқарувни функциялари ва усуллари унинг мазмунини ташкил	

<sup>1</sup> Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право: Учебник для вузов. М.: Норма, 2004. – С. 305.

этади. Ҳар қандай фаолият мазмуни маълум бир шаклга, яъни ташқи кўринишига эга бўлиши лозим. Шу сабабли, бошқарув фаолиятининг шакли деганда – унинг мазмуни ташқи кўринишининг у ёки бу услубини тушуниш лозим<sup>1</sup>.

**Ю.М.Козловнинг** фикрича, бошқарув фаолиятининг шакллари – ижро ҳокимияти органлари (мансабдор шахслар) ҳаракатининг ташқи ифодаланиши бўлиб, уларнинг компетенцияси доирасида амалга оширилади ва маълум бир оқибатларни юзага келтиради. Мазкур субъектларнинг ҳаракатлари – ўзининг хусусияти, аҳамияти ва юзага келтирувчи оқибатларига кўра турли хилдир.

*Бошқарув шакллари:*

- а) ижро ҳокимиятини амалга ошириш шакллари;
- б) ички аппарат хусусиятидаги фаолият шакллари сифатида намоён бўлади<sup>2</sup>.

**А.Г.Чернявский** ҳам Ю.М.Козлов сингари бошқарув шаклларини ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ташқи кўринишини ифодаланишини ва уларнинг ваколат доирасида амалга оширилишини кўрсатиб, бошқарув шаклларига тўғридан-тўғри юридик таъсир кўрсатмайдиган шаклларни ҳам киритади. Унинг фикрича, бошқарув шакллари – бошқарув фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти моҳиятини ифодалайди. Бошқарув шаклини танлаш – давлат функцияларини мақсадга мувофиқ бажариш, бошқарувнинг мақсадига эришиш учун кам вақт талаб этадиган куч ва воситалардан фойдаланишини белгилаб бериши лозим<sup>3</sup>.

**Немис олимлари** томонидан бошқарувнинг қўйидаги шакллари кўрсатиб ўтилади:

- хукуқ ижодкорлиги (қарорлар, уставлар, маъмурий кўрсатмалар);
- маъмурий актлар;
- оммавий-хукукий шартномалар;

<sup>1</sup> Административное право Республики Узбекистан // Авт. коллектив: Х.Р.Алимов, Л.И.Соловьев и др./ - Т.. “Адолат”, 1999. – С. 173-174.

<sup>2</sup> Козлов Ю.М. Административное право. Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.. Юристъ, 2003. – С. 139-140.

<sup>3</sup> Габричизе Б.Н., Чернявский А.Г., Ким-Кимэн А.Н. Административное право: Учебник. – М.. ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – С 204-205.

- оддий маъмурий ҳаракатлар;
- хусусий-хукукий маъмурий фаолият (масалан, субсидиялар бериш)<sup>1</sup>.

## **Турлари**

### **1. Хукукий**

#### **Тушунчаси**

Ҳамма вакт маълум бир юридик оқибатларни юзага келтирадиган ҳаракатлар. Бу хукукий оқибатларни бевосита келтириб чиқарувчи ижро ҳокимияти субъектларининг ҳар қандай ҳаракатлари ҳисобланади. Бундай ҳаракатларда юридик ҳокимият ваколатлари ўз ифодасини топади. Мазкур гуруҳга киравчии ҳаракатларнинг хусусиятлари – бошқарувнинг хукукий актларида яққол намоён бўлади.

#### **Хусусиятлари**

- норматив актларда ифодаланади;
- давлат-ҳокимият табиатига эга бўлади;
- бошқарув ҳаракатлари ва бошқарув органлари (мансабдор шахслар) ваколатлари қонуности хусусиятига эга бўлади;
- мазмунини ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти ташкил этади.

### **2. Нохукукий**

#### **Тушунчаси**

Ушбу шакллар бошқарувнинг хукукий актларини қабул қилишни назарда тутмаганлиги сабабли, юридик оқибатларни тўғридан-тўғри юзага келтирмайди. Улар хукукий шаклларга хос бўлган маъмурий-хукукий муносабатларни юзага келтирмайди. Нохукукий шакллар хукукий шаклларни қўллашга ёки уларни кейинчалик амалга оширилишига кўмаклашувчи турли хилдаги ташкилий ҳаракатлар ҳисобланади.

## **Турлари**

- ташкилий, хусусан, давлат ички бошқарувини ташкил этиш процесси билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлар (масалан, қўйи бошқарма ва бўлимларни амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиш, йигилишлар, конференциялар ўтказиш,

<sup>1</sup> Рихтер И., Шупперт Г.Ф Судебная практика по административному праву: Учеб. Пособие. Пер. с нем. М., 2000. – С. 135-492.

услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳ.к.);

- моддий-техник тадбирлар (масалан, транспорт, алоқа хизмати билан таъминлаш).

Баъзи юридик адабиётларда “бошқарув шакллари” термини ўрнида “маъмурий ҳуқуқ субъектлари томонидан ваколатларни амалга оширишининг ҳуқуқий шакллари” тушунчаси ишлатилган ва уларнинг куйидаги турлари кўрсатиб ўтилган:

- давлат бошқарувининг ҳуқуқий актлари;
- бошқарув органи аппарати ичидағи ҳуқуқий актлар ва ташкилий ҳаракатлар;
- маъмурий ҳуқуқ субъектларининг мурожаатлари;
- маъмурий ҳуқуқ субъектларининг фукаролик-ҳуқуқий шартномаларда иштирок этиши;
- судда, хўжалик судида ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда (хўжалик-молиявий низоларни кўриб чиқиш вактида) маъмурий ҳуқуқ субъектларининг иштирок этиши;
- маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ўрнатилган тартибни ва хавфсизликни таъминлаш (техника хавфсизлиги қоидалари, санитария-эпидемиология қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва ҳ.к.лар) соҳасида кўпгина мажбуриятларга эга бўлган шахс сифатида намоён бўлиши<sup>1</sup>.

## 2. Бошқарув маъмурий-ҳуқуқий шаклларининг таснифи

### Бошқарувни маъмурий-ҳуқуқий шаклларининг таснифи

Ю.М.Козловга кўра<sup>2</sup>

#### Юридик ифодаланишига қараб:

Асосий	Ҳуқуқий актларни қабул қилиш, маъмурий шартномаларни тузишда ифодаланади.
Асосланувчи	Яъни мълум бир юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи ва юридик йўналишга эга бўлган

<sup>1</sup> Манохин В.М., Адушкин Ю.С., Багишаев З.А. Российское административное право: Учебник. – М., 1996. – С 141-142.

<sup>2</sup> Административное право Под.ред. Л.Л.Попова. – С. 251-252.

	ҳаракатлар (масалан, рўйхатга олиш, рұхсат беріш, контрол, назорат, лицензия беріш, чеклаш ва х.к.лар).
Бошқарув ҳаракатлари ҳамма вакт ҳуқуқий актларни қабул қилишга ёки маъмурый шартномаларни тузишга сабаб бўлувчи юридик аҳамиятли хужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқдир. Шу сабабли юридик аҳамиятли ҳаракатларни содир этиш (шуningдек, тафтиш ўtkазиш, маъмурый ҳуқуқбузарлик тўгрисида баённомани тузиш ва х.к.лар) бошқарув органлари (мансадор шахслар) фаолиятининг ҳуқуқий шакллари жумласига киради. Бундай ташкилий-ҳуқуқий ҳаракатларнинг оқибати, шунингдек, юридик аҳамиятли хужжатларни тузиш (тафтиш акти, маъмурый ҳуқуқбузарлик тўгрисидаги баённома) нафакат ҳуқуқий актларни қабул қилишга, балки уларга ҳуқуқий асос бўлиб ҳам хизмат қилади.	
<i>Эришиладиган натижаларига кўра:</i>	
Ижобий тартибга солувчи ҳаракатлар	Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ифодаланади (масалан, мазкур муносабатларни тартибга солишга қаратилган конунлар).
Салбий ҳолатларга таъсир этиш	Юзага келган салбий ижтимоий муносабатларга барҳам берішга қаратилади.
<i>Йўналишига кўра:</i>	
Давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатувчи ҳаракатлар	Фаолиятнинг асосий йўналиши ташки ҳисобланади, яъни давлат бошқарувидан ташқаридаги муносабатлар тартибга солинади.
Бўйсинувчи бошқарув персоналига таъсир кўрсатувчи ҳаракатлар	Фаолиятнинг асосий йўналиши ички ҳисобланади, яъни юкори турувчи орган қуий турувчи органга нисбатан бошқарувни амалга оширади.
<i>Ҳажсига кўра:</i>	
Умуммажбурий	Давлат бошқарувининг барча соҳаларидаги бошқарилувчи субъектлар учун умуммажбурий ҳисобланади.

<b>Конкрет объектга қаратылған</b>	Бошқарувнинг конкрет объектлари соҳасидаги ҳаракатларни тартибга солинади.
<b>Характерига кўра:</b>	
<b>Процедуравий</b>	Давлат органининг ваколатлари билан белгилаб қўйилади.
<b>Процессуал</b>	Муайян вазиятларни ҳал этишининг маҳсус мажбурий тартиблари билан белгилаб қўйилади.
<b>Субъект томонидан ифодаланишига кўра:</b>	
<b>Бир томонлама ифода этиладиган ҳаракатлар</b>	Конкрет субъектнинг муносабатларини тартига солади.
<b>Икки ва кўп томонлама ифода этиладиган ҳаракатлар</b>	Муносабат субъектлари мураккаб таркибга эга бўлади.
<b>Ташаббусга кўра:</b>	
<b>Ўзининг ташаббусига кўра</b>	Муносабатларнинг субъекти ўзининг ташаббусига кўра муносабатларнинг вужудга келишини тартибга солади.
<b>Бошқа иштирокчиларнинг ташаббусига кўра</b>	Муносабат субъектларининг ҳаракатлари муносабатни бошқа субъектларининг иродаси билан белгиланади.
<b>Кўллаш шароитларига кўра:</b>	
<b>Нормал ижтимоий ҳолат</b>	Ижтимоий муносабатларни нормал стандарт ҳолатда тартибга солиш.
<b>Фавқулодда ҳолат</b>	Юзага келган вазиятга қараб ҳуқуқий тартибга солишнинг маҳсус шаклларини қўллашда ифодаланади.
<b>Юридик мазмунига кўра:</b>	
<b>Рұхсат берувчи</b>	Бошқарув субъектига ўзнинг ҳохишига кўра ҳаракатланиш имконияти берилади.

Тақиқловчи	Бажариш мумкин бўлмаган хатти-ҳаракатларни белгилаб берилади.
Кўрсатма берувчи	Бошқарув субъектининг ҳаракатланиш тартиби белгилаб берилади.

### **3. Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари: юридик табиати ва хусусиятлари**

<b>Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари: юридик табиати ва хусусиятлари</b>	
<b>Тушунчаси</b>	
<p><b>Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари</b> – ижро ҳокимияти субъектларининг бир томонлама ҳокимият кўрсатмаларини ифодалаш, юридик оқибатларни юзага келтириш ва бажарилиши мажбурий бўлган актларdir.</p>	
<b>Белгилари<sup>1</sup></b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>ҳуқуқий акт</b> – бошқарув вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун, бошқарув жараёнининг ўрнатилган қоидалари асосида тайёрланган ва қабул қилинган бошқарув қарорининг бир кўринишидир. Бошқарув қарори ўз моҳиятига кўра бошқарув субъектларининг режалаштирилган ва назарда тутилган ҳаракатлар натижаси ҳисобланади;</li> <li>• <b>ҳуқуқий акт</b> – компетенция доирасида ваколатли бошқарув субъекти (давлат органи, мансабдор шахс) томонидан қабул қилинади;</li> <li>• <b>ҳуқуқий акт</b> – бир томонлама тартибда, яъни оммавий бошқарувнинг маҳсус органи ёки мансабдор шахс томонидан қабул қилинади. Бошқарув акти қаратилган субъектлар ҳокимият иродасини ифодаловчи субъектнинг ҳаракатига таъсир кўрсата олмайди. Шу билан бирга, бошқарув акти қаратилган шахслар ёки ташкилотлар ҳуқуқий акт ҳаракати жараёнида унинг асосланганлигини ва қонунийлигини аниқлашга (масалан, судда ишни кўриб чиқиш орқали) ҳаракат қилишлари мумкин. Ҳуқуқий акт суд тартибда ёки маъмурий тартибда кўриб чиқилиши ва қонунга зид деб топилиши мумкин;</li> </ul>	

<sup>1</sup> Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право: Учебник для вузов. М.: Норма, 2004. – С. 321-323.

• **хуқуқий акт** – бошқарув органининг юридик ҳокимият иродасини ифодалаш бўлиб, унда давлат-ҳокимият ваколатлари ўз ифодасини топади. Ҳуқуқий актнинг намоён бўлиши давлат ва жамият манфаатлари билан изоҳланади ва у аниқ муносабатларни тартибга солишга, умуммажбурий қоидаларни ўрнатишга, шунингдек, бошқарув жараёнида юзага келадиган низоларни ҳал этишга қаратилган бўлади;

• **хуқуқий акт** – бошқарув соҳасидаги хулқ автор (юриштуриш)нинг мажбурий қоидаларини, ҳуқук меъёрларини белгилаб беради ёки аниқ бир бошқарув муносабатларини тартибга солади;

• **хуқуқий акт** – давлат бошқаруви соҳасида субъектларнинг намунали хулқ-автор доирасини белгилаб беради. У маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун ҳуқуқий асосни яратади ёхуд бундай муносабатларни бевосита юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлишида юридик факт сифатида хизмат киласди;

• **хуқуқий актларнинг қонунийлиги**, яъни уларнинг ҳукукка мос келиши ёки қонуности хусусиятига эга эканлиги;

• **хуқуқий акт** – бошқарув органлари (мансадор шахслар) фаолияти жараёнида фойдаланиладиган юридик аҳамиятли ҳужжатларнинг бир кўриниши ҳисобланиб, бир томонлама ҳокимият иродасини ифодалашни назарда тутмаган ва юридик аҳамиятга эга бўлган маълумотнома, хулоса, баённома, тафтиш акти, инвентаризация, текшириш ҳужжатлари орқали намоён бўлади;

• **хуқуқий акт** – маҳсус шаклга ҳамда қабул қилиш (тасдиқлаш)нинг алоҳида тартибига эгадир. Одатда улар белгиланган жараёнга, яъни лойиҳани тайёрлаш, келишиш, муҳокама қилиш, экспертизадан ўзтказиш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартибига риоя қилган ҳолда ёзма шаклда қабул қилинади.

### **Юридик мазмуни**

• **бошқарув ҳуқуқий актлари** – юридик фактлар сифатида намоён бўлади, ҳуқуқий муносабатларни юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишида, ҳуқук субъектлари ҳуқуқий мақомига янгича тус беришда фактик асос бўлиб хизмат қиласди (масалан, лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ – давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомини юзага келтиради);

• **бошқарув ҳуқуқий актлари** – ҳуқуқ мөъёлларини ўрнатади, ўзгартиради ва бекор қилади; кенг доирадаги шахслар иштирок этган муносабатларни бир хилда тартибга солади; бошқарув тартибини, маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш имкониятини белгилаб беради.

• **бошқарувнинг норматив ёки индивидуал актлари** у ёки бу субъектнинг хулқ-авторини, унга ҳуқуқлар бериш ёки аниқ мажбуриятлар юклаш орқали ёхуд иккаласини ҳам ўрнатиш орқали тартибга солади;

• **бошқарув актлари** бошқа ҳуқуқий актларнинг қабул қилинишида хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида вазириклар, давлат кўмиталари ёки бошқа органларнинг меъёрий хужжатлари қабул қилинади;

• **бошқарув ҳуқуқий актлари** маълум бир юридик жараёнда (масалан, судлар томонидан фуқаролик, маъмурий ёки жиноий ишларни кўриб чиқиша) далил сифатида намоён бўлади;

• **бошқарув ҳуқуқий актлари** у ёки бу ҳаракатларни амалга оширишда, шунингдек, бошқа ҳуқуқий актларнинг ҳаракатга келишида ёки жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилишида хизмат қилади. Масалан, юридик шахсни давлат рўйхатига олганлик тўғрисидаги қарор мазкур шахснинг турли фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш имкониятини беради;

• **бошқарув актлари** ҳуқуқий воситалар, жумладан: маъмурий ҳуқуқ соҳасида давлат сиёсатини ўз вактида амалга ошириш; маъмурий ислоҳотларни олиб бориш; давлат бошқарувни мақсадларига эришиш; ижро ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар, давлат ва маҳаллий хизматчилар функцияланишини амалга ошириш; фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади.

### Функциялари

### Тушунчаси

**Бошқарув ҳуқуқий актларининг функциялари** – бу бошқарув муносабатларига тартибга солувчилик таъсирини кўрсатиб, бошқарувнинг мақсадига эришишни ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. Бошқарув актини қабул қилишда

унда ўрнатилган меъёрлар давлат бошқарувининг ўзига таъсир кўрсатади.

<b>Оммавий манфаатларни таъминлаш функцияси</b>	Маъмурий хукуқ меъёрлари, биринчи навбатда, оммавий манфаатларни ифода этиш, ҳимоя қилиш ва таъминлаш мақсадида ўрнатилади. Хукукий актлар бошқарувнинг асосий шакли сифатида, бутун жамият, унинг ижтимоий гурухлари, давлат ва фуқаролар манфаатларини амалга оширишга қаратилгандир. Ижро ҳокимияти органлари бошқарув хукукий актларини қабул қилиш вактида, аввало фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига таянадилар. Бошқача айтганда, оммавий манфаатларни таъминлаш мақсадида бошқарув жараёни (бошқарув актларини қабул қилиш ва ижро этиш жараёни) харакатга келади.
<b>Моддий-хукукий тартибга солиш функцияси</b>	Бошқарув хукукий актлари конунчилик асосида аниқ муносабатларни ўрнатиб, юзага келган ҳолат бўйича индивидуал (якка) субъектларга аниқ имкониятлар ва хулк-автор қоидаларини танлаш имкониятини беради. Бошқарув актлари конун хужжатларининг аниқ бир меъёрларини амалга ошириб ёки кўллаб, маълум бир натижага эришишга хизмат қиласди.
<b>Бошқарув-процессуал функцияси</b>	Бошқарув актларини қабул қилиш билан боғлик бўлган процессуал харакатлар йигиндиси – бошқарув актларини қабул қилиш жараёнини ташкил этиб, Ўзбекистон Республикаси конунчилигида бошқарув актларининг ва хусусан норматив-хукукий хужжатларнинг тайёрланиши, қабул қилиниши, давлат рўйхатига олиниши, зълон қилиниши ва кучга киритилиши тартиби аниқ мустаҳкамлаб қўйилган.
<b>Ижро этиш функцияси</b>	Бошқарув хукукий актларининг мазкур функцияси бошқарув ҳаракатлари ва уларни

	амалга ошириш тартибини ўрнатиш орқали, давлат бошқаруви фаолиятини таъминлайди.
Маъмурий-процессуал функция	<p>Аввало ҳимоя қилиш функцияси назарда тутилади, яъни замонавий маъмурий ҳуқук назарияси ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни бузувчи ҳар қандай бошқарув актинг суд тартибида кўриб чиқилиши мумкинлигини назарда тутади. Қаерда бошқарув актини қабул қилиш имконияти мавжуд бўлса, у ерда мазкур актни суд тартибида кўриб чиқиш мумкинлиги албатта мавжуд бўлиши керак.</p> <p>Бошқарув ҳуқуқий актлари ушбу функцияни амалга ошира бориб, маъмурий ҳуқук ижодкорлигидаги камчиликларни бартараф этишнинг муҳим ҳуқуқий воситаси ҳисобланган – маъмурий юстиция (маъмурий суд жараёни) учун замин яратади.</p>

#### 4. Бошқарув ҳуқуқий актларининг таснифи

##### Бошқарув ҳуқуқий актларининг таснифи

###### Юридик хусусиятига кўра:

Норматив	<p>Бу давлатнинг ваколатли органи томонидан, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга каратилган умуммажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзgartирувчи ёки бекор қилувчи ҳуқук ижодкорлиги актидир.</p> <p>Норматив ҳуқуқий актлар – қонуности, маъмурий ҳуқук ижодкорлиги (ҳуқук ўрнатувчи) акти бўлиб, унда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ҳуқук меъёрлари кўрсатиб ўтилади ва қонун хужжатларида назарда тутилган ҳамда юқори юридик кучга эга бўлган меъёрлар янада аниқлаштирилади, шунингдек, уларни амалга ошириш механизми назарда тутилади;</li> <li>• бошқарув соҳасидаги хулқ-атвор қоидалари белгилаб берилади;</li> </ul>
----------	---

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ижро ҳокимияти органлари ва унинг тузилмасининг ташкилий-хукукий мақоми ўрнатилади;</li> <li>• фуқароларнинг, жамоат бирлашмаларининг хукуқлари ва эркинликлари таъминланишининг механизми белгиланади;</li> <li>• зарурый тақиқ ва чекловлар ўрнатилади;</li> <li>• давлат бошқаруви соҳасида маҳсус хукуклар берилади ва мажбуриятлар юкланади;</li> <li>• бошқарув муносабатлари турли иштирокчиларининг ўзаро алоқаси ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш ташкил этилади;</li> <li>• ижтимоий-иқтисодий дастурлар ҳаётга татбиқ қилинади (масалан, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш).</li> </ul> <p>Давлат органлари томонидан чиқариладиган барча хукукий актлар ҳамма вақт ҳам норматив акт бўлиб ҳисобланмайди. Фақатгина умумий хукук ва мажбуриятларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи актларгина норматив хукукий акт бўла олади.</p>
Индивидуал	<p>Бошқарувнинг индивидуал хукукий актлари, норматив хукукий актлардан фарқ қилган ҳолда, хукуқни кўллаш (ижро этиш) актлари бўлиб ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида, улар, фармойиш берувчи актлар ҳисобланиб, ижро ҳокимияти субъектларининг аниқ ва тўғри юридик ҳокимият иродасини ифодалайди. Улар ўзида белгиланмаган доирадаги субъектларга умумажбурий бўлган хукук меъёларини ифода этмайди.</p> <p>Бошқарувнинг индивидуал актлари аниқ бир шахсларнинг хукуқ ва мажбу-</p>

	<p>риятларини ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи актлардир.</p> <p>Бошқарувнинг индивидуал ҳукукий актлари ёрдамида якка тартибдаги маъмурий ишлар ҳал қилинади (масалан, рўйхатга олиш, лицензия бериш ва х.к.лар).</p> <p>Индивидуал актлар ҳамма вакт аниқ шахсга (адресатга) қаратилган бўлади. Масалан, бирон бир шахсни давлат хизматининг у ёки бу лавозимига тайинлаш тўгрисидаги буйруқ аниқ шахс учун ҳукукий муносабатларни юзага келтиради.</p> <p>Индивидуал актлар маъмурий-ҳукукий муносабатларни юзага келтируvчи юридик фактлар сифатида намоён бўлади. Улар давлат бошқаруви фаолиятида юзага келадиган жорий масалаларни оператив (кундалик) ҳал этишнинг ҳукукий воситаси ҳисобланади.</p> <p>Лекин индивидуал актлар норматив актлар билан чамбарчас bogliq бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Индивидуал актларнинг норматив актлар билан ўзаро муносабати қўйидагиларда намоён бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• норматив актлар индивидуал актларнинг қабул қилинишида ҳукукий асос бўлиб хизмат қиласди;</li> <li>• индивидуал актлар норматив актларни кўллашнинг шакли бўлиб ҳисобланади.</li> </ul>
Аралаш	Аралаш ҳукукий актларда бошқарув фаолиятининг аниқ бир субъектига қаратилган норматив ва индивидуал кўрсатмалар назарда тутилади.
<i>Бошқарув актининг функционал вазифаси ва аҳамиятига кўра:</i>	
Давлат органлари фаолиятини ахборот билан	Давлат бошқаруви фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотларни йигиш, олиш, қайта ишлаш, баҳолашга

<b>таъминлашга қаратилған</b>	қаратилған актлар.
<b>Истиқболни белгилашга қаратилған</b>	Давлат бошқаруви тизимини, давлат органларини, давлат бошқаруви меъёрларини (стандартларини) ривожлантиришнинг истиқболини белгилаш ва моделлаштириш тартибини ўрнатишга қаратилған актлар.
<b>Режалаштириши белгилаб берувчи актлар</b>	Давлат бошқаруви соҳасидаги у ёки бу жараён ривожланишининг йўналишларини, ўсиш суръатларини, микдор ва сифат кўрсаткичларини белгилаб берувчи актлар.
<b>Ташкил этиш функциясини амалга оширишга қаратилған актлар</b>	Давлат бошқаруви тизимини шакллантиришга қаратилған актлар.
<b>Фармойиш беришни назарда тутувчи актлар</b>	Давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган бошқарув муносабатларини оператив (кундалик) тартибга солишга қаратилған актлар.
<b>Раҳбарий қоидаларни ўрнатувчи, таъминловчи актлар</b>	Давлат органлари, давлат хизматчилари, мансабдор шахслар, бошқарув объектлари фаолиятининг ва уларнинг айrim харакатлари қоидаларини ва нормативларини, шунингдек, умумий раҳбарликни таъминловчи (масалан, бошқарув фаолиятининг мазмунини белгиловчи) актлар.
<b>Мувофиқлаштириш функциясини бажарувчи актлар</b>	Мувофиқлаштириш потенциалига эга бўлган, яъни давлат бошқарувининг умумий максади ва вазифаларига эришиш учун турли давлат органлари фаолиятининг келишилган ҳолда амалга оширилишида – мувофиқлаштириш функциясини бажарувчи актлар.

<p><b>Турли соҳаларда контрол ва назоратни олиб бориш тартибини белгиловчи актлар</b></p>	<p>Амалдаги давлат бошқаруви тизимининг ва унинг тузилмасининг ўрнатилган талаблар ва меъёрлар (стандартлар)га мос келиши ёки мос келмаслигини, давлат органларининг умумий функцияланишини, шунингдек, бошқарув субъектларининг аник харакатлари натижаларини ўрганувчи ва уларни баҳоловчи актлар.</p>
<p><b>Тартибга солиш функциясини бажарувчи актлар</b></p>	<p>Давлат бошқаруви тизимини ва унинг функцияланишини ташкил этиш жараёнида бошқарув усуллари ва услубларидан фойдаланишни, шунингдек, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини, рақобатнинг демократик асосларини, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш мақсадида бошқарув объектлари ва ҳуқукнинг турли субъектлари учун умумажбурий талабларни ўрганувчи актлар.</p>
<b><i>бошқарув актларини қўллаши соҳасига кўра:</i></b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• тармокка тегишли бўлган актлар (масалан, давлат бошқарувига);</li> <li>• соҳага тегишли бўлган актлар (масалан, иқтисодиёт, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларга);</li> <li>• соҳа ичидаги актлар (масалан, таълим, фан, маданият, мудофаа, ички ишлар);</li> </ul>	
<b><i>маконда (худудда) ҳаракатига кўра:</i></b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• маълум бир худуд бўйича (масалан, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпогистон Республикаси, маъмурий-худудий бирликларда) ҳаракат килувчи актлар;</li> <li>• локал хусусиятга эга бўлган (яъни худуднинг маълум бир қисмида, аниқ бир ташкилот, меҳнат жамоаси доирасида ҳаракат киладиган) актлар. Локал ҳуқуқий актлар ижро хокимияти органлари томонидан ички ташкилий муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинади.</li> </ul>	

***бошқарув актнинг ҳаракатга келиши вақтига кўра:***

- дарҳол, яъни унинг имзоланиши билан ҳаракатга келадиган актлар;
- актнинг ўзида кўрсатилган вақтдан бошлаб ҳаракатга келадиган актлар;
- бошқа актда кўрсатилган вақтдан бошлаб ҳаракатга келадиган актлар;
- норматив ўрнатилган тартибда давлат рўйхатига олинган ва эълон килинган вақтдан бошлаб ҳаракатга келадиган актлар.

***бошқарув актларининг ҳаракатда бўлишига кўра:***

<b>Амал қилиш муддати аниқ кўрсатилмаган актлар</b>	Бу актларни белгиланмаган муддат давомида қўллаш мумкин; бу актлар конунда белгиланган тартибда бекор килинмагунча ҳаракатда бўлади.
<b>Амал қилиш муддати аниқ кўрсатилган актлар</b>	Бошқарув актида кўрсатилган муддат ўтиши билан у ўз кучини йўқотади, ҳаракатдан тўхтайди.
<b>Муваққат актлар</b>	Белгиланмаган муддат давомида ҳаракат килувчи, лекин узок вақтга мўлжалланмаган, маълум бир ҳолатга боғлиқ бўлган актлар.

***ифодаланиш шаклига кўра:***

<b>Ёзма актлар</b>	Бошқарувнинг ёзма ҳукукий актлари – белгиланган талабларга асосан расмийлаштирилган ёзма хужжат бўлиб, унда талаблар, кўрсатмалар, ҳолатлар, коидалар ва бошқалар назарда тутилади.
<b>Оғзаки актлар</b>	Бошқарувнинг оғзаки актлари (улар одатда буйруклар, фармойишлар, командалар, кўрсатмалар шаклида бўлади) ёзма расмийлаштирувни талаб этмайди. Чунки улар ҳар кунлик бошқарув вазифалари ва функцияларини бажариш максадида, бошқарувга тезда ва оператив аралашувни назарда тутади.
<b>Конклюдент</b>	Бошқарув ҳукукий актларининг конклюдент шакли – турли хилдаги белгилар,

	масалан, йўл ҳаракати белгилари, овоз ва бошқа сигналлар орқали амалга оширилади. Бунда тегишли ҳокимият субъектининг иродаси аниқ бир ҳаракатларда, белгиларда, сигналларда ўз ифодасини топади.
<b>Бошқарув актларини қабул қиливчи органлар компетенциясининг хусусиятларига кўра:</b>	
Умумий ваколатли бошқарув органларининг (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият органлари) актлари	Бу актлар ҳамма вақт умумий компетенцияли органлар томонидан қабул қилинади; бошқарувнинг барча соҳаларида умумий масалаларни ҳал этишга қаратилган бўлади; бошқа актларга қараганда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу актлар орқали оммавий бошқарувнинг умумий функциялари ва асосий вазифалари амалга оширилади.
Соҳавий бошқарув органларининг актлари	Бу актлар давлат бошқарувининг аниқ бир соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ёки юзага келган низоларни ҳал этишга қаратилгандир.
Соҳалараро бошқарув органларининг актлари	Бу актлар соҳалараро компетенцияли давлат бошқарув органлари томонидан қабул қилинади ва биринчи навбатда давлат бошқарувининг бир неча соҳаларида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишга қаратилади. Мазкур актлар муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, кимга қаратилган бўлса, улар томонидан бажарилиши шартдир.
Контрол-назорат органларининг актлари	Бу ҳукуқий актларда назорат мазмунининг асосий ҳолатлари, назорат доираси ва вазифалари, контрол-назорат фаолиятини амалга ошириш тартиби, қонуний талабларни бажармаганлик ёки ҳукуқбузарликни содир этганлик учун мажбурлов чораларини қўллаш тартиби ўз ифодасини топади.

**бошқарув актларини қабул қилувчи давлат органлари даражаси ва уларнинг номланишига қараб:**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинадиган бошқарув актлари (*фармонлар ва фармойишлар*);
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган бошқарув актлари (*қарорлар ва фармойишлар*);
- республика ижро ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган актлар (*қарорлар, буйруқлар, фармойишлар, қоидалар, инструкциялар, низомлар*);
- ҳокимлар томонидан қабул қилинадиган актлар (*фармойишлар ва қарорлар*).

**бошқарув актини қабул қилиши услугига кўра:**

<b>Коллегиал тартибда қабул қилинадиган актлар</b>	Маълум бир коллегиал орган томонидан маҳсус мажлисда овоз бериш орқали қабул қилинган актлар. Бошқарувнинг коллегиал актлари қарорлар шаклида бўлиб, маъмуриятнинг муҳим ва умумий масалаларини ҳал этишга қаратилади.
<b>Якка тартибда қабул қилинадиган актлар</b>	Қонун ҳужжатларида мансабдор шахслар томонидан бошқарув актларининг қабул қилиниши назарда тутилганлиги сабабли, амалиётда ушбу актлар (коллегиал актларга караганда) кўпроқ учрайди. Якка тартибдаги акт (ёки битта мансабдор шахс томонидан имзоланган карор) жамоа муҳокамасидан, баҳолаши ва келишувидан ўтган акт ҳисобланади.

## **5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар</b>
<b>Тушунчаси</b>
<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат</b> – бу қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатdir <sup>1</sup> .

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. - №1-2. - 8-м.

**Норматив-хуқуқий хужжатларни қабул қилувчи давлат органлари ёки мансабдор шахсларга қўйидагилар киради:**

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари;
- Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

**Турлари**

<b>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси</b>	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида кўлланилади. Ўзбекистон Республикасида конунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.
<b>Ўзбекистон Республикасининг қонунлари</b>	Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва баркарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади.
<b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари</b>	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.
<b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари</b>	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун худудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

<p><b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари</b></p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ қарорлар шаклида норматив-хукукий хужжатлар қабул қиласди.</p> <p>“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги конуни<sup>1</sup>нинг 20-моддасига биноан эса, Вазирлар Маҳкамаси қонун хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ҳамда фармойишлар қабул қиласди.</p>
<p><b>Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг хужжатлари</b></p>	<p>Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-хукукий хужжатлар қабул қиласди. Низомлар, коидалар ва йўриқномалар тарзида қабул килинадиган норматив-хукукий хужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.</p> <p>Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хукукий хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикаси-нинг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул килинади.</p> <p>Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хукукий</p>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003. - №9-10. – 138-м.

	<p>хужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.</p> <p>Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-хукуқий тусдаги хужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.</p>
<b>Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари</b>	<p>Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-хукуқий хужжатлар қабул қилади.</p> <p>Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-хукуқий хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, юкори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.</p>
<b>Юридик мазмуни</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари – <b>қонунлар</b> ҳисобланади.</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хукуқий хужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари – <b>қонун ости хужжатлари</b> ҳисобланади.</li> <li>• Турли норматив-хукуқий хужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-хукуқий хужжатни қабул қилган органнинг ваколатига ва</li> </ul>	

мақомига, шунингдек, хужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади.

• Норматив-хуқуқий хужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

• Норматив-хуқуқий хужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий хужжат кўлланилади.

• Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий хужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган хужжат қоидалари амал қиласди.

• Норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун маҳсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган хужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг норматив-хуқуқий хужжатига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

## **6. Бошқарув ҳуқуқий актларига қўйиладиган талаблар**

### **Бошқарув ҳуқуқий актларига қўйиладиган талаблар**

#### **Тушунчаси**

Бошқарув ҳуқуқий актларининг асосий шарти – бу ҳуқуқий актларнинг юридик мазмунига ва уларни қабул қилиш тартибига қўйиладиган талабларга мос келиши ҳисобланади. Мазкур талаблар асосида эса, бошқарув ҳуқуқий актларининг қонунга мос равишда қабул қилиниши туради.

#### **Ю.М.Козловнинг фикрича, бошқарувнинг ҳуқуқий актларига қўйидаги талаблар ўрнатилади:**

• бошқарувнинг ҳуқуқий актлари – Конституция ва қонунларга, Президент фармонларига зид келмаслиги;

• ижро ҳокимияти субъектлари ўртасида фаолият йўналиши ва ваколатларнинг тақсимланганлигини инобатга олиш;

• юқори ижро ҳокимияти органлари ҳуқуқий актларини инобатга олиш;

• компетенция доирасида тегишли давлат органи (мансадор шахс) томонидан қабул қилиниши;

- хукукий асослантирилган бўлиши, яъни унда хукукий акти қабул қилишнинг мақсади, асослари ва улардан келиб чиқадиган юридик оқибатлар аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиши;
- давлат бошқаруви тизимидағи қуий органлар компетенциясини ва оператив мутакиллигини чеклаши ёки бузиши мумкин эмас;
- давлат бошқаруви соҳасида фукаролар ва нодавлат тузилмаларининг қонунчилик ҳужжатлари билан ўрнатилган хукуклари ва қонуний манфаатларини чеклаши ёки бузиши мумкин эмас;
- бошқарувнинг хукукий актларига ўрнатилган қоидалар (жараёнлар)га риоя қилган ҳолда қабул қилиниши ва ҳ.к.лар<sup>1</sup>.

**Х.Р.Алимовнинг фикрича эса**, давлат бошқарув актлари раҳбарликни амалга ошириш шаклларидан бири бўлиб, ўзининг мазмуни билан ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятининг у ёки бу масаласини ҳал этишни белгилаб беради. Бошқарув актларига қўйиладиган асосий талаб – бу уларнинг давлат сиёсатига мос келишидир.

**Давлат бошқаруви актлари қонунийлик принципидан келиб чиқсан ҳолда, қуийдаги талабларга жавоб бериши керак:**

- ваколатли орган томонидан унга берилган компетенция доирасида қабул қилиниши керак;
- нафакат қонун ҳужжатларига зид бўлиши, балки ўзининг мазмун-мохияти билан давлат, унинг органлари, жамоат бирлашмалари ва фукароларнинг хукуклари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак;
- белгилangan тартибда, айрим ҳолларда эса қонун ёки юкори турувчи орган томонидан ўрнатилган шаклда қабул қилиниши керак;
- қонун ёки бошка норматив актда назарда тутилган тегишли масалани ҳал этиш учун қабул қилинган бўлиши керак<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Козлов Ю.М. Административное право: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.. Юристъ, 2003. – С. 150.

<sup>2</sup> Административное право Республики Узбекистан // Авт. коллектив: Х.Р.Алимов, Л.И.Соловьева и др./ - Т.. „Адолат”, 1999. – С. 186-187.

## **7. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш**

### **Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш**

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги конунига биноан норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқаётган орган, койда тариқасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, айрим фуқаролар жалб этилиши мумкин. Норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган норматив-хуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда топшириши ёки шартнома асосида буюртма бериши мумкин.

Норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга мукобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек, энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон килишга ҳақлидир.

Иктисадиётнинг алоҳида тармоклари, давлат бошқарувининг бошқа соҳаларига доир норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга тегишли тармоклар ёки бошқарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари жалб этилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириб туриш, конун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

### **Норматив-хуқуқий ҳужжатни тайёрлашда лойиҳани ишлаб чиқувчи орган:**

- лойиҳа мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиш тажрибасини ўрганади ва ҳисобга олади, хуқукни тартибга солишга бўлган жамоатчилик эҳтиёжини, қонун ҳужжатларининг самародорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитларни аниқлайди;
- давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат

бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг тақлифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади;

- бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини хисобга олади.

Қонун лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига, бошқа норматив-хукукий ҳужжатларнинг лойиҳалари эса, жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига кўйилади.

### **Норматив-хукукий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси**

Норматив-хукукий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси норматив-хукукий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдимнома билан киритилади, тақдимномада ҳужжатни қабул қилишининг зарурлиги асослаб берилади, уни ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа қайси давлат органи, шунингдек, ташкилот билан келишилган бўлса, шу орган ва ташкилотларнинг рўйхати келтирилади, келишмовчиликларнинг мазмуни ҳамда улар ҳақидаги асослантирилган фикр қисқача баён этиб ўтилади. Зарурат бўлганда, норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иктисодий хисобкитоблар, статистика маълумотлари ва бошқа ахборотлар илова килинади.

Қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлмаган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа органлар ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари, агар лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги топширикда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этилади.

### **Норматив-хукукий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳукукий экспертизаси**

Ҳукукий экспертиза давомида норматив-хукукий ҳужжатнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Ҳукукий экспертиза норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-хукукий ҳужжатни қабул

қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг юридик экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Киритилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан норматив-хуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иктисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

### **Норматив-хуқуқий ҳужжатнинг матни**

- Лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади.
- Норматив-хуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънени англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий тақкослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.
- Норматив-хуқуқий ҳужжатда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан, молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.
- Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-хуқуқий ҳужжатда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари (агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса ёки маҳсус ҳужжатда белгиланиши керак бўлмаса) назарда тутилади.
- Норматив-хуқуқий ҳужжатга уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган муқаддима киритилиши мумкин. Норматив кўрсатмалар муқаддимага киритилтмайди.
- Қонунларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган

моддалар тарзида баён этилади. Қонунларнинг моддалари кисмларга бўлиниши мумкин. Моддаларнинг қисмларида бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар бўлиши мумкин. Бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандларга ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

• Ҳажм жиҳатдан йирик норматив-хуқуқий хужжатларнинг мазмун жиҳатдан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бирлаштирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга ва тартиб ракамларига эга бўлади.

• Норматив-хуқуқий хужжатларда қонун хужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа маҳсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин.

• Зарур ҳолларда норматив-хуқуқий хужжатда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий хужжатларнинг айrim қоидалари мазкур хужжатларга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

• Норматив-хуқуқий хужжатларда, коида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган амалдаги норматив-хуқуқий хужжатларнинг норматив кўрсатмалари қайта айнан такрорланмайди.

• Норматив-хуқуқий хужжатнинг моддаларида (бандларида) унинг бошқа моддаларига (бандларига), шунингдек, амалдаги бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга, уларнинг айrim қоидаларига ҳаволалар норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки такрорлашларга йўл кўймаслик учун қўлланилади.

### **Норматив-хуқуқий хужжатнинг расмий матнини тасдиқлаш**

• Ўзбекистон Республикасининг қонуни – Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарорлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери томонидан;

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси томонидан;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони – Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хуқукий хужжатлари – хужжатни қабул қилган орган раҳбари томонидан;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари – тегишли ҳоким томонидан имзоланади.

### **Норматив-хуқукий хужжатлар қўйидаги реквизитларга эга бўлади:**

- хужжатнинг тури ва номи;
- хужжат қабул қилинган жой, сана ва хужжат рақами;
- тегишли норматив-хуқукий хужжатларни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

### **Вазирликлар ва идоралар меъёрий хужжатларининг шакллари**

- буйрук;
- карор;
- низом;
- қоида;
- йўрикнома;
- кўрсатма.

### **Вазирликлар ва идоралар меъёрий хужжатларига қўйиладиган талаблар**

- Меъёрий хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг карорлари ва бошка хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси хукуматининг қарорларига мувофик бўлиши керак.

• Меъёрий хужжатлар Идоравий меъёрий хужжатларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш қоидалари талабларига мувофик тайёрланиши ва қабул қилиниши керак.

• Меъёрий ёзма кўрсатмалар (хат, телефонограмма, хусусий масалалар бўйича тушунтиришлар ва бошқалар)нинг хукукий

хужжат ҳисобланмаган хужжатларга, шунингдек якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган хужжатларга киритилишига йўл қўйилмайди.

• Вазирликлар ва идоралар хукукий тартибга солишни талаб қиласиган масалалар пайдо бўлган такдирда, агар ушбу масалаларни меъёрий тартибга солиш ўз ваколатларига кирса, тегишли меъёрий хужжатларни ўз вақтида қабул қилишлари керак. Адлия вазирлиги вазирликлар ва идораларга тегишли меъёрий хужжатни қабул қилиш зарурлиги, уни ишлаб чиқиш муддати ҳақида тақдимнома киритишига ҳақлидир.

• Конунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан меъёрий хужжат қабул қилиш муддати, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир ойдан ошмаслиги керак.

• Меъёрий хужжатда мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси-нинг қайси қонунини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг қайси қарорини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси Фармонини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарорини (уларнинг моддалари ёки бандларини) бажариш юзасидан ёки улар асосида чиқарилаётганлиги мажбурий тартибда кўрсатилади.

• Меъёрий хужжат тузилмаси хукукий тартибга солиш мавзуси изчил ривожлантерилишини, шунингдек бўлажак хужжат бир хилда тушунилиши ва қўлланилишини таъминлаши керак.

• Агар меъёрий хужжат қабул қилиниши мақсадлари ва сабаблари тушунтирилиши талаб этилса, унда кириш қисми берилади. Меъёрий тусга эга бўлган қоида кириш қисмга киритилмайди.

• Меъёрий хужжат қоидалари аниқ ва ёрkin адабий тилда баён қилиниши керак. Фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича талқин қилинишини истисно қилиш учун уларнинг амалдаги қонун хужжатларида қабул қилинган аҳамиятига мувофик бир хилда қўлланилади. Зарур ҳолларда маҳсус атамалар ва тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умумий қабул қилинган қисқартмалар қўлланади ва бошқа қисқартришлар тушунтирилади. Эскирган ва кўп маъноли сўзлар ва иборалар, образли қиёслашлар, мажозлар, сифатлашлар қўлланилишига йўл

күйилмайди.

- Меъерий хужжатларда амалдаги қонун хужжатлари қоидалари сўзма-сўз такрорланиши тақиқланади. Меъерий хужжатлар матнига амалдаги қонун хужжатларига ҳавола қилиш киритилишига фақат истисно ҳоллардагина йўл кўйилади.

- Мазкур меъерий хужжатнинг бошқа бандларига, шунингдек вазирликлар ва идораларнинг илгари қабул қилинган меъерий хужжатларига ҳавола қилиш уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиш ёки такрорга йўл кўймаслик зарур бўлган ҳоллардагина кўлланилади.

- Меъерий хужжатнинг ҳар бир бандида битта меъерий кўрсатма бўлиши керак. Хужжатнинг ҳар бир мустакил банди тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак.

- Агар меъерий хужжатда рўйхатлар, жадваллар, графиклар, хариталар, схемалар, хужжатлар, бланкалар намуналари келтирилса, улар, одатда, иловаларда берилиши керак. Меъерий хужжатнинг тегишли бандларида ушбу иловаларга ҳавола қилинади.

- Амалдаги меъерий хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ҳал этиш мумкин бўлган масалалар бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш шаклидаги хужжатлар қабул қилинади.

- Агар меъерий хужжатнинг қабул қилиниши мазкур орган томонидан илгари қабул қилинган меъерий хужжатлар ўз кучини йўқотиши эътироф этилишини ёки уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини талаб этса, ундай ҳолда ушбу қоидалар тақдим этилган меъерий хужжатда ёхуд бошқа хужжатда акс эттирилиши керак.

- Меъерий хужжатга:

- меъерий хужжатни чиқариш учун асослар (вазирлик ва идора ваколати, меъерий хужжатга кирган масалаларни ҳал этишни топшириш ёки бундай ҳукуқ бериш юзасидан юқори органнинг қарори, хужжат қабул қилиниши учун асос бўлиб хизмат қилган бошқа ҳолатлар);

- мазкур орган томонидан ушбу масала бўйича илгари қабул қилинган меъерий хужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

- ушбу масала бўйича илгари бошқа органлар томонидан қабул қилинган меъерий хужжатлар ва давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этилган хужжат қабул қилиниши муносабати билан уларни

ўзгартериш ёки ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш хақидаги маълумотлар мавжуд бўлган маълумотнома илова қилинади.

- Тайёрланган меъёрий хужжат вазирлик ёки идора раҳбари томонидан имзолангунга қадар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқлиги юзасидан текширилиши керак. Тақдим этилган меъёрий хужжатга ушбу органнинг юридик хизмати раҳбари томонидан виза қўйилган, илова қилинган маълумотнома эса имзолangan бўлиши керак.

## 8. Бошқарув ҳуқуқий актларининг ҳаракати

### Бошқарув ҳуқуқий актларининг ҳаракати

#### Тушунчаси

**Бошқарув ҳуқуқий актларининг ҳаракати** – бу уларни амада кўлланишининг ҳуқуқий режимидир: актлар ҳуқуқий муносабатларни ўрнатадилар, ўзгартирадилар ёки бекор киладилар; бошқарувдаги низоларни ҳал этишда кўлланадилар; турли ишларни ҳал этишда уларга таяниб иш кўрилади; давлат органларида улардан ҳуқукий хужжат ёки далил исбот тарзида фойдаланилади.

#### Норматив-ҳуқуқий хужжатларни зълон қилиш

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги конунига биноан норматив-ҳуқуқий хужжатлар расмий нашрларда зълон қилиниши керак. Ҳамманинг зътибори учун расман зълон қилинмаган қонун асосида хеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Норматив-ҳуқуқий хужжат расман баён тарзида зълон қилинишига йўл қўйилмайди. Норматив-ҳуқуқий хужжат расман зълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Норматив-ҳуқуқий хужжатларни норасмий нашрларда зълон қилишга, шунингдек, уларни қонун хужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу хужжатлар расмий манбаларда зълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, зълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан рухсат этилади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари-

нинг тўплами”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

“Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг тўплами”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

“Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг тўплами”, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хукукий хужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-хукукий хужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон килинади.

### **Норматив-хукукий хужжатларнинг кучга кириши**

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар хужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда кучга киради ва улар эълон қилиниши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хукукий хужжатлари, агар хужжатнинг ўзида кечрок муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичida барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим. Норматив-хукукий хужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш норматив-хукукий

хужжат матни билан монеликсиз (эркин) танишиш ҳуқуқини таъминловчи ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

### **Норматив-хуқуқий хужжат (унинг қисми) қуйидаги ҳолларда амал қилишини тугатади:**

- норматив-хуқуқий хужжат (унинг қисми) мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса бошланганда;
- норматив-хуқуқий хужжат (унинг қисми) қонунда белгиланган тартибда конституциявий эмас деб топилганда;
- норматив-хуқуқий хужжат (унинг қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганда;
- норматив-хуқуқий хужжат қонунда назарда тутилган ҳолларда бекор килинганда.

## **9. Маъмурий-хуқуқий шартномалар**

### **Маъмурий-хуқуқий шартномалар**

#### **Тушунчаси**

Бошқарув фаолиятини (харакатларини) амалга оширишнинг хуқуқий шаклларидан бири – бу маъмурий-хуқуқий шартномаларни тузиш ҳисобланади. Ҳозирги қайта куришлар жараёнида маъмурий-хуқуқий шартномаларнинг аҳамияти – ижтимоий муносабатларни тартибга солишда оммавий хукукнинг, шунингдек, оммавий-хуқуқий муносабатларда шартномалар ролининг ўсиб бориши билан изоҳланади.

**Маъмурий-хуқуқий шартнома** – бу давлат бошқарувининг ҳокимий ваколатга эга бўлган иккита тенг хуқуқли субъектларининг бошқарув процессини ташкил этиш, шунингдек, бошқарув органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш, ваколатларнинг бир қисмини бир органдан бошқа органга ўтказиш тўғрисидаги келишувиdir.

#### **Турлари<sup>1</sup>**

- компетенциялар тўғрисидаги шартномалар (ваколатларни тақсимлаш ёки ваколатларни беришга оид бўлган маъмурий-хуқуқий шартномалар);

<sup>1</sup> Бахрах Д.Н., Хазанов С.Д. Формы и методы деятельности государственной администрации: Уч.пособие. – Екатеринбург, 1999. – С. 341., Старилов Ю.Н. Курс общего административного права. В 3-х т. Т 2: Государственная служба. Управленческие действия. Правовые акты управления. Административная юстиция. – М., 2002. – С. 450-465.

- давлат мулкини бошқариш соҳасидаги шартномалар;
- давлат эҳтиёжларини қондиришга қаратилган шартномалар (“давлат контрактлари”);
  - ҳарбий хизматчилар, студентлар, маҳсус хизмат ҳодимлари билан тузилган шартномалар;
  - соликқа оид ва молиявий келишувлар;
  - ўзаро ҳамкорликка оид келишувлар;
  - тури концессиялар ва инвестиция келишувлари.

### **Хусусиятлари**

- шартноманинг ҳар икки томони ҳам давлат манфаатларидан келиб чиқиб иш кўрадилар;
  - томонларнинг муносабатлари маъмурий-хукукий нормалар билан тартибга солинади.

# **14 БОБ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ УСУЛЛАРИ**

## **1. Бошқарувнинг маъмурӣ-хуқуқий усуллари**

### **Бошқарувнинг маъмурӣ-хуқуқий усуллари**

#### **Тушунчаси**

**Бошқарув усули** – давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига эришиш, вазифаларини бажариш ва функцияларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган хуқуқий воситалар ҳисобланади.

Бошқарув шакли бошқарув таъсири услубларини ўз ичига олади. Масалан, бошқарув органи томонидан маълум бир соҳада назоратни амалга ошириш ва жавобгарликни қўллаши учун мансабдор шахснинг мажбуриятларини ўрнатувчи хуқуқий акт кабул қилиниши лозим.

#### **Шакл усулга қараганда бирламчи ҳисобланади.**

Бошқарув усули бошқарув субъектининг обьект билан ўзаро муносабатга киришганлигини аниглаш имкониятини беради.

Бошқарув усули бошқарув шаклида албатта ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, бошқарув шакли бўлмаганида, бошқарув усуллари, яъни бошқарув субъектининг обьектга нисбатан таъсири ўз маъносини ва ўзининг формал мазмунини йўкотади, амалда эмас, балки хаёлда колади. Масалан, маълум бир шахсни маъмурӣ ёки интизомий жавобгарликка тортишга ёхуд давлат бюджети маблағларидан маълум бир обьектни молиялаштиришга қаратилган бошқарув фаолияти ҳаракатларини расмийлаштирасдан туриб, яъни бошқарувнинг тегишли хуқуқий актини қабул қиласдан туриб, амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабли, бошқарув усуллари бошқарув шакллари билан ва асосан хуқуқий актларни қабул қилиш билан чамбарчас боғлик бўлади.

**Давлат бошқаруви тизимида бошқарув усуллари муҳим хуқуқий восита ҳисобланади.**

#### **Хусусиятлари**

- бошқарув усулларининг мавжудлиги – давлат ҳокимияти ижро этувчи органларини ташкил этишга асосланади;
- бошқарув усулиниң асосий мақсади ёки унинг амалий аҳамияти – давлат бошқарувини, бошқарув вазифалари ва

функцияларининг ижро ҳокимияти органлари томонидан амалий бажарилишини таъминлашдан иборат;

• бошқарув усулларидан бошқарув фаолиятида қўлланилади ва фойдаланилади;

• давлат бошқаруви субъекти ва обьекти ўртасида махсус хуқукий муносабатлар мавжуд бўлади. Бу муносабатларда давлат органи ёки мансабдор шахс турли воситалар – ишонтириш, тарбиялаш, тартибга солиш ёки мажбурлаш чораларини қўллаш орқали ўз ваколатини амалга оширади. Бошқарув усуллари мазкур муносабатларда бошқарув субъекти ва обьекти ўртасида юзага келадиган алока ва муносабатларни ифодалайди;

• хуқукий актларда бошқарув таъсири ўрнатилади, яъни бошқарув усулини қўллаш хуқукий тартибга солинган бўлади. Лекин бошқарув амалиётида хуқукий меъёрлар билан тартибга солинмаган (ёки уларда назарда тутилмаган) усуллар (масалан, ишонтириш, тарбиялаш) ҳам қўлланилиши мумкин;

• бошқарув усуллари бошқарув субъектларига тегишли бўлган компетенция ва ваколатларни амалга ошириш воситаси хисобланади;

• бошқарув усуллари бошқарув субъектлари томонидан обьектга нисбатан қўлланиладиган ваколатларнинг; тегишли субъект юридик ҳокимият ваколатларининг хусусиятларини намоён этади;

• ҳар бир аниқ ҳолатда бошқарув таъсирининг мазмуни бошқарув усуллари қўлланилаётган обьектнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади (масалан, жисмоний шахс ёки ташкилот, мулк шакли, вертикал бўйсинувнинг мавжудлиги ва ҳ.к.лар);

• бошқарув усуллари ҳар қандай бошқарув таъсири сингари, бошқарув соҳасида намунали (белгиланган) тартибни таъминлайди; улар ташкилий хусусиятга эга ва бошқарув тизимида юз бераётган жараёнларни тартибга солади;

• бошқарув таъсирини қўрсатувчи субъектлар томонидан хукук ижодкорлиги ва индивидул-фармойиш бериш ваколатлари амалга оширилади;

• бошқарув усулларининг доимий харакатда бўлиши, яъни улар бошқарув тизимини, функция ва ваколатларнинг бажарилишини реал таъминлайди;

• қонунчиликда бошқарув усулларини қўллашнинг белгиланган тартиби мавжуд бўлади;

- бошқарув усулларини кўллашнинг ташкилий-хукукий шакллари ёки уларни ифодалашнинг хукукий шакллари мавжуд бўлади.

- бошқарув усуллари – бошқарув субъектининг объектга нисбатан таъсири ўзига хос хусусиятларга эга. Бошқарув усуллари тўғридан-тўғри таъсир этиши (масалан, хукуқбузарга нисбатан жисмоний куч ишлатиш ёки мансабдор шахсларга интизомий жавобгарликни кўллаш) ёки эгри таъсир этиши мумкин (масалан, қонунчиликда назарда тутилган давлат хизматчилари учун чекловларни амалда татбиқ қилиш ёки, аксинча, рафбатлантириш чораларини кўллаш);

- бошқарув усулида бошқарув обьектига якка ёки жамоа таъсирини кўрсатиш мавжуд бўлади;

- бошқарув усулларини кўллашнинг вақтинчалик хусусиятга эга бўлиши, яъни бошқарув таъсири ҳамма вақт ҳам узоқ муддатга эмас, балки маълум бир муддатга мўлжалланган бўлади.

### **Ю.М.Козловнинг фикрича, бошқарув усулларига қўйидаги хусусиятлар хос бўлиб ҳисобланади:**

- бошқарув усуллари ижро ҳокимиятини амалга ошириш мақсадлари билан тўғридан-тўғри боғлиқdir;

- уларда давлат-бошқарув фаолияти субъектлари билан обьектлари ўртасидаги ўзаро алоқа ифодаланади;

- бошқарув усуллари ижро ҳокимияти органлари томонидан уларга берилган компетенцияни амалга ошириш учун кўлланилади;

- бошқарув усули ўзининг аниқ йўналишига, якка ёки жамоа обьектига эга;

- унда бошқарув муносабатлари иштирокчиларининг хулк-авторига бошқарув (тартибга солиш) таъсирини кўрсатиш назарда тутилади;

- улар маъмурий хукук томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларда оммавий манфаатларни ифодалайди;

- бошқарув усули – юридик ҳокимият ваколатининг маълум бир кисмини ўзида назарда тутади<sup>1</sup>.

### **Мақсади**

Маъмурий-хукукий усулларнинг мақсади – оммавий манфаатларни ҳимоя қилиш, хукукий тартиботни, жисмоний ва юридик

<sup>1</sup> Козлов Ю.М. Административное право. – М.: Юристъ, 2003. – С. 155.

шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтирилган давлат тадбирларини кучайтириш, давлат бошқаруvida интизомни мустаҳкамлашдан иборатдир.

### **Турлари**

#### ***Ифодаланиши шаклига кўра:***

<b>Хуқуқий</b>	Норматив ҳуқукий актларда назарда тутилган ва ҳуқукий мазмунга эга бўлган усуллар.
<b>Ташкилий</b>	Бошқарув субъекти томонидан ташкилий-бошқарув харакатларини амалга ошириш усуллари.

#### ***Маъмурий-хуқуқий хусусиятларига кўра:***

<b>Норматив</b>	Норматив ҳуқуқий актларни қабул қилиш мақсадида қўлланиладиган усуллар.
<b>Императив</b>	Тақиқларни, тўғридан-тўғри маъмурий буйруқларни, давлат-ҳокимият кўрсатмаларини назарда тутивчи, шунингдек, тегишли харакатларни содир этиш ёки тегишли хулқ-атворни амалга оширишга мажбурловчи усуллар.
<b>Индивидуал</b>	Якка маъмурий ҳуқуқий актларни қабул қилишда қўлланиладиган усуллар.

#### ***бошқарув объектига таъсир қўрсатиш даражасига кўра***

<b>Ваколат берувчи</b>	Маълум бир харакатларни амалга ошириш ёки бошқарувнинг тегишли актини қабул қилишга рухсат берувчи усуллар.
<b>Рағбатлантирувчи - тавсия берувчи</b>	Рағбатлантириш ёки маълум бир харакатларни амалга ошириш бўйича тавсияларни берувчи усуллар.

#### ***Қарорларнинг шаклига кўра:***

<b>Умумий</b>	Маъмурий ҳуқукнинг барча субъектларига бир хилда қўлланадиган усуллар.
<b>Коллегиал</b>	Ҳокимий ваколатга эга бўлган маъмурий ҳуқуқ субъектларининг биргаликда қабул қилган қарорлари асосида қўлланадиган усуллар.

<b>Якка тартибдаги</b>	Якка тартибда қабул қилинган қарорлар асосида қўлланадиган усуллар.
<b>Таъсир этишининг шактига кўра:</b>	
<b>Ғоявий-мағкуравий таъсир этувчи усуллар</b>	Турли чакириклар, шиорлар, сиёсий дастурлар, ижтимоий концепциялар ва бошқа оммавий таъсир этиш воситалари билан боғлиқ усуллар.
<b>Психологик (рухий) таъсир этувчи усуллар</b>	Шахсларда ижтимоий фаолликни оширишга қаратилган, меҳнатга бўлган ёки фукаролик мажбуриятларини бажаришга бўлган иштиёқларини оширишга хизмат килувчи турли ташкилий-рухий воситалар.
<b>Иқтисодий таъсир этувчи усуллар</b>	Рағбатлантиришнинг иқтисодий усуллари.
<b>Ташкилий-ҳокимий таъсир этиш усуллар</b>	Ваколатли давлат ҳокимият органлари муайян ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатадилар.
<b>Йўналтирилганлигига кўра:</b>	
<b>Шахсий</b>	Бундай усулларга, масалан, ноқонуний намойишлар уюштирганлиги учун маъмурий қамоқقا олиш киради.
<b>Ташкилий</b>	Масалан, таъмирлаш ишлари кетаётганлиги муносабати билан автомобиль йўлини тўсиб кўйиш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаганлиги учун корхонанинг фаолиятини тўхтатиб кўйиш кабилар киради.
<b>Мулкий</b>	Асосан, шахсга нисбатан маъмурий тартибдаги жарима солиш киради.
<b>Д.Н.Бахрахнинг фикрича, давлат бошқаруви соҳасида фойдаланиладиган одатий (умумий) усулларга қўйидагиларни киритиш мумкин:</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• бошқарув фаолиятини тартибга солиш; давлат бошқаруви соҳасида амалда бўлувчи тегишли кўрсатмаларни ўрнатиш;</li> <li>• бошқарув жараёнига янги бошқарув технологияларини ва воситаларини киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;</li> </ul>	

- у ёки бу ҳаракатларни амалга ошириш ёки тегишли қарорларни қабул қилишда тақиқларни, чекловларни ва мажбуриятларни ўрнатиш;
- аник бир вазифани бажариш зарурлиги тўғрисида оғзаки ёки ёзма фармойиш бериш;
- давлат мулки объектларини бошқариш;
- рухсат бериш, рўйхатга олиш ва лицензиялаш фаолиятини амалга ошириш;
- давлат бошқарувি органларига бўйсинувчи ташкилотларни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;
- маълум бир соҳаларни, ишлаб чиқаришни, корхоналарни молиявий қўллаб-куватлаш;
- монополияга қарши фаолиятни амалга ошириш;
- сертификатлаштириш, давлат статискаси фаолиятини амалга оширишнинг хукуқий тартибини, стандартларини ўрнатиш;
- оммавий бошқарув субъектлари талабларини қондириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ижро хокимияти органлари тизими ва тузилишини қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- бошқарув персоналини шакллантириш ва улар фаолиятининг самараадорлигини таъминлаш бўйича чораларни (лавозимга тайинлаш, аттестация ўтказиш, хизмат бўйича юкорига кўтариш, янги малакавий даража бериш, малакасини оширишга юбориш, лавозимдан бўшатиш) амалга ошириш;
- бошқарув хукукий актларини тўхтатиш ёки бекор қилиш;
- оммавий бошқарув (маъмурий) шартиномаларни тузиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;
- давлат буюргасини жойлаштириш;
- давлат рўйхатига олиш (ижро хокимияти органларининг норматив хужжатларини, маҳаллий тузилмаларнинг уставларини);
- тартибга солувчи бошқарув фаолиятини, шунингдек, давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган низоларни ва бошка бошқарув ишларини амалга оширишнинг процессуал тартиби ва жараёнини ўрнатиш;
- контрол ва назорат фаолиятини амалга ошириш;
- маъмурий юрисдикциявий фаолиятни амалга ошириш;
- хукук ижодкорлиги фаолиятини амалга ошириш;
- маъмурий-хукукий мажбурлов чораларини қўллаш;

- рағбатлантириш ва бошқа тартибга солиш тадбирларини амалга ошириш;
- моддий жавобгарлик чораларини кўллаш<sup>1</sup>.

## 2. Бошқарувнинг маъмурий-ишонтириш усуллари

### Бошқарувнинг маъмурий-ишонтириш усуллари

#### Тушунчаси

**Ишонтириш** – давлат бошқарувини амалга оширишнинг асосий усулларидан бири бўлиб, шахсларнинг намунали иродасини шакллантириш ёки қайта шакллантириш мақсадида турли хилдаги тушунтириш, тарбиялаш, ташкил этиш ишларини олиб бориша намоён бўлади. Ишонтириш - бошқарув субъектларининг ҳукуқий актларда ифодаланган талабларининг шахслар томонидан ихтиёрий амалга оширилишида ифодаланади. Бошқарувнинг бу усули ёрдамида, конун чиқарувчи (ҳукуқ ўрнатувчи) ва фуқаролар иродасининг бирлигига эришилади.

Ишонтириш – бу маълум бир кетма-кетлиқда амалга ошириладиган ҳаракатлар жараёни бўлиб, эътибор, ички ишонч, шахснинг онгига таъсир этиш, манфаатни шакллантириш каби элементларни ўз ичига олади. Фуқаролар, бошқарув ҳокимияти мақсад ва вазифалари мазмуни тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилганида, уларнинг талабларига риоя қиладилар ва қўллаб-куватлайдилар, шунингдек, уларни амалга оширишга онгли ва фаол иштирок этадилар.

Ишонтириш усули ёрдамида инсонларнинг онгига ва иродасига назарда тутилган (белгиланган) таъсир кўрсатилади, ҳукуқий кўрсатмалар ва бошқарув субъекти ҳаракатларининг мақсадга мувофиқлигига ҳамда уларга бўлган эътиборни шакллантиришга эришилади.

#### Турлари

#### Рағбатлантирувчи

##### Турлари

*Иқтисодий разбатлантириши усуллари* асосан ҳўжалик юритувчи субъектларга (юридик шахслар, тадбиркорлар) нисбатан қўлланилади ва уларга нисбатан солин ва бошқа мөдниявий имтиёзлар.

<sup>1</sup> Бахрах Д.Н., Россинский В.В.: Стариков Ю.Н. Административное право. М.: Норма, 2004. С. 386-387.

белгилаш; квоталаш; имтиёзли кредитлар бериш; фаолият олиб бориш учун қулай шароитлар яратиб бериш кабиларда ифодаланади.

*Ташкилий рагбатлантириши усуллари* асосан рағбатлантирилаётган обьектга нисбатан маъмурый тартиб-тамойилларнинг (процедура) соддашган тартибини кўллашда, масалан, бухгалтерлик ва солиқ ҳисоботларини топширишнинг содда тартибини назарда тутувчи чораларда ифодаланади.

*Ижтимоий рагбатлантириши аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатлами учун ижтимоий имтиёзлар тизимини яратища ифодаланади.*

*Мукофотловчи рагбатлантириши* фаолиятида ижобий натижаларга эришган аниқ шахсларга нисбатан кўлланилади.


### **Тарбияловчи**

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурый жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 2-моддасига кўра, маъмурый жавобгарлик тўғрисидаги қонун хужжатлари бошқа вазифалар билан каторда, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

### **Тушунтирувчи**

Турли намойишлар ўтказиш, давлатнинг мансабдор шахсларининг оммавий чиқишлиари, ижтимоий роликлар намойиш қилиш ва бошқа воситалар билан ифодаланади.

## МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ УСУЛЛАРНИНГ ТУРЛАРИ



**5-схема.** Маъмурий-хуқуқий усулларнинг турлари.

### **3. Маъмурий-хуқуқий мажбурлов: тушунчаси, мазмуни ва хусусиятлари**

#### **Маъмурий-хуқуқий мажбурлов: тушунчаси, мазмуни ва хусусиятлари**

##### **Тушунчаси**

**Маъмурий-хуқуқий мажбурлов** – бу хуқуқий мажбурловнинг алоҳида тури бўлиб, хуқуқка хилоф қилмишга нисбатан оммавий ҳокимият субъектлари томонидан маъмурий хукук мөъёrlарида назарда тутилган мажбурлов чораларининг кўлланилишидир.

##### **Мазмуни**

Маъмурий-хуқуқий мажбурлов – хуқуқий тартиботни ҳимоя қилишда, шунингдек, хуқуқбузарликларга қарши курашишда катта аҳамиятга эгадир. Бу шу билан изоҳланадики, ички ишлар органлари, давлат инспекциялари ва бошқа ижро ҳокимияти субъектлари тегишли тартиб ва коидаларга риоя этилиши устидан доимо назоратни олиб бориб, уларнинг ҳар қандай бузилишига дарҳол таъсир кўрсатишлари мумкин. Маъмурий-хуқуқий мажбурлов – жамият тартибига тажовуз қилувчи қилмишни тўхтатиш ва унга барҳам беришни, ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликни назарда тутувчи кўпгина чеклов (эҳтиёт) воситаларини ҳам ўз ичига олади.

Маъмурий-хуқуқий мажбурлов воситаларининг аксарият ҳолларда, биринчи маротаба хуқуқбузарликни содир этган ва бундай қилмишнинг жамият тартибига қарши қаратилганлигини англамаган фуқароларга нисбатан кўлланилганлиги сабабли, уларнинг жиноятларни олдини олишдаги тарбиявий аҳамияти жуда юкоридир. Амалиётдан келиб чиқадиган бўлсак, кам аҳамиятли хуқуқбузарликларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаганлик, айборд шхасларга мажбурлов чораларини қўлламаганлик – янги хукукбузарликларнинг ва жиноятларнинг содир этилиши имкониятини оширади.

Маъмурий-хуқуқий мажбурлов чоралари ўртасида ишнинг мазмунига қараб ҳал этишни назарда тутувчи мустақил чоралар ҳам мавжуддир. Масалан, бунга маъмурий санкциялар киради. Шу билан бирга, таъминлов, процессуал чоралар ҳам мавжуд бўлиб, улардан маъмурий хуқуқбузарлик ишларини олиб боришга шартшароит яратиб бериш мақсадида фойдаланилади.

**Маъмурий мажбурлов, Х.Р.Алимовнинг фикрича,** инсонларнинг онгига ва хулқ-атворига руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш усули бўлиб, давлат бошқаруви соҳасида айбор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш, маъмурий хукуқбузарликларни огоҳлантириш ва чеклаш мақсадида қўлланилади.

### **Маъмурий мажбурлов:**

- одатда, давлат бошқаруви органлари томонидан қўлланилади; айrim ҳолларда, судья, вакиллик органлари, шунингдек, жамоат бирлашмалари томонидан қўлланилиши мумкин;
- хукукни қўллаш органи билан хизмат бўйсинуvida бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади;
- уларни қўлловчи органлар доирасининг кенглиги;
- инсонларни хукукий тартиботга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш сингари умумий мақсадга қаратилган – хукуқбузарларни жазолаш, хукуқбузарликларни огоҳлантириш ва чеклаш мақсадида қўлланилади;
- шахсларнинг хукукларини чеклашга қаратилади;
- ўрнатилган тартибга қарши қаратилган ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади;
- процессуал тартибга эга;
- уларни қўллаш жиноятчиликни олдини олишга хизмат қиласди;
- аксарият ҳолларда, хукуқбузарларга нисбатан, айrim ҳолларда эса, бундай хатти-ҳаракатни содир этмаган шахсларга нисбатан (масалан, фавқулодда ҳоллатларда, хукуқбузарлик содир этилишини огоҳлантиришда) қўлланилиши мумкин;
- улар бошқарув фаолиятининг барча субъектлари эмас, балки қонун ҳужжатлари билан маҳсус ваколат берилган органлар томонидан амалга оширилади<sup>1</sup>.

### **Хусусиятлари**

- маъмурий-хукукий мажбурлов чоралари – маъмурий-хукукий воситалар билан химоя килинадиган меъёрларнинг бузилишига олиб келадиган ва жамиятда ўрнатилган тартибга қарши қаратилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) учун қўлланилади;
- маъмурий-хукукий мажбурлов – хизмат бўйсинуви дорасидан ташқарида, яъни ушбу хукукий муносабатлар иштирокчилари

<sup>1</sup> Административное право Республики Узбекистан // Авт. коллектив: Х.Р.Алимов, Л.И.Соловьева и др./ - Т.. "Адолат", 1999 – С. 193-195.

ўртасида ташкилий бўйсунувнинг мавжуд бўлмаганида, амалга оширилади;

- маъмурий юрисдикциянинг (маъмурий-хуқукий мажбурловнинг) кўпгина субъектлар томонидан амалга оширилиши;

- маъмурий-хуқукий мажбурлов нафақат жисмоний шахсларга, балки ташкилотлар ва жамоа субъектларига нисбатан ҳам кўлланилиши мумкин;

- маъмурий-хуқукий мажбурлов – маъмурий хуқук меъёрлари билан ҳар томонлама тартибга солинади. Маъмурий хуқук меъёрлари маъмурий-хуқукий мажбурлов чораларининг турларини, асосларини ва уларни кўллаш тартибини белгилаб беради.

## 4. Маъмурий мажбурлов чоралари

### Маъмурий мажбурлов чоралари

#### Асосий белгилари

- қонунларга асосланган мажбурлов чораси ҳисобланади;
- фақат ваколатли мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади;
- асосан маъмурий тартибда кўлланилади;
- хизмат бўйсунви муносабатлари билан боғлиқ бўлмайди;
- кўллаш тартибининг содалиги ва тезкорлиги билан характерланади;
- юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан кўлланилади;
- маъмурий мажбурлов чораларини кўллаш учун нафақат хукуқбузарлик факти, балки, кўзда тутилган маъмурий-хуқукий ҳолатлар ҳам асос бўлиши мумкин.

#### Турлари

### Маъмурий-огоҳлантирув чоралари

Мажбурийлик хусусиятига эга бўлган чоралар бўлиб, давлат бошқаруви соҳасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини ҳамда бошқа заарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган хукуқбузарликларни огоҳлантириш мақсадида кўлланилади.

Маъмурий огоҳлантирув чоралари, масалан, ишлаб чиқаришда, йўл-транспорт харакатида тўқнашувлар (авариялар), ёнгинларнинг олдини олиш; ахолининг санитария-эпидемиология, ҳаво ва темир йўлдаги хавфсизлигини таъминлаш; табиий

офатларда ва фавқулодда ҳолатларда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавсизлигини таъминлаш учун қўлланилади.

<b>Турлари</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• карантин;</li><li>• юкларни мажбурий текшириш ва кўздан кечириш;</li><li>• тиббий гувоҳлантириш;</li><li>• ревизия, текширувлар ўтказиш;</li><li>• лицензия бериш ва рўйхатга олиш тартиблари.</li></ul>
----------------	--

### **Маъмурий-чеклов чоралари**

Хуқуқка хилоф ҳаракатларни тутгатиш (тўхтатиш) ва унинг зарарли оқибатларини бартараф этиш мақсадида қўлланилади. Бу чоралар, маъмурий огоҳлантирув чоралари сингари, турли кўринишларга эга бўлиб, давлат бошқарувининг турли соҳаларида ижро ҳокимияти субъектлари томонидан қўлланилади.

<b>Турлари</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• хуқуқка хилоф ҳаракатни тўхтатиш тўгрисидаги талаб;</li><li>• маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий тартибда ушлаб туриш;</li><li>• атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликка дучор бўлган шахсни мажбурий даволаш;</li><li>• инфекцион касалларни вактинча ишдан четлаштириш;</li><li>• транспорт воситасининг ҳолати ўрнатилган талабларга жавоб бермаганида, ундан фойдаланишни тақиқлаш;</li><li>• жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилган талабларга риоя этмаган ҳолда амалга оширилаётган курилиш-таъмирлаш ва бошка ишларни тақиқлаш ёки чеклаш;</li><li>• бевосита жисмоний таъсири кўрсатиш;</li><li>• оммавий тартибсизликларни ва бир гурух шахсларнинг ноконуний ҳаракатларини тўхтатиш учун маҳсус воситаларни қўллаш;</li><li>• ваколатли шахснинг ўқотар куролдан фойдаланиши ва бошқалар.</li></ul>
----------------	---

### **Маъмурий-тиклов чоралари**

Етказилган зарарни қоплаш, олдинги ҳолатни тиклаш мақсадида қўлланилади. Шу сабабли бу чораларнинг турни ва

ҳажми кўп жиҳатдан, ҳуқуққа хилоф ҳаракат орқали етказилган зарар ҳажми ва хусусиятига боғлик бўлади.

<b>Турлари</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• ўзбошимчалик билан қурилган бино ва бошқа объектларни бузиш;</li><li>• ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган турар жойдан мажбурий чиқариш;</li><li>• ташкилотдан конунга зид равишда олинган молмulkни олиб қўйиш;</li><li>• боқимандани, пеняни ундириш ва ҳ.к.лар.</li></ul>
----------------	--

# 15 БОБ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

## 1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва юридик хусусиятлари

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва юридик хусусиятлари	
Тушунчаси	
<p>Давлат бошқаруви соҳасида содир этиладиган ва кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик кўринишларидан бири – бу маъмурий ҳуқуқбузарлиқdir.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда конун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий мухитга тажовуз қилувчи ғайрихукукий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.</p>	
Белгилари	
<b>Ижтимоий зарарли ҳисобланади</b>	Уларнинг содир этилиши билан жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига маълум бир моддий ва маънавий зарар етказилади.
<b>Ҳуқуққа хилоф ҳисобланади</b>	Яъни бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш қонун ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри тақиқланган.
<b>Маъмурий ҳуқуқбузарлик – бу қилмишdir</b>	Маъмурий ҳуқуқбузарлик – бир ёки бир неча инсонларнинг онгли ва иродали ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида ифодаланади.
<b>Маъмурий ҳуқуқбузарлиқда – айбнинг мавжудлиги</b>	Маъмурий ҳуқуқбузарлик – қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган онгли, иродали қилмиш ҳисобланади.
<b>Маъмурий ҳуқуқбузарлик – жазога</b>	Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 10-моддасининг 1-қисмiga биноан маъмурий

<b>сазовор қилмишdir</b>	<p>хукуқбузарлик деганда – конун хужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган қилмиш тушунилади.</p> <p>Содир этилган хукуқбузарлик учун қонун хужжатларида жавобгарлик назарда тутилган тақдирдагина, бундай хатти-харакатлар хукуқбузарлик сифатида эътироф этилиши мумкин. Жавобгарликка тортиш – хукуқбузарликнинг асосий хусусиятларидан биридир.</p>
------------------------------	--

## 2. Маъмурий хукуқбузарликнинг юридик таркиби

<b>Маъмурий хукуқбузарликнинг юридик таркиби</b>
<b>Тушунчаси</b>
<p><b>Маъмурий хукуқбузарлик таркиби</b> – бу маъмурий хукук меъёрлари билан ўрнатилган хусусиятларнинг йигиндиси бўлиб, уларнинг мавжуд бўлиши билан аниқ бир қилмишлар – маъмурий хукуқбузарлик сифатида тан олинади.</p>
<b>Элементлари</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• хукуқбузарликнинг обьекти;</li> <li>• обьектив томони;</li> <li>• субъекти;</li> <li>• субъектив томони.</li> </ul>

## 3. Маъмурий хукуқбузарликнинг обьекти

<b>Маъмурий хукуқбузарликнинг обьекти</b>
<b>Тушунчаси</b>
<p><b>Маъмурий хукуқбузарликнинг обьекти</b> – бу маъмурий хукук меъёрлари билан ўрнатилган ва муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бу, биринчи навбатда давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлардир.</p> <p>Давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида нафақат маъмурий хукук меъёрлари билан, балки маъмурий-хукукий воситалар билан муҳофаза этиладиган бошка</p>

хуқук тармоқлари (конституциявий, молия, ер, меҳнат ва ҳ.к.лар) меъёрлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳам юзага келади. Шу сабабли, маъмурий хуқукбузарлик объектига – маъмурий жавобгарлик меъёрлари билан ҳимоя қилинадиган ҳар қандай муносабатларни киритиш мумкин.

### Турлари

<b>Маъмурий хуқукбузарликнинг умумий объекти</b>	<p>Давлат бошқаруви жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар. Масалан, Ўз.Р. МЖтКнинг 10-моддаси 1-кисмида маъмурий хуқукбузарлик объекти умумий ҳолда “шахс, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликлари, мулкчилик, давлат ва жамоат тартиби, табиий мухит” кўрсатиб ўтилган.</p>
<b>Маъмурий хуқукбузарликнинг турдош объекти</b>	<p>Мазмуни ва ўзаро яқин хусусиятларига қараб ягона тизимга келтирилган объектларdir. Масалан, Ўз.Р. МЖтКнинг маҳсус қисмида маъмурий хуқукбузарликлар куйидаги гуруҳларга бирлаштирилган:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• фуқароларнинг хуқук ва эркинликларига тажовуз қиладиган хуқукбузарликлар;</li> <li>• аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги хуқукбузарликлар;</li> <li>• мулкка тажовуз қилувчи хуқукбузарликлар;</li> <li>• табиий мухитни муҳофаза килиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги хуқукбузарликлар;</li> <li>• саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги хуқукбузарликлар;</li> <li>• қишлоқ хўжалигидаги хуқукбузарлик, ветеринария-санитария коидаларини бузиш;</li> <li>• транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги хуқукбузарликлар;</li> <li>• фуқароларнинг турар жой хуқуқларига таалуқли, коммунал хизмат ва</li> </ul>

	<p>ободонлаштириш соҳасидаги хуқуқбузарликлар;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• савдо тадбиркорлик ва молия соҳаларидағи хуқуқбузарликлар;</li> <li>• одил судловга тажовуз қилувчи хуқуқбузарликлар;</li> <li>• жамоат тартибига тажовуз қилувчи хуқуқбузарликлар;</li> <li>• бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи хуқуқбузарликлар;</li> </ul>
<b>Маъмурий хуқуқбузарлиknинг бевосита обьекти</b>	<p>Хуқуқбузарлик оқибатида бевосита зарар етказилган, аниқ обьект хисобланади. Масалан, Ўз.Р. МЖтКнинг 40-моддасида мустахкамланган тухмат хуқуқбузарлигининг бевосита обьекти – фуқаронинг шаъни ва кадр-киммати хисобланади; ёки, 237-моддасига биноан ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилишдан бош тортишда ифодаланган хуқуқбузарлиknинг бевосита обьекти бўлиб – бошқарув жараённада ўрнатилган тартиб, яъни фуқароларнинг ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ мажбурияти хисобланади.</p>

#### **4. Маъмурий хуқуқбузарлиknинг объектив томони**

<b>Маъмурий хуқуқбузарлиknинг объектив томони</b>
<b>Тушунчаси</b>
<b>Маъмурий хуқуқбузарлиknинг объектив томони</b> – бу хуқуқка хилоф қилмишdir, яъни маъмурий хуқуқбузарлик обьектига қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, унинг хусусиятлари, шунингдек, уни содир этиш (ёки содир этмаганлик) шароитлари хисобланади.
<b>Элементлари</b>
<b>Асосий (мажбурий) элементлари</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• ҳаракат (ҳаракатсизлик);</li> <li>• юзага келган оқибат;</li> </ul>

- содир этилган қилмиш ва ундан келиб чиқадиган заарли оқибат ўртасидаги сабабий boglaniш.

### **Факультатив элементлари**

- хукуқбузарликни содир этиш шароитлари (хукуқбузарликни содир вақти ва услуби);
- хукуқбузарликни тақороран содир этиш.

### **Маъмурий хукуқбузарлик объектив томондан икки кўринишга эга:**

<b>Маъмурий хукуқбузарликни ҳаракат натижасида содир этиш</b>	Ҳаракат – инсоннинг фаол хулқ-атвори хисобланади. Аксарият маъмурий хукуқбузарликлар, объектив томондан шахсларнинг ҳаракати орқали содир этилади. Масалан, тухмат, ҳақорат қилиш, енгил тан жароҳати етказиш, ўрнатилган турли умуммажбурий қоидаларни бузишда ифодаланганди хукуқбузарликлар ҳаракатлар натижасида содир этилади.
<b>Маъмурий хукуқбузарликнинг ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқиши</b>	Ҳаракатсизлик – инсоннинг пассив хулқ-атвори бўлиб, одатда, белгиланган вазифани, мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда ифодаланади. Масалан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқмаганлик, отоналарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик, ҳокимият вакилининг конуний талабларини бажармаганликда ифодаланганди хукуқбузарликлар – ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқади.

### **Хукуқбузарликни содир этиш шароитлари**

Маъмурий хукуқбузарлик объектив томонининг элементи сифатида, уни содир этиш вақти ва услубини назарда тутади. Масалан, ЎзР МЖтКнинг 90-моддаси 2-қисмида ов қилиш қоидаларини бузишнинг шартлари, яъни тегишли рухсати бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда; тақиқланган қуроллар ёки усуllар билан ов қилиш ёки балиқ тутиш кўрсатиб ўтилган.

## **Хукуқбузарликни содир этиш вақти**

Содир этилган қилмишни маъмурий ҳукуқбузарлик сифатида таснифлашда, ушбу қилмишнинг қайси вақтда содир этилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, Ўз.Р. МЖтКнинг 192-моддасида тунги вақтда – соат 23.00 дан 06.00 гача – фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшик айтиш, мусика чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, турар-жойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд килиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани холда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, майший шовқинга қарши кураш талабларини бузвучи бошқа ҳаракатларни содир этиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Агар, мазкур хатти-ҳаракатлар бошқа вақтда (соат 06.00 дан 23.00 гача) содир этилган бўлса, ушбу ҳукуқбузарликнинг таркибини юзага келтирмайди.

## **Хукуқбузарликни содир этиш жойи**

Айрим ҳоларда, маъмурий ҳукуқбузарлик учун жавобгарлик белгилашда, ҳукуқбузарликни содир этиш жойини аниқлаш зарур бўлади. Масалан, ЎзР МЖтКнинг 187-моддасида кўчаларда, стадионларда, ҳиёбонларда, боғларда, барча турдаги жамоат транспортида ҳамда спиртли ичимликларни қўйиб сотишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур моддада кўрсатиб ўтилган жойлардан ташқари, уйда ёки меҳмонда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ушбу модда бўйича жавобгарликни юзага келтирмайди.

## **Хукуқбузарликни содир этиш усули**

Ҳукуқбузарликнинг қандай усулда содир этилганлиги ҳам, маъмурий ҳукуқбузарликнинг таркибини юзага келтирувчи хусусиятлардан биридир. Масалан, ЎзР МЖтКнинг 183-моддасида майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилкимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузвучи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриштуриш қоидаларини қасдан менсимаслик учун маъмурий

жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, конун чиқарувчи, қилмишнинг – жамиятга нисбатан яққол менсимаслик усулида содир этилишини кўрсатиб ўтади.

### **Хукуқбузарликни тақороран содир этиш**

Хукуқбузарлик объектив томони хусусиятларидан бири бўлиб, маъмурий жаувобгарлик тўғрисидаги конунчиликнинг қўпгина моддаларида назарда тутилган. Лекин амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида тақороран маъмурий хукуқбузарликни содир этиш тушунчаси берилмаган. Маъмурий хукуқбузарликни тақороран содир этиш деганда, маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан бир йил давомида турдош (бир хил ёки ўхшаш) маъмурий хукуқбузарликни содир этишни тушуниш лозим. Хукуқбузарликни тақороран содир этиш айбдор шахсга нисбатан жавобгарлик санкцияларида назарда тутилган оғирроқ жазо чорасини қўллашга сабаб бўлади.

### **Содир этилган қилмиш ва ундан келиб чиқадиган заарли оқибат ўргасидаги сабабий боғланиш**

Бундай боғланишни аниқлаш – заарли оқибатларнинг келиб чиқиши шароитларини, заарарли оқибатларнинг айнан мана шу ёки бошқа қилмиш оқибатида юзага келганлигини, қилмишнинг юзага келган оқибатларга қай даражада таъсир этганлигини ва бошқаларни аниқлашга хизмат қиласди. Лекин маъмурий хукуқбузарликда сабабий боғланишни аниқлашга хожат йўқ, чунки коида бўйича юзага келган заарарли оқибатлар номоддий ва одатда ижтимоий зарар ёки ижтимоий хавфли кўринишида бўлади. Шу сабабли, хукуқка хилоф қилмиш билан унинг оқибати ўргасида сабабий боғланишнинг мавжудлигига шубҳа туғилмайди.

## **5. Маъмурий хукуқбузарликнинг субъекти**

### **Маъмурий хукуқбузарликнинг субъекти**

#### **Тушунчаси**

**Маъмурий хукуқбузарликнинг субъекти** – бу 16 ёшга тўлган акли расо жисмоний шахсдир.

#### **Турлари**

##### **Умумий субъект**

Ҳар кандай 16 ёшга тўлган жисмоний шахс. Жумладан, Ўз.Р. МЖтКнинг 13-

	моддасида маъмурий жавобгарлик субъекти умумий ҳолда кўрсатиб ўтилган.
Махсус субъект	<p>Умумий субъектларга қараганда ўзига хос хусусиятларга (кўшимча белгиларга) эга бўлган субъектлардир. Маъмурий хукуқбузарликнинг махсус субъектига – мансабдор шахсларни, ҳайдовчиларни, вояга етмаганларни ва бошқаларни киритиш мумкин. Мазкур шахслар томонидан содир этиладиган хукуқбузарликлар ва уларга нисбатан кўлланиладиган жавобгарлик ўзига хос хусусиятларга эгадир. Масалан, мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган маъмурий хукуқбузарликлар уларнинг эгаллаб турган лавозими ёки мансаби билан ёхуд улар зиммасига юклangan вазифалар (мажбуриятлар)нинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги билан боғлиқ ҳолда содир этилади. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги фукароларга (умумий субъект) қараганда юкори бўлади.</p> <p><i>Мисол № 1.</i> ЎзР МЖтКнинг 175-4-моддасига биноан иш ҳақини тақиқланган шаклларда тўлаш учун фақатгина мансабдор шахсларгина жавобгарликка тортилиши мумкин. Чунки ходимларга иш ҳақини бериш мажбурияти корхона, муассаса ва ташкилотнинг мансабдор шахси зиммасига юклangan.</p> <p><i>Мисол № 2.</i> ЎзР МЖтКнинг 125-моддасига биноан фойдаланиш ман этиладиган даражада носозлиги бўлган транспорт воситаларини бошқариш учун фақатгина ҳайдовчилар жавобгарликка тортилиши мумкин. Чунки, ҳайдовчигина транспорт воситасини бошқариш хукукига эга бўлади.</p>

	Маъмурий жавобгарлик 16 ёшга тўлган фуқароларга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Лекин 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар – вояга етмаганлар тоифасига киришини ҳам унумаслик керак. Уларнинг маъмурий жавобгарлиги, одатда маҳсус коидалар билан тартибга солинади.
Алоҳида субъект	Интизом уставлари ёки хизмат тўғрисидаги низомлар татбиқ қилинадиган шахслар, масалан, ҳарбий хизматчиilar ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошликлар таркибига мансуб шахслар. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг алоҳида субъектлари – маҳсус субъектларнинг алоҳида гурӯҳини ташкил этади. Алоҳида субъектлар ҳам, маҳсус субъектлар сингари ўзига хос ҳусусиятларга эгадир.

## 6. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони

<b>Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони</b>
<b>Тушунчаси</b>
Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони – бу ҳуқуқбузарлик субъекти (жисмоний шахс)нинг ҳуқуқка хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳамда унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабати ҳисобланади.
<b>Элементлари</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• маъмурий ҳуқуқбузарликни қасдан содир этиш;</li> <li>• маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизликдан содир этиш.</li> </ul>
<b>Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасдан содир этиш</b>
Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги гайриҳуқукий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл кўйган

бўлса, бундай маъмурий хукуқбузарлик қасдан содир этилган деб ҳисобланади.

Масалан, ЎзР МЖтКнинг 61-моддасида мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини сунистъемол қилиш ёки фиригарлик йўли билан оз микдорда талон-торож қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ушбу қилмиш қасдан содир этилади. Хукуқбузар мол-мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини сунистъемол қилиш ёки фиригарлик йўли билан оз микдорда талон-торож қилиш каби ҳаракатларнинг хукукка хилоф эканлигини билади, уни содир этиш орқали корхонага зарар етказилишига кўзи етади ва унинг юз берини истайди.

#### **Маъмурий хукуқбузарликни қасдан содир этиш икки кўринишда бўлиши мумкин:**

<b>Тўғри қасд</b>	Бунда маъмурий хукуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқукий эканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига кўзи етади ва унинг юз берини истайди.
<b>Эгри қасд</b>	Бунда маъмурий хукуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқукий эканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига кўзи етади ва бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равища йўл кўяди.

#### **Маъмурий хукуқбузарликни эҳтиётсизликдан содир этиш**

Маъмурий хукуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий хукуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб ҳисобланади.

**Маъмурий хукуқбузарликни эҳтиётизлиқ орқасида содир  
этиш қўйидаги шаклларда намоён бўлади:**

<b>Ўзига ишониш</b>	Шахснинг ўз харакати ёки харакатсизлиги заарли окибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлади.
<b>Бепарволик</b>	Шахснинг қонунда кўрсатилган окибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин бўлгани холда уларни олдиндан кўра билмагани.

**Маъмурий хукуқбузарликларнинг олдини олиш**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий хукуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қоракалпогистон Республикаси худудида эса Коракалпогистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофик қонунийлик, хукуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз худудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий хукуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий хукуқбузарлик билан кураш олиб борувчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик киладилар.

**Маъмурий хукуқбузарликни истисно қилувчи ҳолатлар**

<b>Зарурий мудофаа</b>	Зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг хукуқларини, жамият ёки давлат манбаатларини гайрихукуқий тажовузлардан шундай тажовуз килаётган шахсга зарар етказиш йўли билан
------------------------	---

	химоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган харакатлар маъмурӣ хукуқбузарлик деб ҳисобланмайди.
Охирги зарурат	Хукуқларга ҳамда конун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг хукуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни, башарти бу хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган заарага қараганда камроқ бўлса, бартараф этиш учун содир этилган харакатлар маъмурӣ хукуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

# 16 БОБ. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

## 1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг принциплари

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, уларнинг вазифа ва принциплари**

### Турлари

- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг карорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорлари;
- Қорақалпогистон Республикаси қонунлари;
- Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари;
- Ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг карорлари.

### Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифаси

Инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вактида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек, бундай хукуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш.

### Асосий принциплари

#### Қонунийлик

Қонунийлик – давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофик харакат қилишини англатади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўриб чиқувчи барча давлат

	органлари ва мансабдор шахслар фуқароларга нисбатан маъмурий жавобгарликни Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тӯғрисидаги қонун хужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳамда унинг талабларини бажариш мақсадида амалга оширадилар.
<b>Фуқароларнинг қонун олдида төнглиги</b>	<p>Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил хукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чикиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.</p> <p>Фуқароларга ўз хукуқ ва эркинликларини ҳимоя килишда, давлат органларида маълум бир ишларнинг кўриб чиқиш вақтида, бир хилдаги шарт-шароитлар яратиб берилади.</p>
<b>Демократизм</b>	<p>Демократизм принципининг мазмуни шундан иборатки, унга кўра ҳар бир маъмурий хукуқбузарлик ишлари ошкора кўриб чиқилиб, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс: иш материаллари билан танишиб чиқишига, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишига, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашишга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган карор устидан шикоят беришга ҳақлидир.</p> <p>Одатда, маъмурий хукуқбузарлик тӯғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштироқида кўриб чиқилади.</p> <p>Бундан ташқари, маъмурий хукуқбузарликни содир этган шахснинг ахлоқини тузатиш, уни қайта тарбиялашга қонун хужжатларида белгиланган тартибда, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жалб қилинади.</p>

	<p>Маъмурый ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўриб чиқувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар маъмурий жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш вактида, жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-кимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги керак.</p> <p>Бирон бир шахс қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-кимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиикә дучор этилиши мумкин эмас.</p> <p>Маъмурый ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.</p> <p>Маъмурый ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали жавобгарликка тортиш мақсадига эришиб бўлмайдиган тақдирдагина, оғиррок жазо чораларини қўллашлари мумкин.</p>
	<p>Одиллик</p> <p>Маъмурый ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликни белгилашда, маъмурый ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айборлик даражаси, мулкий ахволи, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда, адолатли ва қонуний жазо белгиланишини таъминлаши лозим.</p> <p>Шахс айнан битта маъмурый ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бу – одиллик принципининг асосий элементи бўлиб, қонунийликни, фукаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиласи.</p>

<p><b>Айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги</b></p>	<p>Шахснинг содир этган хатти-ҳаракати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида тан олинадиган бўлса, унга нисбатан маъмурий жавобгарликнинг кўлланилиши шартдир.</p>
<p><b>Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ваколатлари</b></p>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларини аниқлайди ва умумий қоидаларини белгилаб беради;</li> <li>• маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ваколатига эга бўлган органлар тизимини (мансадбор шахсларни), мазкур ишларни юритиш ва чиқарилган қарорларнинг ижроси тартибини белгилайди;</li> <li>• маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатларини белгилайди;</li> <li>• вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиёт вакиллик органлари ҳамда ҳокимлари маъмурий жавобгарлик назарда тутиладиган қарор қабул қилишлари мумкин бўлган масалалар доирасини белгилайди.</li> </ul>	
<p><b>Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ваколатлари</b></p>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• жамоат тартибини сақлашга доир масалалар юзасидан, башарти бу масалалар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек, табиий оғатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўйича уларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;</li> <li>• маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қўйидаги қоидаларни белгилаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>а) ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини;</li> <li>б) ҳайвонларни карантинга қўйиш қоидаларини ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларини;</li> </ul> </li> </ul>	

- в) ит ва мушук бокиш қоидаларини;
- г) шаҳарларни ва бошқа ахоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини;
- д) шаҳарлардаги дараҳтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлашни;
- е) ёнилғи-мойлаш материаллари билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан қўлда савдо қилиш ёхуд шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилишни;
- ж) бозорларда савдо қилиш қоидаларини.

### **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амалда бўлиши**

Маъмурий хукуқбузарлик содир этган шахс бу хукуқбузарлик содир этилган вакт ва жойда амал килиб турувчи қонун ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилади.

Маъмурий хукуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бекор килувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққунга кадар содир этилган хукуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуклидир. Маъмурий хукуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи ёки жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар хукуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилаётган вакт ва жойда амал қилиб турган қонун ҳужжатлари асосида юритилади.

## **2. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси, хусусиятлари, принциплари ва асослари**

### **Маъмурий жавобгарлик тушунчаси, хусусиятлари, принциплари ва асослари**

#### **Тушунчаси**

**Маъмурий жавобгарлик** – бу маъмурий хукуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан ваколатли давлат органлари ёки мансабор шахслар томонидан огоҳлантириш, маъмурий жазо ёки бошқа хукукий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган маъмурий хукуқбузарлик содир этишнинг хукукий оқибатидир.

#### **Хусусиятлари**

- маъмурий жавобгарлик қонунлар билан ҳам, қонуности ҳужжатлари билан ҳам ўрнатилади, яъни у ўзининг меъёрий-

хуқуқий асосига эгадир. Жиноий жавобгарлик – фақат қонунлар билан, интизомий жавобгарлик – қонун ва конуности хужжатлари билан, моддий жавобгарлик – меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланади;

- маъмурий жавобгарликнинг асоси бўлиб – маъмурий хуқуқбузарлик хисобланади (қонун бузилиши ва ножӯя хатти-харакат кўринишида). Жиноий жавобгарликда – жиноят, интизомий жавобгарликда – интизомий ножӯя хатти-харакат, моддий жавобгарликда – моддий зарап етказиш хисобланади;

- маъмурий жавобгарлик субъекти сифатида фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахслар<sup>1</sup> намоён бўлади. Жиноий жавобгарликда – фуқаролар ва мансабдор шахслар, интизомий жавобгарликда – ходим (жамоа субъектларининг интизомий жавобгарлиги юридик адабиётларда мунозарали бўлиб келмоқда), моддий жавобгарликда – ходим (меҳнат қонунчилиги бўйича), юридик ва жисмоний шахслар (фуқаролик қонунчилиги бўйича) субъект бўлиши мумкин;

- маъмурий хуқуқбузарликлар учун – маъмурий жазо чоралари кўлланилади. Жиноят учун – жиноий жазо, интизомий ножӯя хатти-харакат учун – интизомий жазо, моддий зарап етказиш учун – мулкий жазо кўлланилади;

- маъмурий жавобгарлик қонун хужжатларига биноан кенг доирадаги давлат органлари (mansabdar shahslar) томонидан кўлланилади. Жиноий жавобгарлик – суд органлари томонидан, интизомий жавобгарлик – юкори турувчи давлат органи (mansabdar shahs) томонидан, моддий жавобгарлик – суд органлари томонидан кўлланилади;

- маъмурий жавобгарлик судланганлик холатини ёки ишдан бўшатишни юзага келтирмайди, жиноий жавобгарликда – судланганлик юзага келади, интизомийда – ишдан бўшатиш мумкин;

- маъмурий жавобгарликни қўллаш учун, бўйсинувнинг бўлиши шарт эмас, интизомий жавобгарликни қўллашда эса бўйсинув мавжуд бўлади<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига биноан юридик шахслар маъмурий жавобгарликнинг субъекти хисобланмайди.

<sup>2</sup> Алеҳин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право. Учебник. М.. “Зеркало”, 1998. – С. 282-283.

Турлари	
<b>Хуқуқбузарнинг онги ва иродасига (хулқ авторига) таъсир этиши даражасига қараб:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• жисмоний таъсир этишни назарда тутувчи маъмурий жавобгарлик;</li> <li>• моддий таъсир этишни назарда тутувчи маъмурий жавобгарлик;</li> <li>• руҳий таъсир этишни назарда тутувчи маъмурий жавобгарлик.</li> </ul>
<b>Маъмурий жавобгарликини кўлловчи органлар ваколат доирасига кўра:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• суд органлари томонидан кўлланиладиган маъмурий жавобгарлик;</li> <li>• давлат бошқаруви органлари (ёки ваколат берилган органлар) томонидан кўлланиладиган маъмурий жавобгарлик.</li> </ul>
<b>Маъмурий жавобгарликини юзага келтирувчи асосларга кўра:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• маъмурий хуқуқбузарлик учун кўлланиладиган маъмурий жавобгарлик;</li> <li>• кам аҳамиятли қиммешлар учун кўлланиладиган маъмурий жавобгарлик.</li> </ul>
<b>Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосланиб, маъмурий жавобгарликининг хуқуқбузарлик субъектларига кўра, кўйидаги турларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги;</li> <li>• мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги;</li> <li>• хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги;</li> <li>• хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги.</li> </ul>
<b>Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши</b>	
Маъмурий хуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.	
<b>Маъмурий жавобгарликини енгиллаштирувчи ҳолатлар</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• айборнинг ўз қиммишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;</li> <li>• айборнинг хукуқбузарликнинг заарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;</li> </ul>	

- хукуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оиласидан, ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;
- хукуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;
- хукуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;
- хукуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансадбор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

### **Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар**

- гайрихукукий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;
- маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги хукуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек хукуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;
- вояга етмаган шахсни хукуқбузарликка тортиш;
- хукуқбузарликнинг бир гурӯҳ шахслар томонидан содир этилиши;
- хукуқбузарликнинг табиий оғат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;
- хукуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши. Маъмурий жазо чорасини кўлланувчи орган (мансадбор шахс) содир этилган маъмурий хукуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни айни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

### **Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш**

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 21-моддасига биноан, содир этилган маъмурий хукуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишига ваколати бўлган орган (мансадбор шахс) хукуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин.

### **3. Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги**

#### **Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги**

##### **Тушунчаси**

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ақли расо жисмоний шахс.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 14-моддасига биноан маъмурий хукуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар кўлланилади.

#### **Вояга етмаганлар қуидаги ҳолларда умумий асосларга кўра жавобгарликка тортиладилар:**

- Оз миқдорда талон-тарож қилиш;
- Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш;
- Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш;
  - Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи курилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш;
  - Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя килмаслиги;
  - Транспорт воситасини бошқариш вактида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши;
  - Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи гурух бўлиб ҳаракат килишда қатнашиши;
  - Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши;
  - Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ;
  - Кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқариши;
  - Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши;
  - Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мulkнинг шикастланишига олиб келиши;

- Бошқариш ҳуқуқини берувчи хужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши;
- Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастилиги ёки масти эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши;
- Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг ҳаракат қоидаларини бузиши;
- Майдабезорилик;
- Жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида саклаш;
- Ўқотар куроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш;
- Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик;
- Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини қонунга хилоф равишида тайёрлаш ва тарқатиш;
- Ўқотар куроллар ва ўқдориларни саклаш ёки ташиш қоидаларини бузиши;
- Ўқотар куролларни рўйхатдан ўтказиш (кайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб кўйиш қоидаларини бузиши.

### **Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар**

#### **Тушунчаси**

Вояга етмаганларнинг назоратсиз, қаровсиз қолишилари, ҳукукбузарликлари ва жамият учун зарарли хатти-ҳаракат қилишиларининг олдини олиш, буларга имкон тугдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; вояга етмаганларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатлари химоя қилинини таъминлаш; ижтимоий жиҳатдан ҳавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогика жиҳатдан реабилитация қилиш мақсадида тузиладиган, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи, вояга етмаганлар ўртасида назоратсиз қолиш ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш органларидир.

#### **Тузилади**

Туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида.

#### **Таркиби**

Комиссияга таркибига олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, соғлиқни саклаш, ижтимоий таъминот, ички ишлар,

мехнат органлари, хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, мудофаага кўмаклашиш жамияти, меҳнат жамоалари, маданий-маърифий ва бошқа муассасаларнинг вакиллари кирадилар.

Комиссиялар таркибида: вояга етмаганлар ўртасида маданий-тарбиявий ишлар бўйича, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ва бошқа ўқув муассасаларининг ўқувчилари билан ишлаш бўйича, болалар ва ўсмирларни ишга жойлаштириш ва майший турмушкини яхшилаш масалалари бўйича, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан чиқарилган ва тарбиялаш колонияларидан озод қилинган ўсмирлар устидан назорат ўрнатиш бўйича секциялар ташкил этилиши мумкин.

### **Асосий вазифалари**

- вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш;

- давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари юзасидан фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва Ички ишлар вазирлигининг муассасаларида вояга етмаганларнинг сақланиши, уларни ўқитиш, тарбиялаш шарт-шароитлари устидан назоратни ташкил этиш;

- вояга етмаган ўшларнинг онгини, тафаккурини шакллантириш, юксалтириш, дунёкарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маънавият ва маърифат ишларини жонлантириш;

- жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган ёки маҳсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар жой ва иш билан таъминлашда ёрдам бериш, шунингдек, вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қонунда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

### **Туман (шаҳар) комиссиялари**

- 14 ўшга тўлмасдан туриб жамият учун хавфли хатти-харакатлар содир этган, 13 ўшга тўлгандан кейин оғирлаштирувчи

ҳолатларда қасддан одам ўлдириган вояга етмаганлар бундан мустасно;

- 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган даврда улар учун жисмоний жавобгарлик назарда тутилмаган, жамият учун хавфли хатти-ҳаракатлар содир этган;

- 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган даврда жиноят аломатлари бўлган хатти-ҳаракатлар содир этиб, уларга нисбатан жиноий иш қўзғатиши рад қилинган ёки жиноий иш тўхтатилган;

- 16 ёшгача бўлган даврда йўл ҳаракати қоидаларини бузган;

- жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатлар содир этган;

- умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими таълим муассасаларида (умумий таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар колледжларида) ўқишидан бош тортган;

- жамият учун катта хавф бўлмаган жиноят содир этганида терговчи ёки прокурорнинг қарори ёхуд суд ажрими асосида жавобгарликдан озод қилинган;

- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган тартибда маъмурий хукуқбузарлик содир этган вояга етмаган шахслар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ишларини амалга оширадилар.

#### **Туман (шаҳар) комиссиялари томонидан вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланадиган таъсир кўрсатиши чоралари**

- вояга етмаганга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш;

- огоҳлантириш;

- 15 ёшга тўлган вояга етмаган шахс зиммасига, агар у мустақил иш ҳақига эга бўлса ва зарар миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса моддий заарнинг ўринини қоплаш ёки уни бартараф этиш мажбуриятини юклаш ёки белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган моддий заарни ўз меҳнати билан қоплаш мажбуриятини юклаш;

- 16 ёшга тўлган ва мустақил иш ҳақига эга бўлган вояга етмаган шахсга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавогарлик тўғрисидаги кодексида, Қорақалпоғистон Республикасининг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари чиқарган хужжатларда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органлари қарорларида кўзда тутилган ҳолларда ва миқдорларда жарима солиш;

• вояга етмаган шахсни ўз ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига, шунингдек, уларнинг розилиги билан мөҳнат жамоаси ёки жамоат ташкилоти кузатувига топшириш;

• вояга етмаган шахс жамият учун хавфли хатти-харакатлар килган ёки ижтимоий ахлоқ қоидаларини касдан ва мунтазам равишда бузиб келган тақдирда комиссия ички ишлар органлари билан биргалиқда вояга етмаганни маҳсус ўкув-тарбия муассасасига юбориш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида судга илтимос қиласди. 11 ёшдан 14 ёшгacha бўлган вояга етмаган шахс маҳсус мактаб-интернатга юборилиши, 14 ёшдан 18 ёшгacha бўлган вояга етмаган шахс эса маҳсус касб-хунар коллежига юборилиши мумкин.

#### **4. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси**

##### **Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси**

###### **Тушунчаси**

**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси** – вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан хукуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-харакатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргалиқда амалга ошириладиган ижтимоий, хукукий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими<sup>1</sup>.

##### **Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари**

- вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан хукуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-харакатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;
- вояга етмаганларнинг хукуклари, эркинликлари ва конуний

<sup>1</sup>Қаранг Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 2010 йил 28 август Конуни 77 “Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами”, 2010 йил, 39-сон, 341-модда.

манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш;

- вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулк-авторини шакллантириш;
- ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласарни ижтимоий-педагогик реабилитация килиш;
- вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш холларини аниклаш ва уларга барҳам бериш.

### **Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари**

- конунийлик;
- инсонпарварлик;
- тизимлилик;
- оиласи қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик килиш;
- ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига якка тартибда ёндашиш.

### **Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими**

- вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар;
- ички ишлар органлари;
- таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- васийлик ва ҳомийлик органлари;
- соғликни саклашни бошқариш органлари ва соғликни саклаш муассасалари;
- меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари.

Юкорида кўрсатилмаган органлар ҳамда муассасалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

### **Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз ваколатлари доирасида:**

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлашга доир чоратадбирларни амалга оширади;

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, хуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг<sup>1</sup> профилактикаси, уларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқади, шунингдек ушбу тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойихаларини ишлаб чиқишида иштирок этади;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ижобий иш тажрибаларини умумлаштиради ва оммалаштиради, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;
- вояга етмаганлар, педагогик жамоалар ва жамоатчилик ўртасида хуқуқий тарғиботни олиб боради;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларда вояга етмаганларни саклаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитларини назорат қилади;
- вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалалар бўйича судга мурожаат қилади;
- таълим муассасаларининг вояга етмаганларни мазкур муассасалардан чиқариш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади;
- вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

<sup>1</sup> Гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар вояга етмаганнинг мунтазам равища спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки акл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол килишида, фохишлик, тиланчлик билан шугулланнишида ифолаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фукароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

• жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларга ишга жойлашиш ва турмушини йўлга кўйишда ёрдам кўрсатади, давлатнинг ижтимоий ёрдамига мухтож бўлган вояга етмаганларни жойлаштириш шаклларини белгилашда кўмаклашади;

• хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни қайта тарбиялашда отонага ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга ёрдам бериш учун зарур тайёргарликка, ҳаётий тажрибага ёки болалар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган фуқароларни уларнинг розилиги билан жалб қиласди;

• ўз мажлислирга мансабдор шахслар, мутахассислар ва бошқа шахсларни кўрилаётган масалалар юзасидан ахборот ҳамда тушунтиришлар олиш учун таклиф қиласди;

• вояга етмаганларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини бартараф этиш, тарбия-профилактика фаолиятини яхшилаш максадида давлат органлари ва бошқа ташкилотларга тақдимномалар киритади;

• вояга етмаганларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганилиги ҳоллари тўғрисида прокуратура органларига хабарлар юборади;

• давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг қарорларини бажармаган, шунингдек вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг вояга етмаганларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини бартараф этишга доир тақдимномаларида кўрсатилган чораларни кўрмаган ҳолларда, уларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

• вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан таъсир чораларини белгиланган тартибида кўллади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **Ички ишлар органлари**

Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи маҳсус бўлинмалари **вояга етмаганлар ўртасида хукуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан** ҳамда **вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан** иборатдир. Ички ишлар органларининг бошка бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

**Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида хукуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:**

- якка тартибдаги профилактика ишини<sup>1</sup> олиб боради;
- қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жихатдан хавфли ахволда бўлган вояга етмаганларни<sup>2</sup> аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органларга ёки муассасаларга юборади;
- вояга етмаганларни хукуқбузарликлар ёки бошка гайриижтимоий хатти-харакатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошка гайрихукуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада

<sup>1</sup> Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий жихатдан хавфли ахволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласларни ўз вактида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация килиш ҳамда вояга етмаганларнинг хукуқбузарликлар ёки бошка гайриижтимоий хатти-харакатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият.

<sup>2</sup> Ижтимоий жихатдан хавфли ахволда бўлган вояга етмаган вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки каровсизлиги оқибатида уннинг хаёти ёки соглиги учун хавф тугдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шаронтида бўлган ёхуд хукуқбузарлик ёки бошка гайриижтимоий хатти-харакатлар содир этаётган вояга етмаган.

бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниклади хамда уларга нисбатан қонун хужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини кўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

- вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг хукуклари. эркинликлари ва конуний манфаатлари бузилиши билан боғлик шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

- хукукбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун хужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини кўллаш тўғрисида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукукбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органлар ва муассасаларга таклифлар киритади;

- вояга етмаганларни ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасаларида белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллукли хужжатларни тайёрлади;

- вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, каровсизлиги, хукукбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлари фактлари, шунингдек уларга имкон берётган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли давлат органлари хамда бошқа ташкилотларни хабардор килади;

- хукукбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва каровсиз колган вояга етмаганларни конун хужжатларида назарда тутилган холларда ва тартибда ички ишлар органларига олиб боради, бу ҳақда зудлик билан баённома тузади хамда вояга етмаганлар келтирилганлиги ҳакида уларнинг ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни хабардор килади;

- вояга етмаганларнинг яшаш, ўкиш (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўғараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганади;

- вояга етмаганларнинг хукукбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этишига имкон берётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тегишли давлат органларига хамда бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

- вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этади;
- вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармайтган ёхуд уларнинг хулк-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳисобини юритади, шунингдек статистика ҳисботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йигади ва умумлаштиради;
- етим болалар ҳамда ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органларига кўмаклашади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### ***Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ўз ваколатлари доирасида:***

- уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, ҳаёти, соғлигини мухофаза қилиш ёки улар томонидан такроран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни кечакундуз қабул қилишни ҳамда вақтинча сақлашни таъминлайди;
- олиб келинган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлади ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органларини ва бошқа ташкилотларни хабардор қиласди;
- вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасаларига олиб боради, шунингдек ушбу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **Ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказларига кўйидаги вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин:**

- назоратсиз ёки қаровсиз<sup>1</sup> колганлар;
- ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этганлар;
- ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ўн олти ёшгача бўлганлар;
- ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлик бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар, агар вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш ёки улар томонидан такроран ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарур бўлса, шунингдек уларнинг шахси аниқланмаган ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшамаётган бўлса;
- маъмурий жавобгарликни келтириб чикарадиган хукуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари хукуқбузарликлар содир этган Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшамаётган бўлса;
- ўзининг ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан кўриб чиқилишини вақтинча кутиб турганлар;
- суднинг ажримига кўра ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

Вояга етмаганни ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш учун суднинг ажрими асос бўлади.

Вояга етмаган ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказига ички ишлар органи ёки ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш

<sup>1</sup> Назоратсиз ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-автори назоратсиз колган вояга етмаган; қаровсиз – аник яшаш жойи бўлмаган назоратсиз колган вояга етмаган.

маркази бошлигининг ёхуд унинг ўринбосарининг қарори асосида жойлаштирилиши мумкин. Бу ҳолда вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш заруратини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган марказга жойлаштирилганидан кейин 48 соатдан кечиктирмасдан судга юборилади.

Ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганнинг ушбу марказга жойлаштирилганлиги тўғрисида мазкур марказ жойлашган ердаги прокурорни ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни зудлик билан, лекин 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қиласди.

Вояга етмаганлар ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида уларни жойлаштириш учун зарур бўлган энг кам вақт давомида, лекин кўпи билан ўттиз кун бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолларда бу муддат суднинг ажрими асосида ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

**Ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида вояга етмаганнинг бўлиши муддатига қўйидагилар кирмайди:**

- ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида соғлиқни сақлашни бошқариш органи томонидан эълон қилинган карантин даври;
- вояга етмаганнинг соғлиқни сақлаш муассасасининг ҳужжати билан тасдиқланган ва уни оиласа қайтаришга ёки тегишли муассасага юборишга тўсқинлик қилаётган касаллиги даври;
- суднинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ажрими устидан берилган шикоятнинг (протестнинг) кўриб чиқилиш вақти.

Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**Таълимни бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида:**

- вояга етмаганларда конунга итоаткорлик хулк-авторини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;
- ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг,

шунингдек вояга етмаганларнинг хуқуклари, эркинликлари ва конуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

- таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда катнашмаётган вояга етмаганларни аниклади ҳамда уларнинг ҳисобини юритади, уларнинг умумий ўрта ва ўрга маҳсус, қасб-хунар таълим олишига доир чора-тадбирларни кўради;

- вояга етмаганларга ўз ҳаёт йўлини ва қасб-хунар танлашида уларнинг кобилияти, кизикиши, мойиллиги ҳамда соғлигининг ҳолатига мувофиқ психологияк ёрдам кўрсатади;

- ривожланишида ёки хулк-авторида нуксони бўлган вояга етмаганларни аникладиган, уларни комплекс текширувдан ўтказадиган ҳамда уларнинг келгусидаги таъминоти, тарбияси ва таълими шаклларини белгилаш бўйича тавсиялар тайёрлайдиган психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тузади;

- якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

- таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил этилишини ҳамда вояга етмаганларни уларда катнашишга жалб этишни таъминлади, вояга етмаганларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда катнашади.

**Умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари ҳамда бошқа таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:**

- ривожланишида ёки хулк-авторида нуксони ёхуд ўқишида муаммолари бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-психологияк ҳамда педагогик ёрдам кўрсатади;

- ижтимоий жихатдан хавфли ахволда бўлган, шунингдек таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниклади, уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга доир чора-тадбирларни кўради;

- таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил қиласди ҳамда вояга етмаганларни уларда катнашишга жалб этади;

- ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган оилаларни<sup>1</sup> аниқлади ҳамда ушбу оилаларга ўз болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида ёрдам кўрсатади;
- вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулк-авторини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни амалга оширишга доир чора-тадбирларни кўради.

*Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:*

- вояга етмаганларнинг ота-онаси вафот этган, уларнинг ота-оналари ота-оналик хукуқидан маҳрум этилган, улар ота-оналарининг ота-оналик хукуки чекланган, ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб топилган, ота-онаси касал бўлган, ота-онаси узоқ муддат бўлмаган, ота-онаси болаларини тарбиялашдан ёки уларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда, шу жумладан, ота-онаси ўз болаларини таълим муассасаларидан, соғлиқни сақлаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва бошқа муассасалардан олишдан бош тортган тақдирда, шунингдек болалар ота-онаси қарамогидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, келгусида уларни жойлаштириш ва мустакил ҳаётга тайёрлаш учун қабул қиласи;
- кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг вояга етмаган болаларини, фақат отаси ёки онаси бор бўлган вояга етмаганларни ушбу оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш максадида бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш учун қабул қиласи;
- мазкур муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;
- якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади.

Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

<sup>1</sup> Ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган оила ота-она ёки ота-она ўринни босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулк-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафкатсиз муомалада бўлаётган оила.

## **Васийлик ва ҳомийлик органлари ўз ваколатлари доирасида:**

- етим болаларни, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганликнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, болаларни жойлаштириш шаклларини танлайди, шунингдек уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитлари устидан назоратни амалга оширади;
- конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилашга доир чора-тадбирларни кўради;
- ўн тўрт ўшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустакил тасарруф этиш ҳуқукини чеклаб қўйиш ёки уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қиласди, бундан вояга етмаганинг белгиланган тартибда тўла ҳажмда муомала лаёқатини олиши ҳоллари мустасно;
- якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;
- ота-оналиқ ҳуқукини чеклаш ёки ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъволар қўзғатади;
- ота-оналиқ ҳуқукини чеклаш ёки ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги, шунингдек ота-оналиқ ҳуқукини тиклаш ҳақидаги ишларни судларда кўриб чиқишида иштирок этади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўз ваколатлари доирасида:**

- вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ўртасида санитария-гигиена билимларини кенг ёйишни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;
- вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёхвандлик ва заҳарвандлик ҳамда уларнинг хулк-атворидаги шу билан бөглиқ нуқсонларнинг профилактикаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;
- вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёхвандлик ва заҳарвандликнинг тарқалиши тўғрисида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни хабардор қиласди;

- уч ёшгача бўлган адашиб қолган, ташлаб кетилган ва отонаси қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа болаларни кеча-кундуз қабул қилиш ҳамда парваришилашни амалга оширади;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларга, шунингдек вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки отона ўрнини босувчи шахсларга маслаҳат ёрдамини кўрсатади;
- алкоголь таъсирида маст ҳолатда бўлган ёки гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган вояга етмаганларни кечакундуз қабул қилишни амалга оширади ва уларга тиббий ёрдам кўрсатади;
- ривожланишида ёки хулқ-авторида нуксони бўлган вояга етмаганларга ихтисослаштирилган ташҳис ҳамда даволаш-тиклаш ёрдамини кўрсатади;
- ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юборилаётган вояга етмаганларнинг соғлиғи тўғрисида белгиланган тартибда хуносалар тайёрлайди;
- спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ташкил этади;
- жинсий йўл билан юқтириладиган касалликларнинг манбаларини аниқлаш, ушбу касалликларга чалинган вояга етмаганларни текшириш ва даволашни ташкил этади.

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ўз ваколатлари доирасида:**

- ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оиласаларга ижтимоий ёрдам кўрсатишида белгиланган тартибда иштирок этади;
- якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;
- ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оиласаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиши ва уларни ижтимоий-

педагогик реабилитация қилишнинг замонавий услуг ҳамда технологияларидан фойдаланади;

- вояга етмаганларнинг дам олишини, ижтимоий муассасаларда очилган тўгараклар ёки клубларда ижодий кобилиятини ривожлантиришни ташкил этишда иштирок этади;
- ногирон болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди, ногирон болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматларининг комплекс тармоқларини ривожлантиради;
- вояга етмаганларни ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашади, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари конун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **5. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги**

### **Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги**

#### **Тушунчаси**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 15-моддасининг иккинчи кисмига биноан мансабдор шахс – бу мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган ҳамда раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар харакати билан боғлик бўлган вазифалар юклатилган шахсdir.

#### **Мансабдор шахслар:**

- бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш;
- табиий муҳитни;
- аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга;
- бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлик маъмурий хукуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

## **6. Ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг жавобгарлиги**

### **Ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг жавобгарлиги**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексининг 16-моддасига биноан ҳарбий хизматчилар ва йигинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбуrlар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошликлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ҳарбий хизматчилар ва йигинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбуrlар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошликлар таркибига кирмайдиган, интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги маҳсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

### **Ҳарбий химатчилар умумий асосларга кўра жавобгарликка тортиладилар:**

- йўл ҳаракати қоидаларини бузганда;
- ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ заҳираларини саклаш қоидаларини бузганда;
- божхона қоидаларини бузганда.

### **Кўллаш мумкин эмас:**

- ҳарбий хизматчилар ва йигинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбуrlар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошликлар таркибига мансуб шахсларга нисбатан **маъмурий қамоқ жазоси**;
- муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга **жарима**.

# 17 БОБ. МАЪМУРИЙ ЖАЗО

## 1. Маъмурый жазо чоралари: тушунчаси ва мақсади

Маъмурый жазо чоралари: тушунчаси ва мақсади
Тушунчаси
<p><b>Маъмурый жазо</b> – жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурый ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.</p>
Мақсади
<ul style="list-style-type: none"><li>• маъмурый ҳукуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш;</li><li>• ҳукуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш;</li><li>• ҳукуқ тартиботни таъминлаш.</li></ul>
Турлари
<ul style="list-style-type: none"><li>• жарима;</li><li>• маъмурый ҳукуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;</li><li>• маъмурый ҳукуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;</li><li>• муайян шахсни унга берилган маҳсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;</li><li>• маъмурий қамоқ (<i>Ўзбекистон Республикаси Маъмурый жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддаси</i>).</li></ul>
2-5-бандларда санаб ўтилган маъмурый жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.
Асосий ва қўшимча маъмурый жазо чоралари
Ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурый жазо тариқасида бошқа маъмурый жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин.

**Битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин.**

### **Маъмурий жазони қўллаш муддатлари**

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг харакатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатиши рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида карор қабул килинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

**6-схема. Маъмурий жазоларнинг турлари.**



## 2. Маъмурий жарима

### Маъмурий жарима

#### Тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 25-моддасига биноан **жарима** – маъмурий хукуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришdir.

• жарима – мулкий хусусиятга эга бўлган жазо чораси бўлиб, айбдор шахсдан давлат ҳисобига ундириб олинадиган маълум бир пул суммасида ифодаланади.

• жарима – маъмурий жавобгарликнинг самарали чораларидан бири бўлиб, маъмурий хукуқбузарлик ишларини кўриб чикувчи барча давлат органлари томонидан ўрнатилган процессуал тартибда қўлланилади.

• жарима – маъмурий жазонинг асосий жазо чораси ҳисобланади. У бошқа жазо чораларининг ўрнига қўлланилиши мумкин эмас.

• амалдаги қонунчиликка биноан жарима билан бир вақтда кўшимча жазо чораси (масалан, маъмурий хукуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб кўйиш) қўлланилиши мумкин.

• жарима Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс Maxsus қисмida назарда тутилган деярли барча маъмурий хукуқбузарликлар учун қўлланилиши мумкин.

• жарима тарзидаги маъмурий жазо чораси хукуқбузарнинг онгига таъсир кўрсатиб, унинг мулкий манфаатларига зарар етказишида ифодаланади.

#### Миқдори

Жариманинг миқдори маъмурий хукуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий хукуқбузарлик учун эса, бу хукуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб кўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

#### Фуқароларга нисбатан

Энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг эллидан бир қисмидан кам бўлмаслиги, энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмаслиги керак. Қонуларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи

	хукуқбузарликлар учун фуқароларга – энг кам иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.
Мансабдор шахсларга нисбатан	<p>Энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг – ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги, энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ошмаслиги керак.</p> <p>Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи хукуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга – юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.</p>
<b>Ундириш муддатлари</b>	
<p>Жарима хукуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда – шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.</p>	
<b>Ундириш тартиби</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.</li> <li>• Маъмурий хукуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима хукуқбузар томонидан Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки муассасасига тўланади, хукуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинадигин жарима бундан мустасно.</li> <li>• Хукуқбузар жаримани белгиланган муддат ичida тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор фуқаролик-процессуал қонун хужжатларида белгилаб кўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафакасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.</li> <li>• Башарти жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани хукуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор</li> </ul>	

шахс) чиқарған қарор асосида ҳуқукбузарнинг шахсий мулкидан, шунингдек, умумий мулқдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

• Жарима Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундириб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулқдан ундириб олиниши мумкин эмас.

• Жарима маъмурий ҳуқукбузарлик содир қилинган жойнинг ўзида ундириб олиниши мумкин. Масалан, йўл харакати хавфсизлиги органининг мансабдор шахси йўл харакати қоидаларини бузган ҳайдовчига нисбатан ўша жойнинг ўзида жарима тариқасидаги маъмурий жазони кўллаши мумкин.

• Жарима маъмурий ҳуқукбузарлик содир қилинган жойнинг ўзида ундириб олинган тақдирда ҳуқукбузарга қатъий молиявий ҳисобот ҳужжати ҳисобланган белгиланган нусхадаги квитанция берилади.

• Жарима солиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ жарима тўла-тўкис ундириб олингач, унинг ижро этилганлиги ҳақида белги кўйилиб, шу қарорни чиқарган органга (mansabdar шахсга) ёки судга қайтарилади.

### 3. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш

#### Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш

##### Тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига биноан маъмурий ҳуқукбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш – шу ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатdir.

##### Белгилари

- бевосита маъмурий ҳуқукбузарлик содир этиш қуроли бўлган ёки шундай нарса бўлган ашёга қаратиласди;
- мулкий хусусиятга эга бўлган жазо чорасидир;
- ҳам асосий (фақатгина ЎзР МЖтКнинг 220-моддаси I-қисмида қурол саклашга ички ишлар органларидан рухсати бўлган

фуқароларнинг ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузганлик учун), ҳам қўшимча (ЎзРМЖтКнинг 142-моддаси 2-кисмида юқ сақлаш камерасига портловчи, тез алангаланувчи, заҳарли ва бадбўй моддалар ва ашёларни топширганлик учун ёки 222-моддасида назарда тутилган овчилик жамиятидан чикқанликлари муносабати билан ишлар органлари ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дориларни сақлаш учун берган рухсатини бекор қилган фуқароларнинг бундай қуроллар ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлагани учун) жазо чораси сифатида кўлланиши мумкин.

### **Кўллаш мумкин эмас**

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан.

### **Ижро этиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 336-моддасига биноан ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарор асосида олиб қўйилган нарсаларни сотиш учун воситачи дўконга ёки олиб қўйилган мол-мулк турган жойдаги шундай мақсад учун маҳсус белгилаб қўйилган дўконга топширилади.

Ўқотар қуролларни ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаб олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ички ишлар органлари томонидан ижро этилади.

## **4. Мусодара қилиш**

### **Мусодара қилиш**

#### **Тушунчаси**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 27-моддасига биноан **маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш** – шу ашёни ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат.

### **Кўлланилади**

- туман (шахар) судининг маъмурий ишлар бўйича **судьяси томонидан**;

• божхона органлари томонидан – акциз маркалари кўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилганда, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда, шунингдек, экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилаётган ҳолларда;

• солик органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиб департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан – акциз маркалари кўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар сақланганда, реализация қилинганда, шунингдек, яширин равиша ишлаб чиқарилганда кўлланилади.

### **Қўллаш мумкин эмас**

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан.

### **Ижро этиш тартиби**

• Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 337-339-моддаларига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти суд ижрочилари худудий бўлимлари туман (шахар) бўлинмаларининг суд ижрочиси томонидан ижро этилади.

• Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлган мусодара қилинган нарсани сотиш ва йўқ қилиб ташлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ашёни мусодара қилиш тўғрисидаги қарор ижро этилганлиги қайд қилинган ҳолда қуидагиларга қайтарилади:

• уни чиқарган маъмурий ишлар бўйича судьяга;

• Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган, экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилаётган, транспортировка (халқаро транзит бундан

мустасно) қилинаётган ва сақланаётган акциз маркалари кўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган божхона органининг мансабдор шахсига;

• сақланаётган, реализация қилинаётган, яширин равишда ишлаб чиқилаётган акциз маркалари кўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкаголли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган солиқ органининг мансабдор шахсига.

## 5. Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш

### Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш

#### Тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 28-моддасига биноан муайян шахсни унга берилган **маҳсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш** чорасидир.

#### Қўлланилади

Туман (шахар) судининг маъмурий ишлар бўйича судъяси томонидан.

#### Муддатлари

15 кундан 3 йил муддатгача.

#### Қўлланилиши мумкин эмас

• ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан (транспорт воситаларини алкоголь ичимлиқдан, гиёхвандлик воситаси таъсиридан маст бўлган ҳолда ёки ўзгacha тарзда маст бўлган ҳолда бошқариш, шунингдек, ўзлари иштирокчи бўлган йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган жойдан кетиб қолиш ҳоллари бундан мустасно);  
• асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан.

#### Ижро этиш тартиби

ЎзР МДКТКнинг 340-344-моддаларига биноан **маҳсус ҳуқуқдан маҳрум этиш** жазоси:

• **транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиши** тўғрисидаги қарор – ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан;

• кема ҳайдовчиларини кичик ҳажмли кемаларни бошқариш хукуқидан маҳрум этиши тўғрисидаги қарор – Ўзбекистон Республикаси кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси органларининг мансабдор шахслари томонидан;

• ов қилиш хукуқидан маҳрум этиши тўғрисидаги қарор – ов қилиш коидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

**Транспорт воситаларини ёки кичик ҳажмли кемаларни бошқариш хукуқидан маҳрум этиши тўғрисидаги қарор ҳайдовчинлик гувоҳномасини, шунингдек, унинг талонини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.**

Башарти ҳайдовчи ёки кема ҳайдовчиси транспорт воситаларининг ёки кичик ҳажмли кемаларнинг айрим турларини бошқариш хукуқидангина маҳрум этилган бўлса, ҳайдовчилик гувоҳномасига ва унинг талонига транспорт воситаларининг ёки кичик ҳажмли кемаларнинг қайси турларини бошқариш хукуқидан маҳрум этилганилиги ёзib қўйилади.

Транспорт воситаларини бошқариш хукуқини берувчи гувоҳномаларни олиб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш хукуқини берувчи гувоҳномаларни олиб қўйиш тартиби эса – Ўзбекистон Республикаси кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

**Ов қилиш хукуқидан маҳрум этиши тўғрисидаги қарор овчилик билетини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.**

Ов қилиш хукуқидан маҳрум этилган шахс овчилик билетини топширишдан бўйин товлаган тақдирда ов қилиш коидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар овчилик билетини белгиланган тартибда олиб қўядилар.

Муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш хукуқидан ёки ов қилиш хукуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқ-автори билан ўзини кўрсатган тақдирда, унга жазо кўллаган маъмурий ишлар бўйича судья белгиланган муддатнинг камида ярми ўтгач, корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан бундай хукуқдан маҳрум этиши муддатини қисқартириши мумкин.

Транспорт воситаларини ҳайдовчилар ва ов қилиш коидаларини бузган шахслар маҳсус хукуқдан маҳрум этиш

түғрисида қарор чиқарилған кундан бошлаб шундай ҳуқуқдан маҳрум этилған деб ҳисобланадилар.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум килиш муддати ўтгач, шунингдек, бу муддат белгиланған тартибда қискартирилған тақдирда, шундай маъмурий жазо чорасига тортилған шахсга ундан олиб қўйилған ҳужжатлар белгиланған тартибда қайтариб берилади.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилған ҳайдовчи ҳайдовчилик гувоҳномасини топширишдан бош тортган тақдирда, бу ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати гувоҳнома олиб қўйилған кундан бошлаб, лекин қарор чиқарған орган белгилаган маҳрум этиш муддати тугашидан кечиктирмасдан ҳисобланади.

## 6. Маъмурий қамоққа олиш

### Маъмурий қамоққа олиш

#### Тушунчаси

**Маъмурий қамоққа олиш** – маъмурий ҳуқуқбузарлиқни содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган қаттиқ маъмурий жазо чораси бўлиб, маълум бир муддатта шахсни жамиятдан ажратиб қўйишни назарда тутади.

#### Қўлланилади

- туман (шахар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан;
- фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиги томонидан.

#### Муддатлари

- уч суткадан ўн беш суткагача;
- фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун – ўттиз суткагача муддатга қўлланилади.

#### Қўллаш мумкин эмас

- ҳомиладор аёлларга;
- уч ёшгача боласи бўлган аёлларга;
- ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- биринчи ва иккинчи гурӯҳ ногиронларига.

## **Ижро этиш тартиби**

- Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарор чиқарилгандан кейин дарҳол ижро этилади.
- Маъмурий қамоққа олинган шахслар ички ишлар органлари белгилаб кўйган жойларда қамоқда сақланадилар. Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш чогида қамоққа олинганлар шахсий кўрикдан ўтказиладилар.
- Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати маъмурий қамоқ муддатига кўшиб ҳисобланади.
- Маъмурий қамоқни ўташ Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.
- Маъмурий қамоққа олинган шахслар жисмоний ишларга жалб қилинади.
  - Маъмурий қамоққа олинган шахслар меҳнатидан фойдаланишини ташкил этиш туман (шаҳар) ҳокимликларига юклатилади.
  - Маъмурий қамоққа олинган шахсларга қамоқда бўлган вақтлари учун доимий иш жойларидан иш ҳақи тўланмайди.

## **7. Маъмурий жазонинг қўлланиши**

### **Маъмурий жазонинг қўлланишининг умумий қоидалари**

- маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо МЖтК ва бошқа норматив хужжатларда белгилаб кўйилган доирада ва тартибда қўлланилади.
- жазони қўлланиш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айборлик даражаси, мулкий ахволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

### **Енгилроқ маъмурий жазо чорасининг қўлланиши**

Орган (мансадбор шахс) маъмурий жазо чорасини қўлланаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий ахволини инобатга олган ҳолда сабабини албатта кўрсатиб туриб МЖтКнинг Maxsus қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўлланиши мумкин.

### **Бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жазо қўлланиши**

Битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айни бир орган (мансадбор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти шахс ушбу МДЖтКнинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўгрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансадбор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

#### **Тугаганидан сўнг шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддат**

Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

#### **Етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкий зарар белгилаб кўйилган энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган (мансадбор шахс) жазо қўлланиш пайтида айбор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир, маъмурий ишлар бўйича судья эса – бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар ҳал киласеради.

Бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкий зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқий тартибида ҳал килинади.

#### **Бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани ижро этиш**

Маъмурий жазони қўлланиш маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани бажаришдан озод этмайди.

# 18 БОБ. МАЪМУРИЙ ПРОЦЕСС

## 1. Маъмурий процесс: тушунчаси, мазмуни, хусусиятлари ва турлари

**Маъмурий процесс: тушунчаси, мазмуни, хусусиятлари ва турлари**

### Тушунчаси

**Маъмурий процесс** – маъмурий-процессуал шаклда амалга ошириладиган ҳамда маъмурий-хукукий актларни қабул қилиш ва ижро этиш оркали маълум бир ишларни ҳал этишга қаратилган ижро органларининг ҳокимият фаолиятидир.

### Маъмурий процессга оид назарий қарашлар

**Хуқуқшунос олим Ю.М.Козлов** кўрсатишича, маъмурий-процессуал фаолият тушунчасига икки хилда ёндошиш мумкин:

- маъмурий процесс (кенг маънода) – бутун давлат бошқаруви фаолиятини ўз ичига олади;
- маъмурий процесс (тор маънода) – моддий меъёрлар санкцияларини қўллаш бўйича фаолиятни ўз ичига олади<sup>1</sup>.

**Н.Г.Салищеванинг** фикрича, маъмурий процесс давлат ижро ҳокимияти органларининг маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш ва индивидуал маъмурий ишларни ҳал этиш жараёнида юзага келадиган маъмурий низоларни ҳал этишга қаратилган фаолиятининг алоҳида тури бўлиб ҳисобланади<sup>2</sup>.

**А.Е.Лунев:** “Маъмурий процесс деганда, барча давлат бошқаруви органларининг ўз ваколатларини амалга ошириш, бошқарув жараёнида юзага келадиган барча ишларни ҳал этиш ва маъмурий хуқуқнинг моддий нормаларини қўллашга қаратилган фаолияти тартибини тушуниш лозим. Ва мана шу фаолият маъмурий процесс тушунчасини ифодалайди”<sup>3</sup>.

### Хусусиятлари

- маъмурий процесс – ижро органларининг мақсадга мувофик йўналтирилган ҳокимият фаолиятидир;

<sup>1</sup> Козлов Ю.М. Административное право: Учебник. – 2-е изд., прераб. и доп. – М.: Юристъ, 2003. – С. 180.

<sup>2</sup> Салищева Н.Г Административный процесс в СССР – М., 1964. – С. 16.

<sup>3</sup> Лунев А. Е. Вопросы административного процесса // Правоведение, 1962. – №2. – С. 43.

• ижро органларининг ҳокимият фаолияти қонун хужжатларига асосланиб, уларга тегишли бўлган аниқ масалаларни ҳал этишга қаратилган;

• маъмурий процесснинг натижаси бўлиб маъмурий-хукукий актнинг қабул килиниши ҳисобланади;

• ижро органларининг ҳокимият ваколатлари маъмурий хукуқ, хусусан унинг процессуал меъёрлари билан тартибга солинади;

• маъмурий процесс, қоида бўйича, соддалаштирилган харакатларни амалга ошириш билан боғлик;

• маъмурий процесс маъмурий хукуқ тармогига кирувчи мураккаб тузилишга эга бўлган ижтимоий муносабатларнинг (бошқарув муносабатларининг) кенг доирасини қамраб олади;

• маъмурий процесс ўзида норматив жиҳатдан тартибга солинган фаолиятни ифодалайди. Маъмурий-процессуал нормалар қонунларда ва бошқа норматив хукукий хужжатларда мавжуд бўлиб, ушбу нормалар бошқарув актларини тайёрлаш ва қабул килиш, маъмурий процесс катнашчиларининг хукуқ ва мажбуриятларини, мансабдор шахсларнинг юрисдикциявий ваколатларини ва бошқаларни тартибга солади;

• маъмурий процесс бошқарув фаолиятини амалга оширишга қаратилган харакатларнинг кетма-кетликдаги тизимиdir. У маъмурий хукуқ нормаларини амалга оширишнинг процессуал шаклини ўзида ифодалайди. Маъмурий процесс доирасида бошқа хукуқ тармоқларининг ҳам нормалари кўлланади;

• маъмурий иш юритишнинг хилма-хиллиги, ишларнинг турли-туман мазмундалиги ва улар кўплаб маъмурий-процессуал нормалар билан тартибга солинишига қўра маъмурий процесс юридик процесснинг бошқа турларидан (фуқаролик, жиноят) фарқ киласди.

### Принциплари

<b>Қонунийлик принципи</b>	Маъмурий процесс субектларининг хатти-харакатлари қонунларга мувофик бўлиши лозим.
<b>Ваколатлилик принципи</b>	Процессуал хатти-харакатларни амалга ошириш тегишли органнинг ваколат доирасига қонун билан киритилган бўлиши лозим. Акс ҳолда мазкур орган маъмурий процесснинг субъекти бўла олмайди.

<b>Шахсларнинг ва давлатнинг манфаатларини муҳофаза қилиш принципи</b>	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига биноан, давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Конституциянинг 14-моддасига биноан эса, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.
<b>Процессуал жиҳатдан тенглик принципи</b>	Маъмурий процесснинг томонлари қонун олдида тенгдирлар, шунингдек, конкрет индивидуал маъмурий ишларни ҳал этишда тенг ҳуқук ва мажбуриятларга эгадирлар.
<b>Ҳақиқатни аниқлаш принципи</b>	Бу принцип индивидуал маъмурий ишларни ҳал этишда ишга оид бишган барча ҳолатларни ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиб чиқишини, шунингдек, мазкур иш юзасидан оқилона қарор қабул қилишни англатади.
<b>Процессда иширик етишининг очиқлиги принципи</b>	Мазкур принцип маъмурий процессни ҳар бир томонининг мамурий ишларни кўриб чиқишининг ҳар қандай босқичида иширик эта олиши мумкинлигини билдиради.
<b>Ошкоралик принципи</b>	Мазкур принципга биноан, маъмурий процессуал фаолиятнинг бориши ва натижалари ошкора амалга оширилади.
<b>Тежамкорлик принципи</b>	Бунга кўра маъмурий ишлар имкон қадар қисқа муддатларда ҳал этилиши лозим.
<b>Мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги принципи</b>	Ҳар бир мансабдор шахс ўзининг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши учун ана шу вазифа ва функциялар доирасида жавоб беради.
<b>Функциялари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқук ва мажбуриятларини амалга ошириш имконини яратган ҳолда, уларнинг юриштуришларини тартибга солиш;</li> </ul>	

- жисмоний ва юридик шахсларнинг субъектив ҳуқуқларини бошқа шахсларнинг тазъиқидан маъмурий-хукуқий муҳофаза килиш<sup>1</sup>.

### **Босқичлари**

- ҳолатни баҳолаш (маълумотларни баённома, справка, схема, хисобот тарзида қайд килиш);
- қарор қабул килиш (буйруқ, қарор, йўриқнома);
- қарорларни ижро этиш.

### **Турлари**

<b>Маъмурий хукуқ ижодкорлик процесси</b>	Ижро ҳокимияти органларининг маъмурий-процессуал шаклда ўрнатилган тартибда маъмурий норматив актларни қабул қилишга қаратилган фаолиятидир.
<b>Маъмурий хукуқни кўллаш процесси</b>	Ижро ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатларини ижро этишга қаратилган ва маъмурий-процессуал шаклда амалга ошириладиган оператив-фармойиш бериш ҳамда ҳукуқни кўллаш актларини қабул қилиш ва ижро этиш фаолиятидир.
<b>Маъмурий-юрисдикциявий процесс</b>	Ижро ҳокимияти органларининг турли субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш, шунингдек, маъмурий-процессуал шаклда амалга ошириладиган маъмурий ва интизомий мажбурлов чораларини қўллашга қаратилган фаолиятидир.
<b>Ю.М.Козлов, маъмурий-процессуал фаолиятни, унинг юқоридаги кўринишиларидан келиб чиккан ҳолда, иккига бўлади:</b>	
<b>Маъмурий иш юритиш (процедуравий фаолият)</b>	Унинг мазмунини ижро ҳокимияти органлари (mansabdor шахслари) томонидан маъмурий хукуқ меъёрларида белгиланган иш юритиш бўйича фармойиш бериш ҳаракатларини амалга ошириш ташкил этади.
<b>Маъмурий-юрисдикциявий</b>	Маъмурий-хукуқий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш мақсадида маъмурий

<sup>1</sup> Зеленцов А.Б. Административно-правовой спор (теоретико-методологические подходы к исследованию) // Правоведение, 2000. - №1. – С. 68.

процесс	тартибда ёки судлов йўли билан амалга ошириладиган ҳамда маъмурий мажбуровлор чоралари қўллаш билан боғлик бўлган маъмурий-процессуал фаолият.
---------	--

## 2. Маъмурий иш юритиш (процедуравий процесс) процесси: тушунчаси, турлари ва хусусиятлари

<b>Маъмурий иш юритиш процесси: тушунчаси, турлари ва хусусиятлари</b>	
<b>Тушунчаси</b>	
<p><b>Маъмурий</b> процедуравий процесс – маъмурий процесснинг бир қисми бўлиб, умумий ва маҳсус процессуал меъёрлар ёрдамида маълум бир ишларни ҳал этишга қаратилган маъмурий фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланади.</p>	
<b>Турлари</b>	
<b>Маъмурий-хуқуқ ижодкорлик процессида</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Президент актларини қабул қилиш;</li> <li>• Хукумат актларини қабул қилиш;</li> <li>• марказий ижро ҳокимияти органлари актларини қабул қилиш (вазирликлар, давлат кўмиталари);</li> <li>• маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини қабул қилиш.</li> </ul>
<b>Маъмурий-хуқуқни тақсимлаш процессида</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• шахсий таркибни бутлаш бўйича (масалан, ҳарбий хизматга чақириш, давлат лавозимига, ўқув юртига қабул қилиш);</li> <li>• давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича;</li> <li>• рағбатлантириш чораларини қўллаш бўйича;</li> <li>• ресурсларни (масалан, квартира, пул маблағлари, ер участкларини) тақсимлаш бўйича;</li> <li>• рухсат бериш бўйича (масалан, лицензия, рухсатнома, бошқариш хуқукини бериш);</li> <li>• рўйхатга олиш бўйича (масалан, транспорт воситаларини, хорижий фуқароларни, кўчмас мулкни) ва бошқ.</li> </ul>

## **Хусусиятлари**

- маъмурий-процедуравий процесс низоли аҳамиятга эга бўлмаган маъмурий ишларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлади;
- мазкур процесс тури маъмурий мажбурлов, шунинг маъмурий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ бўлмайди;
- кўпинча процесснинг асосий ташаббускори бўлиб мансабдор шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни сўраб мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахслар хисобланади.

### **3. Маъмурий-юрисдикциявий процесс: тушунчаси, турлари ва хусусиятлари**

#### **Маъмурий-юрисдикциявий процесс: тушунчаси, турлари ва хусусиятлари**

##### **Тушунчаси**

**Маъмурий-юрисдикциявий процесс** – бу маъмурий-хуқукий низоларни кўриб чикиш ва ҳал қилиш мақсадида маъмурий тартибда ёки судлов йўли билан амалга ошириладиган ҳамда маъмурий мажбурлов чоралари қўллаш билан боғлиқ бўлган маъмурий-процессуал фаолиятдир.

##### **Маъмурий-юрисдикциявий процесснинг маъмурий процедуравий процесдан фарқи**

Маъмурий-юрисдикциявий процесс маъмурий-хуқукий низоларни ҳал этиш, шикоятларни кўриб чикиш, маъмурий жавобгарликка тортиш ёки бошқа маъмурий-мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлади.

##### **Амалда бўлиш ҳолатлари**

- маъмурий-хуқукий низолар мавжуд бўлганда;
- маъмурий-мажбурлов чораларини қўллаш лозим бўлганда.

##### **Маъмурий-юрисдикциявий процесснинг хусусиятлари**

- мазмунини маъмурий низо ташкил этган маъмурий ишларни кўриб чиқиш ёки маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ фаолият хисобланади;
- процесснинг мазмунини кўриб чиқилаётган ишга оид барча фактларни хуқукий баҳолаш ташкил киласди;
- процесснинг асосий субъекти – бу ўз ваколати доирасида ишга оид қарор қабул қиласиган давлат органи хисобланади (суд органи, ижро ҳокимияти органи, унинг мансабдор шахси);

- процесс иштирокчилари ўртасидаги муносабат ўзига хос процессуал хусусиятга эга бўлади. Хусусан, низоларни судда ҳал этишда томонлар процессуал жиҳатдан тенг бўладилар.
- процесснинг якуний натижаси бўлиб ишга оид тегишли қарор қабул қилиш ҳисобланади;
- маъмурий-юрисдикциявий процесснинг мақсади – ҳуқукий муҳофаза, маъмурий-ҳуқукий муносабатларни ҳар хил бузилишлардан муҳофаза қилиш ҳисобланади.

### **Маъмурий-юрисдикциявий процесснинг турлари**

- маъмурий-мажбуров процесси;
- маъмурий-муҳофаза процесси.

### **Маъмурий-мажбуров процесси**

#### **Тушунчаси**

Маъмурий-мажбуров процесси ўзида давлат ваколатли маъмурий органларининг жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқукий чеклов ва мажбуров чораларини кўллашни ифодалайди.

### **Иш юритув турлари**

<b>Маъмурий назорат фаолияти</b>	Бунда муайян жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида текширувлар ўтказилади, ҳукукбузарларга нисбатан тегишли маъмурий мажбуров чоралари кўлланилади (прокурорлик назорати, давлат инспекцияларининг, ички ишлар органларининг, солик органларининг, Ҳисоб палатасининг назорати ва ҳк.).
<b>Маъмурий-суриштирув фаолияти</b>	Ваколатли маъмурий органларнинг юз берган ҳодисалар, фавқулодда ҳолатларнинг вужудга келиш сабабларини, уларни бартараф этиш юзасидан маъмурий тартибда амалга оширадиган суриштирув фаолияти (ишлаб чиқаришда рўй берган авария, автоҳалокат юзасидан, санитария-эпидемиология суриштируви ва ҳк.).

<b>Маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш фаолияти</b>	Ваколатли маъмурий органларнинг (судьяларнинг) маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши бўйича фаолияти (шунингдек, солик, бюджет ва божхона конунчилигини бузганлик учун тегишли жавобгарликка тортиш бўйича иш юритиш);
<b>Ижро фаолияти</b>	Ваколатли маъмурий органларнинг (суд ижрочиларининг) тегишли органлар ҳамда судларнинг актларини мажбурий тартибда ижро этиш бўйича ваколати.
<b>Маъмурий-муҳофаза процессига оид иш юритув турлари</b>	
<b>Шикоятларни кўриб чиқиши</b>	Бунда тегишли ваколатли маъмурий органлар ёки суд органлари фуқаролар ва юридик шахсларнинг маъмурий органлар (мансадбор шахслар)нинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (актлари) юзасидан берган шикоятларини кўриб чиқадилар ва тегишли қарор қабул қиласидилар (маъмурий низоларни ҳал этиш).
<b>Маъмурий органлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиши</b>	Ваколатли маъмурий органлар ва судлар томонидан ижро ҳокимияти органлари ўртасидаги ваколатларга оид низоларни ҳал этиш.
<b>Юқоридаги икки ҳолатда маъмурий процесснинг маъмурий-муҳофаза функцияси (жисмоний ва юридик шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиши ёки маъмурий органлар ўртасидаги низоларни ҳал этиши) агар судлов тартибида амалга оширилса, маъмурий процесс судлов процессига айланади ва <b>маъмурий юстиция</b> вужудга келади.</b>	

# 19 БОБ. МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯ

## 1. Маъмурый юстиция: тушунчаси, хусусиятлари мақсади, вазифалари ва функциялари

**Маъмурый юстиция: тушунчаси, хусусиятлари мақсади, вазифалари ва функциялари**

### Тушунчаси

**Маъмурый юстиция** – давлат органлари ва мансабдор шахслар билан фуқаролар ҳамда юридик шахслар ўртасида давлат бошқаруви муносабатларидан келиб чиқадиган маъмурый-хуқуқий низоларни махсус судлов йўли билан кўриб чикиш ва ҳал этиш тизимиdir<sup>1</sup>.

**Маъмурый юстиция** – давлат бошқаруvida фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган хуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашнинг асосий тартибларидан бири бўлиб, бузилган хуқуқни тиклаш соҳасида давлат функцияларини амалга оширишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

### Хусусиятлари

- маъмурый юстиция орқали бошқарув муносабатларидан келиб чиқувчи маъмурый-хуқуқий низолар ҳал қилинади;
- маъмурый юстицияда маъмурый-хуқуқий низолар судлов йўли билан ҳал этилади, яъни маъмурый юстиция маъмурый судловни тақозо қиласди. И.С.Яценконинг таъкидлашича, маъмурый юстициянинг асосий хусусияти шундаки, у энг аввало суд ҳимоясини, одил судловни ўзида ифода этади<sup>2</sup>;
- фуқароларнинг субъектив хуқуқларини хуқуқий ҳимоя қилиш маъмурый юстициянинг асосий мақсади ҳисобланади. Айнан ушбу субъектив хуқуқларнинг бузилиши факти маъмурый юстициянинг предмети ҳисобланади;
- маъмурый юстиция органлари (маъмурый судлар) ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан, яъни қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти органларидан мустақил ҳисобланадилар;
- маъмурый юстиция орқали давлат бошқаруви фаолияти

<sup>1</sup> Хакимов Ф Т Ўзбекистонда маъмурый юстицияни ривожлантиришнинг муаммолари. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 12-13.

<sup>2</sup> Карап Яценко И.С. Проблемы административной юстиции в Российской Федерации (организационно-правовые аспекты) // Сборник: Административное право РФ. Великий Новгород, 1999. – С. 107.

устидан махсус суд контроли ўрнатилади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг даражаси энг аввало, бошқарувда суд органлари контролининг нечоғли ташкил этилганлиги билан боғлиқдир. С.Д.Князев шундай ёзади: "...Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, ижро ҳокимиятининг фаолияти устидан суд контроли бир томондан жисмоний ва юридик шахсларни давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг тазиқидан муҳофаза қилса, иккинчи томондан маъмурий органларнинг самарали фаолиятини таъминлашга хизмат қиласи"⁹;

• маъмурий юстиция учун махсус "маъмурий-юстициявий" муносабат субъектларининг мавжуд бўлиши хосдир (фуқаролар, давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва махсус суд органлари). Маъмурий-хуқукий низоларни кўриб чиқувчи мансабдор шахслар, яъни судьялар давлат бошқаруви соҳасида етарли билим ва малакага эга бўлишлари лозим;

• маъмурий-хуқукий низолар тарафларнинг тенглиги таъминланган ҳолда шикоятларни (ёки давъоларни) кўриб чиқиш асосида процессуал қоидаларга таяниб ҳал этилади;

• ишни кўриб чиқкан ваколатли орган (маъмурий суд) низонинг предмети бўлган давлат бошқарув акти ёки мансабдор шахснинг хатти-харакатини ноқонуний (қонуний), асоссиз (асосли) деб топиш тўгрисида қарор қабул киласи.

### Мақсади

Фуқароларнинг, ташкилотларнинг қонун билан муҳофазаланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини давлат органларининг ёки мансабдор шахсларининг ноқонуний актлари, хатти-харакатларидан ҳимоя қилиш.

### Асосий вазифалари

- ҳар бир маъмурий-хуқукий низога оид ишнинг ҳолатини ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив тарзда кўриб чиқиш;
- ишга оид қонун нормаларини бир хилда ва тўғри татбиқ этиш;
- маъмурий-хуқукий муносабат иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш;
- давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни мустаҳкамлаш.

### Функциялари


<sup>⁹</sup> Қаранг: Князев С.Д. Принципы административного права Российской Федерации: отраслевой формат и юридическое значение // Гип, 2003. - №10. – С. 45.


<b>Маъмурий-хуқуқий низоларни ҳал этишга қаратилган маъмурий судлов функцияси</b>	Умуман олганда, маъмурий судлов орқали биринчидан, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чикилади, иккинчидан эса маъмурий-хуқуқий низолар ҳал этилади (маъмурий юстиция).
<b>Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан контрол-назоратни амалга ошириш функцияси</b>	<p>А.А.Лининг фикрича, фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини таъминлаш учун давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан махсус контрол тизими мавжуд бўлиши лозим. Ушбу тизим судлов контроли – маъмурий юстиция билан ифодаланади<sup>1</sup>.</p> <p>Хуқуқшунос олим И.А.Хамедовнинг таъкидлашича ҳам, бошқарув органларининг фаолиятида маъмурий тартиб-қоидаларга риоя этилишини таъминлаш учун давлат бошқаруви мустахкам суд контроли остида бўлиши лозим. Давлат бошқаруви устидан суд контролини эса факат маъмурий юстиция орқали таъминлаш мумкин<sup>2</sup>.</p>

<sup>1</sup> Қаранг Ли А.А. Современное состояние административного законодательства Республики Узбекистан и тенденции его развития // Верховенство закона в сфере публично-правовых отношений. Смежные юридические профессии: Материалы международного симпозиума. Ташкент, 2005. – С. 127


<sup>2</sup> Карапт Хамедов И.А. К вопросу о концепции совершенствования государственного управления в Республике Узбекистан в рамках административной реформы // Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования. Материалы международного симпозиума 29-30 - сентября 2007 года. – Ташкент, 2008. – С. 121.

## 7-схема. Маъмурий юстиция.










**11-схема. Франция Давлат Кенгашининг  
хукукий мақоми.**





## **2. Маъмурий юстициянинг предмети сифатида маъмурий-хукуқий низолар**

### **Маъмурий юстициянинг предмети сифатида маъмурий-хукуқий низолар**

#### **Тушунчаси**

Маъмурий юстиция орқали бошқарув муносабатларидан келиб чиқувчи маъмурий-хукуқий низоларнинг ҳал қилиниши маъмурий юстициянинг асосий хусусиятларидан биридир.

**Маъмурий-хукуқий низолар** – бир томондан давлат органлари, маҳаллий органлар, мансабдор шахслар, иккинчи томондан ҳукуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг субъектив оммавий ҳукуқлари бузилиши факти юзасидан келиб чиқкан ҳукуқий низодир<sup>1</sup>.

#### **Хусусинтлари**

- мазкур турдаги низолар давлат органларининг давлат бошқарув функцияларини амалга оширишлари билан боғлик ҳолда юзага келади;
- маъмурий низолар маъмурий-хукуқий муносабатлар доирасида юридик-хокимий қарорларни қабул қилиш ва уларга нисбатан иккинчи тарафнинг норозилиги натижасида юзага келади.

#### **Суд томонидан шикоят келтирилган актга нисбатан юридик жиҳатдан баҳо беришда қўйидаги ҳолатлар аниқланиши лозим:**

- мазкур акт фуқаролар ва ташкилотларнинг қонуний ҳукуқ ва манфаатларига дахл қилиши-қилмаслиги;
- актни қабул қилган органнинг қандай ваколатларга эга эканлиги;
- акт мазмунининг уни қабул қилган органнинг ваколатлари мазмунига мувофиқ келиши, яъни актнинг ваколат доирасида қабул қилинганлиги;
- актнинг тегишли қонунларга мослиги;
- актнинг тегишли шаклда бўлиши;
- актнинг тегишли маъмурий тартибда қабул қилинганлиги.

<sup>1</sup> Старилов Ю.Н. Административная юстиция. Теория, история, перспективы. – М., 2001. – С. 68.

# **20 БОБ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР БҮЙИЧА ИШ ЮРИТИШ**

## **1. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишнинг вазифалари ва умумий қоидалари**

### **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишнинг вазифалари ва умумий қоидалари**

#### **Тушунчаси**

**Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиши** – бу ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг маъмурий-процессуал нормаларга асосланган ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чикиш, маъмурий жазо тайинлаш, иш юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этишини амалга оширишга қаратилган фаолиятидир.

### **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишнинг асосий вазифалари**

**Ҳар бир ишнинг  
холатини ўз вақтида,  
ҳар томонлама ва  
тўла аниқлаб чикиш**

Ҳуқуқбузарлик ишини тўғри кўриб чикиш учун, зарур бўлган барча ҳолатларни аниқлаш лозим. Бундай ҳолатларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини аниқлаш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишда шахснинг айбордлик даражасини аниқлаш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликнинг маъмурий жавобгарликни юзага келтиришини аниқлаш;
- мулкий зарар келтирилганлигини аниқлаш;
- маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларининг мавжудлигини аниқлаш;
- ҳуқуқбузар тўғрисидаги, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлган бошка маълумотларни аниқлаш;

• ишни тўхтатишга олиб келадиган ҳолатларнинг мавжудлигини аниқлаш ва бошқалар.

Маъмурий хукуқбузарлик ишлари бўйича ҳар бир ҳолатни ўз вактида аниқлаш – маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги конун ҳужжатларида белгиланган муддатларга риоя этишни назарда тутади.

Маъмурий хукуқбузарлик ишларини юритиш мазмуни нафақат ишнинг ҳолатини ўз вактида, ҳар томонлама ва тўла аниқлаб олишни, балки унинг **объективлигини** ҳам талаб қиласди. Бу тоифадаги ишларни кўриб чикишнинг асосий принципларидан бири – бу объективликдир.

Ушбу принципдан келиб чиқсан ҳолда, маъмурий хукуқбузарлик ишларини кўриб чикиш ваколатига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар барча ҳолатларни аниқлашлари шарт. Объективлик ишга нисбатан адолатсизлик, тахминларга асосланган ҳолда жавобгарликка тортилаётган шахснинг манфаатини кўзлаб гувоҳлик берадиган ҳолатларни менсимасликни истисно этади. Бундан ташқари, маъмурий хукуқбузарлик ишларини юритишнинг объективлиги – ушбу жараён иштирокчиларига, уларнинг шикоятлари ва бошка мурожаатларига нисбатан хурмат билан қарашни назарда тутади.

Амалиётда ушбу принципни амалга ошириш максадида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан бир канча кафолатлар ўрнатилган (масалан, хукуқбузарлик ишлари қайта кўриб чикилиши мумкин) маълум бир ҳолатларда ишни кўриб

	чиқувчи давлат органи (мансабдор шахс) – хужжатларни талаб қилиб олиши, экспертиза ўтказиши, ишни объектив ҳал қилиш учун текширувлар ўтказиши ва бошқа чораларни кўриши мумкин.
<b>Маъмурий хукуқбузарликлар ишларини қонун хужжатларига биноан ҳал этиш</b>	Маъмурий фаолиятда қонунийликни таъминлашнинг асосий қоидаларидан бири ҳисобланади. Мазкур қоиданинг моҳияти – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасидан келиб чиқади, яъни маъмурий хукуқбузарликни содир этган шахс, факатгина қонун хужжатларида кўрсатиб ўтилган асосларда ва тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.
<b>Маъмурий хукуқбузарлик ишлари бўйича чиқарилган қарорларни ижро этиш</b>	Иш юритишнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, хукуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қиласди. Маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қарорларни ижро этмаганлик ёки тўлиқ ижро этамаганлик, хукуқбузарликларга қарши курашишнинг самарасини пасайтиради, қонунийлик принципига путур етказади.
<b>Маъмурий хукуқбузарлик ишларини юритиша маъмурий хукуқбузарликларни содир этиш сабабларини ва шарт- шароитларини аниқлаш</b>	Маъмурий-юрисдикциявий фаолиятни амалга оширувчи давлат органдари ва мансабдор шахслар нафақат хукуқбузарлик сабабларини аниқлашлари, балки ушбу сабаб ва шароитларни бартараф этиш чораларини ҳам кўришлари лозим. Ўз.Р. МЖтКнинг 313-моддасига биноан, ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий хукуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда, бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимно-

мани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдим келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

- хукуқбузарликларнинг олдини олиш;
- фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш;
- қонунийликни мустаҳкамлаш.

### **Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар**

- маъмурий хукуқбузарлик ҳодисаси ёки аломатининг йўқлиги;
- маъмурий хукуқбузарликни содир этиш пайтида шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги;
- гайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахснинг ақли норасолиги;
- шахснинг ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида қилганлиги;
- амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўллашни бекор қиласа;
- маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжатнинг бекор қилинганлиги;
- маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб қонунда назарда тутилган муддатларнинг ўтиб кетганлиги;
- маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўллаш тўғрисида ваколатли органнинг (мансабдор шахс) қарор чиқарганлиги ёки маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тутатиш тўғрисида чиқарилган қарорнинг бекор қилинмаганлиги, шунингдек, мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги ишнинг кўзгатилганлиги;
- шахснинг иши юритила бошланган пайтда вафот этганлиги (Ўз.Р.МЖтКнинг 271-м.).

### **Хусусиятлари**

**Маъмурий  
хукуқбузарлик**

**Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш – ўзбек тилида, қорақалпок**

түғрисидаги иш юритиладиган тил	тилида ёки муайян жойдаги күпчилик ахоли сўзлашадиган тилда юритилади. Иш юритилаётган тилни билмайдиган иштирокчилар таржимон оркали иш материаллари билан тўлиқ танишиш ва ишни моҳияти бўйича кўриб чиқиш чоғида қатнашиш хукуки, шунингдек, ўз она тилида сўзлаш хукуки билан таъминланади.
<b>Маъмурий хукуқбузарлик түғрисидаги ишнинг очик кўрилиши</b>	Маъмурий хукуқбузарлик түғрисидаги иш – очик кўрилади. Маъмурий хукуқбузарликлар түғрисидаги ишларни кўриб чиқишинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида, бундай ишлар хукуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яашаш жойида кўриб чиқилиши мумкин.
<b>Босқичлари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• маъмурий хукуқбузарлик түғрисидаги ишни қўзғатиш;</li> <li>• ишни кўриб чиқиш;</li> <li>• маъмурий хукуқбузарлик түғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни кайта кўриб чиқиш<sup>1</sup>;</li> <li>• маъмурий хукуқбузарлик түғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш.</li> </ul>	
<b>Маъмурий хукуқбузарлик түғрисидаги ишга оид далиллар</b>	
<p>Маъмурий хукуқбузарлик түғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий хукуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлитини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни конунда белгиланган тартибда аниклайди.</p>	
<p>Бу маълумотлар қўйидаги воситалар: маъмурий хукуқбузарлик түғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг</p>	

<sup>1</sup> Мазкур босқич мажбурий хисобланмай, балки, факультативдир; қарорлар факат протест билдирилган ёки шикоятлар берилгандан, кайта кўриб чиқилиши мумкин.

кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашё ва хужжатларни олиб кўйиш тўғрисида тузилган баённома, шунингдек бошка материаллар билан белгиланади.

Орган (мансабдор шахс) далилларга ишнинг ҳамма холатларини хар томонлама, тўла ва объектив жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо беради.

## **2. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколати бўлган органлар (mansabдор шахслар)**

### **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколати бўлган органлар (mansabдор шахслар)**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245-268-2-моддаларида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг таалкуқлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра:

1. Туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси.
2. Хўжалик судлари.
3. Адлия органлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд карорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жихатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органлари.
5. Шаҳарча, кишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кошидаги маъмурий комиссиялар.
6. Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари.
7. Ички ишлар (милиция) органлари.
8. Давлат ёнгиндан сақлаш назорати органлари.
9. Темир йўл транспорти ва метрополитен органлари.
10. Ҳаво транспорти органлари.
11. Сув транспорти органлари.
12. Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекцияси органлари.
13. Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи ташийдиган автомобиль транспорти ва электр транспорти органлари.
14. Мехнат бўйича давлат ҳуқукий ва техник инспекторлари.
15. Мудофаа вазирлиги органлари.

- 16.** Давлат санитария назорати органлари.
- 17.** Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлар.
- 18.** Давлат ветеринария назорати органлари.
- 19.** Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари.
- 20.** Табиатни муҳофаза қилувчи органлар.
- 21.** Божхона органлари.
- 22.** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг давлат инспекция органлари.
- 23.** Давлат солик органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиб департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари.
- 24.** Назорат тафтиш бош бошқармаси органлари.
- 25.** Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органлари.
- 26.** Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органлари.
- 27.** Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари.
- 28.** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “Ўзсузвазорат” республика сув инспекцияси органлари.
- 29.** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органлари.
- 30.** Давлат статистика органлари.
- 31.** Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органлари.
- 32.** Давлат пробир назорати органлари.
- 33.** Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш органлари.
- 34.** Архитектура ва қурилиш органлари.

### **3. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар**

#### **Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс**

##### **Асосий ҳуқуқлари**

- иш материаллари билан танишиб чиқиш;
- изоҳлар бериш;
- далиллар келтириш;
- ўз илтимосини баён этиш;
- ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш;
- ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланиш;
- иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш.

#### **Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ишдаги иштироки**

• Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар килингандиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

• Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун Ўз.Р.МЖтКда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара килиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлагани тақдирида у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан ички ишлар (милиция) органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин.

• Экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулот Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлиб, мусодара чораси қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш божхона органи томонидан алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида бўлса ёки

унинг қаердалигини аниқлашнинг иложи бўлмаса, маъмурий жа-  
вобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокисиз кўриб чикилади.

### **Жабрланувчи**

#### **Тушунчаси**

Маъмурий хукуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахс.

### **Асосий хукуқлари**

- иш материаллари билан танишиб чиқиш;
- кўрсатувлар бериш;
- далиллар келтириш;
- илтимослар килиш;
- ишни кўриб чиқиш вактида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш;
  - ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланиш;
  - иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш.

### **Конуний вакиллар**

#### **Тушунчаси**

Вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий касалликлари сабабли маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз хукуқини ўзи амалга ошиrolмайдиган – маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини ифодаловчи шахслар (отоналари, эр ёки хотинлари, вояга етган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар).

### **Асосий хукуқлари**

- иш материаллари билан танишиб чиқиш;
- манфаатларини ўзлари ифода этаётган шахс номидан илтимослар килиш;
- иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш.

### **Адвокат**

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишида шу хукуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлиб адвокат қатнашиши мумкин.

## **Асосий ҳуқуқлари**

- иш материаллари билан танишиб чиқиш;
- уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан илтимослар қилиш;
- иш юзасидан чикарилган қарор устидан шикоят бериш.

## **Гувоҳ**

### **Тушунчаси**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан вокиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс.

### **Мажбуриятлари**

- ишни юритаётган органнинг (mansabdor shaxsnинг) чакиравига биноан кўрсатилган вақтда келиши;
- ҳаққоний кўрсатувлар бериши;
- шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериши;
- қўйилган саволларга жавоб бериши шарт.

## **Эксперт**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (mansabdor shaxs) томонидан маҳсус тушунчага эга бўлиш зарурати тугилган ҳолларда тайинланади.

## **Асосий ҳуқуқлари**

- экспертиза предметига оид иш материаллари билан танишиб чиқиш;
- хулоса бериш учун илтимослар қилиш;
- жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (mansabdor shaxsnинг) рухсати билан экспертиза предметига оид бўлган саволларни бериш;
- ишни кўриб чиқиш вақтида қатнашиш.

### **Мажбуриятлари**

- ишни юритаётган органнинг (mansabdor shaxsnинг) чакириги бўйича келиши;
- ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан холис хулосалар бериши шарт.

## **Таржимон**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан тайинланади.


Таржимон иш юзасидан бошқа вазифани бажариши мумкин эмас.

Таржимонлик вазифасини бажараётган шахс ишни кўриб чиқувчи шахс, адвокат, эксперт, гувоҳ ва ҳ.к. бўлишига йўл кўйилмайди.

## **Мажбуриятлари**

- органнинг (мансабдор шахснинг) чақиригига биноан келиши;
- ўзига топширилган таржимани тўла-тўқис ҳамда аниқ бажариши шарт.

**13-схема. Маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар.**



## **4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома**

### **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилади.

Бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун хужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади.

#### **Мазмуни**

##### **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада:**

- шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вакт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти,
- ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив хужжат; агар гувохлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувохлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса – баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзib куйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек, мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишига ҳақлидир.

Баённомани тузиш вактида ҳуқуқбузарга унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзib кўйилади.

### **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилмайдиган ҳоллар**

#### **Башарти фуқаро:**

- ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътиroz билдиrmаса;

• ва унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккidan бир кисмидан ошмаса йўл харакати коидаларини бузганлик тўғрисидаги ишлар юзасидан эса бир кисмидан;

• шунингдек, конун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга холларда баённома тузилмайди.

Жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги квитанция берилади.

### **Хукуқбузарни ушлаб келтириш**

• Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни хукуқбузарлик қилинган жойда тузиш мумкин бўлмаса, хукуқбузар милиция ходими ёки маъмурий хукуқбузарлик тўғрисида баённома тузишига ваколатли бошқа шахс томонидан милицияга ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтирилиши мумкин.

• Транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини саклаш, транспортда юкларни бут саклашни таъминлаш борасидаги коидалар, транспортда ёнғиндан саклаш коидалари, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши қураш-санитария коидалари бузилган тақдирда хукуқбузар, агар унда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, ваколатли шахс томонидан милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.

• Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза килиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида и конун ҳужжатлари бузилганда баённома тузиш мақсадида, башарти хукуқбузарнинг шахсини хукуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида аниқлаш мумкин бўлмаса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб борувчи органларнинг ходимлари, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, милиция ходимлари шундай хукуқбузарлик содир этган шахсларни милицияга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтиришлари мумкин. Хукуқбузар табиатни муҳофаза килиш жамоатчи инспекторлари, овчилик жамоатчи инспекторлари, баликларни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари ва ўрмонларнинг жамоатчи инспекторлари томонидан ҳам ушлаб келтирилиши мумкин.

• Юридик шахсларнинг қўриқланадиган обьектларига, бошқа хил мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳуқуқбузар ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳаракатига барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.

• Ҳуқуқбузарни олиб келиш иложи борича қисқа муддатда амалга оширилиши лозим.

• Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келинган шахс бу ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.

## **5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари**

### **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари**

- маъмурий йўл билан ушлаб туриш;
- шахсни қўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш;
- ашёлар ва ҳужжатларни олиб кўйиш;
- транспорт воситаларини ушлаб туриш ва қўриқдан ўтказиш.

#### **Амалга оширишдан кўзланган мақсад:**

- бошқа таъсир кўрсатиш чоралари кўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш;
- ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш;
- башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш;
- ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш.

**14-схема. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари.**



## **Маъмурий йўл билан ушлаб туриш**

### **Тушунчаси**

**Маъмурий йўл билан ушлаб туриш** – бу маъмурий хукуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида шахснинг эркинлиги қисқа муддатга чеклашдан иборат процесс.

### **Тартиби**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади.

Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб кўйилади.

Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруглари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб кўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

### **Муддатлари**

- Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

- Айрим холларда алоҳида зарурат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг бошқача муддатлари белгиланиши мумкин.

- Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидағи тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкин, хукуқбузарнинг шахсини ва хукуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган холларда эса – ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичida прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки хукуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи хужжат

бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин.

• Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати хукуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса – улар хушёр тортган вактдан бошланади.

### **Шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш**

• Шахсни кўрикдан ўтказиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органлари ва чегара қўшинларининг ваколатли шахслари, Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунга ваколати бўлган бошқа органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

• Шахсни кўрикдан ўтказиш кўрикдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита холис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

• Ашёларни кўздан кечириб чиқиши ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органларининг, чегара қўшинларининг, солик органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитаси органларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек тегишли ваколати бўлган органларининг бошқа ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

• Ашёларни, ов қилиш ва балиқ тутиш қуролларини, кўлга киритилган маҳсулотлар ва бошқа буюмларни кўздан кечириш, одатда, шу ашё ва буюмлар кимнинг мулки ёки эгалигида бўлса, ўша шахс иштирокида амалга оширилади. Кечикириб бўлмайдиган ҳолларда, мазкур ашёлар, буюмларни мулкдорсиз (эгасисиз) иккита холис гувоҳ иштирокида ҳам кўздан кечириб чиқилиши мумкин.

• Шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади ёки маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомага тегишинча ёзib қўйилади. Божхона муассасаларида шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан

кечириш божхонага доир қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **Ашёлар ва хужжатларни олиб қўйиш**

• Хукуқбузарларни ушлаш, шахсий кўриқдан ўтказиш ёки ашёларини кўздан кечириш вақтида аниқланган хукуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашёлар бўлмиш ашё ва хужжатлар Ўз.Р. МЖтКнинг 287 ва 289-моддаларида назарда тутилган органларнинг мансабдор шахслари томонидан олиб қўйилади. Олиб қўйилган ашё ва хужжатлар маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар шундай ашё ва хужжатларни олиб қўйиш хукуқи берилган органлар (mansabдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланади, иш кўриб бўлинганидан кейин эса, уни кўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва хужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса – сотиб юборилади.

• Олиб қўйилган орден, медаль, фахрий унвоннинг кўкракка тақиладиган нишони қонуний эгасига қайтариб берилади, башарти, эгаси номаълум бўлса, унда тегишли органга жўнатилади.

• Божхона қоидалари ёки солиқ ва валютага тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилган тақдирда, башарти хукуқбузар Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаса, жарима ундирилишини таъминлаш мақсадида унинг ашёлари (қимматли буюмлари) олиб қўйилиши мумкин.

• Ашё ва хужжатлар олиб қўйилган тақдирда бу хусусда баённома тузилади ёки маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд буюмларни кўздан кечириб чиқиш ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги баённомаларга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

• Содир этилган хукуқбузарлик учун Ўз.Р.МЖтКга мувофиқ транспорт воситасини, кичик ҳажмли кемани бошқариш хукуқидан, ов қилиш хукуқидан маҳрум этиш тарзида маъмурий жазо қўлланилиши мумкин бўлса, хукуқбузардан унинг иши юзасидан қарор чиқарилгунга қадар транспорт воситаси, кичик ҳажмли кемани бошқариш хукуқини берувчи гувоҳнома, овчилик билети олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённомага, шунингдек ҳайдовчилик гувоҳномасининг талонига,

кема бошқарувчиси гувоҳномасининг талонига тегишлича ёзиб кўйилиб, талонлар транспорт воситаси хайдовчисига, кема бошқарувчисига қайтариб берилади.

• Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани ва ов қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш эса – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

• Ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан унинг ашёларини олиб қўйиш, шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириб чиқиш жуда зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

### **Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш**

#### **Тушунчаси**

**Транспорт воситаларини кўрикдан ўтказиш** – бу ваколатли шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки предмети бўлган ашёни топиш мақсадида транспорт воситасини унинг конструктив яхлитлигига шикаст етказмаган ҳолда текширишдир.

Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўрилгунга қадар амалга оширилиши мумкин.

#### **Ваколатли шахслар**

- ички ишлар органлари;
- ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари;
- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари;
- Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг мансабдор шахслари;
  - чегара қўшинларининг мансабдор шахслари;
  - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари.

## **Транспорт воситаснни бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш**

Транспорт воситаларини бошқараётган мастлик ҳолатида деб хисоблашга етарли асослар бўлган шахс транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилиши ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиши керак.

Мазкур шахсни текширишга юбориш ва бу текширувни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғликни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **6. Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш**

### **Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга тайёрланиш**

**Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансадбор шахс):**

- мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш-кирмаслиги;
- маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;
- ишни кўриб чиқиша қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вакти ва жойи ҳакида хабардор килинган-килинмаганлиги;
- зарур кўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;
- маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, конуний вакиллар, адвокат килган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

### **Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари**

Маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансадбор шахс) томонидан маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичida кўриб чиқилади.

Конунчиликда назарда тутилган бошқа муддатлар бундан мустасно.

## **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вактида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вактида тегишли орган (mansabdor shaxs) томонидан:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлиги;
- ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жой;
- мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслиги;
- унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслиги;
- жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўклиги;
- мулкий зарап етказилган-етказилмаганлиги;
- шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошка ҳолатлар аниқланиши шарт.

## **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тартиби**

Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қиласди, ишни кўриб чиқишида қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисда ишни кўриб чиқишида қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эштилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишида прокурор қатнашган тақдирда унинг холосаси ўқиб эшиттирилади.

## **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор**

Орган (mansabdor shaxs) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан қарор чиқаради.

Карорда куйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарган органнинг (mansabdor shaxsnинг) номи; иш кўриб чиқилган сана; иши кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар; ишни кўриб чиқиши пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни; мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун

жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб кўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим.

Қарор мажлисда иштирок этаётган коллегиал орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор мансабдор шахс томонидан, органнинг қарори - мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Жазо кўлланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомага тегишли ёзув ёзиб кўйилади.

#### **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг турлари**

- маъмурий жазо кўлланиш тўғрисида;
- ишни юритишни тугатиш тўғрисида.

### **7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш**

#### **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ҳуқуқига эга шахслар**

- устидан шу қарор чиқарилган шахс;
- жабрланувчи, шунингдек уларнинг қонуний вакиллари;
- адвокат.

#### **Шикоят йўлланиши мумкин бўлган органлар (мансабдор шахслар)**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан:

- юкори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига;
- судьянинг маъмурий ишлар бўйича қарори устидан эса - туман (шаҳар) суди раисига ёки юкори турувчи судга шикоят берилиши мумкин.

- Хўжалик судининг маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳал килув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилинади.

Шикоят маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) шикоятни олгач, уни уч сутка ичida иш билан бирга ушбу мoddага мувофиқ шикоятни кўриб чиқиш хукуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят берган шахс давлат божи тўлашдан озод этилади.

#### **Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш мумкин**

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичida шикоят берилиши мумкин.

#### **Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида протест билдириш**

Прокурор маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан:

- туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси қарори устидан – туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга;
- бошқа орган (мансабдор шахс) қарори устидан – қарор чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) протест билдириши мумкин.
- Хўжалик судининг маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳал килув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексида белгиланган тартибда протест келтирилади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан берилган шикоят юзасидан чиқарилган ҳал килув қарорига прокурор протест билдириши мумкин.

Шикоят юзасидан чиқарилган ҳал килув қарорига протест мазкур қарорни чиқарган органдан (мансабдор шахсдан) юқори турувчи органга киритилади.

## **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқувчи органинг (мансабдор шахснинг) ҳал қилув қарори**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) қуидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қиласи:

- чиқарилган қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса каноатлантиришсиз қолдиради;
- чиқарилган қарорни бекор қиласи ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;
- чиқарилган қарорни бекор қиласи ва ишни юритишни тўхтатади;
- жазо чорасини кучайтирган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив хужжатда назарда тутилган доирада ўзгартиради.

## **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш оқибатлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш:

- ундириб олинган пул суммаларини, ҳаки тўлаб олиб қўйилган ва мусодара қилинган нарсаларни қайтариб беришга, шунингдек илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошка чеклашларни бекор қилишга сабаб бўлади.
- Нарсани қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг киймати, башарти бу нарсалар тадбиркорлик учун мўлжалланган бўлса, бой берилган фойдаси ҳам қопланади.
- Фуқарони маъмурий қамоқقا олиш гайриконуний равишда кўлланилганлиги натижасида етказилган зарар қонун хужжатларида белгилangan тартибда қопланади.

# **21 БОБ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ**

## **1. Давлат бошқарувида қонунийлик тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари**

**Давлат бошқарувида қонунийлик тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари**

### **Тушунчаси**

Қонунийлик – давлат органлари фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлари асосида ташкил этилиши ва амалга оширилишидир.

Қонунийлик – бу давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан қонунларга ва уларга асосланган бошқа ҳуқуқий актларга қатъий риоя қилиш (ижро этиш)дир.

Қонунийлик барча давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалдаги қонунлар ва норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг аниқ ва оғишмай бажарилишидир. Қонунийликнинг асосий вазифаси – мамлакатнинг ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлаш, бозор иктисодиётига ўтиш учун мулкнинг турли шаклларига йўл очиш ва уларни қўриқлаш, фуқароларнинг ҳуқуклари, эркинликлари ва бурчларини мустаҳкамлашдир<sup>1</sup>.

Қонунийлик – бу юкори сифатли ҳуқуқий меъёрларнинг етарлича мавжуд бўлиши ва барча ҳуқуқ субъектлари томонидан унга қатъий риоя этишидир<sup>2</sup>.

### **Хусусиятлари**

- барча учун қонунларнинг умуммажбурийлиги;
- қонунийликнинг ягоналиги;
- қонунийлик ва мақсадга мувофиқликнинг мос келиши;
- қонунийлик ва ахоли ҳуқуқий маданиятининг чамбарчас боғлиқлиги;

<sup>1</sup> Карап: Давлат ва ҳуқук назарияси: Олий ўкув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун / Бобоев Х.Б., Исломов З.М., Чориёров У / Масъул мухаррир: Х.Б.Бобоев, Х.Т.Одилкориев / - Т “Иктисолиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт ўйи, 2000. Б. 375-376.

<sup>2</sup> Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право: Учебник для вузов. М.: Норма, 2004. – С. 703-707

- хар қандай қарор қабул қилганда, қонунийлик ва адолат бир ўринда туриши лозим;

- давлат бошқарувида қонунийлик уни бузганлик учун жавобгарлик муқаррар белгиланганида, таъминланиши мумкин<sup>1</sup>.

**Хуқуқшунос олим А.А.Кармолицкийнинг фикрича, қонунийлик – давлат бошқаруви жараёнида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу қуийдаги ҳолатлар билан белгиланади:**

- бошқарув жараёнида давлат органларининг иқтисодиёт, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишга раҳбарлик қилиш сингари фаолияти амалга оширилади. Қонунийликка риоя қилиш – мазкур тизим олдида турган вазифа ва функцияларнинг самарали амалга оширилишини белгилаб берувчи асосий восита ҳисобланади;

- бошқарув субъектлари ўзларининг функциялари ва ваколатларини амалга ошириш орқали ҳуқуқни кўллаш фаолиятини олиб борадилар. Бу бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқдир;

- бошқарув фаолияти кўпгина субъектлар (ижро ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Улар фуқаролар билан, турли хилдаги ташкилотлар билан муносабатга киришади. Айнан уларнинг қонунга риоя қилиши ва ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларни аниқ ва тўғри ижро этиши, жамият ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади;

- бошқарув органлари жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олувчи ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга оширадилар. Давлат бошқаруви органлари томонидан меъёрий хужжатларнинг қабул қилиниши, биринчи навбатда қонунийликка асосланади. Давлат органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг қонун доирасида олиб борилиши, улар кафолатини мустаҳкамлайди;

- бошқарув органлари маъмурий мажбурлов чораларини кўллаш соҳасида кенг ваколатларга эгадир. Давлат органлари маъмурий юрисдикцияни амалга ошира бориб, юзага келган низоларни мустақил ҳал этадилар, давлатнинг мажбурлов чораларини кўллаш орқали ҳукуқбузарларга таъсир кўрсатадилар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Козлов Ю.М. Административное право. – М.: Юристъ, 2003. – С. 210-215.

<sup>2</sup> Алексин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации. Учебник. – М.: Зерцало, 1998. – С. 361

## **2. Давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш кафолатлари ва усуллари**

<b>Давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш кафолатлари ва усуллари</b>
<b>Кафолатлар</b>
<b>Умумий кафолатлар</b>
<b>Сиёсий</b>
Жамиятда демократик институтларнинг ривожланганлиги, сўз эркинлиги. матбуот эркинлигининг кафолатланганлиги, аҳолининг жамият сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, ҳокимият субъектларининг ижтимоий фикрга ҳурмат билан қарashi, ҳокимиятларнинг тақсимланиши каби жиҳатлар билан белгиланади.
<b>Иқтисодий</b>
Аҳоли фаровонлигининг юқори даражаси, эркин тадбиркорлик, иқтисодиётда маъмурий тўсиқларнинг йўқлиги, ягона иқтисодий маконнинг мавжудлиги, ҳусусий мулкчиликни ҳимоя қилиниши кабилар билан белгиланади.
<b>Маънавий-маърифий</b>
Жамиятда маънавий-маърифий қадриятларнинг ўрни билан белгиланади.
<b>Ғоявий-мағқуравий</b>
Фуқарлар ва мансабдор шахсларнинг онгига қонунларга, қонунийликка бўлган ҳурматни шакллантирмай туриб мамлакатда қонунийликни таъминлаб бўлмайди.
<b>Махсус-юридик кафолатлар</b>
<b>Ташкилий-хукуқий</b>
Замонавий талабларга жавоб берадиган қонунчилик тизимининг мавжудлиги, давлат бошқаруви, давлат органлари тизимини тўғри ташкил қилинганлиги, шунингдек, давлат хизматчиларининг ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларни оғишмай амалга оширишлари билан белгиланади.
<b>Усуллари</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>• контрол;</li><li>• назорат;</li><li>• шикоят қилиш.</li></ul>

<b>Контрол</b>
<b>Тушунчаси</b>
<p><b>Контрол</b> – конунийлик ва интизомни таъминлаш усули сифатида ёки давлат органларининг функцияси, яъни бошқарув фаолиятининг тури сифатида намоён бўлиши мумкин.</p>
<b>Хусусиятлари</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>контролни амалга оширувчи орган (мансабдор шахс) ва контрол остига олинган объект ўртасидаги алоқаларнинг вертикаллиги, яъни бу муносабатлар бўйсинувга асосланади;</li> <li>контрол – конунийлик ва интизомни таъминлаш билан бир вактда, мақсадга мувофикликни аниклаш учун ҳам кўлланилади;</li> <li>контролни амалга оширувчи орган (мансабдор шахс) объектининг қарорларини бевосита бекор килиш ваколатига эга бўлади;</li> <li>контролни амалга оширувчи орган (мансабдор шахс) контрол объектининг фаолиятида конун бузилишига йўл қўйилган бўлса, уни бартараф этиш, айбдорни аниклаш ва унга нисбатан таъсир этиш чораларини кўллаш ваколатига эга бўлади.</li> </ul>
<p><b>Контрол</b> – раҳбарлик (бошқарув) фаолиятининг ажралмас элементи хисобланади. Контролни амалга ошириш жараёнида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>контрол остига олинган объектнинг ҳолати таҳлил килинади ва унга баҳо берилади;</li> <li>ҳал этилмай қолган масалалар аниқланади;</li> <li>амалий тажриба умумлаштирилади ва кўлланилади;</li> <li>ижро этувчиларга турли хилдаги ёрдам берилади.</li> </ul> <p>Шу билан бирга, контрол – раҳбарлик даражасини оширишни, унинг тўғрилиги ва самарадорлигини текшириш воситаси ҳам хисобланади.</p>
<b>Назорат</b>
<b>Тушунчаси</b>
<p><b>Назорат</b> – махсус ваколатли давлат органлари томонидан ўзига бўйсингмаган объект фаолиятида конунийлик ва интизомни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган бошқарув фаолиятининг бир туридир.</p>
<p>Назорат олиб бориш жараёнида назорат остига олинган объектнинг фаолиятига фақатгина конунийлик нуқтаи назаридан</p>

баҳо берилади. Назоратни амалга ошириш вақтида назорат остига олинган объектнинг маъмурий-хўжалик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

### Контрол ва назоратни фарқлантирувчи жиҳатлари

Контрол ва назорат қўйидаги асосий жиҳатларга кўра бирбиридан фарқ қиласди:

- муносабатларда идоравий бўйсинувнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан (контролда мавжуд, назоратда – мавжуд эмас);
- контрол (назорат) остидаги объектнинг фаолиятига аралашиш имкониятининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан (контролда мавжуд, назоратда – мавжуд эмас);
- хукукий актларни бекор қилиш ва тегишли интизомий таъсир чораларини кўллаш билан (контролда мавжуд).

### Шикоят қилиш

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви жараёнида қонунийлик ва интизомни таъминлашда – **фуқароларнинг шикоят қилиши хукуқи** ҳам катта аҳамиятга эгадир. Амалдаги қонунчиликка биноан фуқаролар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга зид ҳатти-харакатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш хукуқига эгадир.

## 3. Давлат бошқаруvida контрол

### Давлат бошқаруvida контрол

#### Турлари

##### Бошқарув процессининг босқичларига кўра:

Бошланғич контрол	Фаолият бошланмасдан олдин амалга оширилади. Унда фаолиятни амалга оширишга имкон берувчи асослар кўриб чикилади (масалан, лойихалар, лицензия). Бошланғич контрол – қонун бузилишларини огохлантирувчи восита ҳисобланади.
Жорий контрол	Фаолият бевосита амалга оширилаётган вақтда, фаолиятнинг ўрнатилган ёки тасдиқланган тартибига риоя этилиши устидан олиб борилади. Жорий контрол вақтида аниқланган камчиликлар (қонун

	бузилишлари), фаолият олиб борилиши билан бир вактда, бартараф этилади, айборд шахслар жавобгарликка тортилади. Жорий контрол – бу фаолиятга оператив таъсир этиш ҳисбланиб, қонун бузилишларини олдини олиш ва содир этилаётганларини тұхтатишга қаратылған.
Давомий контрол	Маълум бир даврда амалга оширилған фаолият устидан олиб борилади. Давомий контрол орқали фаолиятга умумий баҳо берилади, унинг натижалари аниқланади, яқуний хулосалар ишлаб чиқилади ва ҳ.к.лар.
<b>Контролни амалга ошираётган субъекттинг фаолият турига кўра:</b>	

- Президент контроли;
- қонунчилик ҳокимияти органларининг контроли;
- ижро ҳокимияти органларининг контроли;
- суд контроли.

#### 4. Президент контроли

##### Шакллари

- вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ва тугатишда, тегишли мансабдор шахсларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишда намоён бўладиган контрол;
- Ўзбекистон Республикаси айрим давлат бошқарув органларининг фаолиятини кундалик контрол қилишда намоён бўладиган контрол;
- ижро ҳокимияти органлари актларининг қонунийлиги устидан контролни амалга ошириш.

##### Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги назорат бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 17 февралдаги Фармонига биноан ижро интизомини мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва фармо-

йишиларини, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини бажариш мақсадида ташкил этилган.

Ушбу Кенгаш ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармонлар ва фармойишларнинг ҳамда Хукуматнинг муҳим қарорлари бажарилишини кўриб чиқади; чорак якунлари бўйича давлат бошқаруви органларидаги ижро интизоми ҳақида маҳсус маълумотномалар тайёрлади. Маълумотномалар, тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этилади.

Мазкур Фармон билан мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг – Хукумат аъзолари, Марказий банк Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчилари раҳбарлик қиласидаги республика комиссиялари ва кенгашлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратишлари лозимлиги, белгилаб қўйилди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи сифатида – Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Назорат инспекцияси белгиланди.

#### **Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Назорат инспекциясининг асосий вазифаси**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари ва Хукумат қарорлари ижроси устидан таъсирчан назоратни ташкил этиш;
- назорат органларининг ишидаги параллелизм ва тақрорлашни бартараф килиш;
- республикада бозор муносабатлари воситаларини рўёбга чиқаришга ва иктисадий ислоҳотларни янада чукурлаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш.

## **5. Қонунчилик ҳокимияти органларининг контроли**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси:

- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қиласи, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади;

- Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қиласди;
- Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилайди;
- бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солади;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул киласди ва унинг ижросини назорат этади;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқади ва тасдиклайди;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқади;
- халкаро шартномаларни ратификация ва денонсация қиласди ва бошкалар.

## **6. Ижро ҳокимияти органларининг контроли**

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг контроли**

#### **Тушунчаси**

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”<sup>1</sup>ги 2003 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни<sup>1</sup> га биноан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати – Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонулари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир.

Қонуннинг 7-моддасига биноан, Вазирлар Маҳкамаси – вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003. - №9-10. - 138-модда.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошка органларининг хужжатлари амалдаги қонун хужжатларига зид бўлган холларда уларни бекор килиш хукуқига эга.

## **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Назорат бўлими**

### **Тушунчаси**

Назорат бўлими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг қарорлари ва топшириклари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириклари ҳамда унинг Аппарати топшириклари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми қарорлари ва топширикларининг таркибий бўлинмалар томонидан ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ташкил этишни таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Хукумати Аппаратининг функционал таркибий бўлинмасидир.

### **Хукуқий мақоми**

- Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг қарорлари ва бошка хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек фаолиятига оид Низомга<sup>1</sup> амал қиласди.
- Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.
- Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.
- Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошка таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошка органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 декабрдаги 564-сонли карорига биноан тасдикланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Назорат бўлими тўғрисида”ги Низом // “Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами”, 2004 йил. - №48-49. - 496-модда.

## **Асосий вазифалари**

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва топшириклари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириклари ҳамда унинг Аппарати топшириклари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми қарорлари ва топшириклари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топширикларининг таркибий бўлинмалар томонидан ўз вақтида ижро этилиши бўйича ишларни ташкил этиш;
- электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиши тизими асосида ҳужжатлар ва топширикларнинг ўз вақтида ижро этилишини ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиш ягона тизими амалга оширилишини таъминлаш;
- Бош вазир котибияти, Бош вазирнинг ўринbosарлари аппаратлари, Вазирлар Маҳкамасининг департаментлари ва бўлимларида ижро назоратини ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш;
- ишларни мувофиқлаштириш ва Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг барча таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ахволини ўрганиш, мавжуд камчиликларни бартараф этишда зарур ёрдам кўрсатиш, камчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, унинг ўринbosарларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини хабардор қилиш;
- республика вазирларли, идоралари ва ҳокимликларига электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиши тизимини жорий этиш асосида ҳужжатларнинг бажарилишини рўйхатга олиш, ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиш ягона тизимини такомиллаштириш масалаларида методик ёрдам кўрсатиш;
- Вазирлар Маҳкамаси Аппарати таркибий бўлинмаларининг тармоқ ахборот ресурсларидан, шу жумладан Интернет ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш.

## **Вазирлар Маҳкамаси аппарати Раҳбари**

### **Тушунча**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-

**тадбирлари тўғрисида**"ги қарорида Республика комиссияси ўтказган текширишда ижро интизоми пастлигининг кўплаб ҳоллари, республика бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг ташкилотчилик ва назорат фаолиятида жиддий камчиликлар аниқланганлиги қайд этилган.

Ушбу қарорга биноан бошқарув аппарати барча бўғинларининг ташкилотчилик, ижро ва назорат фаолиятини такомиллашибдириш, раҳбарлар ва мутахассисларнинг ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг ҳамда Ҳукумат қарорларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўлланиладиган чора-тадбирлар белгиланди.

Бундан ташқари, Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ва бошқа таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириб боришни таъминлаш, улар ишининг самарадорлигини ошириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида **Вазирлар Маҳкамаси** аппарати тузилмасига **Аппарат Раҳбари** лавозими киритилди.

### **Хукуқий мақоми**

- Вазирлар Маҳкамаси аппарати Раҳбари мақомига кўра – Бош вазир ўринbosарига тенглаштирилади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан лавозимга тайинланади ва лавозимиidan озод қилинади.

- Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича – тегишли равища Бош вазирга ва унинг ўринbosарларига; ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича – Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсинади.

### **Асосий вазифалари**

- Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ва функционал бўлимлар ишларини мувофиқлаштириш;
- Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари ва қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти котибиятига ва Бош вазирга тақдим этиш;
- Вазирлар Маҳкамаси комплексларида ва аппаратнинг таркибий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари,

фармойишлари ва топширикларининг бажарилиши бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш;

• Бош вазир ўринбосарлари билан биргаликда тегишли аппаратнинг таркиби бўлинмаларига бош мутахассис ва етакчи мутахассис кадрларни танлаш;

• аппарат мутахассислари ва ходимларининг иш ва касб малакаси даражасини ошириш мақсадида уларни мунтазам равишда аттестациядан ўtkазиш ва бошк.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,  
Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларининг  
ижросини ташкил этиш ва назорат қилишнинг АСОСИЙ  
ҚОИДАЛАРИ**

**Тушунчаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан бошқарув барча бўғинларининг ижро интизомини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича фаолиятида ягона тизимни ва узлуксиз жараённи таъминлаш мақсадида – Хукумат аппаратида, вазирликлар, идоралар, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида тармоқ бошқарув органларида ҳамда маҳаллий ҳокимият органларида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларининг ижросини ташкил этиш ва назорат қилишнинг Асосий Қоидалари” тасдиқланди.

Ушбу қоидалар – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча даражалардаги ҳокимликлар аппаратлари учун норматив хужжат сифатида ишлаб чиқилган.

Асосий қоидалар – ишни ташкил этишининг амалий шаклларини ўз ичига олади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида қўйилган вазифаларни амалга ошириш муддатларини ва пировард натижаларга эришиш учун шахсан жавобгар мансабдор шахсларни белгилаб беради.

**Мақсади**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва топшириклари ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ижро этилиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни ташкил этишининг ягона тизими ва услубиётини таъминлаш.

### **Асосий Қоидаларга биноан назорат қилинадиган ва бажарилиши текшириладиган хужжатлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойишлари.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириклари баённомалари.
  - Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириклари (ёзма ва оғзаки).
  - Ўзбекистон Республикаси Президенти Котибиятининг топшириклари.
    - Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг топшириклари.
    - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
    - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари.
    - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари баёни.
    - Рўйхати Иш юритиш бўйича йўрикномада белгиланадиган бошка хужжатлар.

Хужжатларнинг кўрсатиб ўтилган турларининг бажарилиши бўйича ишларни ташкил этиш Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шахарлар, туманлар ҳокимликлари аппаратлари за корхоналарнинг раҳбарлари, мансабдор шахслари, тегишли таркибий бўлинмалари ва масъул ходимлари томонидан таъминланади.

### **Юқорида кўрсатилган хужжатларнинг бажарилиши учун:**

- Бош вазир;
- Бош вазирнинг ўринбосарлари;
- вазирлар, идораларнинг раҳбарлари;
- Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимлари **шахсан жавоб берадилар**.

Хужжатларни назорат қилиш юқланган раҳбар, уларда кўйилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

## **Хужжатларнинг бажарилишини ва назорат қилинишини ташкил этиш**

- республикани, тармоқ ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор масалалари, шунингдек, узоқ даврга мўлжалланган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- тасдиқланган муддатларда тегишли таркибий бўлинмалар, мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан амалий чоратадбириларни амалга ошириш;
- бажарилишини вазирликлар, идоралар, бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органлари ва жойлардаги ҳокимият органларида, бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда мақсадли ўрганиш;
- вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг юкорида айтиб ўтилган ҳужжатларни бажариш юзасидан қабул килинган ўз қарорларининг бажарилишини кўриб чиқиш;
- республика тармоқлари ва ҳудудларида ишларнинг аҳволини комплекс ўрганиш, Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари мажлислиарида уларнинг якунларини кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва топширикларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида кўйилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминламаган раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан шахсий жавобгарлик чораларини кўриш орқали таъминланади.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳужжатларда белгиланган муддатларда биринчи шахснинг имзоси билан назорат топшириклари (ҳужжатлар) бажарилиши тўғрисидаги холис ва қисқача ахборотни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментлари ва бўлимларга тақдим этишлари шарт. Раҳбарлар ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва унинг ишончлилиги учун шахсан жавоб берадилар.

### **Ҳужжат (топшириқ) бажарилишини назорат қилиш юкланган Бош вазирнинг ўринбосари:**

Тегишли ахборот-таҳлил департаменти, бошқарувнинг тармоқ органлари ва жойлардаги ҳокимият органларининг:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хужжатлари бажарилишини мунтазам ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- камчиликларнинг олдини олиш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича зарур тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш;
- айбор мансабдор шахсларга нисбатан интизомий чора-тадбирлар кўриш юзасидан ишлари мувофиқлаштирилишини таъминлайди.

### **Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий хужжатларининг қонунийлигини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий хужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига<sup>1</sup> биноан, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий хужжатларининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида қўйидагилар белгиланди:

- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг фуқароларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи, мазкур бошқарув органи тизимига кирмайдиган корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган ёки идоралараро тусдаги (умумий мажбурий тусдаги) меъёрий хужжатлари ушбу хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин, агар хужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, кучга киради ва бажарилиши керак;

- давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий хужжатлар кучга кирмаган хужжат сифатида хукукий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли хукукий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхоналар ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди;

- меъёрий хужжатнинг давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб рақами ва санаси кўрсатилмаган ҳолда тарқатилиши ва эълон қилиниши тақиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг фуқароларнинг, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг хукуклари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига тааллуқли

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси Хукумати карорлари тўплами” 1997 - №10. – 33-м.

умуммажбурий тусдаги меъерий хужжатлари “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий хужжатлари Ахборотномаси” – “Бюллетенъ нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан”да албатта эълон қилиниши керак.

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъерий хужжатларини хукукий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш**

**Тушунчаси**

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъерий хужжатларини хукукий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997 йил 9 октябрда тасдиқланган “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъерий хужжатларини хукукий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Низомга<sup>1</sup> биноан оширилади.

Мазкур Низомга биноан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъерий хужжатларини уларнинг амал қилиш муддатидан (доимий ёки вақтингча) ҳамда улардаги маълумотларнинг хусусиятидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хукукий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказади ҳамда Вазирликлар ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги:

- фуқароларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи;
- идоралараро тусга эга бўлган;
- мазкур бошқарув органи тизимига кирмайдиган корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган меъерий хужжатлари хукукий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган стандартлаштириш бўйича меъерий хужжатлар, шунингдек стандартлаштириш бўйича меъерий хужжатларга тегишли бўлмаган техник қоидалар ва нормалар мазкур Низомга мувофиқ Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Қоидалар ва нормаларни техник хужжатларга тегишли деб топиш Адлия вазирлиги билан келишув бўйича амалга оширилади.

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси Хўкумати карорлари тўплами”, 1997. - №10. – 33-м.

## Тартиби

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдим этилган меъерий хужжатни олинган кундан бошлаб 30 кун ичидаги хуқуқий экспертизадан ўтказади.

• Зарурат бўлса, экспертизадан ўтказишда Адлия вазирлиги кўшимча хужжатларни талаб этиш, шунингдек меъерий хужжатлар бўйича хulosалар бериш учун мутахассислар ва илмий ходимларни штатдан ташкири эксперталар сифатида жалб қилиш хуқукига эга бўлади.

• Агар тақдим этилган меъерий хужжат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ бўлган ва мазкур Низомда кўрсатилган талабларга жавоб берган тақдирда, Адлия вазирлиги уни давлат рўйхатидан ўтказади.

• Меъерий хужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия вазирининг буйруги билан расмийлаштирилади.

• Меъерий хужжат, агар хужжатнинг ўзида янада кечрок муддат кўрсатилмаган бўлса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради ва бажарилиши керак.

• Агар меъерий хужжат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига зид бўлса, мазкур Низомнинг талабларига жавоб бермаса, ёхуд манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда бундай органлар билан келишилмаган бўлса, меъерий хужжатни рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкин.

• Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъерий хужжатлар Адлия вазирлиги томонидан тегишли хulosалар билан уларни тақдим этган органга қайтарилади.

• Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъерий хужжатлар Адлия вазирлигининг хulosалари ҳисобга олинган ҳолда пухта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такороран тақдим этилиши мумкин. Бунда қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномасига кўра кабул қилинган меъерий хужжатларни мукаммаллаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишга такорорий тақдим этиш муддати бир ойдан ошмаслиги керак.

• Меъерий хужжатнинг асл нусхаси давлат рўйхатидан

ўтказилгандан кейин унга берилган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами билан биргаликда уни тақдим этган органга қайтарилади, икки нусхаси ҳисобга олиш ва эълон қилиш учун Адлия вазирлигига қолади.

## 7. Суд органларининг контроли

### Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги 1995 йил 30 августдаги қонуни<sup>1</sup>га биноан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди – қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган суд ҳокимиияти органи ҳисобланади.

### Асосий ваколатлари

- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлади;

- Корақалпогистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Корақалпогистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан ўзининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа ишларни кўриб чиқади.

### Фаолиятининг асосий принциплари

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига содиқлик;
- мустақиллик;
- коллегиаллик;
- ошкоралик;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995. - №9. 178-м.

- судьялар хуқуқларининг тенглиги.

### **Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

Фуқаролик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпогистон Республикаси олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш хуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўради. У ўзи биринчи инстанция сифатида кўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) хуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкин. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак.

### **Асосий ваколатлари**

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;
- суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга оширади;
- судларнинг кадрлари малакаси оширилишини ташкил қиласди.

### **Таркибий тузилиши**

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати
- Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;
- Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;
- Ҳарбий ҳайъат.

### **Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва худудий ҳарбий судлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати лавозим бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринbosари хисобланадиган Ҳарбий ҳайъат раиси, Ҳарбий ҳайъат раисининг ўринbosари ва судьялардан иборат бўлади.

## **Асосий ваколатлари**

- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги кўшинларининг ва конун хужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошка ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматчилари, шунингдек, ўкув йиғинларида бўлган вактда ҳарбий хизматтага мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўгрисидаги ишларни;
- ҳарбий кисмлар, кўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни;
- алоҳида холатларга кўра умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини;
- давлат сирларига тааллуқли ишларни;
- конун хужжатларига мувофиқ бошка ишларни кўради.

## **Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди**

Хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг тушунтиришлари хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қиласи, қўйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишини ташкил этиш ижобий тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради.

## **Таркибий тузилиши**

- Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми

- Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати
- Фукаролик ҳуқукий муносабатларидан келиб чикадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати;
- Маъмурӣ ҳуқукий муносабатлардан келиб чикадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати.

## **8. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА НАЗОРАТ**

### **8.1. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш.**

#### **8.2. Прокурор назорати.**

#### **8.1. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш**

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонуни<sup>1</sup>га биноан амалга оширилади.

##### **Асосий принциплари**

- назорат килувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

##### **Назорат қилиш шакллари**

- текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;
- статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;
- идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

##### **Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)**

##### **Тушунчаси**

Солик ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. - №1. - 8-м.

субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа хужжатларини ўрганиш ва таққослаш.

### Текшириш

#### Тушунчаси

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун хужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

#### Текширишларнинг турлари

Муқобил текшириш	<p>Операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлик бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидағи хужжатларни таққослашдан иборат текширув.</p> <p>Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текширишлар жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш жараёнида текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида ёхуд назорат қилувчи органлар томонидан маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текширишлар хўжалик юритувчи субъектларга бормасдан туриб амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текширишларга уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари юзасидангина йўл қўйилади, улардан муқобил текшириш предметига таалкукли бўлмаган молия-бухгалтерия хужжатларини ёки бошқа хужжатларни талаб килиб олиш тақиқланади.</p>
Назорат тартибида текшириш	<p>Хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.</p> <p>Назорат тартибида текшириш назорат қилувчи органлар томонидан маҳсус ваколатли</p>

орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

**Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш.  
Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи  
Республика кенгаши.**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан амалга оширилади ва у чиқарган қарорларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга доир қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий хисобланади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августда қабул қилинган “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонга<sup>1</sup> биноан мулкчиллик шаклларидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўймаслик мақсадида ташкил этилган.

**Назорат қилувчи органлар фаолиятини  
мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг асосий  
вазифалари<sup>2</sup>**

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг, шу жумладан комплекс текширувлар ҳамда тафтишларнинг назорат қилувчи органлар бир-бирининг ишини такрорлашига йўл қўймайдиган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;
- назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назорат қилиш ҳамда режадан ташқари текширувлар маҳсус ваколатли орган билан келишмай ўтказилишига йўл қўймаслик.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хўжатлари тўплами. - №8. – 102-м.

Каранг: “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат килиш тўғрисида”ги Ўз.Р. Конунининг 8-моддаси.

## **Назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш учун қуийдагилар асос бўлади**

- Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма;
- назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган буйруғи ёхуд Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг режадан ташқари текшириш, шу жумладан тафтиш ўтказиш тўғрисидаги ҳамда текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган карорлари.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун кўзғатилган жиной иш мавжудлиги асос бўлади. Бунда текширувга хўжалик юритувчи субъектнинг факат кўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширувни тайинлаш тўғрисидаги карорда кўрсатилган бўлиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда факат давлат солик хизмати органлари томонидан, мазкур органлар текширишлар давомида солик ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниқлаганида эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиб департаменти томонидан амалга оширилади.

Ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларининг – юридик шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги билдириши асосида давлат солик хизмати органлари томонидан амалга оширилади, текшириш муддати ўттиз календарь кунидан ошмаслиги керак.

### **Текширишларнинг даврийлиги**

- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи

Республика кенгашининг қарорига биноан режали тартибда **кўпи билан йилига бир марта** амалга оширилиши мумкин;

• белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вактида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан **кўпи билан икки йилда бир марта** амалга оширилади;

• белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вактида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан **кўпи билан икки йилда бир марта** амалга оширилади;

• микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар **кўпи билан тўрт йилда бир марта**, бошка тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар **кўпи билан уч йилда бир марта** амалга оширилади;

• янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас.

### Текширишларнинг муддатлари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари **ўттиз календар кунидан ошмаслиги лозим**. Алоҳида долларда маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

### Режадан ташқари текширув

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун маҳсус ваколатли органнинг текширилаётган обьект номини, текширув ўтказиш максади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи асос бўлиб хизмат килади.

### Куйидаги ҳолларда ўтказилади

- агар текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Хукумати қароридан келиб чиққанда;
- назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект

томонидан қонунлар ва бошқа қонун хужжатлари бузилғанлиги түгрисида құшымча маълумотлар келиб тушганда;

- фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;
- санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек құшни давлатлардан юкумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эктимоли вужудга келгана.

### **Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари**

- ўз фаолиятлари текширилиши түгрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;
- назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан маҳсус ваколатли орган ёки унинг худудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа хужжатларни талаб килиш, текширувчиларнинг шахсини тасдикловчи хужжатлар билан танишиш;
- текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;
- назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларининг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллукли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;
- назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичida текшириш натижаларини акс эттирувчи хужжатнинг бир нусхасини олиш;
- конунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва хужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш обьектларига киритишга, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

### **Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хуқуқлари ва мажбуриятлари**

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур хужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб килиш;

• текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аниқланган коидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

• тегишли давлат хокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

• текширувга аудиторлик ташкилотларини ва (ёки) эксперктларни белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;

• конун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш;

• режали текширишларни ўтказиш муддатини кўчириш тўғрисида, башарти бунга объектив асослар бўлса, маҳсус ваколатли органга тақдимнома киритиш.

• Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг конуний талаблари текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажариш учун мажбурийdir.

**Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуийдагиларни бажаришга мажбурдирлар:**

• текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш хукуқини берувчи зарур хужжатларни кўрсатиш;

• хўжалик юритувчи субъектлар ишлашига халал бермаслик;

• текширишларни қайд этиш дафтарига Конун хужжатларида белгиланган тартибда ёзib қўйиш;

• давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сакланишини таъминлаш;

• текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида колдириш;

• хукуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда конун хужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

## **8.2. Прокурор назорати**

### **Ўзбекистон Республикаси прокуратураси**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимиdir.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

### Тизими

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;
- туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари;
- вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;
- туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиб департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

### Асосий вазифалари

- қонун устуворлигини таъминлаш;
- қонунийликни мустаҳкамлаш;
- фуқароларнинг ҳуқук ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини химоя қилиш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш.

### Фаолиятининг асосий йўналишлари

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;
- фуқаронинг ҳуқук ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;
- тезкор-қидибув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг

ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

• судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд хужжатларига протест келтириш;

- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солик, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

- ушлаб турилганларни, қамоққа олингандарни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

#### **Фаолиятининг асосий принциплари**

<b>Бирлик</b>	Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиласидан ягона марказлашган тизимни ташкил этади ҳамда қўйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсуниши ҳамда хисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади.
<b>Марказлашганлик</b>	Юқори турувчи прокурор қўйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан, процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир, шунингдек у ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгардир.
<b>Қонунийлик</b>	Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни

	<p>бажаришлари шарт. Қонунларни аник бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.</p>
Мустақиллик	<p>Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, факат қонунга бўйсунган холда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашиб тақиқланиди.</p> <p>Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўскىнлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек прокурор ёки терговчининг рухсатисиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.</p> <p>Прокуратура органларининг ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар.</p>
Ошкоралик	<p>Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга tenglashshirilgan прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар.</p>

## **Қонунлар ижроси устидан назорат**

### **Назорат предмети**

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий кисмлари, ҳарбий тузилмалари, хокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган хужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

### **Қонунлар ижросини текшириш**

Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганилиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиласидан ҳолатда эканлигидан келиб чиқсан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

### **Қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида прокурорнинг ваколатлари**

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий кисмларнинг худуди ва хоналарига монеликсиз киришга, хужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, бўйруклар ва бошқа хужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора тадбирлар ҳакидаги маълумотларни талаб қилишга;
- давлат органлари, ҳарбий кисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасаррӯфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишини, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;
- мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳаклидири.

## **Фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат**

### **Назорат предмети**

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади.

### **Прокурорнинг ваколатлари**

- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади;
- аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради;
- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради;
- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган такдирда прокурор жиноят иши қўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради.
- Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

### **Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат**

### **Назорат предмети**

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонун хужжатларида

белгиланган процессуал тартиби, шунингдек жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назорат предмети хисобланади.

### **Қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар ижро этишлари устидан назорат қилиш жараёнида прокурорнинг ваколатлари**

- суриштирув ва дастлабки тергов органларидан текшириш учун жиноят ишларини, суриштирув, тезкор-қидирав фаолиятининг хужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қиласди;
- содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда камида бир марта текширади:
  - терговчилар ва суриштирувчиларнинг ноконуний ҳамда асоссиз қарорларини бекор қиласди;
  - жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, айланувчи тариқасида ишга жалб қилиш, айрим тергов харакатларини бажариш ва жиноят содир этиб яширган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;
  - суриштирув органларига ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтуб ўтказиш, олиб кўйиш тўғрисидаги қарорларни ва суднинг қамоққа олиш тарзидағи эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов харакатларини, шу жумладан, прокурор ёки прокуратура терговчиси иш юритувида бўлган ишлар юзасидан тергов харакатларини бажаришни топширади, жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни топиш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;
  - суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур холларда ҳар кандай иш бўйича айрим тергов харакатларини шахсан бажаради ёки терговни тўла ҳажмда амалга оширади;
  - дастлабки тергов муддатини узайтиради, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади;
  - жиноят ишларини суриштирув ва дастлабки тергов орган-

ларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

- ҳар қандай жиноят ишини суриштирув органидан олиб терговчига беради, шунингдек уни бир дастлабки тергов органидан бошкасига, бир терговчидан бошкасига ўтказади;
- суриштирувчини ёки терговчини, агар у ишни тергов қилиш чогида қонун бузилишига йўл қўйган бўлса, суриштирув ёхуд дастлабки терговни давом эттиришдан четлатади;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда, тергов харакатлари олиб борилишига санкция беради, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради;
- жиноят ишларини қўзгатади ёки уларни қўзгатишини рад этади, жиноят ишларини тугатади ёхуд улар юзасидан иш юритилишини тўхтатади;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик беради;
- айблов хулосасини ёки қарорини тасдиқлади, ишни судга юборади;
- қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Прокурорнинг жиноят-процессуал конун хужжатларида назарда тутилган тартибида берган терговолди текшируви ўтказиш, жиноят ишлари қўзгатиш ва тергов қилиш билан боғлик кўрсатмалари суриштирув ва дастлабки тергов органлари учун мажбурийдир.

**Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат**

**Назорат предмети**

- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи муассасаларда шахслар сақланишининг қонунийлиги;
- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш, жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонун хужжатларига риоя этилиши;

- ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумларнинг шунингдек жиноят-хуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари кўлланилган шахсларнинг конунда белгиланган хуқук ва мажбуриятларига риоя этилиши;
- жиноят-ижроия конун хужжатларини қўллаётган орган ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида конун хужжатларига риоя этилиши.

### **Прокурорнинг ваколатлари**

- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларига, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларига, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларга ва вояга етмаганларнинг маҳсус ўкув-тарбия муассасалариға монеликсиз ва исталган вақтда ҳамма хоналар билан танишиш шарти билан киришга, шахсларга нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, шунингдек жиноий жазо ёки жиноят-хуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилишига асос бўлган хужжатлар билан танишишга;
- ушлаб туриш, қамоқда сақлаш жойларида, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларида, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларда, вояга етмаганларнинг маҳсус ўкув-тарбия муассасаларида ноконуний сақлаб турилган шахсларни дарҳол озод қилишга;
- агар қамоқда сақланаётган, қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатишга, озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чоралари конунга номувофик бўлса, бу чораларни бекор қилишга ва ўз қарори билан бундай шахсларни интизомий бўлинмалардан дарҳол озод қилишга;
- ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумлардан ва жиноят-хуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахслардан ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-хуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг вакиллари иштирокида ҳам, улардан холи ҳолда ҳам сўраб-суриштиришга;
- ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-хуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда

муассасалар маъмуриятларининг буйруқлари, фармойишлари ва қарорлари. тезкор-кидирув тадбирларининг қонунга мувофиқлигини текширишга;

- ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумларнинг ва жиноят-хуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг хуқуқларини таъминлайдиган шароитлар яратилишини ушлаб турish, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-хуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасалар маъмуриятидан талаб қилишга;

- жазони ижро этувчи муассаса бошлиғининг маҳкумларга алоҳида ҳолатларда муассаса ташқарисига чиқишига рухсат бериш тўғрисидаги, ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясида қолдириш тўғрисидаги, маҳкума аёлларнинг жазони ижро этиш муассасаси ташқарисида яшashi тўғрисидаги қарорларини тасдиқлашга ҳақли.

### Прокурор назорати хужжатлари

#### Протест

Қонунга зид бўлган хужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу хужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик мuddатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишининг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичida прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳакида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест шу хужжатни қабул қилган орган (mansabдор шахс) ёки юқори турув-

	<p>чи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичидаги кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуйй деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичидаги берилиши мумкин.</p> <p>Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.</p>
Қарор	<p>Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.</p> <p>Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.</p> <p>Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақида прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичидаги орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.</p>
Тақдимнома	<p>Прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки</p>

	<p>мансабдор шахсга киритади.</p> <p>Тақдимнома дархол кўриб чикилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичидаги прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.</p> <p>Тақдимнома коллегиал орган томонидан кўриб чикиладиган холларда мажлис куни ҳакида прокурорга маълум қилинадиганда у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.</p>
<b>Ариза</b>	<p>Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хуқуqlари ҳамда қонуний манфаатларини химоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш хукукига эга.</p> <p>Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чикилади.</p> <p>Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.</p>
<b>Огохлантирув</b>	<p>Прокурор фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига, хуқук ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган гайриконуний хатти-харакатлар тайёрланадиганларига ҳусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда хукукбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳакида ёзма равишда огохлантиради ҳамда хукукбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.</p> <p>Огохлантирув тўғрисида прокурор юкори турувчи органга (mansabдор шахсга), шунингдек огохлантирув эълон қилинган шахснинг иш, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.</p>

# ТЕСТЛАР

## 1. Маъмурий ҳуқуқ бу -

- а) жамиятда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади;
- б) давлат органларининг давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатларини тартибга солади;
- с) давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йигиндисидан иборат;
- д) давлат бошқаруви фаолияти жараёнида юзага келадиган турли-туман муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-ҳуқукий нормалар йигиндисидан иборатdir.

## 2. Давлат бошқарув муносабатлари иштирокчиларининг хулқ-авторини тартибга солувчи ҳуқукий воситалар ёки усулларнинг муайян мажмую бўлиб....?

- а) маъмурий ҳуқукнинг тартибга солиш усуллари хисобланади;
- б) давлат бошқарувининг принциплари хисобланади;
- с) давлат бошқарувининг функциялари хисобланади;
- д) маъмурий ҳуқукнинг предмети хисобланади.

## 3. Маъмурий ҳуқуқнинг манбалари нотўғри кўрсатилган жавобни аниқланг:

- а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- с) Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари меъёрий хужжатлари;
- д) суд органларининг ҳукм, қарор, ажримлари.

## 4. Тўғри жавобларни аниқланг:

1) ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола тугилган пайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва бола Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тугилган бўлса Ўзбекистон Республикаси фуқароси хисобланади;

2) ота-онасидан бири бола тугилган пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда тугилган бўлишидан катъи назар у Ўзбекистон Республикаси фуқароси хисобланади;

3) маъмурий-ҳуқукий муносабатлар факатгина хатти-ҳаракатлар орқалигина вужудга келиши, ўзгари ёки бекор бўлиши мумкин;

**4) субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг мазмунига кўра маъмурӣ-хукукий муносабатлар тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи муносабатларга бўлинади.**

- a) 1), 4);
- b) 1), 2);
- c) 2), 3);
- d) 1).

**5. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш шартларидан бири нотўғри кўрсатилган жавобни аниқланг:**

- a) сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик;
- b) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;
- c) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;
- d) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиш ва бажариш.

**6. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тўхтатилиш асосларидан бири тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг:**

- a) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир содир этганлик;
- b) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш;
- c) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шакшубҳасиз маълумотлар ёки соҳта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинганилиги;
- d) шахснинг чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги.

**7. Фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришини рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб қанча муддат ичida судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин?**

- a) бир ой;
- b) уч ой;
- c) муддат белгиланмаган;
- d) бир йил.

**8. Фуқаронинг давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар хатти-харакатлари (қарорлари) устидан шикояти суд томонидан қандай тартибда кўриб чиқилади?**

- a) фуқаровий судлов ишларини юритиш қоидалари асосида;
- b) жиноий судлов ишларини юритиш қоидалари асосида;
- c) маъмурий судлов ишларини юритиш қоидалари асосида;
- d) шикоятлар маъмурий тартибда ҳал этилади.

**9. Фуқаролар мурожаатларининг шаклларини кўрсатинг:**

- a) ариза, таклиф, шикоят;
- b) қарор, ҳукм, ажрим,
- c) оғзаки, ёзма;
- d) хат, телеграмма, факсограмма.

**10. Фуқаролар мурожаатларининг турларини кўрсатинг:**

- a) ариза, таклиф, шикоят;
- b) қарор, ҳукм, ажрим,
- c) оғзаки, ёзма;
- d) хат, телеграмма, факсограмма.

**11. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишининг процессуал муддатлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг:**

- a) фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан уч ойгача бўлган муддат ичida кўриб чиқилади ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн беш кунлик муддат ичida маълум килинади;
- b) фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан икки ойгача бўлган муддат ичida кўриб чиқилади ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга бир ой муддат ичida маълум килинади;
- c) фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичida кўриб чиқилади ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичida маълум килинади;
- d) фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан ўн кунгача бўлган муддат ичida кўриб чиқилади ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга бир ой муддат ичida маълум килинади;

**12. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига биноан фуқаролар қандай ҳолларда жавобгарликка тортиладилар?**

- a) мурожаатларни беришнинг процессуал тартибини бузганлик учун;
- b) аноним тарзда мурожаат килганлик учун;
- c) мазмани тухмат ва хақоратдан иборат мурожаат берганлик учун;
- d) фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар кўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса.

**13. “Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик; жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам” – мазкур принциплар қайси органнинг фаолият принципларига тегишли?**

- a) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хуқуклари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг;
- b) фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг;
- c) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;
- d) Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерациясининг.

**14. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунига биноан жамоат бирлашмаларининг фаолияти устидан қайси давлат органлари назорат олиб борадилар?**

- a) солик, прокуратура ва адлия органлари;
- b) божхона, солик ва миллий хавфсизлик органлари;
- c) суд, ички ишлар ва адлия органлари;
- d) Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.

**15. Қуйидагилардан қайси бири сиёсий партияга аъзо бўла олмайдилар?**

- a) ҳарбий хизматчилар;
- b) адвокатлар;
- c) ўқитувчилар;
- d) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида кирувчи ходимлар.

**16. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунига биноан сиёсий партияларнинг фаолияти устидан қайси давлат органлари назорат олиб борадилар?**

- a) солик, прокуратура ва адлия органлари;
- b) божхона, солик ва миллий хавфсизлик органлари;
- c) суд, ички ишлар ва адлия органлари;
- d) Ҳисоб палатаси, Қонунчилик палатаси Адлия вазирлиги.

**17. Касаба ўюшмалари, уларнинг бирлашмалари фаолиятини таъкиқлашнинг тартиби кўрсатинг:**

а) касаба ўюшмалари, уларнинг бирлашмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган холларда бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тақиқланиши мумкин;

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қарори билан тақиқланиши мумкин;

с) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тақиқланиши мумкин;

д) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Президент томонидан тақиқланиши мумкин.

**18. Давлат бошқарув органлари қандай асосга кўра вазирлик, давлат қўмитаси, агентлик инспекция, марказларга ажратилиди?**

- a) ваколатларининг ҳажми ва хусусиятига кўра;
- b) ташкилий-хукукий шаклига кўра;
- c) раҳбарликни ташкил этилишига кўра;
- d) фаолиятининг худудий доирасига кўра.

**19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки ўта мухим ахамиятга эга бўлган хужжатлари қандай аталади?**

- a) фармойиш;
- b) қарор;
- c) фармон;
- d) қонун.

**20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари қандай аталади?**

- a) фармойиш;
- b) қарор;
- c) фармон;
- d) қонун.

**21. Қуйидагилардан қайси бири норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи давлат органлари гуруҳига кирмайди?**

- a) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- b) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари;
- c) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- d) суд органлари.

**22. Қуйидагилардан қайси бири қонуности ҳужжатлари хисобланади?**

- a) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- b) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- c) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- d) давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари.

**23. Вазирликлар ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг шаклларидан бирини кўрсатинг:**

- a) қонун;
- b) қоида;
- c) фармон;
- d) фармойиш.

**24. Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларнни бажариш юзасидан агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қанча вақт ичida меъёрий ҳужжат қабул қилиш лозим?**

- a) уч ой;
- b) 10 кун;

- c) бир ой;
- d) икки ой.

**25. Мазмунан нотўгри жавобни аникланг:**

- a) ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас;
- b) норматив-хукукий хужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек, уларни қонун хужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу хужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, эълон қилингани расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан рухсат этилади;
- c) қонунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа органлар ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари, агар лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги топшириқда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этилади;
- d) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар хужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг уч кундан кейин кучга киради.

**26. Давлат бошқарув муносабатлари иштирокчиларининг хулқ-авторини тартибга солувчи хукукий воситалар ёки усусларнинг муайян мажмуй бўлиб....?**

- a) маъмурий хукуқнинг тартибга солиш усуслари хисобланади;
- b) давлат бошқарувининг принциплари хисобланади;
- c) давлат бошқарувининг функциялари хисобланади;
- d) маъмурий хукуқнинг предмети хисобланади.

**27. Маъмурий хукуқнинг манбалари нотўгри кўрсатилган жавобни аникланг:**

- a) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- b) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- c) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари меъёрий хужжатлари;
- d) суд органларининг хукм, қарор, ажримлари.

**28. Давлат бошқаруви органлари жумласига киради:**

- а) Президент, ҳокимлар, вазирликлар, давлат қўмиталари прокуратура, ИИВ, Миллий хавфсизлик хизмати, концерн, корпорациялар;
- б) Президент, Олий Мажлис, вазирликлар, давлат қўмиталари, Марказий банк, ассоциациялар, корпорациялар;
- в) Президент, Вазирлар Махкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳокимиятлар, прокуратура, акционерлик жамиятлари, сиёсий партиялар;
- г) Вазирлар Махкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, уларнинг маҳаллий органлари.

**29. Маъмурий ҳуқук томонидан тартибга солинадиган муносабатлар:**

- а) ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунадиган органлар ўртасидаги муносабатлар;
- б) бир-бирига бўйсунмайдиган органлар ўртасидаги муносабатлар;
- в) давлат органлари ва уларга бўйсунадиган корхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар;
- г) барча жавоблар тўғри.

**30. Давлат бошқаруви фаолияти жараёнида юзага келадиган турли-туман муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар йигиндиси....**

- а) маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни ташкил қиласди;
- б) маъмурий-ҳуқуқий шаклларни билдиради;
- в) маъмурий ҳуқук тармогини ташкил қиласди;
- г) маъмурий ҳуқук ғанини ташкил қиласди.

**31. Маъмурий ҳуқук тизими -**

- а) умумий ва алоҳида қисмлар, маъмурий-ҳуқуқий институтлардан иборат;
- б) умумий ва маҳсус қисмлар, нормалар ва институтлардан иборат;
- в) умумий ва алоҳида қисмлар, маъмурий ҳуқуқий нормалардан иборат;

**d)** умумий ва маҳсус қисмлар, процессуал ва моддий нормалардан иборат.

**32. Маъмурий ҳуқуқий нормалар деганда -**

**a)** давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи коидалар тушунилади.

**b)** давлат бошқаруви соҳасида фуқароларнинг юриш-туришини тартибга солувчи коидалар.

**c)** давлат бошқаруви соҳасидаги давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи коидалар тушунилади.

**d)** давлат бошқаруви соҳасида ўрнатилган ҳамда иштирокчиларнинг юриш-туришини тартибга соладиган конун-коидалар тушунилади.

**33. Маъмурий ҳуқуқий нормалар тартиб ўрнатишига кўра:**

**a)** таъкиқловчи ва мажбуровчи нормаларга бўлинади;

**b)** таъкиқловчи, ваколат берувчи ва бажариши шарт бўлган нормаларга бўлинади;

**c)** мажбуровчи, моддий ва ваколат берувчи нормаларга бўлинади;

**d)** умумий ва маҳсус нормаларга бўлинади.

**34. Маъмурий ҳуқуқий нормаларнинг харакати.**

**a)** вақт буйича;

**b)** худуд буйича;

**c)** шахслар доираси буйича;

**d)** барча жавоблар тўғри.

**35. Маъмурий ҳуқуқий муносабатлар – бу... мос жавобни танланг:**

**a)** маъмурий-ҳуқуқий нормаларга асосланган ва давлат бошқаруви органлари билан жамоат бирлашмалари ўртасида келадиган муносабатлар;

**b)** давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар;

**c)** давлат органлари билан уларга буйсинувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар

**d)** барча жавоблар тўғри.

**36. Давлат бошқаруви соҳасида ўрнатилган ҳамда иштирокчиларнинг юриш-туришини тартибга соладиган қонун-коидалар....**

- a)** маъмурий-хуқуқий нормаларни ташкил қиласди;
- b)** маъмурий-хуқуқий муносабатларни ташкил қиласди;
- c)** маъмурий хуқук субъектлари элементини билдиради;
- d)** маъмурий-хуқуқий муносабатлар мазмунини ташкил қиласди.

**37. Маъмурий хуқуқий муносабатлар субъекти:**

- a)** давлат органлари, мансабдор шахслар, давлат хизматчилари, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва жисмоний шахслар;
- b)** давлат органлари ва фуқаролар;
- c)** давлат органлари, мансабдор шахслар ва давлат хизматчилари;
- d)** маъмурий хуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафлар ҳамда давлат бошқарув органлари.

**38. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасида юзага келган низолар:**

- a)** факат суд томонидан ҳал қилинади.
- b)** факат юкори турувчи орган томонидан.
- c)** суд ва юкори турувчи орган томонидан ҳал қилинади.
- d)** низолашувчи томонларнинг келишувига асосан ҳал қилинади.

**39. Давлат бошқарув органлари-**

**a)** давлат аппаратининг бир қисми бўлиб, давлат-ҳокимият ваколати доирасида ижро этиш ва қонунчилик фаолиятини амалга оширади.

**b)** давлат аппаратининг бир қисми бўлиб, давлат-ҳокимият ваколати доирасида давлат курилиши, иқтисодий, ижтимоий ва маданий курилишга раҳбарлик қиласди ҳамда ижро этиш ва фармойиш фаолиятини амалга оширилади.

**c)** Президент бошчилигига қонунчилик ва ижро этиш фаолиятини амалга оширади.

**d)** Президент бошчилигига одил судловни амалга оширади ҳамда давлат олдида турган вазифа ва функцияларни бажаради ҳамда ижро этиш ва қонунчилик фаолиятини амалга оширади.

**40. Ҳудудда фаолият кўрсатишига кўра давлат бошқарув органлари:**

- a) коллегиал ва якка бошқариладиган органларга бўлинади;
- b) бюджет ва хўжалик органларига бўлинади;
- c) республика ва маҳаллий миқёсда ҳаракат килувчи органларга бўлинади;
- d) тўғри жавоб йўқ.

**41. Давлат бошқаруви усусларининг турлари:**

- a) маъмурий ва иқтисодий усуслар;
- b) ишонтириш ва мажбурлаш усуслари;
- c) контроль ва кузатув;
- d) ҳамма жавоблар тўғри.

**42. Давлат хизматчилари:**

- a) бу давлат олдида турган вазифа ва функцияларни маълум бир ҳақ эвазига амалга оширувчи давлат ҳокимият органларининг ходимлариdir;
- b) бу давлатнинг вазифа ва функцияларини пул мукофоти эвазига амалга оширувчи хусусий шахслардир;
- c) давлат органларининг фаолиятини амалга оширувчи фақат ижро этиш ваколатига эга бўлган хизматчилардир;
- d) давлат хизматчилари қонунчилик ва ижро этиш фаолиятини амалга оширадилар ҳамда хўжалик ҳисобидан маблағ билан таъминланадилар.

**43. Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги**

- a) фақат интизомий жавобгарликка тортиладилар;
- b) фақат маъмурий жавобгарликка тортиладилар;
- c) фақат моддий жавобгарликка тортиладилар;
- d) маъмурий, жиноий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортиладилар.

**44. Давлат бошқаруви органларининг ваколат ҳажми ва характеристига кўра актлар:**

- a) озаки ва ёзма актларга бўлинади;
- b) умумий, соҳавий ва тармоқлараро актларга бўлинади;
- c) норматив ва индивидуал актларга бўлинади;
- d) чекланган ва чекланмаган актларга бўлинади.

**45. Маъмурий мажбурлаш чораларнинг намоён бўлиши:**

- а) давлат бошқарув органларининг фаолияти ва бошқарув усули сифатида;
- б) давлат бошқарув шакли сифатида;
- с) давлат бошқарув органларининг фаолияти сифатида;
- д) давлат бошқарувининг шакли ва маъмурий жавобгарлик сифатида.

**46. Маъмурий ушлаб туриш:**

- а) эҳтиёт чораси;
- б) маъмурий жазо чораси;
- с) огохлантирув ва эҳтиёт чораси;
- д) эҳтиёт ва маъмурий жазо чораси.

**47. Маъмурий жазо чораларининг турлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- а) жарима, хукуқбузарлик қуролини пул тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш, маъмурий қамоқ, ахлоқ тузатиш ишлари;
- б) жарима, хукуқбузарлик қуролини пул тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш, озодликдан маҳрум қилиш, маъмурий қамоқ;
- с) жарима, хукуқбузарлик қуролини пул тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш, ўлим жазоси, маъмурий қамоқ;
- д) маъмурий жарима, хукуқбузарлик қуролини пул тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш, маҳсус хукуқдан маҳум қилиш, маъмурий қамоқ.

**48. Маъмурий хукуқбузарликни истисно қилувчи ҳолатлар:**

- а) зарурий мудофаа;
- б) охирги зарурат;
- с) акли норасолик;
- д) барча жавоблар тўғри.

**49. Маъмурий қамоқ жазосини қайси орган қўллаши мумкин?**

- а) суд органлари, ҳарбий комендант;
- б) ички ишлар органи бошлиги;
- с) хукуқбузарлик ишини кўриб чиқувчи ҳар қандай орган;
- д) прокуратура органлари ва суд.

**50. Фавқулодда ҳолат тартиби шароитида маъмурий қамоқ жазоси қайси орган томонидан кўлланилади?**

- a) суд, харбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан;
- b) ички ишлар органи бошлиғи томонидан;
- c) ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чикувчи хар қандай орган томонидан;
- d) a) ва c) жавоблар тўғри.

**51. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши:**

- a) ҳуқуқбузарликни енгиллаштирувчи ҳолат;
- b) ҳуқуқбузарликни оғирлаштирувчи ҳолат;
- c) ҳуқуқбузарликдан озод этувчи ҳолат;
- d) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

**52. Давлат бошқарувининг ҳуқукий шакллари:**

- a) бошқарув актларини чиқариш;
- b) маъмурий шартномалар тузиш;
- c) қонунда белгиланган бошқа юридик аҳамиятли ҳаракатларни содир этиш;
- d) барча жавоблар тўғри.

**53. Давлат бошқарувида конунийликни таъминлаш усуслари:**

- a) контролъ;
- b) назорат;
- c) шикоят бериш;
- d) хамма жавоб тўғри.

**54. Давлат хизматида лавозимлар (мансаблар) қандай тартибда тўлдирилади?**

- a) тайинлаш орқали;
- b) танлов (конкурс) орқали;
- c) сайлаш орқали;
- d) барча жавоблар тўғри.

**55. Давлат хизматчиларини қандай жавобгарликка тортиш мумкин:**

- a) интизомий;
- b) маъмурий;
- c) жиноий;
- d) барча жавоблар тўғри.

**56. Давлат хизматчиларининг турлари:**

- a) раҳбарлар
- b) мутахассислар
- c) техник ходимлар
- d) барча жавоблар тўғри.

**57. Давлат хизмати қайси хуқуқ соҳалари билан тартибга солинади?**

- a) конституциявий хуқуқ;
- b) меҳнат хуқуқи;
- c) маъмурий хуқуқ;
- d) ҳамма жавоблар тўғри.

**58. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги булмаган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги фуқароларнинг бурчидан қайси бири тадбиқ қилинмайди?**

- a) Ватани ҳимоя қилиш;
- b) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;
- c) атроф-табиий мухитни авайлаб-асраш;
- d) тарихий ва маданий обидаларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

**59. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий-хуқуқий ҳолати нима билан белгиланади?**

- a) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан;
- b) ҳалқаро шартномалар билан;
- c) икки давлат ўртасида тузилган шартномалар билан;
- d) ҳамма жавоблар тўғри.

**60. Фуқароларнинг маъмурий-хукуқий ҳолати тушунчаси қайси жавобда берилган?**

- a) фуқаролар хукуклари, эркинликлари ва мажбуриятларининг йифиндиси;
- b) фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги хукуклари, эркинликлари ва мажбуриятларининг йифиндиси;
- c) фуқароларнинг қонунчилик соҳасидаги хукук мажбуриятлари;
- d) фуқароларнинг ташки фаолият соҳасидаги хукук ва мажбуриятлари.

**61. Давлат бошқарувини амалга оширишнинг нохукуқий шакллари:**

- a) моддий-техник тадбиrlар, ташкилий тадбиrlар ўтказиш;
- b) меъерий ва индивидул актлар чиқариш;
- c) маъмурий шартномалар тузиш;
- d) норматив актлар чиқариш.

**62. Маъмурий ҳукуқнинг тартибга солиши -**

- a) давлат-хокимият кўrsатмаси, мажбураш.
- b) зўрлаш;
- c) тенглик;
- d) ихтиёрийлик ва тенглик.

**63. Маъмурий жавобгарликнинг субъекти тушунчаси қайси жавобда тўлиқ кўrsатилган?**

- a) маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган барча шахслар;
- b) маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган юридик ва жисмоний шахслар;
- c) маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган ақли расо 16 ёшга тўлган жисмоний шахслар.
- d) маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган юридик шахслар.

**64. Маъмурий-хукуқий муносабатлар.... мувофиқ жавобни танланг:**

- a) ўз-ўзидан вужудга келади;
- b) юридик фактлар асосида юзага келади;
- c) субъектларнинг юриш-туришини тартибга солади;
- d) давлат бошқарув органлари томонидан ўрнатилади.

**65. Қуйидаги варианлардан нотұғри жағобни анықланғ:**

- a)** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маъмурый-хуқуқий муносабат субъектлари хисобланадилар;
- b)** хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида мулкдор бўлиш хуқуқига эга эмаслар;
- c)** маъмурый-хуқуқий муносабатлар юридик фактлар асосида вужудга келади;
- d)** давлат бошқаруви мураккаб ҳаракатчан тизимга эга бўлиб, унинг ҳар бир элементи ижтимоий ҳаётни тартибга солишга ўз таъсирини кўрсатади.

**66. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг мурожаатлари:**

- a)** буйруқ, қарор, шикоятдан иборат;
- b)** ариза, таклиф, баённомадан иборат;
- c)** ариза, таклиф шикоятдан иборат;
- d)** қарор, фармон, аризадан иборат.

**67. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қандай ҳолларда тұхтатилади?**

- a)** ватанга хиёнат қилиш натижасида;
- b)** ўта оғир жиноят содир қилиш натижасида;
- c)** Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида;
- d)** бошқа давлатда бир йил мобайнида яшаш оқибатида.

**68. Фуқароларнинг қандай мурожаатлари кўриб чиқилмайди?**

- a)** аноним тарзда берилган мурожаатлар;
- b)** нотұғри манзилга йўлланган мурожаатлар;
- c)** жиной жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги мурожаатлар;
- d)** юкори турувчи органга йўлланган мурожаатлар.

**69. Қуйидаги варианлардан тўғри жағобни анықланғ:**

- a)** фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун муддатлар белгиланмайди;
- b)** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижий давлатда ҳарбий хизматни ўташ хуқуқига эгадирлар;

**с) Қоракалпогистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси фуқароси хисобланмайдилар;**

**д) Ўзбекистон Республикаси худудида яшаб тургани холда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб хисобланади.**

**70. Била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар....**

**а) мурожаатни қабул килиб олган мансабдор шахс томонидан тўланади;**

**б) мурожаат қилган шахсдан суднинг қарорига биноан ундириб олинади;**

**с) мазкур холат конунчиликда ўзининг ифодасини топмаган;**

**д) ҳам мурожаатни қабул килиб олган мансабдор шахсдан, ҳам мурожаат қилган шахсдан суднинг қарорига биноан ундириб олинади.**

**71. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

**а) демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат;**

**б) бағрикенглик, коллегиаллик;**

**с) байналмилаллик, тенглик, дўстлик;**

**д) коллегиалллик, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, демократизм.**

**72. Ўзбекистон Республикасида маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тутагтиш, шунингдек, унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш.....**

**а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан амалга оширилади;**

**б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ва Президентининг ваколати хисобланади;**

**с) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади;**

**д) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустакил ваколати хисобланади.**

**73. Ўзбекистон Республикаси Президенти..... мувофиқ варианти топинг:**

- a) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин;
- b) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;
- c) бетоблиги муносабати билан ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли ҳисобланади;
- d) фақат уруш ҳолатидагина Олий бош Кўмондон ҳисобланади.

**74. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини.... ташкил этади:**

- a) муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари йигиндиси;
- b) ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни;
- c) ҳуқуқий муносабат обьекти ва субъекти;
- d) давлат органларининг ваколатлари мазмуни.

**75. Кўйидаги вариантлардан қайси бирида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг принципларидан бири тўғри кўрсатилган?**

- a) яккабошлиқ принципи;
- b) Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш принципи;
- c) марказлашганлик принципи;
- d) одиллик принципи.

**76. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ким томонидан тасдиқланади?**

- a) Бош вазирнинг тақдимига биноан Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати томонидан;
- b) Бош вазирнинг тақдимига биноан Вазирлар Маҳкамасининг Девони томонидан;
- c) Бош вазирнинг тақдимига биноан Президент томонидан;
- d) Президентнинг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан.

**77. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар.....**

**a) факат ҳокимлик аппарати ходимлари учун мажбурий ҳисобланади;**

**b) факат маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари учун мажбурий ҳисобланади;**

**c) вилоят, туман, шаҳар худудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади;**

**d) вилоят, туман, шаҳар худудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.**

**78. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари.....**

**a) Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан бекор қилинади;**

**b) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бекор қилинади;**

**c) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади;**

**d) Тегишли вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари томонидан бекор қилинади.**

**79. Ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига зид, прокурор протест билдирган қарорлари ким томонидан қайта кўриб чиқилади?**

**a) шу ҳокимнинг ўзи томонидан;**

**b) юқори турувчи ҳоким томонидан;**

**c) Вазирлар Маҳкамаси ва заруратга қараб Президент томонидан;**

**d) барча жавоблар тўғри.**

**80. Ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ҳукумат хужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид келадиган хужжатлари ким томонидан тўхтатилиди ва бекор қилинади?**

- a) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;
- b) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президенти томонидан;
- c) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан;
- d) судлар томонидан.

**81. ....- жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсизламайдиган ўзини ўзи бошқарши институтидир. Мазкур таърифга мос вариантни топинг.**

- a) давлат бошқарув органи;
- b) нодавлат нотижорат ташкилоти;
- c) хусусий корхона;
- d) масъулияти чекланган жамият.

**82. Жамоат бирлашмаси қайси орган томонидан рўйхатга олинади?**

- a) солик органлари томонидан;
- b) молия органлари томонидан;
- c) Адлия вазирлиги томонидан;
- d) Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

**83. Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиши, фан, маданият, экология ва хаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқарши учун бирлашган фуқароларнинг хоҳии-ирадаларини эркин билдиришилари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма..... Мазкур таърифга мос вариантни топинг.**

- a) давлат бошқарув органи;
- b) хусусий корхона;

- c) жамоат бирлашмаси;
- d) масъулияти чекланган жамият.

**84. Қуйнадаги вариантлардан нотұғри жавобни топинг:**

- a) диний характерга эга партияларни тузишга фақат қонунда назарда тутилған ҳоллардагина йўл кўйилади;
- b) ҳарбийлаштирилған жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар ташкил этиш тақиқланади;
- c) сиёсий партиялардан ташқари жамоат бирлашмаларининг уставида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бирлашмага аъзо бўлишлари кўзда тутилиши мумкин;
- d) давлат жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ улар ўз уставларидаги вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароит яратилишига кафолат беради.

**85. .....кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ношилаб чиқариш соҳаларидағи фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларини ҳамда манбаатларини ҳимоя қилиши учун муштарак манбаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.**  
Мазкур таърифга мос вариантни топинг.

- a) касаба уюшмаси;
- b) нодавлат нотижорат ташкилоти;
- c) жамоат бирлашмаси;
- d) масъулияти чекланган жамият.

**86. Қанча муддат ўтгандан сўнг шахс маъмурий жазога тортилмаган хисобланади?**

- a) жазони ўтаб бўлгандан сунг 3 ой давомида ҳуқуқбузарлик содир этмаса;
- b) жазони ўтаб бўлгандан сунг 6 ой давомида ҳуқуқбузарлик содир этмаса;
- c) жазони ўтаб бўлгандан сунг 1 йил давомида ҳуқуқбузарлик содир этмаса;
- d) жазони ўтаб бўлгандан сунг 3 йил давомида ҳуқуқбузарлик содир этмаса.

**87. Маъмурий йул билан ушлаб туриш муддати:**

- a) 3 соат;
- b) 24 соат;
- c) 72 соат;
- d) 10 кун.

**88. Вояга етмаган шахсларнинг жавобгарлиги:**

- a) вояга етмаганлар маъмурий жавобгарликка тортилмайдилар;
- b) вояга етмаганлар факат маъмурий жавобгарликка тортиладилар;
- c) вояга етмаганларга маъмурий комиссиялар томонидан жавобгарликка тортиладилар;
- d) вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлик харакатлари учун вояга етмаганлар билан шугулланувчи комиссия тўғрисидаги низомда кўрсатилган маъмурий таъсир кўрсатиш чораси қўлланилади.

**89. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун ҳарбий хизматчиларнинг жавобгарлиги:**

- a) маъмурий жавобгарликка тортиладилар;
- b) маъмурий жавобгарликка тортилмайдилар;
- c) интизом уставига кўра жавобгарликка тортиладилар;
- d) маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортиладилар.

**90. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор хусусида неча кун ичida шикоят берилиши мумкин?**

- a) шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичida;
- b) шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб уч кун ичida;
- c) шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб беш кун ичida;
- d) шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб бир ой ичida.

**91. Ҳукуқбузар томонидан унга маъмурий жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб неча кун ичida жарима тўланиши лозим?**

- a) ўн кун;
- b) бир ҳафта;
- c) бир ой;
- d) ўн беш кун.

**92. Маъмурий жазо:**

- a) маъмурий жазо жавобгарлика тортиш чораси;
- b) ҳукуқбузарликларни олдини олиш чораси;
- c) маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган шахсни тарбиялаш чораси;
- d) барча жавоблар тўғри.

**93. Маъмурий-ҳукуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасида юзага келган низолар:**

- a) фақат суд томонидан ҳал қилинади;
- b) фақат юқори турувчи орган томонидан ҳал қилинади;
- c) суд ва юқори турувчи орган томонидан ҳал қилинади;
- d) низолашувчи томонларнинг келишувига асосан ҳал қилинади.

**94. Муайян шахсни махсус ҳукуқдан маҳрум этиш муддати:**

- a) 3 кундан 1 йилгача;
- b) 15 кундан 3 йилгача;
- c) 30 кундан 1 йилгача;
- d) 30 кундан 3 йилгача.

**95. Маъмурий жазони қўлланиш муддати:**

- a) ҳукуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечикитирмай;
- b) ҳукуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечикитирмай;
- c) ҳукуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб олти ойдан кечикитирмай;
- d) ҳукуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб ўн кундан кечикитирмай.

**96. Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қачон қабул қилинган?**

- a) 1994 йил 22 сентябрда;
- b) 1995 йил 1 апрелда;
- c) 1996 йил 22 апрелда;
- d) 1993 йил 29 майда.

**97. Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қачондан кучга киритилган?**

- a) 1995 йил 1 апрелдан;
- b) 1994 йил 22 сентябрдан;
- c) 1996 йил 11 ноябрдан;
- d) 2000 йил 1 сентябрдан.

**98. Маъмурий қамоққа олиш қанча муддатга қўлланилади?**

- a) бир соатдан уч соатгача;
- b) уч суткадан ўн беш суткагача;
- c) 24 соатгача;
- d) 72 соатгача.

**99. Қайси шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш жазоси қўлланилмайди?**

- a) хомиладор аёллар ва уч ёшгача боласи бўлган аёлларга нисбатан;
- b) факат 14 ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган аёлларга нисбатан;
- c) йигирма ёшга тулмаган шахсларга нисбатан;
- d) барча жавоблар тўғри.

**100. Давлат бошқарувида контролъ ва назорат:**

- a) бошқарувни олиб бориш шакли;
- b) бошқарувни усули;
- c) давлат бошқарувида конунийлик ва интизомни таъминлаш усули;
- d) назоратни таъминлаш усули.

**101. Давлат органлари.....**

- a) давлат функцияларини амалга оширадиган ва ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат механизмининг бўғинидир;
- b) турли муносабатларда давлат номидан харакат қилувчи хизматчилардан иборат бўлади;
- c) давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга ошириш учун маълум бир шакл ва усуллардан фойдаланади;
- d) барча жавоблар тўғри.

**102. Мамлакатимизда қайси давлат органи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳисобланади?**

- a) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- b) Ўзбекистон Республикаси Президенти;
- c) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- d) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.

**103. Куйидаги жавоблардан маъмурий-хуқуқий тартибга солишининг фуқаролик-хуқуқий тартибга солишдан фарқлантирувчи хусусиятни топинг:**

- a) маъмурий-хуқуқий муносабат иштирокчиларининг тенглиги;
- b) томонлар хуқуқ ва мажбуриятларини шартномавий тартибда белгилаб қўйилиши;
- c) бузилган хукукларни суд тартибida химоя қилиш;
- d) субъектларнинг юридик жиҳатдан нотенглиги.

**104. Куйидаги хуқуқий актларнинг қайси бири маъмурий хуқуқнинг манбалари ҳисобланади: 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари; 2) вакиллик органларининг қарорлари; 3) суд органларининг актлари; 4) ижро хокимияти органларининг қарорлари?**

- a) 1), 4);
- b) 1), 2), 3), 4);
- c) 1), 2), 4);
- d) 1), 3), 4).

**105. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг маъмурий-хуқуқий лаёқати бу - ....?**

- a) мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан маъмурий тартибда шикоят қилиш хуқуқидир;
- b) давлат бошқаруви соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятларни ўз хатти-ҳаракатлари орқали амалга оширишидир;
- c) маъмурий хукуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилишидир;
- d) давлат бошқарувида хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишидир.

**106. Куйидаги таърифга мос варианти аниқланг: бу аниқ бир субъектнинг (фуқаро, давлат органи, давлат хизматчилиси, мансабдор шахс, нодавлат тузилмалари ва ҳ.к.лар) қонунчилик билан ўрнатилган ва давлат томонидан кафолатланган ҳамда турли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш имкониятидир”.**

- a) маъмурий ҳуқуқий лаёқат;
- b) маъмурий муомала лаёқати;
- c) маъмурий жавобгарликка тортилиш;
- d) 16 ёшга тўлиш.

**107. Маъмурий ҳуқуқнинг умумий ва маҳсус қисмга бўлининиши уннинг қайси элементига мос келади?**

- a) тизимиға;
- b) предметига;
- c) тартибга солиш усулига;
- d) манбаларига.

**108. Айнан қайси вақтдан бошлаб корхона, муассаса ва ташкилотларнинг юридик шахс сифатидаги маъмурий ҳуқуқий лаёқати вужудга келади?**

- a) уни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан;
- b) давлат рўйхатидан ўтган вақтдан;
- c) устав ёки низомни тасдиқланган вақтдан;
- d) рўйхатдан ўтиш учун тегишли хужжатларни тақдим қилинган вақтдан.

**109. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи маҳсус қисми нормалари қайси усуллар (йўллар) ёрдамида амалга оширилади?**

- a) амал қилиш ва тадбиқ этиш;
- b) ижро этиш;
- c) фойдаланиш;
- d) амал қилиш.

**110. Куйидаги тасниф қайси тушунчага мос келади: 1) фойдаланиш; 2) ижро этиш; амал қилиш; тадбиқ этиш.**

- a) маъмурий ҳуқуқнинг принциплари;
- b) маъмурий ҳуқуқнинг усуллари;

- c) маъмурий ҳуқукнинг манбалари;
- d) маъмурий ҳуқук нормаларини амалга оширишнинг шакллари.

**111. Қуйидаги вариантлардан маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятларидан бирини аниқланг:**

- a) маъмурий-ҳуқуқий нормалар бузилган тақдирда ҳуқуқбузар шахс давлат олдида жавобгар бўлади;
- b) субъектлар ўртасидаги низолар фақат маъмурий тартибда ҳал этилади;
- c) муносабатнинг ҳар икки тарафида ижро ҳокимияти органи иштирок этади;
- d) уларда ҳокимий муносабатлар мавжуд бўлмайди.

**112. Қуйидаги хусусиятлар учун мувофиқ жавобни топинг: 1) бошқарув аппаратининг мавжудлиги; 2) бошқарув, яъни маъмурий фаолиятни амалга ошириш; 3) ижро этиш-тақсимлаш ваколатларига эга бўлиш.**

- a) корхона, муассасалар;
- b) давлат органи;
- c) маъмурий ҳуқук;
- d) маъмурий муносабатлар.

**113. Қуйидаги муносабатларнинг қайси бири маъмурий ҳуқуқнинг предмети бўлади: 1) корхона ва ташкилотлар маъмуриятининг ходимларга нисбатан бошқарув фаолияти; 2) прокуратура ва суд органлари аппаратларининг ички фаолияти; 3) судларда маъмурий ҳуқуқбузарликларга онд ишларнинг кўрилиши.**

- a) 1.
- b) 1,2,3.
- c) 2,3.
- d) 1,3.

**114. Қуйидаги органлардан қайси бири умуммажбурий ваколатга эга ҳисобланади: 1) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати; 2) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари; 3) Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари; 4) махаллий давлат ҳокимияти органлари.**

- a) 1,4.

- b) 1,2,3,4.
- c) 2,3.
- d) 1,2,3.

**115. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан хорижий фуқароларнинг маъмурий-хуқуқий мақомидаги фарқ шундан иборатки, хорижий фуқаролар:**

- a) давлат мансабларини эгаллай олмайдилар;
- b) маъмурий жавобгарликка тортилмайдилар;
- c) судга шикоят килиш хуқуқига эга эмаслар;
- d) муайян имтиёзлар эга ҳисобланадилар.

**116. Маъмурий-хуқуқий норманинг қайси қисмида хуқуқ тармоғи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг хуқуқлари, мажбуриятлари, хатти-харакатлари доираси кўрсатиб ўтилади?**

- a) диспозиция;
- b) гипотеза;
- c) санкция;
- d) преамбула.

**117. Маъмурий-хуқуқий норманинг қайси қисми хуқуқий меъёрнинг харакатга келишини ва унинг диспозицияси қандай шароитларда амалга оширилишини, шунингдек, ҳаётий шароит ва мавжуд ҳолатларни белгилаб беради?**

- a) диспозиция;
- b) гипотеза;
- c) санкция;
- d) преамбула.

# ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

## 1. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иктисад, сиёсат, мағкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждаох каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмок керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараккиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлик. Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг хукуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 174 б.
18. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.
19. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 280 б.

## **2. Норматив-хукуқий хужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХII-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан биргаликда.
3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустакиллиги асослари тўғрисида 1991 йил 31 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси, 1991. - №9-12. – 268-м.
4. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 1992 йил 2 июл Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1992. - №9. – 338-м
5. “Касаба уюшмалари, уларнинг хукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июл Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1992. - №9. – 344-модда.
6. “Давлат санитария назорати тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июл Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1992, - №9. – 355-м.
7. “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993. - №1. – 33-м.

8. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрь Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993. - №1. – 38-м.
9. “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993. - №5. – 232-м.
10. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993. - №9. – 320-м.
11. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрел Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996. - №5-6. – 61-м.
12. “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996. - №9. – 128-м.
13. “Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсий фаолиятининг асосий тамоиллари тўғрисида” 1996 йил 26 декабр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997. №2. – 35-м.
14. “Сиёсий партиялар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997. - №2. – 36-м.
15. “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997. - №9. – 225-м.
16. “Давлат божхона хизмати тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997. - №9. – 230-м.
17. “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997. - №9. – 232-м.
18. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999. - №1. – 8-м.
19. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрел Қонуни //

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999.  
№5. – 110-м.

20. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрел Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999. - №5. – 115-м.

21. “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999. - №9. – 215-м.

22. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида” 1999 йил 20 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999. - №9. – 217-м.

23. “Норматив-хукукий ҳужжатлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001. - №1-2. - 8-м.

24. “Судлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001. - №1-2. – 10-м.

25. “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001. - №1-2. – 15-м.

26. “Курилиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001. - №1-2. – 21-м.

27. “Мудофаа тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 май Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001. - №5. – 80-м.

28. “Прокуратура тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001. - №9-10. – 168-м.

29. “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2002. №12. – 217-м.

30. “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003. - №1. – 7-м.

31. “Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида” 2003 йил 25 апрел Қонуни //

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003.  
№3-4. – 34-м.

32. “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида” 2003 йил 25 апрел Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003. - №5. – 65-м.

33. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” 2003 йил 28 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003. - №9-10. – 138-м.

34. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003. - №9-10. – 141-м.

35. “Фуқаролар йигини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрел Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2004. - №5. – 78-м.

36. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январ Қонуни // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2007. - №1-2. – 2-м.

37. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация килишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрель Қонуни // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2007. - №15. – 151-м.

38. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 2010 йил 28 август Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами”, 2010 йил. – 39-сон. – 341-модда.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 9 декабр Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2003. - №23. – 229-модда.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 22 декабр Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2003. - №24. – 236-модда.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари

мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида”ги 2005 йил 2 апрел Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005. - №14. – 100-модда.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислоҳотларини чуқурлашириш ва иқтисодиётни янада эркинлашириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллашириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 14 июн Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005. - №23-24. – 166-модда.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллашириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 14 июн Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005. - №23-24. – 167-модда.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллашириш ва уни ноконуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” 2005 йил 15 июн Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005. №23-24. – 168-модда.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллашириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 5 октябр Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005. - №40. – 303-м.

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллашириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 17 апрель Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006. - №16. – 133-м.

47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги назорат инспекциялари тузилмасини тартибга солиш тўғрисида”ги 2000 йил 21 ноябр Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2000. - №9-10. – 144-модда.

48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви худудий органлари тузилмасини такомиллашириш тўғрисида” ги 2004 йил 5 январ Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004. - №1-2. – 11-модда.

49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 22 сентябр Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006. - №39. – 389-модда.

### **3. Асосий адабиётлар:**

1. Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1995.— 203 б.
2. Алимов Х.Р., Соловьев Л.И. и др. Административное право Республики Ўзбекистан. Учебник для юридических вузов. – Т.: Адолат, 1998. – 484 с.
3. Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. –367 б.
4. Эркин Ҳожиев, Тўлқин Ҳожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 – Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б.
5. Исаева Ф.Б. Давлат хизматини ўташ. Ўқув қўлланма. – Т., 2009. – 128 б.
6. Козлов Ю.М. Административное право: Учебное пособие. М.: Юристъ, 2003. – 318 с.
7. Кутыбаева Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан. Учебное пособие. – Н.: Каракалпакстан, 2001. – 148 с.
8. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / – Т Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 640 б.
9. Назаров К. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. —Т.: СамДУ, 2004. – 214 б.
10. Ли А.А., Билолхўжаева Ш.Б, Ҳожиев Э., Самиғжонов Ф. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув дастури. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 20 б.
11. Ли А., Ҳожиев Э. Административное право. Учебная программа.-Т.:ТДЮИ,2005.–20 с.
12. Ҳожиев Э., Самиғжонов Ф. Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқи. Услубий кўрсатма. –Т.: ТДЮИ, 2003. –36 б.
13. Ҳакимов F.T. Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг муаммолари. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 164 б.

14. Хамедов И. Административное право. Учебник. – Т.: УМЭД, 2004. – 234 с.
15. Ҳакимов Г Мамурий хукук (максус қисм). – Т.: ТДЮИ, 2005. – 331 б.
16. Ҳван Л.Б. Адвокат и производство по делам об административных правонарушениях в Республике Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 160 с.
17. Ҳожиев Э. Давлат хизмати. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2004. - 127 б.
18. Ҳожиев Э. Самигжонов Ф. Мамурий қонунчилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. - 219 б.
19. Ҳудойбердиева В., Ҳожиев Э. Мамурий хукук. Ўқув қўлланма.–Т.:ТДЮИ,2001.-98 б.

#### **4. Қўшимча адабиётлар:**

1. Адушкин Ю.С. Административная ответственность: некоторые итоги реформирования российского законодательства // Материалы международного симпозиума 10-11 сентября 2005 г. – Т.: ТГЮИ, 2005. – С. 134-163.
2. Бахромов Х. Мамурий мажбурлов // Ҳаёт ва қонун, 2005. – 1-сон. – Б. 32-37.
3. Бахромов Х., Селиманова С. Административная ответственность: обстоятельства, влияющие на назначение наказания. // Хукук. Право. Law, 2005. - №3. – С. 78-79.
4. Билолхўжаева Ш. Проблемы правовой регуляции государственной службы // Материалы международного симпозиума. 10-11 сентября 2005 г. – Т.: ТГЮИ, 2005. – С. 275—280.
5. Билолхўжаева Ш. Конституционные основы правового положения общественных организаций // Илмий-назарий анжуман материаллари. З декабря 2005. – Т.: ТДЮИ, 2005. – С. 313-321.
6. Бобоев Д. Мамурий йўл билан ушлаб туриш мамурий таъсир чораси сифатида // Хукук. Право. Law, 2005. - № 4. – Б. 82-87.
7. Буравлев Ю.М. Проблемы реформирования и управления системой государственной службы в России // Государство и право, 2003. - №7. – С.10-18
8. Йўлдошев А. Маҳаллий бошқарувда фуқароларнинг иштироки // Давлат ва хукуқ, 2004. -№2. – Б. 10-12.

9. Кутыбаева Е.Д. Приобретенные направления развития административно-правовой науки в Республике Узбекистан // Жукук. Право. Law, 2000. – 15 с.
10. Яценко И.С. Проблемы административной юстиции в Российской Федерации (организационно-правовые аспекты) // Сборник: Административное право РФ. – Великий Новгород, 1999. – С. 105-109.
11. Князев С.Д. Принципы административного права Российской Федерации: отраслевой формат и юридическое значение // ГиП, 2003. - №10. – С. 39-47.
12. Зеленцов А.Б. Административно-правовой спор (теоретико-методологические подходы к исследованию) // Правоведение, 2000. - №1. – С. 62-68.
13. Салищева Н.Г Административный процесс в СССР. – М., 1964. – 312 с.
14. Лунев А. Е. Вопросы административного процесса // Правоведение, 1962. - №2. – С. 40-46.
15. Хамедов И.А. К вопросу о концепции совершенствования государственного управления в Республике Узбекистан в рамках административной реформы // Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования. Материалы международного симпозиума 29-30 - сентября 2007 года. – Ташкент, 2008. – С. 106-123.
16. Ли А.А. Административная юстиция в Узбекистане: основные черты и перспективы развития // Материалы пятого научного симпозиума Ассоциации Административного права азиатских стран. – Нагоя (Япония), 23-25 ноября 2002 г. – С. 2-10.
17. Ли А.А. Административно-правовое регулирование в сфере разгосударствления и приватизации в Республике Узбекистан // Материалы пятого научного симпозиума Ассоциации Административного права азиатских стран. Нагоя (Япония), 23-25 ноября 2002 г. – С. 11-19.
18. Ли А.А. К вопросу об Административно-процессуальном Кодексе Республики Узбекистан // Материалы международной конференции. – Т.: ТГЮИ, 2004. – С.113-127.
19. Ли А.А. Современное состояние административного законодательства Республики Узбекистан и тенденции его развития // Материалы международного симпозиума 10-11 сентября 2005 г. – С.119-134.

20. Охотский Е.В. Правовой статус государственного служащего Российской Федерации // Государство и право, 2003. -№9. С.17-26.
21. Сайджонов А. Ҳокимлик институти ва ижро ҳокимияти // Ҳаёт ва қонун, 2005. - №2. – Б. 58-59.
22. Хазанов С.Д. Правовое регулирование административных процедур в российском законодательстве: состояние и перспективы // Материалы международного симпозиума 10-11 сентября 2005 г. – С. 86-103
23. Хван Л.Б. Административная ответственность в налоговых правоотношениях: проблема правоприменения и перспективы развития законодательства в Республике Узбекистан // Материалы международного симпозиума 10-11 сентября 2005 г. – С. 176-201.
24. Ҳожиев Э. Ижтимоий бошқарув моҳияти ва ўзига хос ҳусусиятлари // Илмий-анжуман материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б.72-76.
25. Ҳожиев Э. Давлат бошқаруви // Ҳаёт ва қонун, 2005. - №2. – Б. 22-25.
26. Ҳожиев Э. Конституция ва Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳудудий тузилиши // Илмий-оммабоп рисола. – Т.:ТДЮИ, 2005. – 24 б.
27. Ҳожиев Э. Маъмурий ҳуқуқда жавобгарлик // Қонун ҳимоясида, 1999. - №9. – Б. 15-19.
28. Ҳожиев Э. Маъмурий жавобгарлик // Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 150 б.
29. Ҳожиев Э. Давлат бошқаруви. Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДЮИ, 2006.—288 б.
30. Ҳакимов F.T. Германияда маъмурий юстиция // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2005. - №6. – Б. 73-74.
31. Ҳакимов F.T. Ўзбекистонда маъмурий юстиция: ташкил этилиши ва ривожланиши муаммолари // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2006. - №3. – Б. 68-71.
32. Ҳакимов F.T. Давлат бошқарувини амалга оширишда суд контроллининг аҳамияти // Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янгича асосларда шакллантириш. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 226-230.
33. Ҳакимов F.T. Фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида маъмурий юстиция // Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт.

Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 211-214.

34. Хакимов F.T. Маъмурий юстиция, маъмурий судлов // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2007. - №2. – Б. 49-51.

35. Хакимов F.T. Францияда маъмурий юстиция // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2007. - №4. – Б. 56-58.

36. Хакимов F.T. Маъмурий юстициянинг мақсади, вазифалари ва функциялари // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2007. - №6. – Б. 50-53.

37. Хакимов F.T. Маъмурий юстициянинг принциплари // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2008. - №1. – Б. 21-24.

38. Хакимов F.T. Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий юстициянинг тутган ўрни: назарий-ҳуқуқий масалалар // Давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммолари. Илмий-назарий конференция материаллари. 1-тўплам. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 224-230.

39. Хакимов F.T. Англияда маъмурий юстиция // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2008. - №3. – Б. 43-45.

40. Хакимов F.T. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий юстициянинг тутган ўрни // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2008. - №5. – Б.133-135.

41. Хакимов F.T. Ўзбекистон Республикасида маъмурий юстиция тадбиркорлар конституциявий ҳуқуқларининг кафолати сифатида // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2008. - №6. – Б. 84-87.

# МУНДАРИЖА

<b>СЎЗБОШИ</b> .....	3
<b>МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ЎҚУВ КУРСИФА КИРИШ</b> .....	5
<b>1 БОБ. БОШҚАРУВ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ. ИЖРО ҲОКИМИЯТИ</b> .....	5
1. Бошқарув тушунчаси ва турлари .....	5
2. Ижтимоий бошқарув .....	6
3. Давлат бошқаруви .....	8
4. Ижро ҳокимияти ва давлат бошқаруви .....	20
<b>УМУМИЙ ҚИСМ.</b> <b>МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ИНСТИТУЛари</b> .....	23
<b>2 БОБ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ – ҲУҚУҚ ТАРМОФИ, ФАН ВА ҮҚУВ КУРСИ СИФАТИДА</b> .....	23
1. Маъмурий ҳуқук тушунчаси, мазмуни ва предмети .....	23
2. Маъмурий ҳуқукнинг тартибга солиш усуллари .....	25
3. Маъмурий ҳуқукнинг функция ва принциплари .....	26
4. Маъмурий ҳуқукнинг субъектлари тушунчаси ва тизими .....	30
5. Ўзбекистон Республикаси ҳуқук тизимида маъмурий ҳуқукнинг тутган ўрни .....	35
6. Маъмурий ҳуқук тизими .....	37
7. Маъмурий ҳуқук фан сифатида: тушунчаси, предмети, вазифалари ва методологияси .....	39
8. Маъмурий ҳуқук ўкув курси сифатида .....	40
9. Маъмурий ҳуқукнинг манбалари: тушунчаси, турлари ва шакллари .....	42
<b>3 БОБ. МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР</b> .....	46
1. Маъмурий-ҳуқукий нормаларнинг тушунчаси ва хусусиятлари .....	46
2. Маъмурий-ҳуқукий нормаларнинг тузилиши .....	47
3. Маъмурий-ҳуқукий нормаларнинг турлари .....	47
4. Маъмурий-ҳуқукий нормаларни амалга ошириш ва уларнинг ҳаракати .....	49
<b>4 БОБ. МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР</b> .....	51
1. Маъмурий-ҳуқукий муносабатларнинг тушунчаси ва хусусиятлари .....	51
2. Маъмурий-ҳуқукий муносабатларнинг таркиби .....	52

3. Маъмурий хуқуқда юридик фактлар .....	53
4. Маъмурий-хукукий муносабатларнинг турлари .....	55

<b>5 БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА .....</b>	<b>60</b>
1. Ўзбекистон Республикасининг фукаролиги .....	60
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маъмурий-хукукий макомининг асослари. Фукароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги хуқук ва мажбуриятлари.....	62
3. Хорижий фукаролар ва фукаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий-хукукий макоми .....	66
4. Фукаролар хуқук ва эркинликларининг маъмурий-хукукий кафолатлари .....	68
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуклари бўйича Вакили (Омбудсман) .....	71
6. Фукароларнинг мурожаатлари.....	73

<b>6 БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА .....</b>	<b>77</b>
1. Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчаси ва функциялари .....	77

<b>7 БОБ. ТАШКИЛОТ, КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР МАЪМУРИЙ ХУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА .....</b>	<b>83</b>
1. Ташкилотлар .....	83
2. Корхона ва муассасаларнинг хукукий макоми.....	86

<b>8 БОБ. МАЪМУРИЙ ХУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ .....</b>	<b>90</b>
1. Нодавлат нотижорат ташкилотлари .....	90
2. Жамоат бирлашмалари .....	93
3. Жамоат фондлари.....	97
4. Сиёсий партиялар.....	99
5. Касаба уюшмалари .....	101

<b>9 БОБ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА .....</b>	<b>107</b>
1. Давлат органлари тушунчаси ва уларнинг хукукий макоми.....	107
2. Ижро ҳокимияти органлари тушунчаси ва уларнинг хукукий макоми.....	108

3. Ижро ҳокимияти органлари тизимини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари .....	112
4. Ижро ҳокимияти органларининг турлари.....	115
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси .....	119
6. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари .....	122
7. Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари .....	125
8. Ўзбекистон Республикаси агентликлари .....	128
9. Ўзбекистон Республикаси давлат инспекциялари .....	130
10. Ўзбекистон Республикаси хўжалик бошкарув органлари.....	136

**10 БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ  
ПРЕЗИДЕНТИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ  
СИФАТИДА .....** 137

**11 БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ  
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА .....** 141

<b>12 БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ .....</b>	147
1. Давлат хизматининг ҳукукий асослари .....	147
2. Давлат хизматининг тушунчаси ва мазмуни .....	147
3. Давлат хизматининг принциплари .....	148
4. Давлат хизматининг максади, вазифа ва функциялари .....	152
5. Давлат хизматчилари .....	156
6. Давлат хизматчиларининг ҳукукий мақоми ва улар учун ўрнатилган кафолатлар .....	158
7. Давлат хизматчиларига қўйиладиган этик талаблар, чекловлар ва такиллар.....	167
8. Давлат хизматчиларининг таснифи.....	169
9. Давлат хизматини ўташ .....	172
10. Давлат хизматчиларини аттестациядан ўtkазиш .....	176
11. Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги .....	178

**13 БОБ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИННИНГ МАЪМУРИЙ-  
ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ: ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ,  
ТАСНИФИ .....** 181

1. Бошқарувнинг маъмурий-ҳукукий шакллари .....	181
2. Бошқарув маъмурий-ҳукукий шаклларининг таснифи.....	184
3. Бошқарувнинг ҳукукий актлари: юридик табиати ва хусусиятлари.....	187
4. Бошқарув ҳукукий актларининг таснифи .....	191
5. Норматив-ҳукукий хужжатлар.....	198
6. Бошқарув ҳукукий актларига қўйиладиган талаблар .....	202

7. Норматив-хукуқий хужожатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш .....	204
8. Бошқарув хукуқий актларининг ҳаракати .....	211
9. Маъмурий-хукуқий шартномалар .....	213
<b>14 БОБ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИННИГ МАЪМУРИЙ-ХУКУҚИЙ УСУЛЛАРИ .....</b>	<b>215</b>
1. Бошқарувнинг маъмурий-хукуқий усуллари .....	215
2. Бошқарувнинг маъмурий-ишонтириш усуллари .....	221
3. Маъмурий-хукуқий мажбурлов: тушунчаси, мазмуни ва хусусиятлари .....	224
4. Маъмурий мажбурлов чоралари .....	226
<b>15 БОБ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК .....</b>	<b>229</b>
1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва юридик хусусиятлари .....	229
2. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби .....	230
3. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти .....	230
4. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони .....	232
5. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти .....	235
6. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони .....	237
<b>16 БОБ. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК .....</b>	<b>241</b>
1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун хужожатлари ва уларнинг принциплари .....	241
2. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси, хусусиятлари, принциплари ва асослари .....	245
3. Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги .....	249
4. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси .....	253
5. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги .....	266
6. Ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошка шахсларнинг жавобгарлиги .....	267
<b>17 БОБ. МАЪМУРИЙ ЖАЗО .....</b>	<b>268</b>
1. Маъмурий жазо чоралари: тушунчаси ва максади .....	268
2. Маъмурий жарима .....	271
3. Ҳакини тўлаш шарти билан олиб қўйиш .....	273
4. Мусодара қилиш .....	274
5. Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш .....	276
6. Маъмурий камокқа олиш .....	278
7. Маъмурий жазонинг қўлланиши .....	279

<b>18 БОБ. МАЪМУРИЙ ПРОЦЕСС .....</b>	281
1. Маъмурий процесс: тушунчаси, мазмуни, хусусиятлари ва турлари.....	281
2. Маъмурий иш юритиш (процедуравий процесс) процесси: тушунчаси, турлари ва хусусиятлари.....	285
3. Маъмурий-юрисдикциявий процесс: тушунчаси, турлари ва хусусиятлари.....	286
<b>19 БОБ. МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯ .....</b>	289
1. Маъмурий юстиция: тушунчаси, хусусиятлари максади, вазифалари ва функциялари .....	289
2. Маъмурий юстициянинг предмети сифатида маъмурий-хукукий низолар .....	298
<b>20 БОБ. МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШ ЙУРИТИШ .....</b>	299
1. Маъмурий хукукбузарликлар бўйича иш юритишнинг вазифалари ва умумий коидалари .....	299
2. Маъмурий хукукбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чикишга ваколати бўлган органлар (мансадбор шахслар) .....	304
3. Маъмурий хукукбузарликлар тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар .....	306
4. Маъмурий хукукбузарлик тўғрисидаги баённома .....	311
5. Маъмурий хукукбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари .....	313
6. Маъмурий хукукбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чикиш .....	319
7. Маъмурий хукукбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чикарилган карор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш .....	321
<b>21 БОБ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ .....</b>	324
1. Давлат бошқарувида конунийлик тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари .....	324
2. Давлат бошқарувида конунийликни таъминлаш кафолатлари ва усуллари .....	326
3. Давлат бошқарувида контрол .....	328
4. Президент контроли .....	329
5. Қонунчилик ҳокимияти органларининг контроли .....	330
6. Ижро ҳокимияти органларининг контроли .....	331
7. Суд органларининг контроли .....	341
8. Давлат бошқарувида назорат .....	344

8.1.Хұжалик юритувчи субъектлар фаолиятini давлат томонидан назорат килиш .....	344
8.2.Прокурор назорати.....	350
<b>ТЕСТЛАР .....</b>	<b>362</b>
<b>ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР .....</b>	<b>390</b>

**Э.Т. Хожиев, Ф.Т. Ҳакимов**

# **МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ**

Муҳаррир: *F.Ҳакимов*

Техник муҳаррир: *A.Боймаматов*

Компьютерда саҳифаловчи: *T.Аширов*

Босишга рухсат этилди: 11.01.2011.

Ҳажми: 25,4 б.т. Адади: 350. Буюртма: № 690.

ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ 35.

